



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

8 ЖИЛД

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

8 жилд

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14

КБК: 84(5Ў)1

А 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов Қ. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

А 50

Б.Тўхлиев, Н.Комилов, Д.Юсупова, К.Муллахўжаева, З.Мамадалиева;

Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари. Ўн жилдлик, 8-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. – 250 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов Н.М.,
Муҳиддинов М., Омонов Қ., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиқов Қ.,
Сирожиддинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.


Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг вазн кўрсаткичлари, луғат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8



© ТДШУ, 2020
© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар” кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида, жумладан, мана бундай деган эдилар:

“Буюк аجدодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламуларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”¹.

Бу таълимнинг барча босқиларида фаолият юритаётган мутахассислар зиммасига улкан вазифаларни юклайди.

Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” дебочасини шундай бошлайди: “Шукру сипос ул қодирғаким, чун адам осойиш-гоҳидин вужуд оройиши оғоҳлариға жилва берди, инсонни сойир маҳлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қилди. Рубоия:

Улким, чу жаҳон хилқатин оғоз этти,

Сунъи килкини нақшпардоз этти.

Инсон хайлин нутқ ила мумтоз этти,

Нутқ аҳлини назм ила сарафроз этти.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи – // <http://uza.uz/uz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-itiv-30-09-2020>

Бу ерда эътиборга молик бўлган жихатлар кўп. Хусусан,

- Ҳар нарсага қодир яратувчи олам нарсаларининг барчасини йўқдан бор қилди;
- Инсонни барча яралган махлуқотлардан ажратиб олди;
- Улардан фарқли бўлиши учун инсонга нутқ ато этилди;
- Мана шу нутқ аҳли учун яна алоҳида бир инъом – назм ҳам туҳфа қилинди.

Агар эътибор берилса, ушбу тасниф ва тавсифда инсонга ҳам, унинг нутқиға, хусусан, шеърятга мукаррамлик рутбаси берилмоқда. Бу бежиз эмас, зеро, инсонга берилган бу имтиёзларни рўёбга чиқариш, уни бошқаларга намоиш этиш учун яна мана шу инсоннинг ўзи масъул этилган. Албатта, бунда энди барча инсонлар эмас, балки уларнинг бир қисми, Алишер Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда, “назм гулистонининг хушнағма қушлари”, “азиз қавм” ва “шариф хайл” вакиллари – шоирлар кўзда тутилади².

Уларнинг булбули, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. Аммо Алишер Навоийни қанчалик таъриф ва тавсиф қилмайлик, у ҳақда қанчалик кўп гапирмайлик, бундан келаётган наф ва манфаатларнинг жуда салмоқли эмаслигини ҳам сезиб турибмиз. Назаримизда, бу борада биз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг янгича стратегиоялари ва тактикалари устида бош қотиришимиз ўринли кўринади. Ана шундагина мухтарам президентимиз томонидан қўйилган вазифа: “маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб бериш” вазифаси адо этилади.

Бу борадаги анча умидли ва ишончли қадамларнинг қўйилаётгани эътиборга молик. Эндиликда мутафаккир адибимиз асарларининг катта қисми замонавий тилимиздаги табдилига эга бўлиб бормоқда. Ҳамса дostonларининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдили билан нашр этилиши ижобий воқеа бўлган эди. Эндиликда кўплаб газета ва журналларимиздан

² Навоий Алишер. МАТ. Йигирма томлик. Махбуб ул-қутуб. Ўн тўртинчи том, Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент, Фан, 1998, 24-бет.

Алишер Навоийнинг ғазаллари ўзбек тилидаги насрий баён-лари ва илмий шарҳлари билан тарғиб этила бошланди. Аммо булар хали денгиздан томчи, холос.

Бундан анча олдин – 2009-2010-ўқув йилидан бошлаб устоз филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов бизнинг таклиф ва илтимосимиз билан мана шу ишга алоҳида урғу бериб дастлаб ўнта ғазални шарҳлаганларидан кейин, уларнинг сонини юзтага етказишни кўнгилларига туғиб қўйган ва бу ҳақида бизга ҳам билдириб қўйганларида қанчалик хурсанд бўлган эдик. Бевақт ўлим у кишини орамиздан олиб кетди ва мана шундай гўзал ва хайрли ташаббус чала қолди.

Устознинг илк таҳлил ва шарҳлари турли анжуманларда, маъруза, айрим газета ва журналларда алоҳида мақола шаклида ҳам, тўплам ва алоҳида китоб шаклида ҳам оммалашди.

Бу ташаббусни давом эттирган ҳолда “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларни шарҳлашга қарор қилдик. Бу ишда бизга навоийшунос олимларимиз Иброҳим Ҳаққулов, Дилором Салоҳий, Рашид Зоҳидов, Ҳусниддин Эшонқулов, Эргаш Очилов, Дурдона Зоҳидова, Назора Бекова, Каромат Муллаҳўжаева, Муқаддасхон Тожибоева, Сирдарё Ўтанова, Озода Тожибоева, Акрамжон Деҳқонов, София Жумаевалар яқиндан ёрдам беришди.

Ўрни келганида эътироф этиш жоизки, бу борада филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова, филология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори Олимжон Давлатов ҳамда филология фанлари номзоди Зухра Мамадалиевалар жуда катта фидойилик кўрсатишди. Уларнинг бу салмоқли меҳнатларини аслида ўзига хос чидам ва матонат сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Эътибор беринг, “Хазойин ул-маъоний” таркибида ғазалларнинг ўзигина тўрт марта 650 таданни ташкил этади. Бу 2600 та ғазал дегани. Бунга мазкур девонлар таркибидаги бошқа жанрлар: рубоий, қитъа, туюқ, фард, мухаммас, масаддас, соқийнома, маснавий, таркиббанд, таржеъбанд, муаммо ва

бошқа жанрлар кирмайди. Унга “Девони Фоний” ҳам кирмай турибди.

Мазкур шарҳлар китобининг ўзига хосликлари нималардан иборат?

1. Алишер Навоий ғазалларининг мазкур девондаги барча ғазаллари алоҳида изоҳ ва шарҳлар билан таъминланди.

2. Барча ғазалларнинг вазн кўрсаткичлари илова қилинди.

3. Ҳар бир ғазал учун алоҳида-алоҳида луғатлар тузилди.

4. Ҳар бир байтнинг ихчам насрий баёни берилди.

5. Ҳар бир ғазалнинг илмий-адабий шарҳи амалга оширилди.

Навоий асарлари, хусусан, ғазаллари мазмуни ва моҳиятини тўла тушуниш осонгина амалга ошириладиган юмуш эмаслигини кўпчилик билади.

1. Навоий ғазалларининг барчаси учун вазн кўрсаткичлари берилди. Уларнинг барчасида аруз вазни афойиллари, унинг схемалари ва номлари кўрсатиб ўтилди. Назаримизда бундай йўл ғазаллардан амалда фойдаланиш имконларини кенгайтиради. Бу, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитувчилари учун ҳам амалий ёрдам бўлади. Қолаверса, мамлакатимиздаги кўп сонли китобхонлар ҳам улардан мустақил тарзда фойдаланиш имконига эга бўлишади.

2. Ҳар бир ғазалдаги вазн кўрсаткичларини ўзига хос “аруз сабоқлари” дейиш мумкин. Зеро, ушбу вазн кўрсаткичларига андоза сифатида қараб ғазалнинг ҳар бир байти ва ҳар бир мисрасини биргаликда ҳам, индивидуал тарзда ҳам таҳлил қилиш имкони пайдо бўлган.

3. Барча ғазалларнинг ихчамроқ бўлса-да луғати тузиб чиқилди. Амалда “Ғаройиб ус-сиғар” девони учун алоҳида луғат пайдо бўлди дейиш мумкин. Агар уларнинг барчаси бир жойга йиғиладиган бўлса, Навоий ғазалларининг ихчам луғати ҳосил бўлади.

4. Луғат мақолаларининг асосий қисми эскирган ва қадим

мий сўзларнинг, араб ва форс тилларидан ўтган сўзларнинг маъноларини изоҳлаш ва шарҳлашга қаратилган.

5. Шу нарса маълум бўлдики, Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатлар ҳозирча ўз вазифаларини муайян даражада бажариб келаётган бўлишига қарамасдан, ҳали фақат газаллар билан боғлиқ бўлган кўпгина (абирбез, абркаф, абросо, абрешим, акбяз, барқандон...) сўзларнинг изоҳлари у китобларга кирмай қолган.

6. Мазкур сўзларнинг бир қисми луғат мақолаларида ўз тавсифини топди. Демак, Навоий асарларининг тўла ва мукаммал луғатини тузишда мазкур тадқиқот натижалари ҳам амалий ёрдам бериши мумкин бўлади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ғаройиб ус-сизар”

“Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин...”

Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин,
Хароблиғ қиладур мубтало кўнгул, нетайин.

Дединги, асра кўнгулни ўзунгдаву сабр эт,
Чу менда турмасу борур санго кўнгул, нетайин.

Кўнгулни қайди жунундин чиқар дединг, эй ақл,
Кетурса бошингга юз минг бало кўнгул, нетайин

Кўнгулни ўтқа солиб, кўзни истарам ўйсам,
Балони кўз кетирур жонга, ё кўнгул, нетайин.

Мен ул кўзи қора ишқин кўюб эдим, биллах,
Таҳаммул этмади, юзи қора кўнгул, нетайин.

Тағофул этсам итарсен, ўларсен этсам қайд,
Сенинг била, дегил, эй бевафо кўнгул, нетайин.

Навоиё деб эдинг: зуҳд тарҳи бунёд эт,
Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин.

V-V- VV-- V-V- VV-

мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Бенаво – 1) фақир, қашшоқ, ғариб, нотафон; 2) бебаҳра, маҳрум; 3) навосиз, хомуш; 4) дардсаиз, беҳабар

Мубтало – 1) гирифтдор, дучор бўлган; 2) ошиқ, шайдо

Жунун – 1) жиннилик, ақлдан озганлик; 2) ошиқлик, беқарорлик

Қайд – 1) боғланиш; 2) тўсиқ, боғланишлик, монелик; 3) маҳбус қилиш, ҳибсга олиш; 4) ёзиш, киритиш

Биллаҳ – Худо ҳаққи, азбаройи Худо

Таҳаммул – сабр, бардош, чидам

Тағофул – 1) Бепарволик; 2) ўзни билмасликка олиш, эътиборсиз бўлиш

Итарсен – 1) йўқоларсан, йўқ бўларсан; 2) отарсан, ташларсан

Зухд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш

Тарҳ – 1) режа, план, лойиҳа; 2) бино, қурилган иморат

Шикеб – 1) сабр, тоқат, чидам; 2) ором, тинчлик

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган ғазал мазмунан ижтимоий руҳдаги ва шаклан мусалсал бўлиб, ғазалда шоир ўз кўнглидан, демакки ўз-ўзидан шикоят қилади.

Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин,
Хароблиғ қиладур мубтало кўнгул, нетайин.

Нима қилайки, бебаҳра ва хомуш кўнглим сабр ва ором уйини бузади ҳамда мени харобликка – йўқчиликка юзма-юз қилади.

Матлаъдаги дастлабки шикоят кўнглининг бенаво – беҳабар ва бебаҳралигидан. Шу сабабли у ўз соҳибини харобликка – йўқчиликка мубтало қилади. Бу ўриндаги хароблик ўз-ўзидан жудо бўлиш, яъни маънавий йўқчиликдир.

Матлаъда *шикеб ва бенаво* сўзлари воситасида тазод, кўнгулни жонлантириш орқали *ташхис* санъатларига мурожаат этилган.

Дедингки, асра кўнгулни ўзунгдаву сабр эт,
Чу менда турмасу борур санго кўнгул, нетайин.

Менга “Кўнглингга ўзингда асра ва сабр қил”, дейсан, лекин ўша кўнглим менда турмай, сенга борса, нима қилайин?!

Ҳазалнинг иккинчи байтида кўнгилнинг бесабрлигининг сабаби аён бўлмоқда: у ишққа гирифтор бўлган. Маъшуқа эса (балки ошиқнинг зору илтижоларига жавобан) кўнглингни асраб, сабр қил, деб жавоб беради. Бироқ кўнгилнинг йўриғи аён: у соҳибини тарк этиб, унинг ишқи тушган гўзал билан бирга кетган. Ошиқнинг эса мана шундан фиғони фалакда.

Байтда яна *ташхис* санъатига мурожаат этилмоқда.

Кўнгулни қайди жунундин чиқар дединг, эй ақл,
Кетурса бошингга юз минг бало кўнгул, нетайин.

Эй ақл, “Кўнглингни ошиқлик ҳибсидан чиқар”, - дединг, (Бу аҳволда мана шу кўнгил) бошингга юз минг балони келтирса нима қилай?!

Ҳазалнинг учинчи байтида лирик қахрамон ақлга мурожаат этади. Ақл соҳибига бу бетизгин кўнгилни ошиқлик балосидан қутқар, деб маслаҳат берган. Лекин соҳибининг гапига кирмаган ва ишқ балосидан кечмаган кўнгил нафақат ўзининг, баки ақлнинг бошига ҳам қандай балоларни солишини ким билади, дейсиз?!

Байтда *илтифот* санъатига санъатига мурожаат этилган.

Кўнгулни ўтқа солиб, кўзни истарам ўйсам,
Балони кўз кетирур жонга, ё кўнгул, нетайин.

Кўнглимни оловга солиб, кўзимни ўйиб олишни истайман, чунки, балони мана шу кўз ёки кўнгил жонимга келтиради.

Ҳазалнинг тўртинчи байтида ошиқ кўнгил ва кўзни жазолаш-ни, балки улардан жудо бўлишни хоҳлаяпти. Бунинг сабаби, улар ошиқнинг жонига жабр қилишди. Кўз маъшуқа юзини кўрди ва

кўнгил ишқ тузоғига тушди, энди эса бундан қутилишни истама-
япти. Натижада, ошиқ жонига бало келди.

Мен ул кўзи қора ишқин кўюб эдим, биллах,
Таҳаммул этмади, юзи қора кўнгул, нетайин.

*Мен бир қора кўз(ли гўзал)нинг ишқини унга қўйган эдим, лекин у
юзи қора нима қилайки, сабр қилишни билмади.*

Навбатдаги байтда шоир кўнгилдан хафа бўлишининг сабаби-
ни айтмоқда: бир қора кўзликнинг ишқини унга бер(иб, омонат
сифатида сақлаб бер, де)ган эдим, лекин у сабр қилмай, сиримни
ҳаммага ошкор қилди.

Тағофул этсам итарсен, ўларсен этсам қайд,
Сенинг била, дегил, эй бевафо кўнгул, нетайин.

*Бепарволик қилсам, йўқоласан, монелик қилсам, ўласан, эй бева-
фо кўнгил (энди сен билан) нима қилишим керак?!*

Шунча жабр қилса ҳам ошиқ кўнгилдан юз буролмайди. Унинг
ҳаддан зиёд заиф ва нотавонлигидан озурда. Шунинг учун у бе-
парволик қилиб, кўнгилни йўқотишни ҳам, монелик қилиб, ундан
жудо бўлишни ҳам истамайди. Кўнгил соҳиби у билан қандай му-
омила қилишни билмай ҳайрон.

Ушбу ғазалда шоир фалсафий фикрларини инъикоси мавиза
байт йўқдай. Чунки унда ғазалда куйланган мавзу узилиб, унга
қисман боғлиқ бўлган ёки умуман боғлиқ бўлмаган фалсафий му-
шоҳада тасвир этилиши керак эди. Ушбу ғазалда эса бундай ҳолат
кўзга ташланмагандай. Бироқ кўнгилдан шикоят қилган шоир-
нинг ундан воз кечолмаслиги ҳам ўзига хос фалсафий фикр деб
ҳисоблашимиз мумкин.

Байтда *илтифот* санъатига мурожаат этилган.

Навоиё деб эдинг: зуҳд тарҳи бунёд эт,
Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин.

Навоий, тоат-ибодат биносини қур деган эдинг, (лекин) сабр ва ором уйини бу хомуш ва нотавон кўнглим бузадиган бўлса, нима қилайин?!

Нихоят, мақтаъда шоир тахаллусини қўллаган ҳолда, ўз-ўзига мурожаат этиб, нима учун кўнглида тоат-ибодат биносини тикла-маганининг сабабини аён этмоқда. Яъни у буни хоҳлаган эди, лекин кўнгли буни истамади, аксинча, сабр-қаноат уйини ҳам вайрон қилмоқда.

Байтда *радд ул-матлаъ* санъатига мурожаат этилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Не тонг, сариғ юзумда ашки рангин...”
——

Не тонг, сариғ юзумда ашки рангин
Ки, киймиш сабзи талх ул сабзи ширин.

Ўзи гавҳар, тўни дарёи офат,
Бўлуб мавжи бало ул тўн уза чин.

Санга ҳамранг тўнлуқ чўхлар бор,
Нечукким сарв оёғинда раёҳин.

Ерур жисмингда ахзар хилъат ул навъ
Ки, гулбун баргидин тўн қилса насрин.

Дегайлар сарв қадду хилъатингни
Ва лекин сарв ким кўрмиш гулогин.

Хатинг шавқида кўнглум тўтиёдур
Ки, йўқ зикрингдин ўзга анга талқин.

Навоий, чархи ахзардур сияҳкор,
Тамаъ сарсабз бўлмоқ қилма андин.

V---- V---- V--

мафойилун мафойилун мафойил
ҳазажи мусаддаси мақсур

Луғат

Ашки рангин – рангин кўз ёши, қонли кўз ёши

Сабз – яшил ранг

Сабзи талх – ёмон, хунук яшил

Сабзи ширин – ширин, чиройли яшиллик

Чин – тирич, печ

Раёҳин – райҳонлар

Ахзар – яшил, кўк, сабзаранг

Хилъат – 1) уст кийим; ҳашаматли кийим; 2) ёпинчиқ, сарпо

Навъ – кўриниш, йўл-йўриқ, йўсин

Гулбун – гул, гул тупи

Гулогин – гулдор, гуллар билан безатилган

Тўтиё – тўтиё, суюқ кўз дори

Талқин – тушунтирич, шарҳлаш

Сияҳкор – бадкирдор, ичи қора

Сарсабз – кўкарган, яшнаган, доим кўм-кўк; хурсанд, шод

Насрий баён

Сариқ юзимда қонли кўз ёшларим(ни кўриб) ажабланмангки,
(бунинг сабаби) гўзал маъшуқам яшил рангли либос кийган.

(Маъшуқимнинг) ўзи гавҳар мисоли бўлса, либоси офат
дарёси, либос бурмалари эса бало мавжи мисоли кўринади.

(Эй яшил либосли маъшуқим) сен каби яшил тўн кийган
гўзаллар ҳам кўп, (лекин улар сенинг олдингда) сарв дарахтининг
остида ўсган райҳонлар кабидир.

Яшил рангли либос энгнингда гўё оқ рангли насрин гуллари
япроқлардан кийим тикиб кийган кабидир.

(Кишилар сенинг) қадди либосингни сарвга қиёслашади, лекин сарвни ким ҳам гуллар билан безатилган ҳолда кўрибди?!

Лабинг устидаги майин туклар – хаттинг соғинчидан кўнглим тўтиёдай ериб кетаяпти, унга номингни айтиб такрорлашдан ёким мадҳингни сўзлаш ва ё ўйлашдан бошқа даво йўқдир.

Эй Навоий, (ўзи яшил кўрингани билан) фалак (қисмат, тақдир)нинг ичи қораликдан бошқа эмас, (шундай экан) ундан хурсандчилик тамаъ қилмагин.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу анъанавий етти байтли ғазал шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлиб, унда маъшукнинг яшил либос кийиб ошиққа кўриниши ва ошиқнинг бу ҳолатдан таъсирланиши қаламга олинган. Матлада маъшукнинг яшил либоси ва унга антитеза тарзида ошиқ аҳволи – юзнинг сарғайиши ва кўз ёшларининг қонга айланичи тасвир этилади.

Не тонг, сариғ юзумда ашки рангин

Ки, киймиш сабзи талх ул сабзи ширин.

Навоий ижодида маъшуқа гўзаллиги ва ошиқ аҳволи тасвирида антитеза – тазод санъатидан фойдаланиш одатий ҳол. Маъшуканинг гул-гул ячначи ва кулгусига қарши очиқ ҳолининг хароблашуви ва кўз ёшлари, маъшуканинг сарвдек қоматига қарши очиқнинг “дол” ҳарфига ёки ёйга ўхшаш эгилган қадди каби тасвирлар бунга мисол бўла олади. Ушбу байтда ҳам маъшукнинг яшил рангли либос кийганини кўрган ошиқнинг ҳолати – юзининг сарғайиши ва кўзининг қонли ёш тўкиши ўз навбатида тазод санъатини юзага келтирмоқда.

Байтда маъшук маъжозан сабзи чирин бирикмаси воситасида тасвирланмоқда. Унинг ўзи чиройли, ширин яшиллик бўлса ҳам либоси хунук, ёмон яшилликдир. Чунки шу либос очиқ юзларининг сарғайишига ва кўз ёшларининг қонга айланишига сабаб бўлган.

Байтда яна *сабзи талх* ва *сабзи ширин* бирикмалари восита-
сида *истиора* санъатига ҳам мурожаат этилган.

Ўзи гавҳар, тўни дарёйи офат,
Бўлуб мавжи бало ул тўн уза чин.

Маъшукнинг ўзи гавҳарга қиёсланмоқда. Гавҳар эса дарё
тубида бўлади. Шунинг учун Навоий маҳбуб либосини яшил
рангли дарёга қиёсламоқда. (Бу билан сувнинг ўзи зилол ва
шаффоф бўлса ҳам, тагидан сув ўтлари ҳисобига яшил бўлиб
кўринишига ишора бор.) Унинг офат дарёси эканининг сабаби
эса очиқ аҳволини танг қилишидир. Тўннинг устидаги бурмалари
бўлса бало дарёси устидаги мавжларга қиёсланмоқда.

Байтда бир йўла уч ўринда *муқояса* санъатидан фойдаланиган.

Санга ҳамранг тўнлуқ чўхлар бор,
Нечукким сарв оёгинда раёҳин.

Тақлид одамзодга теккан касалдир. Айниқса гўзаллар, машхур
шахслар ва севиклиларга ҳамиша тақлид қилишган. Кўплар
лирик қаҳрамоннинг маҳбубига ўхшайман деб яшил кўйлак
кийишибди. Лекин улар шоирнинг кўзига сарвдай баланд ва гўзал
дарахт пойидаги райҳонлар каби паст ва кўримсиз туюлибди. Бу
ўринда ошиқнинг маъшуқига нисбатан бўлган муҳаббати либосга
ёки ташқи гўзаллигига эмас, балки ички гўзалликка аталганини
англанади.

Байтда *тамсил* санъатидан фойдаланилган.

Ерур жисмингда ахзар хилъат ул навъ
Ки, гулбун баргидин тўн қилса насрин.

Ушбу байтдан бошлаб яшил либос маъшуқага не чоғлик
ярашгани мадҳ этилади. Яъни: маъшуқа қадди оқ настаринга қиёс-
ланган ҳолда унинг яшил либоси гул япроқларига ўхшатишмоқда.

Байтда *ташбеҳ* ва *тамсил* санъатиларга мурожаат етилмоқда.

Дегайлар сарв қадду хилъатингни
Ва лекин сарв ким кўрмиш гулогин.

Навбатдаги байтда ҳам маъшуқа гўзаллиги унинг яшил либосига монанд мадҳ этиш давом этади. Яъни, сенинг қадди қоматинг ва яшил либосингни мудом яшил рангли дарахт – сарвга ўхшатишади. Лекин сарвни гуллаган ҳолда ким ҳам кўрибди?! Байтдаги сарвнинг гуллаши маъшуқнинг гулдай чиройли юзига ўхшатилаяпти. Фақат бу ўринда ташбеҳ ошкора бўлмай ишора билан қилинмоқдаки, бу ҳам улуғ шоир маҳорати ва ўзига хослигининг далолатидир.

Байтда *тақрирнинг радд ул ҳашв илал ҳашв* тури ва *муқояса* санъатига мурожаат этилмоқда.

Хатинг шавқида кўнглум тўтиёдур
Ки, йўқ зикрингдин ўзга анга талқин.

Ҳазални рамзий маънода яшил ранг мадҳи дейиш мумкин. Чунки унда яшил либос кийган кўркам инсон таъриф-тасниф этилмоқда. Шунинг учун Навоий унинг қошу кўзи, юзу зулфини эмас, айнан яшил рангга нисбат бериладиган хатлари соғинчини тилга олаяпти. Ва бу хижронга унинг хаёли, номининг зикри ёки мадҳидан бошқа ҳеч нарса даво бўла олмайди.

Байтда *муболаганинг иғроқ* даражасига мурожаат этилган.

Навоий, чархи ахзардур сияҳкор,
Тамаъ сарсабз бўлмоқ қилма андин.

Навоий бу ғазалда ўз ижодий анъанасидан бир оз чекинган ҳолда фалсафий мушоҳада билдирадиган бегона байтга ғазал мақтаъсига қолдиради. Яъни Эй Навоий, дейди шоир ўз-ўзига мурожаат этган ҳолда, кўриниши зангори бўлган фалакдан гуллаб-ячнаб, униб-ўсишни, шодумонликни талаб қилмаки, унинг ичи қораликдан, ёмонлик ва ёвузликдан бошқа нарса эмас.

Байтда *чархи ахзар* бирикмаси ва *сарсабз* сўзлари воситасида *истиора* ҳамда *илтифот* санъатига мурожаат этилган.

Хулоса қилиб айтганда, яшил рангли либос кийган гўзал мадҳи билан бошланган ошиқона ғазал Навоийнинг тақдир ва унинг инсонга муносабатини ифодаладиган орифона мушоҳадалари билан яқунланади.

Шоир гарчи матлада қизил, яшил ва сариқ рангларга мурожаат етса-да ғазалнинг умумий матнида яшил рангнинг тўла устунлигини кўрамиз. Бу ҳолат биринчи байтда *сабзи талх*, *сабзи ширин*, иккинчи байтда *дарё*, учинчи байтда *сарв* ва *раёҳин*, тўртинчи байтда *аҳзар*, олтинчи байтда *хат(инг)*, еттинчи байтда *сарсабз* сўzlари ёрдамида вужудга келтирилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон...”

Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон,
Ё магар сарви равон қилмиш либосин арғувон?!

Сарвнинг ҳар барги бағрим қонидин сероб эрур,
Йўқса бўлмас арғувоний барглик сарви равон.


Сарвдин то топти зийнат арғувон юз шавқ ила,
Бошқа санчар арғувон ҳар зод сарви навжавон.

Арғувону сарв истармен чаманда, то мени
Арғувоний тўн била ул сарв қилди нотавон.

Кўргузур қадду либосинг шавқидин қонлиғ мижа,
Кўзда ҳар дам арғувону сарвдин бир қорвон.

Арғувоний тўн била қатл айламас ул сарвким,
Қон ила қилмиш либосин арғувоний бир авон.

Арғувону сарвдин то даҳр боғи зебдур,
Бўлсин элким даҳр аро ҳам шоҳ эрур, ҳам паҳлавон.



– V – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Арғувоний – қизил ранг

Сарви равон – юрадиган сарв мажозан маҳбуба

Зод – бола, фарзанд, авлод

Навжавон – йигит, ёш йигит; ёш янги етилган

Нотавон – 1) заиф, қувватсиз, қудратсиз, ожиз; 2) бетоқат,
нотинч

Мижа – киприк

Авон – жазоловчи жаллод

Даҳр боғи – дунё боғи, дунё

Насрий баён

У сарви равондай гўзал арғувоний (қизил рангли) либос кийиб-
дими ёки сарви равон либосини арғувоний қилибдими?!

Сарвнинг ҳар бир барги бағрим қонидан сероб бўлмагиндан
эди, сарви равон арғувон барглик бўлмасди.

Сарвдай гўзал ёшлар боши(дағи дастори)га арғувоний (гул-
ларни) санчиб қўйгандан кейин арғувон ҳам сарвдан зийнат
топганидай юз (бора) шавқ топ(иб хурсанд бўл)ди.

Арғувон тўн кийган у сарви равон мени ожиз ва бетоқат
қилганидан бери чаманга кирсам арғувон ва сарвни излайдиган
бўлиб қолдим.

(Эй бераҳм маъшук), қаддинг ва либосинг (соғинчи) шавқидан
қонли киприкларим кўзимда ҳар лаҳза арғувон ва сарвдан бир
карвон кўрсатишмоқда.

Арғувоний тўн (кийган) сарв (бўйлик маҳбубим) (мени ҳиж-
ронида ўлдирмасди-куя), (кўзим ўнгида) бир жаллод қон билан
либосини арғувоний туста киргиздимикин?!

Токи дунё боғи арғувон билан сарвдан безаниб турар экан, у
(маъшук) ҳам дунёда чоҳ ва паҳлавон бўлсин.

Шарҳ ва изохлар

Етти байтли шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлган ушбу ғазал бундан олдинги ғазалнинг мантикий давомидай гўё. Аввалги ғазалда яшил либосли маъшуқ таърифи келтирилган бўлса, бу ғазалда қизил тўнли махбуб мадҳи келтирилади. Аниқроғи у ошиққа қизил рангли либос билан намоён бўлади. Ошиқнинг бу манзарани кўргандаги ҳайратлари, рашк ва изтироблари ушбу ғазал мавзусини ташкил этади.

Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон.

Ё магар сарви равон қилмиш либосин арғувон?!

Байтда қизил тўнли гўзал йигитчани кўрган шоир ҳайрати намоён бўлмоқда. Зеро, ўрта асрлар дунёқарашида илоҳий ишқдан мақсад “пок юзга пок кўзни тикиб, ундан покиза баҳра олиш” (Навоий. “Махбуб ул-қулуб”) бўлгани учун унинг қайси жинсга қаратилганлигининг фарқи бўлмаган. Шунинг учун мумтоз адабиётда гўзал қизлар билан бир қаторда кўркам йигитчалар кўрки-таровати мадҳ этилган, уларни очикқа раҳм этмайдиган золим ва бераҳм маъшуқ сифатида тасвирлаш анъанавий ҳолат бўлган. Уларнинг ишқида ёниш, ҳижронида ўртаниш, рақибдан рашк қилиш ҳам мутлақо табиий ҳисобланган. Бу анъана Ўрта асрлар Шарқ адабиётининг ажралмас бўлаги ҳисобланган Навоий ижодида ҳам ўз аксини топиши табиий ҳолдир. Ушбу ғазалда таъриф этилган маъшуқ ҳам ўқувчида кўркам йигитчадай тасаввур қолдиради. Хуллас, ўша йигитча шоирнинг кўз олдида қизил тўн билан намоён бўлибди. Ва шоир ҳайрат дарёсига чўмиб, юриб турадиган сарвдай тик қоматли бу гўзал арғувоний (арғувон қизил тусда майда гуллайдиган маданий дарахт ҳисобланади) либос кийибдими ёки шабада тебранганда юргандай бўладиган чиройли дарахт – сарв арғувоний тусга кирибдими дея ажабланмоқда.

Байтда *тарди акс*, *тажоҳили ориф* ва *такрир* санъатининг *радд ул-садр илал ажуз*, *радд-ул аруз илал ҳашв* турларидан ҳамда сарви равоннинг либос кийиши воситасида *ташхис* санъатидан фойдаланилган.

Сарвнинг ҳар барги бағрим қонидин сероб эрур,
Йўкса бўлмас арғувоний барглик сарви равон.

Байтда Навоий сарв дарахтига мурожаат этгани билан мажозан маъшук гўзалига муносабат билдираяпти. Яъни: *маҳбуб либоси кўзимдан оқаётган қонли ёшлар сабабли қизил рангга кирганга ўхшайди* гўё.

Байтда *муболағанинг* ғулув даражаси ва *ташбеҳ* санъатларига мурожаат қилинган.

Сарвдин то топти зийнат арғувон юз шавқ ила,
Бошқа санчар арғувон ҳар зод сарви навжавон.

Навбатдаги байтда шоир ўз хайрати ва шодлигига арғувонни ҳам шерик қилмоқда. Яъни сарвдай кўркам ва ёш йигитчалар арғувон дарахтининг гулли шохчасини боши узра санчганлари учун арғувон бундай улуг бахтдан юз бора шавққа тўлибди.

Байтда *такрирнинг радд ул-садр илал ҳашв, радд ул-ҳашв илал ҳашв* турлари ва арғувоннинг хурсанд бўлиши воситасида *ташхис* санъатларига мурожаат этилган.

Арғувону сарв истармен чаманда, то мени
Арғувоний тўн бида ул сарв қилди нотавон.

Навбатдаги байтда шоирнинг маъшук гўзаллиги таъсирида ташқи оламга бўлган муносабати ойдинлашмоқда. Ошиқ кўзига маъшуқининг қаддига ўхшаганлиги учун сарв, унинг либосга менгзалгани сабабли арғувон қадрли.

Бу байт ошиқ кўзига оламнинг гўзал кўринишига, ундаги ҳар бир манзара, ҳар бир ҳолат маъшук ҳуснини эслатишига ва ниҳоят ошиқ қалбининг ўзи ҳам мана шу гўзаллик таъсирида кўркамлашиб боришига далилдир.

Байтда *арғувон* ва *арғувоний* сўзлари воситасида *иштиқоқ, сарв* сўзининг такроридан эса *такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв* тури юзага келмоқда.

Кўргузур қадду либосинг шавқидин қонлиғ мижа,
Кўзда ҳар дам арғувону сарвдин бир корвон.

Сарв қоматли ва арғувон либосли маъшук пинҳон бўлди. Бу изтиробдан ошиқни чамандаги арғувон ва сарвнинг гўзаллиги-ю, маъшукни эслатиши ҳам қутқара олмаяпти. У маҳбубининг қадди-қомати ва либосини эслаб, тинмай кўз ёши тўкмоқда. Соғинчнинг шавқидан унинг кўз ёшлари гоҳи зилолга монанд яшил рангга кирса, гоҳи қонли тус олмоқда. Бу кўзёшлар киприкка илашиб, гўё бир карвондай тизилишган ҳолда юз узра тушиб келмоқдалар.

Байтда ҳижрон таъсиридаги ошиқ аҳволи фожеий бир ҳолатни юзага келтирмоқда. Бироқ шу ҳолатда ҳам арғувон ва сарв образлари ўз ўрнида хизмат қилмоқда.

Байтда *арғувон сарв* ва *корвон* сўзлари воситасида истиора санъатидан фойдаланилмоқда.

Арғувоний тўн била қатл айламас ул сарвким,
Қон ила қилмиш либосин арғувоний бир авон.

Ҳижрондан ўлар ҳолга келган ошиқ маъшуқининг бераҳмлигидан, ошиғига бир бор тараҳхум қилиб, кўриниш бермаганидан ҳайрон. Ҳижрон азобидан унинг тафақури ҳам чалкашиб кетган. Шунинг учун у шунча жабр қилиб мени ўлдирмоқчи бўлган ўша ўзим билган сарв бўйлик маҳбубимми, йўқ у бундай қилолмасди, менга либоси ўлганларнинг қонидан қизил рангга кирган жаллод қасд қилганга ўхшайди, деб ўйламоқда.

Байтда Шарқда жаллодлар қатл этишаётган пайтда қизил кийим кейишига ишора ҳам бор.

Байтда *арғувоний* сўзининг такроридан *такрирнинг радд ул-садр* илал ҳашв турига мурожаат этилмоқда.

Арғувону сарвдин то даҳр боғи зебдур,
Бўлсун улким даҳр аро ҳам шоҳ эрур, ҳам паҳлавон.

Мақтаъда шоир ўзига шунча озор берган қизил тўнли маъшуқига эзгу ният билдириб, дуо қилмоқда. Зеро, маъшуқнинг зулму қаҳрига қарши ошиқнинг иши ожизлигу ниёзмандлик билан унга инсофу мурувват тилаб, яхши дуо қилишдир.

Байтда арғувон даҳр боғининг шоҳига, сарв эса унинг паҳлавонига, айна пайтда лирик қаҳрамон маъшуқи дунёнинг шоҳи ва паҳлавонига қиёс қилиниб, бир йўла икки марта муқояса санъатидан фойдаланилмоқда. Байтда яна *даҳр сўзининг* такроридан *радд ул-ҳачв илал ҳашв* санъати юзига келтирилмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, ғазалнинг ҳар бир байтида сарв ва арғувон образлари иштирок этади. Бундан ташқари бу образларга муаллиф муносабати мусалсал ғазал талабига биноан ривожланиб боради. Ғазал матласида сарв бўйлик маъшукнинг арғувоний либос кийгани ҳақида хабар берилса, иккинчи байтда сарвнинг ҳар бир барги очик бағрининг қонидан сув ичганлиги сабабидан сарви равоннинг гуллари арғувоний тусга кирганлиги айтилмоқда.

Учинчи байтда сарв бўйлик маъшук бошига арғувон гуллари санчгани учун сарвдан арғувон зийнат топгани, тўртинчи байтда эса арғувоний тўн кийган сарв бўйли гўзал мафтун етганидан бери шоир гулшанда арғувон ва сарвни излаши, бешинчи байтда маъшук қадду либосини эслаган очик кўзида арғувон ва сарвдан карвон ҳосил бўлиши айтилса, олтинчи байтда арғувоний тўн билан ошиқни қатл айлаётган маъшукми ёки жаллодми эканлиги шубҳа қилинади, ниҳоят мақтаъда арғувон ва сарвнинг дунё боғига зеб бўлиб қолиши ҳақида яхши ният билдирилади.

Бундан ташқари ғазалнинг ҳар бир байтида арғувони(ий) ва сарв сўзалари воситасида истисносиз равишда қизил ва яшил рангга мурожаат этилади. Ғазал кўз ўнгимизда яратилган яшил ва қизил ранглардан чизилган яхлит панно – йирик манзарага ўхшайди.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ишқ аро менмен даме бемехнату ғам бўлмаған...”



Ишқ аро менмен даме бемехнату ғам бўлмаған,
Жонидин махрум ўлуб, жононға махрам бўлмаған.

Юз вафо айлаб, жафодин ўзга нафъе кўрмаган,
Минг жафо кўруб, вафоси заррае кам бўлмаған.

Минг куёшча кўрган ўз ёрин, вале ёр оллида
Минг улушидин бирича зарранинг ҳам бўлмаған.

Олам аҳли, ишқ аро расволиғим таън этмангиз,
Кимдурур очик бўлуб, расвойи олам бўлмаған?

Анжум эрмас тердур оҳим ўтидин кўк сақфида,
Ваҳки, бу тердин биное қолмади нам бўлмаған.

Дастгире истаким ғамдин халос имкон эмас,
Илки бир заррин камар белига маҳкам бўлмаған.

Эй Навой, билки топмас лаълидин қути ҳаёт,
Жонни таслим айламакликда мусаллам бўлмаған.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Махрум – бенасиб, бебаҳра; ҳақсиз

Махрам – сирдош, улфат, ҳамдам

Нафъе – бир фойда

Сакф – 1) юкори, уст, шифт, том; 2) осмон

Бино – 1) бино, иморат, қурилиш; 2) асос, таянч, тузилиш

Дастгир – 1) ёрдамчи, қўлловчи, мадакор, раҳнамо; 2) йўл кўрсатувчи; 3) эгаси бўлмоқ; 4) қўлга тушмоқ, асир олинмоқ

Маҳкам – маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам, пухта

Қути ҳаёт – ҳаёт озиғи

Мусаллам – тобе бўлган, таслим бўлган

Насрий баён

Ишқ ичида бир лаҳза заҳмат ва ғамсиз, жондан ҳам бенасиб (ва шу билан ҳам) жононга сирдош бўлолмаган менман (мендан бошқа бундай одам бўлмаса керак).

(ишқ аро менман ўша) юз вафо қилиб, (эвазига) жафодан бошқа бир “фойда” кўрмаган, (бирок) минг жафо кўрсада вафоси бир зарра қадар кам бўлмаган (бечора очик).

(менман ўча) ёрини минг қуёшдек кўргану, бирок ўча ёри олдида(ги эътибори) зарранинг мингдан биричалик ҳам (паст ва тубан) бўлмаган.

Эй, олам аҳли, ишқ орасида (маломатларга қолиб) расво бўлганимни танъа қилманглар, (ўзингиз ўйлаб кўринг) ошиқ бўлганларнинг орасида расвойи олам бўлмаган борми ахир?

Кўк шифтидаги юлдузлар эмас, оҳим ўтдан пайдо бўлган тер (зарралари)дир, ваҳки, бу тердан (пайдо бўлган булутдан ёғадиган ёмғирдан) нам бўлмаган бирорта бино қолмади.

(Ишқ) ғамидан халос қиладиган ўзининг қўли ҳам ҳеч қачон заррин камар (маъшуқа)нинг белига маҳкам (чирмачмаган) бир раҳнамо изла.

Жон таслим айламасликка рози бўлмаган киши (маъшуқанинг) лаъл(дек лаб)идан ҳаёт озуғини топишга (ҳаракат ҳам қилмасин).

Шарҳ ва изоҳлар

Шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлган етти байтлик ушбу ғазал ошиқнинг ишқ ва маъшуқага бўлган садоқат ва ва-

фоси, бунга қарши ўлароқ ишқ ва маъшуқанинг ошиққа бўлган муносабати – қаҳри ва жафоси, лирик қаҳрамон бўлган ошиқнинг бу қаҳр ва жафолари исканжасида чеккан изтироблари қаламга олинган.

Матладаёқ ошиқ ўз ҳолатини юқорида пардадаги драматик пафос билан ифодалайди:

Ишқ аро менмен даме бемехнату ғам бўлмаган,
Жонидин маҳрум ўлуб, жононға маҳрам бўлмаган.

Байтда ошиқ ҳижрон ва ноумидлигини баён қилар экан, бундан тушкунликка тушади ва айни пайтда бунга зид равишда *ишқ аро менмен* деб фахру-ифтихор туйғуси билан ҳам ифодалайди. Бундай иккиланиш ақлан соғлом кишиларга ғайритабиий туюлса-да, ошиқ учун табиий ҳолдир. Чунки ишқ орасида қолган ошиқ ҳатто ўзи тушунолмайдиган беқарорликни бошидан кечиради. Ушбу ғазал ҳам мана шундай беқарорлик ҳолатининг яхлит тасвири бўлиб, матла унинг дастлабки чизгисини ифодалайди.

Байтда *жон* ва *жонон* сўзлари воситасида *иштиқоқ* санъатига мужоат этилмоқда.

Юзз вафо айлаб, жафодин ўзга нафъе кўрмаган,
Минг жафо кўруб, вафоси заррае кам бўлмаган.

Матла билан иккинчи ва учинчи байтлар катта бир гапни ҳосил қилмоқда. Айни пайтда ғазалнинг драматик пафоси яна бир парда кўтарилмоқда. Айни пайтда матлада маънавий тазод ишора тарзида айтилган бўлса, иккинчи байтда *вафо* ва *жафо* сўзлари ёрдамида аёнлашмоқда.

Байтда яна бир йўла икки ўринда *радд ул-ҳачв илал-ҳачв* ва *тарду акс* ҳамда *юз* ва *минг* сўзлари ёрдамида *таносуб* санъатларидан фойдаланилган.

Минг қуёшча кўрган ўз ёрин, вале ёр оллида
Минг улучидин бирича зарранинг ҳам бўлмаган.

Учинчи байт ҳам матланинг бевосита давоми ҳисобланади.

Матладан бошланган ёрнинг эътиборсизлиги ва очикнинг фидоийлиги асосига қурилган пафос яна бир парда юқорилайди. Бунинг учун Навоий *куёш* ва *зарра* ҳамда *минг* ва *бир* сўзларидан фойдаланади.

Байтда яна *ёрин* ва *ёр* сўзлари воситасида *такрир*, *минг* сўзининг такроридан эса такрирнинг *радд ус-садр илал ибтидо* тури ҳосил қилинган.

Олам аҳли, ишқ аро расволиғим таън етмангиз,
Кимдур-ур очик бўлуб, расвойи олам бўлмаган?

Навбатдаги байтда ғазал йўналиши ўзгаради. Энди шоир ўз аҳволидан шикоят қилмайди, балки олам аҳлига мурожаат этади.

Ғазалдаги йўналич ўзгаргани билан ундаги асосий ғоя, мазмун, драматик пафос ўз ўзанида давом этади. Бироқ шоир энди “бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деганларидай атрофга қараб, мулоҳаза юритмоқда.

Байтда ишқ ва очик сўзлари воситасида *иштиқоқ*, *расво* сўзининг такроридан эса *такрир* санъатининг *радд ул-ҳачв илал ҳачв* тури юзага келмоқда.

Анжум ермас тердур оҳим ўтидин кўк сақфида,
Ваҳки, бу тердин биное қолмади нам бўлмаган.

Ғазалнинг тўртинчи байтида яна шоир ўз аҳволидан шикоят қилишда давом этади. Бироқ бу шикоят энди оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, очик кўкдаги юлдузларни ўз аҳволидан юзага келган деб ҳисоблайди.

Шеърдаги пафос бу ўринда шоирнинг ўз ҳолатини оламшумул аҳамиятга эга деб ҳисоблашига кўра кучаймоқда.

Байтда *анжум* ва *кўк* сўзлари воситасида *таносуб* санъати ва *муболағанинг* *ғулув* даражасигага мурожаат этилган.

Дастгире истаким ғамдин халос имкон эмас,
Илки бир заррин камар белига маҳкам бўлмаган.

Навбатдаги байтда пафос майинлашиб, насихатомуз оҳанг пайдо бўлмоқда. Яъни, шоир ўқувчисига ишқ ғамидан қутилиш учун раҳнамо излашни маслаҳат бермоқда. Бироқ бундай дарддан халос қиладиган раҳнамонинг ўзи ишқ дардига гирифтор бўлмаган, образли қилиб тасвирлаганда, қўли бир зарринкамар белига чирмашмаган зот бўлиш керак. Бироқ бундай одамнинг ўзи бормикин?! Байтдаги оҳангдан бундай раҳнамони топиш осон эмаслиги ҳам англашилаётир.

Байтда *заррин камар* бирикмаси ёрдамида *истиора* санъатига мужожаат этилмоқда.

Эй Навоий, билки топмас лаълидин қути ҳаёт,
Жонни таслим айламакликда мусаллам бўлмаган.

Ғазал сўнгидаги мактаъда ўз ҳолидан шикоятқилган ошиқнинг бу борадаги хулосаси тасвирланган. Яъни, ишқ йўлида висолдан умидвор киши, нафақат орзу-умидлари ва ўзлигидан, балки хонумони ва ҳаттоки жонидан умид узиши керак. Бу фикр байтда образли тарзда ифодаланган. Ушбу хулосадан ҳам биличимиз мумкинки, ғазалда тасвирланган ишқ авом ишқи бўлмай, илоҳий муҳаббатдир. Шунинг учун унга гирифтор бўлган ошиқ жондан маҳрум бўлса-да, маъшуқага сирдош бўлмаслиги, бир вафо кўрмай, юз жафо чексада, вафодорлиги заррача пасаймаган, ёри олдида заррининг мингдан бирича эътибор кўрмасада, унга минг қуёшдан ортиқроқ эҳтиром кўрсатадиган, уни ишқида олам аро расво бўлишга тайёр бўлган, тортган охи осмонларда гоҳ юлдузлар пайдо қилишга, гоҳи эса ҳамма жойни кўзёшларига чўмдирадиган ёмғирлар ёғдиришга қодир булутларни ҳосил қиладиган бўлиши керак. Айтгандай, бу ишқдан қутилишнинг имкони йўқ, чунки унга даво берадиган кишиларнинг ўзлари ҳам бемор. Беморлар эса табиб бўла олмайди. Ниҳоят, бу ишққа соҳиб бўлган маъшуқанинг лабларидан ҳаёт озиғини топиш учун, албатта жондан умид узиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, кучли драматик пафосга йўғрилган ушбу ғазал зоҳиран ошиқона муҳаббатни куйласа-да, ботинан орифона туйғулар инъикосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Хуршид тулуъ етса, қуёшинг соғинурмен...”

Хуршид тулуъ етса, қуёшинг соғинурмен,
Кўргач янги ой майлини қочинг соғинурмен.

Ҳар гулки жаҳон гулчанидин жисмима, ей чўх,
Етказ, мени савдозада точинг соғинурмен.

Эй кўз, қурудунг, лек қаю сайли балоким,
Бир уйни хароб айлади ёшинг соғинурмен.

Эй жисм, ажал чобуки ҳар гўйким ўйнар,
Майдони фано ичида, бошинг соғинурмен.

Най шарҳин эшиткач қилиб, эй нола, сени ёд,
Кўз шарҳаларин кўрса, хорошинг соғинурмен.

Эй хаста кўнгул, бўлғали сен ишқда мажнун,
Кўргач сени саргашта, адашинг соғинурмен.

Ўлган итин, эй хаста, Навою рақибин
Чун кўрсам ити оллида лошинг соғинурмен.

— — V V—V V—V V — —
мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Хуршид – қуёш
Тулуъ – чиқич, кўриниш

Майл – кўтарилмоқ

Савдозада – жин урган, савдойи бўлиб қолган, ақлдан озган; очик, чайдо

Чобук – 1) Тез, чаққон, илдам; 2) чўх, ўйноқи, гўзал

Гўй – чавгон ўйинида ўйналадиган тўп

Шарҳа – жароҳат, яра

Хароч – 1) юриш, кезиш; 2) дард, алам, азоб; 3) таъсир, асар; 4) хириллаш

Саргашта – сарсон, оввора; саргардон; паришон

Лоч – ўлимтик жусса, ўлик тан

Соғинмоқ – 1) соғинмоқ, орзу қилмоқ; 2) эсламоқ, кўргиси келмоқ, хотирламоқ; 3) ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ

Насрий баён

Қуёш чиққанини кўриб, қуёш(дай юзинг)ни, янги ой кўтарилганда эса (унга ўхшаган нозик) қошингни соғинаман.

Жаҳон гулшанидан ҳар қандай гул жисмимга тегса, мен бечора ошиқ (ва шу ишқ туфайли ақлдан озган бенаво сенинг дастингдан вужудимга келиб урилган) точларни соғинаман.

Эй кўз, (кўзёш тўкавери охири) қуридинг – (кўрмас бўлиб қолдинг), лекин (ундан олдин) шундай кўз ёш тўқдингки, у (жисмим) уй(и)ни хароб айлади, шундай бўлсада, ўша (тўккан) кўзёшларингни соғинаман.

Эй, (нотавон жисм) чаққон ажал (фариштаси) фано майдонида коптоқ ўйнаган пайти, бу сенинг бошингмикин, деб ўйлаб қоламан.

Эй (ишқ таъсирида юрагимдан чиққан) нола, най овозини эшитгач, сени эслайман (ва) кўз(имдаги) жароҳатларни кўриб, (унга ўтказган) таъсирларингни соғинаман.

Эй, хастаю (бечора) кўнгил, сен ишқда мажнун бўлганингдан (бери), сени сарсон, оввора ва паришон ҳолда кўриб, адашингни (яъни Мажнунни) эслайдиган бўлдим.

Эй хаста (очиқ), (ёрни) итини олдида рақибни ўлган итини кўрсам, Навоийдек сенинг ҳам (ўлим олдида келиб қолган жисмингни) – лошингни эсладим.

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтлик шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлган ушбу ғазал ошиқнинг ҳижрон ва айрилиқда кўрган азобларининг муболағавий тасвири ҳисобланади. Ошиқ маъшукани беҳад соғинган, шунинг учун оламдаги ҳамма нарса унга ёрини эслатади. Куну тун уни ўйлашга мажбур қилади.

Хуршид тулуъ этса, қуёшинг соғинурмен,
Кўргач янги ой майлини қошинг соғинурмен.

Кундуз қуёш чиққанида маъшукасининг юзини эслаган ошиқ, тунда янги чиққан ойни кўриб, унинг ҳилолдек қошларини соғинади. Матъла китобхонга ушбу ҳолатнинг хабарини беради.

Байтда қуёшинг сўзи воситасида *истиора* санъатига мурожаат етилган.

Кейинги байтларда эса маъшукани соғинган очикнинг ҳолати даражама-даража чуқурлашиб боради.

Ҳар гулки жаҳон гулшанидин жисмима, ей чўх,
Етқач, мени савдозада точинг соғинурмен.

Иккинчи байтда шоир эй чўх, деб маъшукасига мурожаат қилмоқда. Унга гулшандаги гуллар жисмимга тегса, сен отган тошларни соғинаман, деган сўз билан унга нисбатан бемисл муҳаббати ва садоқатини изҳор этмоқда.

Айнан шу байтдан ғазал сўнгигача ҳар бир байтда кимга ёки нимагандир мурожаат этилиб, *илтифот* санъатига ҳосил этилади. Байтда яна муболағанинг *игроқ* даражасидан ҳам фойдаланилмоқда.

Эй кўз, қурудунг, лек қаю сайли балоким,
Бир уйни хароб айлади ёшинг соғинурмен.

Навбатдаги байтда шоир кўзларига мурожаат этмоқда. Бу байтда ҳам очик садоқатнинг изҳорини кўришимиз мумкин. Яъни

йиглайвериб кўзлари кўр бўлиш даражасига етса-да, ошиқ ишқ ва маъшуқа учун тўкилган ўша кўзёшларни эслайди – соғинади.

Байтда *илтифот* санъати билан бирга *сайли бало* бирикмаси ва уй сўзи воситасида *истиора* санъати ва муболағанинг *таблиғ* даражасига ҳамда *ташхис* санъатларига мурожаат етилмоқда.

Эй жисм, ажал чобуки ҳар гўйким ўйнар,
Майдони фано ичида, бошинг соғинурмен.

Навбатдаги байтда ошиқ ўз жисмига мурожаат этмоқда. Унинг вужуди ҳижрон ва соғинч изтиробларидан шу даражада ҳолсизланган ва эси кирадирли-чиқарли бўлиб қолганки, кимнингдир вафотини ешитгач, “ўша мен эмасмиканман”, деб ўйлаб қолади.

Байтда муболағанинг даражаси кучайтирилди. Байтда мумкин бўлмайдиган, ақл ҳам қабул қилмайдиган даража – ғулувга мурожаат қилинди. Бундан ташқари *майдони фано*, *ажал чобуки* бирикмалари ва *гўй* сўзи иштирокида *истиора* санъатидан ҳам фойдаланилган.

Най шархин эшитгач қилиб, эй нола, сени ёд,
Кўз шарҳаларин кўрса, харошинг соғинурмен.

Навбатдаги байтда шоир ишқ таъсирида ўртанган қалбидан чиққан нолага мурожаат этмоқда. Най овозини эшитган бечора ошиқ ўзининг кўнгил ноаларини эслаши бежиз эмас, бунинг сабаби унинг мунгли ва маъюс қалб ноласи най овозига ҳамоҳанг. Кўздаги жароҳатларни кўриб эса ўша ноладан таъсирланган ҳолда тўкилган ёшлардан пайдо бўлган жароҳатлар эсланади.

Байтда *илтифот* санъати ва муболағанинг *игроқ* даражаларига мурожаат қилинмоқда.

Эй хаста кўнгул, бўлғали сен ишқда мажнун,
Кўргач сени саргашта, адашинг соғинурмен.

Навбатдаги байтда шоир ишқда дардида хаста бўлган ўз кўнглига мурожаат этмоқда. Уни ишқ аро девона ҳолда кўрганидан

бери унинг соҳиби, яъни шоир ўз кўнглининг адаши ҳисобланган Мажнунни эслайдиган бўлди.

Байтда Навоий ўз кўнглини мажнун деб атайди. Адашинг деган сўз билан эса дoston қаҳрамони, афсонавий ошиқ Мажнунга ишора қилади.

Байтда кўнгилнинг мажнун бўлиши орқали *ташхис*, *сен ва сени* сўзларидан *такрир* ва *муболаға* санъатлари ҳосил қилинган.

Ўлган итин, эй хаста, Навоию рақибин
Чун кўрсам ити оллида лошинг соғинурумен.

Мақтаёда шоир ўзини ёрнинг олдида ҳаддан зиёд қадрсиз эканлигини образли тарзда ифодаламакда.

Байтда *эй хаста*, дея *илтифот* *ит* ва *итин* сўзлари воситасида эса *такрир* санъатларига мурожаат этилмокда.

Умуман олганда, ғазал ёрнинг эътиборсизлигига жавобан саргашта ошиқнинг садоқати ва вафосининг гўзал шоирона тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин...”

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин
Сарғариб мендек тушар айру сихийқад ёридин.

Ҳар қуруған шох Мажнундурки туфроғ уйига
Топширур ҳар дам илик юб нозанин беморидин.

Боғ аро, деманг, хазонким ошиқ ўлмиш мен киби,
Билгурур совуғ нафас бирла сариғ рухсоридин.

Хар оқар суни хазон тийғи қилибдур зарфишон,
Кескали меҳр-у вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

Бу сариғ юз бирла ўлсам кўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпечон торидин.

Кўйида куймиш кўнгул буким, хазондур боғ аро
Эсти бир ел, гўйиё куйган ғарибим соридин.

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқиё,
Бода тут хуршид жоми қахрабо кирдоридин.

Бодаеким журъаси томғач, хазон яфроғлари
Ток баргидек қизарғай сарбасар ашжоридин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ашжор – дарахт, эшажар

Журъа – бир ютум, бир қултум

Исавийдам – Исо нафасли

Ишқпечон – печакгул, чирмовуқ гул

Коҳи – сомон

Нахл – кўчат, ёш дарахт; хурмо дарахти


Сарбасар – бутунлай, бочдан-оёқ

Сиҳикад – адил, тик қомат; хушқад

Тор – ип, арқон, тола; дутор ипи; соч толаси; чам пилиги

Қаҳрабокирдор – жалб этувчи, жазб этувчи; ўзига тортувчи

Хазон – 1) куз, куз фасли; 2) дарахтнинг кузда сарғайиб
тўкилган барги



Насрий баён

Ҳар бир хазон барги даҳр озорининг бир зори, у мен каби сарғайиб, хушқад ёридан айрилиб, ерга тушади.

Дарахтдаги ҳар бир қуриган шох Мажнун. У ҳар дақиқада “нозанин бемори” – Лайлисидан (сарғайган барглардан) қўл ювиб, уни тупроққа топширади.

Бокқа хазон келибди, деб ўйламанг, у ҳам мен каби ошиқ бўлган, буни ўзи совуқ нафаси-ю, сариғ рухсори билан намоён этмоқда.

Зарлар сочувчи хазон – куз жаҳон гулзоридан меҳр-у вафо ниҳолларини кесиш учун барча оқар сувларни тигга айлантирибди.

Ҳижрон азобларидан сарғайиб, ўлсам, хазон бўлган кузги чирмовуқ торлари билан тобутимга шохлар боғланг.

Кўнгил айрилиқ азоблариде куйди, гўё куйган мен(дек) ғариб томондан бир ел эди-ю, бокқа хазон – куз келди.

Ҳижрон дастидан сомондек сарғайган юз билан ўламан, эй исо нафасли соқий, мени тирилтирмоқ учун қаҳрабодан ясалган хуршид (қуёшдек) жомда бода тут.

Бу боданинг бир томчиси томса, дарахтдаги хазон япроқлари бошдан-оёқ ток баргидек қизариб кетади.

Шарҳ ва изоҳлар

Кузни тасвирламоқ, куз ҳақида ёзмоқ – юрак истаги, руҳият эҳтиёжи. Бироқ ботиний изтиробларга табиат бағридан таскин излаб топишга интилиш, ҳижрон азоблари ўртаган жонни сариғликка, хазонга менгзаб, ана шу изтиробдан, ғуссадан гўзаллик яратиш санъати ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун руҳиятнинг теран тубларига “чўқа олмоқ” зарур. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги мазкур ғазални хазон фасли тасвирининг энг ғамгин, энг гўзал намунаси, дейиш мумкин. Кузги боғ манзараси бадиий замин бўлиб хизмат қилган ушбу ғазал замирида севгининг, ҳижроннинг барча қувончу азобларини бошидан ўтказиш оқибатида ўзини таниган, дунёни, умрнинг моҳиятини англаган ошиқ юраги кундалигининг ғамгин бир саҳифаси ўрин эгаллаган.

Ғазал кузги боғ тасвирини чизиш билан, ундаги хазон кирган боғдаги барглар тўкилишини ошиқ аҳволига менгзовчи байт билан бошланади:

Ҳар хазон барги ерур зореки даҳр озоридин,
Сарғариб мендек тучар айру сиҳийқад ёридин.

Дарахт танасидан даҳр озори туфайли сарғайиб узилиб тушаётган баргларни ошиқ ўзининг сиҳийқад – хушқомат ёридан айрилган чоғдаги ҳижронкаш, изтиробли аҳволига қиёслайди. Баргнинг дарахт танасидан узилиб тушишини шоир айтганидек, даҳр озори деб изоҳлаш мумкин. Аммо ошиқнинг ёридан айро бўлишига сабаб нима? Нега ошиқ ҳижронда? Шу ўринда ишқ мақомининг табиатини эслайлик. Талаб мақомида ёридан нишона топган ошиқ – толиб ишқ мақомига келиб, унинг ишқида ёниш иштиёқи билан, унга етишиш истаги билан яшар экан, атрофдаги ҳар бир нарсa-ҳодисадан ўзига ўхшашликни, уйғунликни топади. Бу мақомдаги ошиқ ҳали дунёнинг ташвишу қувончларидан бутунлай ажралиб кета олмаган, ишқ ўтида ўртанса-да, ёр (ҳақиқий ёр) билан қўшилиб кетишга қудрати етмайдиган ҳолатда. Шу сабабли сарғайган барг дарахтдан узилгани мисоли у ҳам ёридан айро.

Ҳар қуруғон шох Мажнундирки, туфроғ уйига
Топширур ҳар дам илик юб нозанин беморидин.

Кузги боғ қўйнидаги қуриган шохларнинг ҳар бири Мажнуннинг ишқ ўртаб қовжиратган вужуди. У ҳар дақиқада “нозанин бемори” – Лайлисидан (сарғайган барглардан) қўл ювиб, уни тупроққа топширади. Аввалги байт изоҳланганда хазон барги ошиқ сифатида талқин этилган эди. Бу байтда эса Мажнуннинг аҳволига монанд шохларни ҳам ошиқ сифатида тушунамиз. Шохнинг ҳам, баргнинг ҳам куз фаслидаги аҳволини ошиқ ҳолига қиёслаш жуда қулай. Ошиқнинг руҳий оламини ўзига яширган ушбу байтнинг ботиний мазмунидан сиҳийқад ёрнинг бирламчи манбадан нишона эканлигини, шохнинг ҳам баргнинг ҳам ишқи унга қаратилганини пайқаш мумкин.

Табиатнинг ўзи доно файласуф. Баҳор тирилишни, туғилишни ўргатса, камолотга ундовчи хазон фасли ўлимга ўргатади. Ҳазалнинг бир неча ўрнида ўлмоқ сўзининг ишлатилиши ва умуман, ўлим руҳининг устунлигини биринчидан, ғазалнинг куз фасли билан уйғунлигига боғланса, иккинчидан, шоирнинг жуда кўп ғазалларига хос ўзликни англаш, комилликка интилич муаммолари билан туташади.

Кейинги байт:

Боғ аро, деманг, хазонким ошиқ ўлмиш мен киби,
Билгурур совуғ нафас бирла сориғ рухсоридин.

Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарида шу байтга мазмунан жуда яқин қайдлари учрайди: “Чаманнинг рухсори Юсуф ишқида Зулайхо узоридек коҳий ва хазон ели ҳам анинг дамо-дам совуқ оҳи киби номутаноҳий бўлди...”. Юқоридаги байтнинг мазмуни эса шундай: “Боққа хазон фасли келибди, деб ўйламанг, у ҳам мен каби ошиқ бўлган, буни у совуқ нафаси-ю, сариғ рухсори билан намоён этмоқда”. Кузнинг тенгсиз гўзаллиги ўз аксини топган боққа ошиқнинг совуқ нафаси-ю, сариғ рухсори кўчган, деган бу мазмун беихтиёр шоирнинг ушбу байтларини ёдга солади:

Очиқ совуғ оҳ чекса ногоҳ,
Оламга ўт солур ул совуқ оҳ¹.

Ҳижрондан ўртанган ошиқнинг совуқ нафаси оламга ўт солар экан, бу боғ аро ёйилган, оламни сариғ рангга буркаган хазонлар бағрида ишқ олови пинҳон.

Ҳазалдаги эътиборга лойиқ яна бир байт:
Бу сориғ юз бирла ўлсам кўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазони ишқпечон торидин.

Сариғ юз – ҳижрон аломати. Ҳақиқатга етишнинг ягона воситаси ишқ деб англаган ошиқ: “Ҳижрон азобларига бардош беролмай ўлсам, хазон бўлган кузги ишқпечон (печакгул, чирмовуқ) торлари билан тобутимга шохлар боғланг”, – дейди. Нега

тобутга чохлар боғлашни эслатапти. Нега айнан ишқпечон торлар билан? Ғазалнинг аввалги байтларида чох – дарахт чохларининг урён туричи Мажнунга ўхшатиш билан еди. Мажнун – ишқнинг, очикликнинг тимсоли. Айрим ҳудудларда бугунгача сақланиб қолган одатга кўра, ўлган кишининг тобутига унинг ёшига қараб танлаб олинган чохлар боғланишини эътиборга олсак, бу ўринда очик истаётган чохлар – ишқнинг, очикликнинг рамзи. Навоийнинг бошқа ғазалларида ҳам бу ҳодисага эътибор берилган:

Бода бирла юнг Навоийни хумор етса ҳалок,
Боғлангиз тобути узра нахли барги токни.

“Мустахилоти урафо” асарида ёзилишича, ишқ сўзи арабча ачақа (зарпечак) сўздан келиб чиққан экан. Зарпечак гулни, ўсимликни чирмаб олиб охир-оқибатда қовжиратгандек, ишқ ҳам инсон вужудини зарпечакдек ўраб олиб қовжиратади.

Бу фикр Навоийнинг бошқа бир ғазалида шундай тақдим этилган:

Чикти туз ҳар нахл уза бир ишқпечон ёрмачиб,
Ваҳки, бир қад ишқидин жисмимда печу ҳам хануз.

Демак, юқоридаги байтдан: “Мен ишқ деб яшадим ва ҳижрон дастидан ўлгудек бўлсам, қабрга ҳам ишқ кузатсин”, – деган мазмунни англаш мумкин. Очик – шоир чохда ҳам, баргда ҳам, чирмовукда ҳам ишқни кўра олишга қодир.

Рамзу-ишоратлар билан йўғрилган, ғазалнинг авж пардаси деб айтиш мумкин бўлган кейинги байт:

Коҳий юз бирла ўлармен, Исавийдам соқие
Бода тут хуршиди жоми қаҳрабо кирдоридин.

Байтни зоҳиран юқоридагидай шарҳлаш мумкин: Коҳи юз (сариг юз), хуршид (куёшнинг сариг ранги эътиборга олинган), қаҳрабо кирдор (бир турли сариқ тош) тушунчалари кузнинг дардига, рангига, ҳамоҳангликни, уйғунликни таъминлайди,

таъсирчанликни оширади. Байтнинг ботиний мазмунини англаб олиш учун эса, аввало, айрим сўфиёна истилоҳларнинг маъносини тушуниб олмоқ зарур. Сўфийлар “соқий”ни шундай изоҳлайдилар: “Файз манбаиким вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир”. Соқий пири комил, илоҳийлик зухур этганинсон, пайғамбар ва Оллоҳганисбатан ҳам қўлланилади; бода эса ишқ шиддатини оширувчи шароб ёхуд ҳақиқат файзининг рамзи маъноларини англатади. Навоий ғазалларида энг гўзал тимсоллардан ҳисобланган қуёш, яъни хуршиднинг, шоир бу ўринда, биринчидан, юқорида таъкидлаганимиз, сариғ рангини эътиборга олган бўлса, иккинчидан, унинг катталигини – туганмас манба эканлиги, ҳарорати, нур-зиёсини назарда тутган. Жом – илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши, деб шарҳланган. Шуларни ҳисобга олиб, байтнинг ботиний мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин: “Хижрон азобларини бошидан ўтказган очик сариқ руҳсори билан ўлимга юз тутди. Уни тирилтирмоқ учун исонафасли соқий – пири муршид – комил инсон керак. Ишқнинг барча сирларидан воқиф бўлган бу инсон ўликни тирилтирувчи исонафаси – маърифати билан уни тирилтиришини ва илоҳий тажаллийёт мавжи ва бепоён нур порлашининг туганмас ҳарорати, нур-зиёси билан очик қалбини ҳақиқат файзидан баҳраманд қилишини сўрайди. Чунки ана шу бодадан баҳрамандликнинг бир дами очикни қандай аҳволга солиши мумкинлигини шоир табиат тасвири остида кейинги байтда шундай ифодалайди:

Бодаеким, журъаси томғач хазон яфроғлари,
Ток баргидек қизарғай сарбасар ашжоридин.

Боданинг бир томчиси томса, дарахтдаги хазон япроқлари бочдан-оёк ток баргидек қизариб кетади, деган зоҳирий мазмун англашилган байт ботинида ҳақиқатдан баҳрамандликнинг бир дами ҳам маърифат босқичига яқинлашганликдан далолат, деган маънони уқиш мумкин. (Сариқ ранг ишқ мақомига мансуб бўлса, қизиллик маърифат босқичи билан уйғун.) Зеро, томчи денгизга қўшилгунча томчи. Денгизга қўшилиб кетгандан сўнг у ҳам денгиздир ва айнан ўча томчи энди денгиздан ҳеч қачон ажралиб кетолмайди.

Демак, очик ишқнинг, ҳижроннинг барча азоб-уқубатларини бошидан кечириб, руҳини такомиллаштира бориб, янги мақомга кўтарилди.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

“Ҳар хазон барги ерур зореки даҳр озоридин...”

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин
Сарғариб мендек тучар айру сихийқад ёридин.

Ҳар куруған чоҳ Мажнундурки туфроғ уйига
Топширур ҳар дам илиг юб нозанин беморидин.

Боғ аро, деманг, хазонким очик ўлмич мен кеби,
Билгурур совуғ нафас бирла сариғ рухсоридин.

Ҳар оқар суни хазон тийғи қилибдур зарфичон,
Кескали меҳр-у вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

Бу сариғ юз бирла ўлсам кўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпешон торидин.

Кўйида куймич кўнгул буким, хазондур боғ аро
Ести бир ел, гўйиё куйган ғарибим соридин.

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқие,
Бода тут хуршиди жоми қаҳрабокирдоридин.

Бодаеким журъаси томғач, хазон яфроғлари
Ток баргидек қизарғай сарбасар ашжоридин.

- V - - - V - - - V - - - V -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани махзуф

Лугат

Зор – 1) фарёд, йиғи, фиғон, оҳ; 2) йиғловчи, фиғон торувчи, фиғон чекувчи; 3) ғамгин, дардли, ҳасратли, бечора, ожиз, нота-вон, эзилган; 4) бечора, кучсиз, муҳтож, хор

Даҳр – дунё

Сихийқад – қадди-қомати келишган, нозик, хушқомат

Билгурур – билдириб, англаиб, маълум қилиб

Зарфичон – зарафшон, мажозан сариқ ранг

Наҳл – ниҳол, дарахт

Ишқпечон – ўт номи, зарпечак

Коҳ – сомон, сарғайган, ҳасталанган

Исавийдам – Исо нафасли, тирилтирувчи нафасли

Кахрабокирдор – сариқ рангли тоқ (янтарь) кўринишли

Сарбасар – бошдан-оёқ, бутунлай

Ачжор – дарахтлар

Насрий баён

(Боғдаги) ҳар бир хазон барги хушқомат ёридан айрилганлиги (сабабли) дунёнинг (бераётган) озоридан ғамгин ва ожиз бўлганча менга ўхшаб сарғайиб (ерга) тушмоқда.

Қуриган ҳар бир чох эса нозанин беморидан (яъни маъшуқаи Лайлидан) қўлини ювиб, туфроқ уйига (яъни қабрга) топширган Мажнун (каби)дир.

Боғдаги (барглари сарғайиб) хазон (бўлди) деманг, улар мен каби очиқ бўлган, (буни уларнинг) сувуқ нафаси ва сариқ юзи билдириб турибди.

Жаҳон гулзоридан меҳр-у вафо дарахтини кесиш учун ҳар оқар сувни хазон тиғи (яъни сариқ барглари) зар рангга киритибди.

Бу сариқ юз билан (яъни висолга етмай ҳижронда қолган очик ҳолимча маъшуқамнинг) кўчасида ўл(адиган бўл)сам, тобутимга хазон бўлган зарпечакнинг торидан чохлар боғланг.

(Йоримнинг) кўчада кўнглим куйган эди, (энди эса) боғлар хазон билан тўлибди, (бу ҳолат гўёки куйган ғариб (кўнгил)им томонидан енгилгина шабада эсгани кабидир.

Эй Исо нафасли сокий, сомондек сарғайиб, хасталанган юз билан ўлсам, қахрабо (янтар)дан ясалган қуёш кўринишидаги жом билан бода тут.

(Бу шундай бир) бода бўлсинки, унинг бир қатраси томса, хазон япроқлари (худди) ток баргидай бошдан оёкигача қизар(иб ҳаётга қайт)син.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган тўққиз байтлик ғазал шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқонадир. Ғазал куз манзараси билан ҳамоҳанг очик қалбидаги ҳижрон ва изтиробларнинг фожеий пафосга йўғрилган чизгисидир.

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин
Сарғариб мендек тучар айру сихийқад ёридин.

Куз илҳом ва айна пайтда маъюслик, маҳзунлик фаслидир. Куздаги бир қараганда содда ва одатий ҳолат – кечагина ям-яшил тусда яшнаб турган япроқларнинг сарғайиб, қуриб-қовжираб дарахтдан оҳиста-оҳиста тўкилиши инсон, айниқса, ижодкор инсон қалбида маъюс туйғулар уйғотади. Уни умрнинг ўтичи, интиҳо ҳақида ўйлашга даъват этади. Бу шеър ҳам мана шундай маҳзун туйғуларнинг даҳо ижодкор, мутафаккир инсон қалбидаги акс-садоси сифатида қоғозга тушган дейиш мумкин.

Шоир хазон баргининг сарғайишини дунёдан озор билан ифодаламакда. Бунини эса у ўзининг ёридан айрилиқдаги ҳолатига ўхшатапти. Демак, ижодкор бадиий тафаккурида куз ва ҳижрон ҳолати ўзаро уйғунлашмоқда. Биз аввал таҳлил қилган 446 - рақамли ғазалда яшил ранг, 447-рақамли ғазалда эса яшил ва

кизил рангнинг уйғунлиги қандай аҳамиятга егу бўлса, бу ғазалда сариқ ранг мана шундай аҳамият касб этади.

Хар қуруған чоҳ Мажнундурки туфроғ уйига
Топчирур ҳар дам илиг юб нозанин беморидин.

Навбатдаги байтда шоир баргидан ажралиб қуриган чохни ишқ изтиробларидан озиб-тўзиб, устихонга айланган Мажнунга қиёс қилмоқда. Дарахтдан тушаётган барглари эса нозанин беморга – Лайлига ўхшатмоқда. Шохнинг хазондан мосуво бўлиши Мажнуннинг Лайлидан ноиложларча айрилиб, уни тупроққа топширишига менгзалмоқда. Қанчалар аянчли ва ўзига хос манзара!

Байтда *талмеҳ* ва *муқояса* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Боғ аро, деманг, хазонким очик ўлмич мен кеби,
Билгурур совуғ нафас бирла сариғ рухсоридин.

Учинчи байтда очик шоир яна хазонни ўз ҳолатига қиёс қилмоқда. Ва бу фикрини хазоннинг сариқ юзи ва совуқ нафаси билан исботлаяпти. Айни пайтда ғазалдаги тушқун кайфият тобора чуқурлашиб бормоқда.

Байтда *ташхис* санъатига мурожаат этилмоқда.

Хар оқар сунни хазон тийғи қилибдур зарфишон,
Кескали меҳр-у вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

Байтдаги ифода қўлами кенгайиб, ижодкор бадиий тафаккури энди жаҳон (гулзори)ни бўйламоқда. Ундаги ҳар оқар сувни сариқ рангга киргизган хазоннинг мақсади бу дунёдан меҳр-у вафо дарахтини кесич (ёки қуритиш)дир. Байтнинг асл маъносига эътибор қаратсак, оқар сув – инсон умри, хазон тиғи эса ўлимдир. У инсон умрига дахл қилар экан, асл мақсади бу ҳаётдан меҳр ва вафо туйғуларини йўқотиш ҳисобланади. Бундан куйинган гуманист шоирнинг мақсади, албатта меҳр ва вафо каби туйғуларнинг бу оламда устивор бўлишидир.

Байтда хазон тийғи, меҳр-у вафо нахли, жаҳон гулзори бирик-малари ва зарфичон сўзи воситасида истиора ва ташихис санъатларига мурожаат этилган.

Бу сариг юз бирла ўлсам кўйида, тобутима
Шохлар боғланг хазоний ишқпечон торидин.

Навбатдаги байтда ғазалдаги фожеий пафос кучайиб бори-шини кўрамиз. Яъни шоир ишқ аро аҳволи хароблигини билгач, ўз ўлимини эслаб, шеърхонларга васият қилади. Бу ўринда ҳам у маъшукнинг кўчасини ва ўзининг сариқ юзларини эслайди. Тобутига эса қуриган зарпечакдан чоҳлар боғлачларини айтади. Маъшукнинг куйида ўличнинг сабаби ишқдаги садоқат, очикнинг сариқ юзлари эса ҳижрон захми бўлганини тушунамиз, лекин нима учун тобутга зарпечак торларини боғлач керак? Бунинг сабаби ишқ сўзининг ўзи арабча зарпечак сўзидан олинганлигига бориб тақалса керак. Ишқ очик вужудини зарпечак экинни ўраб олиб қуритгани каби, чирмаб, ўзи каби сариқ рангга киритиб, қуритиб юборар эмиш. Шунинг учун бу ўринда шоир зарпечакни эсга олган бўлса эҳтимол.

Кўйида куймиш кўнгул буким, хазондур боғ аро
Эсти бир ел, гўйиё куйган ғарибим соридин.

Навбатдаги байтда шоир ёрининг кўчасини қолган куйган кўнглини эслайди. Кузнинг енгил шабадаси эсганида ҳамма ёққа хазонлар тўкилганини кўрган очик куйган ғариб кўнглимдан хабар келдими, деб ҳайрон бўлмоқда.

Байтда кўйида куймиш кўнгул сўзлари ёрдамида *тавзеъ*, кўн-гилнинг жонлантирилиши орқали эса *ташихис* санъатларидан фойдаланилмоқда.

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқийё,
Бода тут хурчиди жоми каҳрабокирдоридин.

Навбатдаги байтда яна шоир ўлимни эсламоқда. Бироқ энди байтдаги руҳ тушқунлик эмас, балки бироз кўтаринкиликни,

некбинликни ифодаламакда. Бунинг сабаби очикнинг Исо на-
фасли соқийга мурожаат этишидир. Яъни ишқ туфайли сомондай
саргайиб вафот этадиган бўлсам, дейди шоир, менга тириклик
майини сариқ рангли, қуёш шаклидаги жомда узат.

Байтда *ташбеҳ* ва *илтифот* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ушбу байт орқали ғазалдаги тушқунлик руҳи ўзгариб, навбатдаги
байтда ундан-да кўтаринки кайфият ифодаланади.

Бодаеким журъаси томғач, хазон яфроғлари

Ток баргидек қизарғай сарбасар ачжоридин.

Ушбу байт юқоридаги байтнинг мантикий давоми бўлиб, унда
Исо нафасли соқий узатидиган боданинг сифатлари кўрсатилган.
Яъни у шундай ҳаётбахш бода бўлсинки, хазон бўлган барглار
устига унинг бир қатраси томса, улар дарахти билан боздан оёқ
худди ток баргидек қизарсинлар.

Кўрганимиздек, тушқунлик билан боғланган, ўлим бир неча
бор ёдга олинган ғазал ҳаётсеварлик ва кўтаринки кайфият
инъикослари билан якунланмоқда. Бироқ Мумтоз адабиётда
Оллоҳнинг тоқ (Ягона) эканли ва тоқни севиши ҳақидаги фикрга
кўра ғазал байтлари, аксарият ҳолларда тоқ бўлган. Навоий
“Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган бир қитъасида ўз ғазал-
ларини “*етти байту, тўққиз байту, ўн бир байт*” бўлиши айтиб
ўтган¹. Ушбу ғазалнинг саккиз байтдан иборатлиги эса юқори-
даги қарашларга, ҳатто Навоийнинг ўзининг фикрига ҳам зид
келмоқда. Ғазал сўнгида Навоий таҳаллусининг қўлланилмаслиги,
ундан ҳам қизиғи ғазалдаги хулосанинг мавжуд эмаслиги
эса биз таҳлил қилган сўнгги байт фалсафий мушоҳадаларни
ифодалайдиган бегона байт бўлиб, мақтаъ тучиб қолган, деган
фикримизнинг асосли эканлигини тасдиқлайди.

Ғазал худди сариқ бўёқ билан чизилган яхлит манзарага ўх-
шайди. Унда матладаги хазон *барги, сарғариб*, учинчи байтдаги
сариғ рухсор, тўртинчи байтдаги *хазон тийғи ва зарфишон*, бечинчи
байтдаги *сариғ юз, хазоний ишқпечон*, олтинчи байтдаги *куйган*

¹ Бу ҳақда қаранг: Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғонич адабиёти.
– Тошкент: ТАМАДДУН: 2016. – Б. 45

ғарибим, еттинчи байтдаги коҳ, хуршид, қаҳрабокирдор, саккизинчи байтдаги хазон яфроғлари сўзлари бу рангнинг товланичларини янада яққол ифодалаб келмоқда. Ғазал аввалида тушкунлик ва ҳалокат ранги бўлиб келган сариқлик ғазал ниҳоясига боргани сари хурчид, қаҳрабокирдор сўзлари ёрдамида кўтаринки руҳият ифодаловчи образлар бўлиб хизмат қилмоқда. Умуман, ғазал куз манзарасининг шоир кўнгилга чизган гўзал манзарасининг ифодасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Шавқдин ашк ичра ғарқ ўлуб, дей олмасмен ғамин...”
——

Шавқдин ашк ичра ғарқ ўлуб, дей олмасмен ғамин
Ким тенгизда гавҳар истар, асрамоқ керак дамин.

Айшу суҳбат хайлиға тушқай насимидин вабо,
Қайда солсам захми исланған юракнинг марҳамин.

Пайкарим гардин совургудек эсар хижрон эли,
Лутф этиб, эй гул, саҳоби васлнинг еткур намин.

Қолиб этти янги ойни тоқ учун меъмори сунъ
Қудрат илги боғлаған соат қошинг тоқи хамин.

Кўнглакидур чоку киз бўйнида фонус, эй ажаб,
Тутти ул ҳам шамъдек, ғам шоми кўнглум мотамин.

Шамъ чобуклук аро лўлийвашимға етмади,
Дудидин хар нечаким қилди мутарро парчамин.

Мотаами хижронда созедур Навоий жисмиким,
Ноласидин зерини тоқмиш ўкурмақдин бамин.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Шавқ – зўр истак, ўткир хоҳиш, иштиёқ

Ашк – кўз ёши

Ғарқ – ғарқ бўлиш, сувда оқиш; ғарқ бўлган, сувда оққан

Дам – 1. Лаҳза, он, вақт, фурсат; 2) вақт, аҳвол, ҳолат, турмуш;
3) нафас; 4) овоз, ун, садо; 5) куюк, ғам, андух; 6) илҳом; 7) гарм-
сел, сабонинг иссиқ нафаси; 8) шамол, ел

Айш – 1) Яхши ҳаёт, турмуш; 2) хурсандчилик, шод-хуррам-
лик, роҳат-фароғат; кўнгилхушлик

Хайл – 1) Тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа,
аҳли аёл

Насим – тонг шамоли, енгил, ёқимли шабада

Заҳм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ран-
жиш, кўнгил яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик,
маломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Исланган – қидланган, искалган

Марҳам – малҳам, даво

Пайкар – 1. жусса, гавда; 2) вужуд; 3) сурат, шакл, кўриниш;
4) юз, чеҳра; жамол

Гард – 1. Чанг, губор; 2) юрувчи, кезувчи; 3) ғам губори, ғам,
хасрат; 4) асар, нишона, из; фойда, баҳра, наф; 5) тупроқ заррача-
лари; 6) юк, қолдик; 7) парда, хижоб; амалдорлик либоси

Саҳоб – 1) Булут; 2) ёруғликни тўсувчи воситалар, сабаблар

Хам – эгилган, букилган, эгри, эгилиш

Киз – кигиз, намат

Чобук – 1) Тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал

Мутарро – тозаланган (ҳаво ҳақида), мусаффо

Парчам – байроқ учига боғланадиган қора ипак латта ёки қора рангли мол думи; аёлларнинг ўрилган сочи, кокили

Зер – 1) Ост, бирор нарсанинг таги; 2) мусиқадаги энг ингичка овоз, нозик товуш

Ўкурмак – бақирмоқ, баланд овоз қилмоқ, додламоқ

Бам – мусиқадаги садо

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, радифсиз ҳисобланади. Унда ошиқнинг ҳижрондаги ҳолати, соғинч изтироблари ва маъшуқа эътиборсизлиги муболағали тарзда тасвирланган.

Шавқдин ашк ичра ғарқ ўлуб, дей олмасмен ғамин
Ким тенгизда гавҳар истар, асрамоқ керак дамин.

(Маъшуқамга бўлган) зўр иштиёқимдан кўнгулдаги ғамимни ҳам айтолмайман, бу ҳолат худди ғаввоснинг гавҳар истаб, нафасини ичида сақлашига ўхшайди.

Матлаъдаёқ муболағали тасвирдан ошиқ маъшуқасини анчадан бери кўрмагани аён бўлади. У ҳижрон азобидан сўзлай олмайдиган аҳволга келган. Ушбу ҳолатни у йиғлайвериб кўз ёшларимга ғарқ бўлганимдан сўзлай олмай қолдим, демоқда. Бироқ мана шу ҳолатда ҳам висолдан умид узмаган ошиқ ўзини гавҳар излаган ғаввосга ўхшатапти. Ҳар бир нафасни ҳам қадрлаган ғаввосдек ошиқ ҳам оҳу нолаларини висол онлари учун асраб қўймоқда.

Байтда тамсил ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Айшу суҳбат хайлига тушқай насимидин вабо,
Қайда солсам захми исланган юракнинг марҳамин.

Қаерга яраланган ва озорланган юрагимнинг малҳамини бахш этсам, унинг шабадасидан хурсандчилик ва яқинлик аҳлига вабо юзланади.

Ошиқ айриликдан шу ҳолатга етганки, жароҳатланган юрагидан малҳамни бировга илинса ҳам, унинг шабадаси теккан яқинлик, дўстлик аҳлига вабо юкиб қолади, яъни улар ҳам яқинликдан, висолдан маҳрум бўлишади. Ҳазалдаги муболағали тасвир, кўрганимиздек, тадрижий ривожланган ҳолда давом этмоқда.

Байтда айшу суҳбат сўзлари орқали таносиб, суҳбат ҳайли, юракнинг марҳами бирикмалари орқали истиора, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Пайкарим гардин совургудек эсар ҳижрон ели,
Лутф этиб, эй гул, саҳоби васлнинг еткур намин.

Вужудимнинг гардини совурадиган даражада айрилик шамоли эсмоқда, эй гул (юзли севгилим), лутф қилиб висолнинг булутидан ёмғир келтир.

Навбатдаги байтда ошиқ ўзининг ҳалокати яқин эканлигини ҳис этиб, маъшуқасидан меҳр-шафқат сўрамоқда. Маъшуқасини гул деб атаган ошиқ ҳижронни қуритувчи шамолга, висолни эса ёмғир келтирувчи булутга ўхшатиб, чиройли сўз санъати яратган.

Байтда пайкарим гарди, ҳижрон ели, саҳоби васл бирикмалари ва гул сўзи воситасида истиора, эй гул сўзи билан эса илтифот, гард, ел ва саҳоб, нам сўзлари орқали таносиб ҳамда одатдагидек муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Қолиб этти янги ойни тоқ учун меъмори сунъ
Қудрат илги боғлаган соат қошинг тоқи хамин.

Қудрат қўли қошингнинг эгилувчан гумбазини яратганидан кейин янги ойни гумбаз учун қолип қилиб танлади.

Навбатдаги байт маъшуқа васфига бағишланган. Илоҳий қудрат унинг қошини шундай чиройли қилиб ясабдики, ундан ўрнак олган табиат меъмори ундан улгу олиб ойни, жамки гумбазлар учун мослаб қолип қилибди.

Байтда меъмори сунъ ва қудрат илги образларини жонлантириш орқали ташхис, тоқ сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашф илал ҳашф тури, “қ” ва “т” товушлари такроридан тавзеъ санъатлари яратилган.

Кўнглакидур чоку киз бўйнида фонус, эй ажаб,
Тутти ул ҳам шамъдек, ғам шоми кўнглум мотамин.

Кизгиздан тикилган кўйлаги чок, бўйнида эса фонус тутган ҳолда, у ҳам шамдек ғам шомида кўнглимга мотам тутмоқда.

Навбатдаги байтда ошиқ яна ўз аҳволидан шикоят қилмоқда: “Кўнгил ҳам худди шамдек “либос”ини чок қилиб, яъни ҳамма хис-туйғуларидан маҳрум бўлиб, бўйнига фонус илганча, яъни ўзини ўзи ёндирганча ғам шомида мотам тутмоқда”. Таъсирли, қайғули вазиятнинг образли кўриниши намоён бўлмоқда.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис, шамдек сўзи орқали ташбех, ғам шоми бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Шамъ чобуклук аро лўлийвашимга етмади,
Дудидин ҳар нечаким қилди мутарро парчамин.

Тутунидан ҳар қанча парчамини ҳушбўй қилса ҳам, шам шўхлик ва ўйинқароқликда лўливашимга ета олмади (барибир).

Навбатдаги байтда энди шам ўзининг ёрқин ва ўйнаб нур сепиши билан маъшуқага ўхшатишмоқда. Унинг қора пилиги эса маъшуқанинг ҳушбўй сочларига қиёсланмоқда. Демак, ушбу байт ҳам маъшуқа мадҳига бағишланган.

Байтда лўливаш сўзи орқали ташбех, шамни жонлантириш орқали ташхис санъатларидан фойдаланилмоқда.

Мотами ҳижронда созедур Навоий жисмиким,
Ноласидин зерини тоқмиш ўкурмакдин бамин.

Ҳижрон мотамида Навоий жисми бир созга ўхшайдики, ноласининг қуйи овозидан бам асбоби осилиб қолади.

Навоийнинг жисми худди мотамга ўхшаган айрилиқдан қуриб-қақшаб, созга ўхшаб қолган. Унинг ноласи шу қадар қайғулики, энг қуйи овози ҳам қаттиқ қишқирикқа айланган.

Байтда мотами ҳижрони бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилган. Умуман олганда, ушбу ғазал ҳижрон алам ва изтиробларининг навоиёна тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Мени бедил санга жон ўйнамоқ бирла ярайдурмен...”

Мени бедил санга жон ўйнамоқ бирла ярайдурмен,
Бале сен тифлни бу тухфа бирла арғадайдурмен.

Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам тахайюрдин,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайн бармоғ ялайдурмен.

Дедим: кўнглумга ҳар ёндин хадангинг недурур ёра?
Муҳаббат ўтига, деди, ўтундурким, қалайдурмен.

Чу аҳли дард учун пайваста қош ёсини тортибсен,
Манга ўқ новакингни хуш кушод этким, қулайдурмен.

Анга еткур сўзум, эй оҳким, ул ҳусн миръоти
Чу қилди жилва, кўзгу акси янглиғ алдарайдурмен.

Магар элтур парийлар, эй фусунгар, телба кўнглумни
Ки, турмайдур нечаким жисмим уйинда қабайдурмен.

Навоий телбараб то ул парий кўйига юзланмиш,
Эшитурмен фиғон, лекин ҳадисин англамайдурмен.

V --- V --- V --- V ---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Лугат

Бедил – дилсиз, юраксиз, ҳолсиз, мажолсиз; дардли, аламли;
мафтун, маҳлиё

Тифл – 1) Бола, гўдак, чақалоқ; 2) ёш; навжавон; бўй етган
Арғадамоқ – алдамоқ, хийла, макр билан енгмоқ; фириб бермоқ
Илигим – 1) Қўл; 2) панжа; 3) ўзлик, шахсият; 4) қарам;
5) яхши амал; 6) буйруқ; 7) бисот; 8) ихтиёр

Таҳайюр – ҳайратда қолиш, ҳайратланиш; ҳайронлик; шошиб қолиш

Хаданг – 1) Ўқ, камон ўқи; 2) найза; 3) мажозан киприк

Новак – 1) Ўқ, камон ўқи; 2) киприк

Кушод – 1) Очиқ, очилган; ечилиш, озод бўлиш
2) омад, муваффақиятлилик; 3) имконият, осонлик

Миръот – 1) Ойна, кўзгу; 2) софлик, тозалик; 3) кўнгиш

Фусунгар – 1) Ҳийлаган, жодугар, алдамчи, кўзбўямачи
2) мафтун қилувчи, ўзига жалб қиладиган, гўзал

Ҳадис – 1) Сўз, калом; 2) пайғамбар сўзи; 3) ҳикоя, нақл

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги радифсиз ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан му-
салсал бўлиб, маъшуқа васфига бағишланган.

Мени бедил санга жон ўйнамоқ бирла ярайдурмен,
Бале сен тифлни бу тухфа бирла арғадайдурмен.

*Мен дилсиз жон ўйнамоқ билангина (сенга) ярайман (ва бу) тух-
фа билан сен ёш болани алдаб (овутаман).*

Ғазал лирик қахрамонининг маъшуқаси ёш қизалоқ. Ошиқ эса
уни алдаб овутишга, шу билан эътиборига тушишга ҳаракат қил-
моқда. Лекин бу овутиш жон билан ўйнашга етиб борган. Фақат
шундагина маъшуқа бу тухфани қабул қилади.

Байтда муболаға, тифл, ўйнамоқ, арғадамоқ сўзлари ёрдамида
таносиб ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайин бармоғ ялайдурмен.

*Лабингни кўриб, ҳар сафар ҳайратдан қўлимни тишлайман,
ажаб ҳолатки, асал кўрмай, бармоқ ялайман-а!*

Маъшуқанинг лаблари шу даражада гўзалки, уларни кўрган ошиқ ҳайратдан бармоғини тишлайди. Бу ҳолатни у асал тутмай, бармоқ ялашга ўхшатади. Бу байтда маъшуқа лабларини асалга ўхшатиш яширин ташбеҳи ҳам ишлатилган. Бундан ташқари байтда тамсил, муболаға санъатларига мурожаат этилган.

Дедим: кўнглумга ҳар ёндин хадангинг недурур ёра?
Муҳаббат ўтига, деди, ўтундурким, қалайдурмен.

*Кўнглимга ҳар томондан киприкларинг(ни отиб), яра қилишини-
ни сабаби нима деб сўрасам, муҳаббат ўтига ўтин қалайман, деб
жавоб берди.*

Маъшуқа ёш бўлиши билан бирга зуккогина. У ошиқнинг “киприкларингни ҳамма томонимдан отиб, вужудимни яра қилиб юбординг-ку”, деган таънасига “муҳаббат ўтига мана шундай қилиб ўтин қалайман”, деб жавоб бермоқда. Бу ўринда ошиқ ўзини муҳаббат ўти, ўзига келиб тегадиган киприк ўқларини эса ўтинга киёсламоқда.

Байтда савол-жавоб, ўт ва ўтун сўзлари ёрдамида ишитқоқ ва муболаға санъатларидан фойдаланилган.

Чу аҳли дард учун пайваста қош ёсини тортибсен,
Манга ўқ новакингни хуш кушод этким, кулайдурмен.

*Дард аҳли учун пайваста бўлган қошини ёйини тортибсан,
менга кипригинг ўқини бир имконият сифатида йўналтир, зора ун-
дан қуласам (ва мақсадимга эришсам).*

Навбатдаги байтда маъшуқанинг киприклари билан бирга қоши ҳам мадҳ этилади. Маъшуқа дард аҳли, яъни ошиқларга қошини чимириб қарайди ва бу билан уларга ўқ отган бўлади. Ҳазал лирик қаҳармони эса бундай назарни кушод – имконият, осонлик деб билади ва ундан кулаб, ҳалок бўлишни орзу қилади.

Байтда ё ва ўқ, қош ва новак сўзлари ёрдамида икки ўринда таносиб, дард аҳли, қош ёси, ўқ новаки бирикмалари ёрдамида истиора ва муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Анга еткур сўзум, эй оҳким, ул ҳусн миръоти
Чу қилди жилва, кўзгу акси янглиғ алдарайдурмен.

*Эй ой, унга сўзимни етказ, у ҳусн кўзгуси шундай жилва қилдики,
(натижада мен) кўзгу аксидек шошиб қоламан.*

Навбатдаги байтда шоир ўз “оҳ” ига мурожаат қилиб, юрак сўзимни унга етказ, агар у ҳусн кўзгуси кўриниш берадиган бўлса, мен нафақат сўз айтишдан, балки кўзгудаги аксдек ҳаракатдан ҳам қоламан, демоқда.

Байтда эй оҳким сўзи орқали истиора ва илтифот, миръот ва кўзгу сўзлари орқали таносиб, ҳусн маръоти бирикмаси орқали эса истиора санъатларидан фойдаланилган.

Магар элтур парийлар, эй фусунгар, телба кўнглумни
Ки, турмайдур нечаким жисмим уйинда қабайдурмен.

*Телба кўнглимни парилар ўзлари билан олиб кетдиларми дей-
ман, жисмим уйига ҳар қанча қамасам ҳам, турмаяпти.*

Навбатдаги маъвиза ёки лирик чекиниш байтида Навоий ишқдаги ўз ҳолатини кўнглини жонлантириш орқали ифодаламоқда. Байтда бундан ташқари эй фусунгар сўзи орқали илтифот, телба кўнглум, жисмим уйи бирикмалари орқали истиора ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Навоий телбараб то ул парий кўйига юзланмиш,
Эшитурмен фиғон, лекин ҳадисин англамайдурмен.

*Навоий телбаланиб у пари кўчасига юзланганидан бери (нуқул)
фиғонини эшитаману, лекин нима деяётганини ҳеч англолмайман.*

Мақтаъда ниҳоят Навоий ўз аҳволини яна муболағали тарзда тасвирламоқда. Яъни, маъшуқасини пари деб ҳисоблаган “ошиқ парини бир кўрганлар телба бўлармиш” деган халқ нақлидан фойдаланган ҳолда уни севганимдан бери телбалардек бўлиб қолдим деган фикрни образли тарзда ифодаламоқда.

Умуман, ғазалдаги маъшуқа васфига ноумидликда ҳам муҳаббатидан воз кечмаган ошиқ арзи ҳоли нолалари уйғунлашган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—•—•—•—•—•—•—

“Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нишидин...”

—•—•—•—•—•—•—

Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нишидин,
Чиқмасун деб ханжаринг завқи кўнгулнинг решидин.

Лаълдин мажрур эди кўнглум, шу фасод очти қон,
Қатра қонлар йўқки, жонлар томди ул дам нишидин.

Қоши майлин олмаса қурбон кўнгулдин бас манга,
Йўқса не ғам чекса ё қатлимга ҳар дам кишидин.

Кўнглум андоғким, итиб Мажнун отадин тутти тоғ,
Дарди ишқ истар қочиб ақли салоҳ андишидин.

Соқие, шун давр иши маълум эмас, бир май била
Фориг эт жонимни ақли хурдадон ташвишидин.

Ул маеким тўлғуча паймона озод айлағай
Бу даний хумхона дурду софийининг тафтишидин.

Асради мунглуғ Навоий риштайи жонин чекиб,
Асрағандек шоҳлар сарриштае дарвешидин.

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Захм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ранжиш, кўнгиш яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик, маломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Ниш – 1) Заҳарли жонворнинг чақиш аъзоси, неш, найза;
 2) ўткир нарсанинг учи; 3) тикан; 4) азоб
Реш – 1) Яра, жароҳат; 2) нотава, заиф
Махрур – ҳароратли, иситмаси бор
Фасод – 1) Бузуқлик, бузуқчилик; 2) чириш, йиринглаш
Салоҳ – 1) Парҳезкорлик, зуҳду тақво; 2) тўғрилиқ, ахлоқли-
 лик, одоблиқ; ёмон ишлардан ўзни сақлаш; 3) осойиш
Андеш – Фикр, ўйлов, мулоҳаза
Фориғ – тинчиган, бўшаган, қутилган, бўш, холи
Хурдадон – майда ва нозик нарсаларни билувчи; нозикфаҳм,
 ўткир заковатли
Паймона – қадах, май пиёласи
Даний – пасткаш, тубан, разил, ярамас
Дурд – ҳар нарсанинг қуйқаси, қолдиги, сифатсиз
Софий – соф, тоза, пок; соф, покка тегишли, мансуб
Чекиб – 1) Тортмоқ, бошдан кечирмоқ; 2) бардош бермоқ, чи-
 дамоқ; 3) ичмоқ; 4) санчмоқ, урмоқ; 5) чиқармоқ, суғуриб олмоқ;
 6) ёзмоқ, битмоқ

Шарҳ ва изохлар

Анъанавий етти байтли навбатдаги ғазал мазмунан ошиқона
 ва шаклан пароканда бўлиб, ошиқ арзи ҳоли маъшуқа васфи би-
 лан уйғунлиқда тасвирланган.

Тикмишам мажруҳ кўнглим захмини ғам нишидин,
 Чиқмасун деб ханжаринг завқи кўнгулнинг решидин.

*Ханжар(дек киприкларинг) завқи кўнгли ярасидан чиқмасин деб
 мажруҳ кўнглим жароҳатини ғам ниши билан тикдим.*

Ошиқ маъшуқа жароҳатлаган кўнгли чокини ғам игнаси билан
 тикмоқда. Бунинг сабаби эса, маъшуқа киприклари завқи, унинг
 воситасида эса, унинг хаёли, ишқи чиқмасин демоқда. Матлаъ
 ожизлик орасидаги садоқат мадҳи билан бошланган.

Байтда мажруҳ кўнглум, кўнглум захми, ханжаринг завқи, кўнгулнинг реши бирикмалари орқали тўрт ўринда истиора, муболаға санъатлари яратилган.

Лаълдин мажрур эди кўнглум, шу фасод очти қон,
Қатра қонлар йўқки, жонлар томди ул дам нишидин.

Лаъл(дек лаби таъсир)идан кўнглим ҳароратли эди, яра қон билан йиринглади, натижада жароҳатдан қатра қон эмас, жонлар томди.

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқа лаблари таъсиридан жароҳат олганлиги ҳақида сўзламоқда. Маъшуқанинг қизил лаблари таъсирида жароҳатдан қонлар окди, деган шоир бу билан ҳам кифояланмай, йўқ аслида улардан қон эмас, жонлар томди, дея маъшуқа лабларини улуғламоқда. Бунинг сабаби эса маъшуқа лабларида ошиқларнинг жони жамланган.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис, муболаға ва радд ул-қофия санъатларига мурожаат қилинган.

Қоши майлин олмаса қурбон кўнгулдин бас манга,
Йўқса не ғам, чекса ё қатлимға ҳар дам кишидин.

Қоши майли – имосини қурбон бўлган кўнгулдан олмаса бас, қатлимни кимдан ҳукм қилса ҳам майли!

Навбат маъшуқанинг камон қошлари мадҳига. Ошиқ уларнинг ҳаёлини, ёдини ўз кўнглидан чиқармасликни шу қадар истайдики, бунинг учун қурбон бўлишга ҳам тайёр!

Байтда ташхис, истиора ва муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Кўнглум андоғким, итиб Мажнун отадин тутти тоғ,
Дарди ишқ истар қочиб ақли салоҳ андишидин.

Мажнун отасидан қочгани каби кўнглим ҳам узоқларга йўқолиб, тоғларни манзил тутди, ахир ишқ дарди соғлом ақл мулоҳазасидан қочишни исташи аниқ-ку!

Байтда ошиқ кўнгил Мажнунга, ақл эса унинг отасига қиёслан-моқда. Нега Мажнун отасидан кетиб, тоғларни Ватан тутати. Чунки ота унинг дардини тушунмади. Уни даволаш учун Каъбага олиб борди, кишанлаб азоб берди ва ҳоказо. Худди шундай кўнгил ҳам ақлдан воз кечиб, узоқларга кетишни, ишқ билан танҳо қолишни хоҳлайди. Сабаби, ақлнинг мулоҳазалари, ўлчовлари билан ҳисоблашишга энди унинг қарори йўқ!

Байтда тамсил, ташхис, муболаға санъатларидан фойдаланилган.

Соқий, чун давр иши маълум эмас, бир май била
Фориғ эт жонимни ақли хурдадон ташвишидин.

Эй соқий, замоннинг иши ҳеч кимга маълум эмас, (шундай экан,) бир (қадах) май билан жонимни нозикфаҳм ақл ташвишидан озод қил!

Навбатдаги байтда ҳам ақлни инкор қилиш фикри бор, чунки ишқ билан ошно бўлган кўнгилга юқоридаги байтда айтилганидек, ақлнинг нозикликлари керак эмас! Байтдаги май сўзи эса бевосита илоҳий ишқ, маърифат маъноларини ифодаламқда. Соқий атамаси эса ўз-ўзидан комил устоз, маърифат соҳиби маъноларида келаётир. Яъни, эй комил инсон, замоннинг ишларига тушунмай қолаяпман, шундай экан менин кўнглимга илоҳий маърифатни ошно қил-да, бир йўла унинг нозик раҳм ақли ташвишидан қутқар!

Байтда соқий сўзи ёрдамида илтифот, соқий ва май сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ул маеким тўлғуча паймона озод айлағай
Бу даний хумхона дурду софийининг тафтишидин.

Бу шундай майки, пиёла тўлғунича бу пасткаш тубан хумхона (дунё)нинг тозаю нотозаси ажратишдан озод қилади!

Навбатдаги байтда юқоридаги байтдаги “май”нинг таърифлари баён қилинган. Яъни, у шундай майки, бу пасткаш ва тубан хумхона, яъни дунёнинг дурд (нотоза)сидан ҳам, софий (тоза) сини тафтиш қилиб, ажратишдан ҳам озод қилади. То паймона тўлғунча озод қилади. Яъни, умрбод озод қилади. Албатта, бу май илоҳий ишқ ёки маърифатдир.

Байтда май, паймона, хумхона, дурд ва софий сўзлари орқали таносиб, дурд ва софий сўзлари орқали эса тазод санъатларига мурожаат этилмоқда.

Асради мунглуғ Навоий риштаи жонин чекиб,
Асрағандек шоҳлар сарриштае дарवेशидин.

Маҳзун Навоий жонини худди шоҳлар дарवेशдан сарриштани асраган каби асради.

Бечора Навоий ишққа жонини авайлаб-асради. Яъни шоҳлар дарवेशларни аягани каби жонини асради. Дунёдан, унинг тоза нотоза ишларидан, ғалваю ташвишларидан аяди. Ишқ учун, илоҳий маърифат, яъни май учун асраб-авайлади. Ғазал шундай улуғвор даъво билан якунланмоқда.

Байтда риштаи жон бирикмаси ёрдамида истиора, асра сўзининг такроридан тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо тури, шоҳ ва дарवेश сўзлари орқали эса тазод санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа мадҳи билан бошланиб, соф орифона туйғулар билан якунланмоқда. Зеро, пароканда ғазалнинг талаби ҳам шундай ўзи.

Зухра МАМАДАЛИЕВА


“Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин...”


Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин,
Ё юзунгдин кўзгу су бўлди, юзунг зоҳир судин.

Рў-барў бўлғач юзунг ғам шоми оллимдин кетар,
Соя тушкандек кейин хуршид бўлғач ўтрудин.

Йигламоқ чун айлади даъво кўзум бирла булут,
Барқ гўё муни фаҳм айлаб йиқилди кулгудин.

Тушта ул маҳваш юзига то кўз очтим ҳар кеча,
Истамасмен турфат-ул-айне кўз очмоқ уйқудин.

Холи ул юз важҳи топқан важҳдин бир гўшада
Зулфи янглиғ тўлганиб бошим қуйидур қайғудин.

Ком соқий лабларидин топтим аммо олди жон,
Эйки даврондин қўш ичтинг, ғофил ўлма қорудин.

Борган эрмушмен ўзумдин жилва қилган чоғда ёр,
Сўрмай ўтмиш, эй Навоий, худнамойим беҳудин.

V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Зоҳир – 1) Ёруғ, ярқироқ, порлоқ; 2) кўриниб турган, очиқ-ошкора, аён; 3) ташқи кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши

Ўтру – қарши, муқобил, рўпара

Барқ – 1) Чақмоқ, яшин, чақин; 2) ўт, олов; аланга; 3) шуъла, нур

Тухфат ул-айн – лаҳза, дақиқа, энг қисқа муддат (айн – кўз очиб юмгунчалик вақт)

Важҳ – 1) Сабаб, боис, восита; 2) маблағ, пул, мол, нарса; 3) обрў, иззат, ҳурмат; бойлик; 4) нарх, қиммат

Гўша – 1) Бурчак, чека жой, хилват; 2) чет

Қуйи – паст, тубан

Ком – 1) Оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак, майл; 3) бахт; 4) етишиш, ноил бўлиш

Қору – қасос; бадал, эваз

Худнамой – 1) Худбинлик, шухратпарастлик; 2) риёкорлик

Бехуд – 1) Хушсиз, ўзидан кетган, ақлу хуши кетган; 2) маст; 3) ихтиёрсиз

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошикона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа мадҳи ошиқ изтироблари билан уйғунлашган ҳолда тасвирланган.

Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин,
Ё юзунгдин кўзгу су бўлди, юзунг зоҳир судин.

Англолмай қолдим, кўзгудан кўрунган сувдек (мусаффо) юзингми ёки юзингдан кўзгу сув бўлдим ва ёхуд юзинг сувдан пайдо бўлдимми?!

Ошиқ маъшуқасини кўзгу орқали кўрди ва ҳайратда қолди: кўзгудан кўринаётган шу менинг севгилиммикин ёки кўзгу маъшуқамнинг жамолига тоқат қила олмай, сув бўлиб оқдим ва ёки мусаффо юзи сувдан яратилганми?!

Байтда муболага, ружу ва тарду акс ҳамда су сўзининг такоридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз турига мурожаат қилинган.

Рў-барў бўлғач юзунг ғам шоми олимдин кетар,
Соя тушкандек кейин хуршид бўлғач ўтрудин.

Юзма юз бўлгандан кейин ғам шоми олдимдан кетади, (бу ҳолат худди) қуёш рўнарадан келгач, соя йўқолишига ўхшайди.

Иккинчи байтда сувдек мусаффо юзнинг ошиқ кўнглига қандай таъсир қилиши ифодалаш учун хуршид – қуёш образидан фойдаланилган. Яъни, маъшуқанинг нурафшон жамоли бир қуёшдек. У ошиққа юзлангач, шом каби қоронғу ғам чекинади. Бу эса худди қуёшга қарасангиз, соя йўқолишига ўхшайди.

Байтда тамсил, рўбарў ва ўтру сўzlари орқали таносиб, ғам шоми бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилган.

Йиғламоқ шун айлади даъво кўзум бирла булут,
Барқ гўё мунн фаҳм айлаб йиқилди кулгудин.

*Кўзим билан булут йиғлашда ким ўзарга баҳслашди, чакмоқ эса
ёни фаҳм қилиб кулгидан йиқилди.*

Навбатдаги байтда маъшуқа васфидан чекиниб, ошиқ ўз арзи ҳолини тасвирламоқда. Ҳижрон ва изтиродан ишқ аламларидан тўккан кўз ёшларимни кўриб, булут мен билан баҳслашгиси келди, шекилли ёмғир ёғди. Бироқ бу шундай кулгили ҳолат эдики, яъни булутнинг кўз ёш борасида менга тенглашмоқчи бўлгани шу қадар кулгили эдики, чакмоқ кулаверганидан йиқилиб тушди. Табиат ҳодисаси ёрдамида ўз фикрини гўзал ифодалаш бундан ортиқ бўлмаса керак! Байтда булут ва барқ сўзлари ёрдамида танисиб, муболағанинг гулув даражаси ва ҳусни таълил санъатлари яратилган.

Тушта ул маҳваш юзига то кўз очтим ҳар кеча,
Истамасмен турфат-ул-айне кўз очмоқ уйқудин.

*Ул ойдек (гўзал) юзига кўзим ҳар кеча тушимда тушганда, бир
лаҳза ҳам кўзимни очишни истамайман.*

Навбатдаги байт ҳам ошиқ арзи ҳолига бағишланган. Ошиқ фақат маъшуқасини тушида кўрар экан. Ўнгида кўришга имкон йўқлигидан у ҳамиша уйқуда бўлишга, бир лаҳза ҳам кўз очмасликка рози бўлмоқда.

Байтда муболаға, кўз сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, туш ва уйқу сўзлари орқали эса танисиб санъатлардан фойдаланилган.

Холи ул юз важҳи топқан важҳдин бир гўшада
Зулфи янглиғ тўлғаниб бошим куйидур қайғудин.

*Холи юзидан иззат-ҳурмат топган ҳолда, бир гўшада беркинган
экан, (уни кўролмай) сочи каби тўлғониб, қайғудан бошим қуйи со-
линади.*

Навбатдаги байт маъшуқанинг кўзга чалиниб-чалинмайдиган даражада кичкина ҳоли ҳақида. Эмишки, унинг кўзга чалинмаслигига сабаб, беркиниб олгани экан. Унинг дарагини тополмаган ошиқ эса маъшуқанинг узун сочлари каби бошини қуйи эгиб, қайғудан тўлғанаркан.

Байтда важҳ сўзининг такроридан тажнис, хол, юз ва зулф сўз-
лари орқали таносиб ва ҳусни таълил санъатлари яратилмоқда.

Ком соқий лабларидин топтим аммо олди жон,
Эйки даврондин қўш ичтинг, ғофил ўлма қорудин.

*Соқий лабларидан мақсадимни топгандим, аммо (у) жонимни
олди, эй, замондан қўш насиба ичганлар, қасосдан ғофил бўлманг!*

Навбатдаги маъвиза ёки лирик чекиниш байтда шоир соқий
образи орқали замон, даврон каби вақт ўлчовларига мурожаат
қилмоқда. Яъни, мен даври даврондан кўп фойдаландим, лаз-
затландим. Аммо у бу лаззатларим эвазига вақтимни, умримни
– оқибат эса жонимни олди. Шундай экан, даврондан лаззат умид
қилганлар ва қилаётганлар, Сиз ҳам қасосдан ғофил бўлманг!
Шарқ донишмандлигига хос ушбу ҳикмат Навоийга хос гўзал
усулда, яъни тилсим орасига беркитиб берилган.

Борган эрмушмен ўзумдин жилва қилган чоғда ёр,
Сўрмай ўтмиш, эй Навоий, худнамойим беҳудин.

*Ёрим кўриниш бериб, жилва қилган пайтда ўзимдан кетибман,
эй Навоий худбин (гўзалим) беҳудини бир сўрамай ўтибди-я!*

Шунча арзи ҳол қилган ошиқ маъшуқасини бир кўриб, унга
дардини айтиш тугул, яхши назар ҳам ташлай олмай, ҳушидан
кетибди. Эътиборсиз маъшуқа эса ошиғини ҳолини бир бора ҳам
сўрамай, ўтиб кетибди. Мақтаъ шундай бир қараганда умидсиз,
лекин аслида висолнинг хабарини келтирувчи байт билан якун-
ланади.

Байтда “эй Навоий” ундалмаси орқали илтифот, худнамой ва
беҳуд сўзлари орқали иштиқоқ ва муболаға санъатларига муро-
жаат этилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Яна не қад жилва қилдиким, демақдин лолмен...”



Яна не қад жилва қилдиким, демақдин лолмен,
Ёна қайси зулф очилдиким, паришонҳолмен.

Заъфдин қаддим алиф бўлди, ул икки ломи — зулф
Ҳар ёнимдин фитнагар, ваҳ не ажаб, гар лолмен.

Итларингнинг изидин юз гул кўзум боғидадур,
Шукр эрур бу ҳамки, ишқинг йўлида помолмен.

Жисмим андуҳ ичра дард остида қолмиш, не ажаб
Ўлма қад бирла агар зулфунг ғамидин долмен.

Итти ул кўнглумки, васл учун тилар эрди ҳаёт,
Шукр эмди ўлғали ишқингда фориғболмен.

Ишқ ўти бу навъким урён танимни шурқади,
Аҳли дард учун фано юзига мушкин холмен.

Эй Навоий, не ажаб юзум уза югурса ёш,
Чунки Мажнун бўлғали бозичайи атфолмен.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Заъф – қувватсизлик, ҳолсизлик, заифлик, касаллик
Андуҳ – ғам, алам, қайғу, дард, ранж

Фориғбол – хотиржам, кўнгли тинч, беташвиш
Навъ – 1) тур, нав, хил; 2) кўриниш, йўл-йўриқ; йўсин
Урён – яланғоч, кийимсиз
Чуркади – 1) ўради; 2) куйдирди, қовжиратди
Бозича – ўйинчоқ
Атфол – болалар
Помол – оёқ ости, эзилган, босилган

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу анъанавий етти байтли мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал ғазалда ошиқнинг ишқ изтироблари, ҳижрон аламу изтироблари гўзал санъатлар ёрдамида тасвирланган.

Яна не қад жилва қилдиким, демакдин лолмен,
Ёна қайси зулф очилдиким, паришонҳолмен.

Яна қандай қад жилва қилдики, (бир нима) дейишдан ҳам лолман. Яна қайси зулф очилдики, паришонҳолман.

Агар байтдаги “ёна” сўзини “ёниб” маъносида қабул қиладиган бўлсак, мисранинг яна бир маъноси пайдо бўлади. Яъни: зулфлар ёниб очилар экан, мен паришонҳол бўлавераман.

Ошиқ Яратганнинг ҳар қандай зухуроти, жилваларига тоза кўнгил билан шайдо бўлади. Ҳар бир гўзалликни кўрганда, унга Аллоҳ учун ошиқ бўлади. Бу сафар ҳам шоир навбатдаги рамзий маҳбубаси гўзаллигидан ҳайратини ошкор қилмоқда.

Байтда мувозана ва муболаға, яна ва ёна сўзлари орқали эса тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо тури, ёна сўзи орқали эса ийҳом каби санъатларига мурожаат қилинган.

Заъфдин қаддим алиф бўлди, ул икки ломи — зулф
Ҳар ёнимдин фитнагар, ваҳ не ажаб, гар лолмен.

Заифликдан қаддим “алиф” бўлди, (маъшуқамнинг) икки зулфи эса “лом”дир. Бу икки фитнагар икки ёнимда турганидан кейин “лол” бўлмай, нима иложим бор?!

Иккинчи байт матлаънинг мантикий давоми бўлиб, маъшуқа зулф – гажаклари мадҳ этилмоқда. Яъни ошиқ шу қадар озиб кетганки, ёрининг икки зулфи орасидаги “алиф”га ўхшаб қолган. Бу ҳолда, яъни икки ёнимда иккита гажак – фитна солувчи бўлганидан кейин “лол” бўлмай, яъни лол сўзини ҳосил қилмай, нима иложим бор, демоқда. Ва бу ҳолат унинг маъшуқаси ҳусну жамолидан, ҳусусан фитна солгувчи зулфларидан лолу ҳайратда эканлиги билан изоҳланмоқда.

Байтда икки “ل” - лом ва бир “ا” - алиф “ا” ҳарфларидан лол – “ل ا” сўзи ҳосил бўлиши орқали китобат ва муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Итларингнинг изидин юз гул кўзум боғидадур,
Шукр эрур бу ҳамки, ишқинг йўлида помолмен.

Итларингнинг изидан юзлаб гул, кўзим боғида очилган. Шунга ҳам шукурки, ишқинг йўлида поймол бўлдим.

Ошиқ шу қадар ишқда садоқатлики, маъшуқанинг ўзини кўра олмаса, итларининг изини кўзига суртиб йиглайди. Оддий эмас, қонли кўз ёши тўқади. Ва шу ҳолатига ҳам хурсанд бўлиб, ишқ йўлида поймол бўлганидан мамнун бўлади.

Байтда истиора ва муболаға санъатлари яратилган.

Жисмим андуҳ ичра дард остида қолмиш, не ажаб
Эгма қад бирла агар зулфунг ғамидин долмен.

Жисмим андуҳ билан дард остида қолди, (шундай экан) эгма қад билан зулфинг ғамидан “дол” бўлишим ажабланарли эмас.

Улуғ шоир ушбу байтда “андуҳ”, “дард” ва “қад” сўзларига эътибор қилганлиги бежиз эмас. Ундаги дол – “د” ҳарфини иштироки бўлганлиги учун шоир эса бу ҳислар орасида ўз вужудининг маъшуқаси гажаклари ҳаёли билан қадди эгилгани ва дол ҳарфига ўхшаб қолгангини тасвирламоқда.

Байтда китобат санъати билан бирга муболағанинг ифрок даражаси ва “зулфунг ғами” бирикмаси орқали истиора санъати яратилмоқда.

Итти ул кўнглумки, васл учун тилар эрди ҳаёт,
Шукр эмди ўлғали ишқингда форигболмен.

*Висол учун ҳаёт тилаган кўнглим йўқолиб кетди, энди ўлишим
учун ҳам шукур қилишим керакки, ишқингда осойишталик топдим.*

Ҳаёт ошиққа фақат висол учун керак. Висол насиб қилмас экан, бундай ҳаётдан ўлим аълороқдир. Буни ҳис этган кўнгил маъшуқа кўйида йўқолди ва ошиқ шу сабаб осойишталикка эришди. Шунинг учун энди унга ўлим ҳам аҳамиятсиздир.

Байтда ҳаёт ва ўлғали сўзлари орқали тазод, кўнгулни жонлантириш орқали эса ташҳис санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Ишқ ўти бу навъким урён танимни шуркади,
Аҳли дард учун фано юзига мушкин холмен.

*Ишқ ўти юпун танимни шундай қамраб олдики, дард аҳли учун
фано юзидаги мушкин холга айландим.*

Ишқ ўти ошиқнинг юпун, яланғоч танини шундай ўраб, чирмаб олибдики, бутун вужуди ўралиб-буралиб, бир қора нуқтага айланибди ва йўқлик, яъни фано оламидаги бир нуқта бўлиб қолибди. Нега айнан хол? Сабаби, фано (عجز) сўзида “нун” ва “фе” харфларида “нуқта” бор. Яъни, нуқта ушбу сўзнинг асосий, кўзга ташланувчи унсурларидан саналади.

Демак, бу ўринда ҳам китобат санъатининг нодир намунаси ҳосил бўлмоқда. Байтда китобатдан ташқари ишқ ўтини жонлантириш орқали ташҳис, ишқ ўти, аҳли дард ва фано юзи бирикмалари орқали уч ўринда истиора санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Эй Навоий, не ажаб юзум уза югурса ёш,
Чунки Мажнун бўлғали бозичайи атфолмен.

*Эй Навоий, юзим узра ёш югурса не ажаб, (ахир мен) Мажнун
бўлиш учун болалар ўйинчоғига айландим-ку!*

Яъни, ишқнинг ҳар бир “ўйини”га бош эгиб, кўзимдан ёш думалайди. Худди Мажнун каби биров дардини айтса ҳам кўз

ёши тўкаман. Бу аҳволда мен болалар ўйинчоғига айланиб қолсам ҳам, ажаб эмас.

Байтда бозичаи атфол бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Мақтаъ зоҳиран тушкунлик, кайғу, ботинан эса кўтаринкилик билан якунланмоқда. Бунинг сабаби, ишқда забун бўлиш, йўқликка, яъни фанога етиш, асли камолот, улўғворлик рамзидир. Ғазал лирик қаҳрамони ғазал сўнгида мана шундай камолотга эришганини ишоралар орқали маълум қилмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин...”



Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин?
Манга онсиз минг ўлум ё дарди ҳижронму экин?

Сўрғали заъфимни лаълидинму эркин бир ҳадис,
Ё бузуғ жисмимда мамлу юз туман жонму экин?

Равзанимни то ёруттунг, кулбам ичра ҳар тараф,
Зарралар сойирму ёхуд меҳри рахшонму экин?

Олам аҳлиға лабинг зикримудур ратб-ул-лисон,
Ё бори олам лаболаб оби ҳайвонму экин?

Зулф аро қаддинг хаёлидин кўзум ёрутқали
Анбарин юз шамъ ёхуд хайли мужгонму экин?

Кўнглума ул юзу лаб ёдимۇ эркин ғам тунӣ,
Ё шабистоним тўла гулбарги хандонму экин?

Гайрига боқган учун кўз мардумин қатл айладим,
Ашки гулгун ёхуд анинг захмидин қонму экин?

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Заъф – қувватсизлик, ҳолсизлик, заифлик, касаллик

Лаъл – 1) Қизил рангли қимматбаҳо тош; 2) қип-қизил лаб, севгилининг лаби

Ҳадис – 1) Сўз, калом; 2) пайғамбар сўзи; 3) ҳикоя, нақл

Мамлу – 1) Тўлиқ, тўла; лиммо-лим; 2) тўлин ой; 3) тирик; марҳам

Равзан – туйнук, дарча, тешиқ

Сойир – юрувчи, кезувчи, сайр қилувчи

Рахшон – ялтироқ, порлоқ, жилваланувчи

Рабт ул-лисон – тил алоқадорлиги, тилга алоқадорлик

Оби ҳайвон – тириклик суви, ҳаёт чашмаси

Хайл – 1) Тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа, аҳли аёл

Шабистон – 1) Кеча қоронғулиги, қоронғу тун; 2) тунги ётоқхона, кечаси тунайдиган жой

Заҳм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ранжиш, кўнгил яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик, маломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги ғазал ҳам анъанавий етти байтли бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг ишқ дарди, ҳижрон азоби орасидаги ҳаяжонлари, маъшуқа гўзаллигидан ҳайратланишлари акс этган. Матлаъ ҳам шундай иккиланиш тасвири билан бошланади.

Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин?
Манга онсиз минг ўлум ё дарди ҳижронму экин?

Мендан узоқда бўлган юз жонмикин ё жонониммикин? Усиз мен билан бирга бўлган минг ўлимми ёки ҳижрон дардимикин?!

Ошиқ ўзидан айрилган маъшуқасими ёки танасидан жон чиқиб кетганиними, билолмай ҳайрон. Ҳатто бир эмас, юзлаб жони узоқлашгандай аламда. Севиклидан айрилиқдаги ҳижрон дарди эса минглаб ўлим билан тенг.

Ғазалдаги тушкун пафосга –му экин? саволи билан акс этувчи тажоҳили орифона санъати ўзига хос бўёқдорлик берган. Бундан ташқари байтда “жон” ва “жонон” сўзлари орқали иштиқоқ, юз, минг сўзлари орқали таносиб, жон ва ўлум сўзлари орқали тазод, жон, “жонон”, ҳижрон сўзлари орқали эса “ж” товуши такроридан тавеъ – товушдошлик санъатлари яратилмоқда.

Сўрғали заъфимни лаълидинму эркин бир ҳадис,
Ё бузуғ жисмимда мамлу юз туман жонму экин?

Хасталигимни сўрагани лаълдек лабидан бир сўз чиқдими ёки бузуғ жисмимга тўлган юз туман жон эканми?!

Иккинчи байтда тасвирланишича, маъшуқа баногоҳ ошиқнинг ҳолини бир сўраб қўйди. Бундан шодланган ошиқ жисмига юз эмас, минг ё туман эмас, балки юз туман жон киргандай бўлди. Кириб, уни лиммо-лим тўлдиргандай бўлди. Ошиқ эса ҳамон ўзига келолмай, маъшуқасининг бир лутфими ё ғойибдан жонлар ато бўлганлигини билолмай, ҳайрон.

Байтда муболага, жисм ва жон сўзлари орқали таносиб, лаъинг сўзи орқали истиора, эркин ва экин сўзлари орқали эса тақрирининг радд ул-ҳашв илал ажуз тури ҳамда радд ул-қофия санъати пайдо бўлмоқда.

Равзанимни то ёруттунг, кулбам ичра ҳар тараф,
Зарралар сойирму ёхуд меҳри рахшонму экин?

Туйнугимни ёритганингдан кейин кулбам ичига ҳар тараф сочилган зарралар сайрими ё нурафшон қуёшмикин?!

Маъшуқа ошиқ учун худди қуёшдек нур сочувчи. У кўчадан ўтганида ошиқ кулбасига унинг тешиқ-туйнуқларидан маъшуқа таровати – ёруғлиги кириб келади. Атрофга уни атри таралгандай бўлади. Шундаймикин асли ё шунчаки қуёш чиқдимиди? Ошиқ ҳажондан буни ҳам англай олмайди ва ҳайрат билан савол беради.

Байтда равзан, кулбам ҳамда зарра ва қуёш сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъати яратилмоқда.

Олам аҳлига лабинг зикримудур ратб-ул-лисон,
Ё бори олам лаболаб оби ҳайвонму экин?

Олам аҳли учун тилга алоқадорлик лабинг зикрими ёки олам барчаси тириклик сувиға лиммо-лим тўлганмикин?!

Олам аҳлига маъшуқа лабларининг гўзалиги ҳақидаги сўз тушган. Буни билган ошиқ ўзи лабингни ҳамма мактаб, таърифляптими, ёки оламга тириклик суви тарқалдими деб билолмай ҳайрон.

Байтда лабинг зикри, оби ҳайвон бирикмалари ёрдамида истиора, олам, аҳли, лабинг, лисон, лаболаб сўзларидаги “л” товуши тароридан тавзеъ, олам сўзининг такроридан тақрирнинг радд ус-садр илал ҳашв тури ва муболага санъатларига мурожаат этилмоқда.

Зулф аро қаддинг ҳаёлидин кўзум ёрутқали
Анбарин юз шамъ ёхуд хайли мужгонму экин?

Зулф орасидан қаддинг ҳаёлидан кўзимни ёритган анбар ҳидли юз шамми ёки киприқлар сафи эканими?!

Ошиқ маъшуқасининг қоматига тўйиб назар ташламоқчи бўлганида, унинг қаддини ўраб турган узун сочлари кўринади. Кейин ошиқ севгилисининг юзларига қарамоқчи бўлганида унинг киприқларига кўзи тушади. Ҳайратдан у бу киприқларни юзлаб шамлар билан адаштиради. Бу саф тортган киприқлармикин ёки маъшуқам юзида юзлаб шамлар ёниб турибдими? Йўқса, унинг жамоли бу қадар нурафшон бўлмасди, деб ҳайрон бўлади.

Байтда зулф ва қад, шунингдек, кўз ва мужгон сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъати яратилмоқда.

Кўнглума ул юзу лаб ёдимۇ эркин ғам туни,
Ё шабистоним тўла гулбарги хандонму экин?

Ғам тунида кўнглимда ул юзу лаб ёди эканми ёки тунги ётоғимга кулиб турувчи гуллар тўлиб кетибдими?!

Ошиқ маъшукани кундуз кўради. Тунда эса севгили ундан узоқ бўлади. Шунинг учун ошиққа бир тун минг йилдек туюлади. Шунинг учун у кечани “ғам туни” деб атайти. Бундай ғам тунида у маъшукасининг юзу лабилари хаёли, ёди билан овунади. Шунда ошиқнинг кўзи ва ақли ҳайратда қолиб, ётоғи устига кулиб очилган гулбарглар ёғилгандай бўлади. Ҳайратда қолган ошиқ ўзини тута олмай, савол беради: бу ёғи қандай бўлди? Мен маъшуканинг юзу лабини соғинаяпманми ёки устимга ҳушбўй гуллар ёғилаяптими?

Байтда ғам туни бирикмаси орқали истиора, тун ва шабистон сўзлари орқали эса таносиб санъатлари пайдо бўлмоқда.

Ғайрига боқган учун кўз мардумин қатл айладим,
Ашки гулгун ёхуд анинг захмидин қонму экин?

Бошқага қарагани учун кўзим қорасини ўйиб ташладим, бу қонли кўз ёшими ёки унинг жароҳатидан тўкилган қонмикин?!

Нихоят ғазал фожеавий пафос билан якунланди. Ошиқ ўзгага назар ташлагани учун кўзларини ўйиб ташлайди. Ёки... ўзи ҳам ҳайрон бу шунинг жароҳатими ёки ҳижронда тўкилган кўз ёшларми? Ғазал мана шундай ҳайронликнинг кульминацион нуқтаси билан якунланади.

Байтда ашки гулгун, қон сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатлари яратилмоқда. Ғазалнинг бошидан охиригача тажохили орифона санъатининг гўзал намуналари акс этмоқда.

Умуман бу ғазал ошиқ ҳайронлигининг гўзал ифодаси, тафаккур ўйинларининг жилвасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин...”

Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин?
Бичакда риштаи жонимму ё ипакму экин?

Кўз асру тиктим анинг ўймоғига, билманким,
Кўзум оқиму экин анда, ё сўнтакму экин?

Тун узра ойдину, ойдинда субх эркинму,
Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?

Гул узра ҳар сори тоб урди сунбулунг, ёхуд
Юзунгда зийнат учун санчқан кажакму экин?

Лабингдин истади жоним ҳаёт, билмасмен
Ки, бир сўкунчму ё қасди бир мучакму экин?

Бир усрук элни чиқиб қирған эрмиш, эй лутфе,
Сенинг бегингму экин, ё бизинг миракму экин?

Навоий, ушбу паришон ҳадис ила ғаразинг
Авом хотирини сайд айламакму экин?

V-V- VV-- V-V- VV-
мафоилун фаилотун мафоилун фаилун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Лутат

Бичак – игна, сўзан
Ўймоғ – ўймоқ, ўйиб олмоқ

Бурунчак – 1) рўмол, рўмолча; 2) юзга тутиладиган ипак парда
Лачак – рўмол, дакана, лачак
Кажак – фолбинлар таёқчаси
Мучак – ўпич, бўса
Мирак – мирбача, амирзода
Ғараз – 1) мақсад, ният; 2) хусус, жихат
Авом – омма, ҳалойиқ, оддий халқ
Сайд – ов, шикор; овланган нарса, қўлга тушган нарса

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал анъанавий етти байтли мураддиф бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан парокандадир. Ғазал маъшуқа васфи, унинг либосларию пардозининг ошиқ руҳиятига кўрсатган таъсири билан бошланади:

Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин?
Бичакда риштаи жонимму ё ипакму экин?

Бошинг устидаги ярамни тикиш учун игнамикин, игнага ўтказилган ипакми ёки жонимнинг ипимикин?!

Яқин-яқинларгача аёллар иш тикиб ўтирганларида бошқа бирор нимага чалғисалар, игна оёқ остада қолмасин, деб рўмолларига қадаб қўйганлар. Навоий мана шугина оддий, маиший одатдан чиройли санъаткорона топилма яратган. Яъни: “Ошиқ маъшуқанинг бошидаги рўмолига санчилган игнани кўриб қолди ва у менинг қалб ярамни тикиш учун ўлса керак, деб ўйлади. Унга ўтказилган ипга кўзи тушиб эса, бу ипми, ипакми, ёки менинг жонимни риштасимикин? – деб тахмин қилди.

Байтда мувозана, тажоҳили ориф ва муболаға санъатларини кўришимиз мумкин.

Кўз асру тиктим анинг ўймоғига, билманким,
Кўзум оқиму экин анда, ё сўнгамму экин?

Кўзимни шунчалар қаттиқ тикдимки, кўзимни оқими ёки суякми эканлигини ўзим ҳам англолмай қолдим.

Тун узра ойдину, ойдинда субҳ эркинму,
Ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?

Тун узра ойдинлик, ойдинлик узра тонг отибдимикин ёки сочингдаги рўмолча устида дакана рўмолмикин?!

Маъшуқа сочлари устида ҳарир рўмол (бурунчак), унинг устидан эса оқ дакана ташлаб олган. Бу ҳолат ошиқнинг кўзига тундек маъшуқа сочларини ойдин ва тонг қуршаб олгандек кўринмоқда.

Байтда тун, ойдин, субҳ сўзлари орқали таносиб ва тун, субҳ сўзлари воситасида эса тазод санъатлари яратилмоқда.

Гул узра ҳар сори тоб урди сунбулунг, ёхуд
Юзингда зийнат учун санчқан кажакму экин?

Гул(дек юзинг) устида сунбул(дек сочлар)инг ҳар томонга сочил-яптими ёхуд юзингга зийнат учун гажак кўйдингми?!

Маъшуқанинг тароққа тоб бермаган майда кокиллари юзига тушиб, бир ажиб гўзаллик берган. Ошиқ эса “бу табиий ҳодиса-ми ёки гўзалнинг ўзи атайлаб гажак қилганми?” деб ҳайрон бўлмоқда.

Байтда гул ва сунбул сўзлари орқали таносиб санъатига мурожаат қилинмоқда.

Лабингдин истади жоним ҳаёт, билмасмен
Ки, бир сўкунчму ё қасди бир мучакму экин?

Лабингдан жоним ҳаёт истади, лекин билмай қолдим, ундан сўкиш чиқдими ёки бир бўсага ният қилдингми?!

Ошиқ зору таваллоларидан кейин маъшуқа ниҳоят лаб очди. Бироқ у сўз бошлагунча ошиқнинг жони ҳалак: бир бўса берармикин, ё ҳеч бўлмаса бир оғиз ширин сўз айтармикин ва ёхуд таъна-маломат, сўкиш эшитармикинман дея?!

Байтда лабдан ҳаёт иташ орқали истиора, жонни шахслантирилиши воситасида ташхис санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Бир усрук элни чиқиб қирған эрмиш, эй лутфе,
Сенинг бегингму экин, ё бизинг миракму экин?

Шаракайф ҳолда бир чиқиб, элни қирган у ким экан, эй Лутфий, сенинг бегингмиким ёки бизнинг мир йигитмикин?!

Маълумки, мумтоз адабиётда, айниқса орифона шеъриятда муҳаббат илоҳий туйғу деб талқин қилинганлиги учун маъшукнинг жинсини аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун Навоийда ҳам, бошқа мумтоз адибларда ҳам гўзал йигитларга бағишланган ғазаллар, байтлар бўлиши, мумтоз адабиёт талабига биноан одатий ҳол ҳисобланади. Ушбу ғазалда ҳам маст чиқиб, оламга ўт солган, ошиқлар юрагини куйдирган мир йигитми ёки бек йигит эканлигини билолмайган шоир гўзалларга “эй бегим” дея илтифот қилиб шеър битувчи устози малик ул-калом мавлоно Лутфийга мурожаат қилиб, ўз ҳайратини изҳор этмоқда.

Ғазалнинг аввалги байтларида рўмол ўраган, кашта тиккан гўзал мадҳини куйлаган Навоий лирик чекиниш байтига келиб, маст йигит таърифини куйлагани эса пароканда ғазал тартибига тўғри келади.

Байтда эй лутфе (эй Лутфий) ундалмаси орқали илтифот, бег ва мирак сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Навоий, ушбу паришон ҳадис ила ғаразинг
Авом хотирини сайд айламакму экин?

Эй Навоий, ушбу паришон ғазал билан мақсадинг элнинг кўнглини овлашмикин?!

Мақтаъда Навоий ўз ғазалини паришон ҳадис дея камтарлик изҳор қилиб, ғазални якунламоқда.

Умуман, ғазал муҳаббат боғига кирган ошиқнинг беқарор ҳолатидан бир саҳифа, десак бўлар. Ушбу ғазалда ҳам бошдан охиригача тажоҳили ориф санъати истисносиз барча байтда қўлланилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Юзунг ўтига тутун зулфи муанбарму экин...”

Юзунг ўтига тутун зулфи муанбарму экин?
Оташин лаълинг ул ўт ичида ахгарму экин?

Меҳр сарчашмасидин қатраму томди ёхуд
Оразинг бирла қулоғингдаги гавҳарму экин?

Ғам туни ҳар тараф оҳим ўқи ул ой ғамида
Чархдин ўтканининг ўрниму, ахтарму экин?

Музтариб кўнглум экинму қуядурган тан аро
Ё бу оташкада кунжида самандарму экин?

Қон экинму янги доғим аро, ё ҳажрингда
Жоми гулнорий ичинда майи аҳмарму экин?

Зохид учмоғ тилади ёрдину мен ҳам ўзин,
Ё раб, ушбу ики матлуб баробарму экин?

Эй Навоий, дема Фарҳод паришонлиғидин
Ул бу Мажнунча бало тоғида абтарму экин?

—V— VV— VV— VV—
фоилотун фаилотун фаилотун фаилун
рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Муанбар – анбар билан хушбўйланган, анбарланган; хушбўй;
муаттар

Ахгар – лахча чўғ, олов; ошиқ

Ахтар – 1) Юлдуз; 2) тақдир, қисмат, бахт; 3) юз, жамол, чирой, хусн; 4) байрок, туғ; 5) манзил, макон; шуъла

Музтариб – изтироб чекувчи, изтиробли ҳолда қолган; парижон, бетоқат, беқарор

Самандар – афсонага кўра ўтдан пайдо бўладиган ва ўтда яшайдиган афсонавий ҳайвон, қуш

Аҳмар – қизил

Учмоғ – жаннат

Матлуб – 1) Талаб қилинган, хоҳланган; мақсуд; сеvimли, ёқимли; 2) хоҳиш, мақсад

Абтар – 1) Калта, қисқа, узилган; чала, хунук; нуқсонли; 2) арзимас, кераксиз, бекор, фойдасиз; 3) нотинч, вайрон, хароб; 4) хаста, нотагон; 5) бефойда; 6) аруз поэтикаси термини

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли навбатдаги радибли ғазал ҳам мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа гўзаллиги васфи, унинг ошиқ руҳиятига таъсири кейинги байтларда эса ошиқ арзи ҳоли акс этган.

Матлаъ ҳайрат тасвири билан бошланади:

Юзунг ўтига тутун зулфи муанбарму экин?
Оташин лаълинг ул ўт ичида ахгарму экин?

Юзинг ўтига тутун бўлган ҳушбўй сочларингмикин?! Ўт сочувчи лаъ(дек лаблар)инг у ўт ичидаги лахча чўғмикин?!

Маъшуқанинг қоп-қора, жингалак сочлари ойдек нурафшон юзига тушиб ҳосил қилган ажиб манзарани кўриб, ошиқ сочми бу ё, ўт сочувчи юзингнинг тутунимикин, қип-қизил лабинг эса ундаги бир чўғмикин, деб ажабланмоқда.

Байтда юзинг ўти, оташин лаълинг бирикмалари орқали истиора, ўт сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашф илал ҳашф тури ҳосил бўлмоқда.

Меҳр сарчашмасидин қатраму томди ёхуд
Оразинг бирла қулоғингдаги гавҳарму экин?

Меҳр булоғидан бир қатра томдимикин, ёки юзинг билан қулоғингдаги гавҳар (исирға)микин?!

Ошиқ ҳайрати давом этади. Энди у севгилисининг бурни ва қулоғига тақилган гавҳар доналарига қараб, қуёш чашмасидан нур ёғилаяптими, ёки гувҳар исирғаларинг ялтираяптими, дея ҳайратланмоқда.

Ишқ асли ҳайратдан бошланди. Ҳайрат билан камолотга етади. Ҳайрат ўлган пайтда ишқ ниҳоясига этади. маъшуқа гўзаллигидан ҳайратланиб ишққа гирифтор бўлган ошиқ ўз ҳолидан ҳайратланиши орқали ишқи камолотга этади. Навбатдаги байтда худди шу ҳолат тасвирланмоқда: маъшуқа гўзаллигига ҳайрат ошиқнинг ўз аҳволидан ҳайратланиши билан алмашмоқда.

Байтда меҳр сарчашмаси бирикмаси ёрдамида истиора, ораз ва қулоқ сўзлари ёрдамида эса таонсуб санъатлари яратилмоқда.

Ғам туни ҳар тараф оҳим ўқи ул ой ғамида
Чархдин ўтканининг ўрниму, ахтарму экин?

У ойдек маъшуқанинг ғамида тунлари учган оҳим ўқларининг ўрнимикин, ёки юлдузларимикин?!

Ошиқ ҳар тун тинмай “оҳ” чекади ва охир-оқибат ўзи ҳам бу чекаётган оҳларининг осмондаги изими ёки юлдузларми эканлигини билмай қолади.

Байтда ғам туни, оҳим ўқи бирикмалари, чарх ва ой сўзлари ёрдамида истиора, тун, ой ва ахтар сўзлари орқали таносиб, мболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Музтариб кўнглум экинму куядурган тан аро
Ё бу оташкада кунжида самандарму экин?

Таним ичидаги куяётган яширин кўнглиммикин ёки оташкада бурчагидаги самандармикин?!

Ошиқнинг ўз ҳолатидан ҳайрати давом этмоқда. У тинмай изтироб чекаётган кўнглининг ҳолатига қараб ҳайрон: бу тан ичида

ёнаётган кўнглим эканми ёки зардўштийлар ибодатхонаси бўлган оташкададаги мангу олов ичида яшаётган, ўтдан чикса ўладиган афсонавий қуш – самандармикин?! Ошиқ ишқ аро шундай ҳолатга келганки, ўз аҳволини ўзи англамайди. Ўз ҳолидан ўзи ҳайратда!

Байтда музтариб кўнглум брикмасы орқали истиора, кўнглум ва тан сўзлари аро таносиб ва муболаға санъатлари ярталмоқда.

Қон экинму янги доғим аро, ё ҳажрингда
Жоми гулнорий ичинда майи аҳмарму экин?

Айрилигингда (пайдо бўлган) янги доғим ичидаги қонмикин, ёки гул рангли қадаҳ ичида қизил маймикин?!

Ошиқнинг изтироблар аро ҳайрат тасвири давом этмоқда. У гул рангли, кип-қизил шароби нобга қараб ўз ҳоли эсига тушади ва бу ўзи шаробмикин, ё менинг ҳайждан вайрон бўлган кўнглимдаги янги доғларми деб ажабланади.

Байтда муболаға санъатига мурожаат қилинмоқда.

Зоҳид учмоғ тилади ёрдину мен ҳам ўзин,
Ё раб, ушбу ики матлуб баробарму экин?

Зоҳид ёримдан жаннат сўради, мен эса Унинг Ўзини сўрадим, эй Худо бу икки тилак баробармикин?!

Навбатдаги маъвиза байтда ошиқнинг маъшуқи илоҳий Маъшукдир. Шунинг учун у ҳайратланиб “зоҳид, яъни жаннат умидида дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат қилувчи учмоғни – жаннатни сўраб, иккиюзламачилик қиляпти, мен эса Унинг Ўзини дийдорини сўраяпман. Бу икки тилак ҳеч баробар бўладими, ўзи” деб ҳайратланмоқда.

Байтда ё раб ундалмаси ёрдамида илтифот, зоҳид ва мен ҳамда ўзин ва учмоғ сўзлари орқали эса маънавий тазод санъатлари пайдо бўлган.

Эй Навоий, дема Фарҳод паришонлигинин
Ул бу Мажнунча бало тоғида абтарму экин?

Эй Навоий, Фарҳод ҳолининг паришонлигидан гапирма, у бало тоғида мен мажнун каби хаста ва нотаъоммикин?!

Мақтаъда Навоий ўз ҳолини Фарҳодгага қиёслаб, у ҳам мендай абгормиди, дея ҳайрат аралаш сўроғларини якунламоқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, Фарҳод ва Мажнун сўзлари орқали талмех, бало тоғи бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари яратилган.

Ғазалнинг бошдан охиригача таҷоҳили ориф санъати қўлланилган.

Умуман, ушбу ғазал инсон қалбидаги муҳаббатнинг ҳайрат билан ифодаланган изҳори десак, муболаға эмас.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Улки ҳар тун уйғаниб, ёнида кўрмас ҳамдамин...”

Улки ҳар тун уйғаниб, ёнида кўрмас ҳамдамин,
Йўқ ажаб гар сояни ҳамдам қилиб айтур ғамин.

Қўйнида афъий, не мумкин кўзга уйқу кирмаги
Улки ҳар тун ёд этар бир зулфнинг печу хамин.

Тақя не имкон тушуб бистар аро юз минг тикан,
Улки бир мужгон ҳаёли тийра қилмиш оламин.

Кеча афғон қилмасам тонг йўқ, бировким кўнглига
Ҳажр ўқи теврулди, мушқилдур қатиқ урмоқ дамин.

Не ёруғ бўлғай ҳаёти шамъи улким, ишқ анга
Ғам шабистони аро ёғдурди ҳижрон шабнамин.

Захминга сеп, эй кўнгул, навмидлиғ туфроғиким,
Топмади кўк ҳуққасида кимса вуслат марҳамин.

Чарх анжум ашкини сочиб, недин киймиш қора,
Ҳажр шоми тутмаған бўлса Навоий мотамин?

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Афъий – 1) Илон, заҳарли илон; 2) соч, соч ўрими; зулф, кокил
Печу хама – эгилган, буралган

Тақя – 1) турар жой, ётоқхона; 2) суянч, суянчик, ёстик

Бистар – тўшак, кўрпа-ёстик; ётар жой, ўрин

Тийра – 1) Қора, қоронғу; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира;
нурсиз

Афғон – 1) Фигонлар, фарёдлар, нолалар; 2) овоз, садо, жа-
ранг, бонг

Теврулди – санчилди, қадалди

Дам – нафас

Шабистон – 1) Кеча қоронғулиги, қоронғу тун; 2) тунги ётоқ-
хона, кечаси тунайдиган жой

Захм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ран-
жиш, кўнгил яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик, ма-
ломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Ҳуққа – 1) қутича, қимматбаҳо тошлар солинадиган думалок
қутича; 2) маъшуканинг оғзи

Вуслат – етишиш, эришиш, қовушиш; алоқа; боғич, ямоқ

Марҳам – малҳам, даво

Чарх – 1) Гардиш, чарх; 2) осмон, фалак; 3) давр, замон;
4) бахт, толе, тақдир

Анжум – 1) Юлдузлар; 2) дурлар

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан якпора ушбу ғазал ҳижрон аламлири, айрилиқдаги инсон қалби изтиробларига бағишланган.

Улки ҳар тун уйғониб, ёнида кўрмас ҳамдамин,
Йўқ ажаб гар сояни ҳамдам қилиб айтур ғамин.

Ҳар тун уйғониб, ёнида ҳамдамини кўрмаган инсон ҳар сояни ҳамдам қилиб, ғамини айта, ажабларали эмас.

Ҳар туни уйғонганида ёнида ҳар бир нафасида бирга бўлувчи яқинини, ёрини кўрмаган бечора сояни ҳам ҳамдам билиб, дардини айтмай, нима қилсин, деган шоир инсон изтиробини тасвирламоқда. Дарҳақиқат, бу нозик тасвирда соядан ҳам нажот излаган, унга ҳам дардини айтган инсоннинг ҳижрондаги руҳий ҳолати, руҳий таназзули тасвирланмоқда.

Байтда ҳамдамин сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ажуз илал ҳашф тури, сояни жонлантириш орқали ташхис санъати яратилмоқда.

Қўйнида афъий, не мумкин кўзга уйқу кирмаги
Улки ҳар тун ёд этар бир зулфнинг печу хамин.

Ҳар тун зулфи печу ҳам бўлган (маъшуқасини эслар экан), қўйнида илон ётгани каби кўзига уйқу келмаслиги аниқ.

Иккинчи байтдан маълум бўладики, ёлғизликдаги инсон – ошиқ. У узун сочлари жингалак маъшуқасини эслар экан, қўйнида илон асрагандай кечалари уйқу билмайди.

Инсон руҳий изтироби тасвири давом этмоқда.

Байтда муболаға ва печу хами сўзлари орқали таъдид санъатига мурожаат этилмоқда.

Тақя не имкон тушуб бистар аро юз минг тикан,
Улки бир мужгон ҳаёли тийра қилмиш оламин.

Бир киприк ҳаёли оламни қора қилганидан кейин кўрна-тўшагига юз минг тикан тушган каби суянишга қандай имкони бор?!

Айрилиқдаги ошиқнинг тунги изтироблари тасвири давом этади. Энди маъшуканинг тикандек киприкларини эслаган ошиқнинг кўрпа-тўшаги тиканга айланмоқда. Шунинг учун суянишга ҳам, ястанишга ҳам имкони йўқ. Қилгани иши фақат имконсизлик, чораси эса бечоралик.

Байтда муболаға, мужгон ҳаёли бирикмаси орқали истиора санъатлари юзага келмоқда.

Кеча афғон қилмаса тонг йўқ, бировким кўнглига
Ҳажр ўқи теврулди, мушқилдур қатиқ урмоқ дамин.

Тунда қаттиқ нола қилмаса, ажабланарли эмас, бировнинг кўнглига ҳижрон ўқи теккандан кейин қаттиқ нафас олиши ҳам қийинлашади.

Тунда изтироб чекаётган ошиқнинг фиғон чекмаслигига ажабланманг, дейди улуғ шоир, ахир унинг кўнглига ҳижрон ўқи санчилган. Югагига ўқ қадалган одам эса фиғон чекиш, нола қилиш у ёқда турсин, қаттиқроқ нафас олиш имкони ҳам йўқ, жони узилиши мумкин-ку, ахир!

Байтда ҳажр ўқи бирикмаси ёрдамида истиора, муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Не ёруғ бўлғай ҳаёти шамъи улким, ишқ анга
Ғам шабистони аро ёғдурди ҳижрон шабнамин.

Ишқ ғам шабистони аро ҳижрон шабнамини (бошига) ёғдирган кимсанинг ҳаёт шами қандай ёруғ бўлсин, ахир?!

Ҳаёти, ўзи бедор кечирган тун каби қоронғу бўлган ошиқнинг кўнгли қандай ёришсин?! Ахир, ишқ унинг ғамли қора тунига ҳижрон шабнамларини тўккан-ку?! Байтда ошиқнинг тунги кўз ёшлари образли тарзда тасвирланмоқда.

Байтда ҳаёт шамъи, ғам шабистони, ҳижрон шабнами бирикмалари орқали истиора, ишқни жонлантириш билан ташхис, шамъ, ишқ, шабистон, шабнам сўзларидаги “ш” товуши такроридан тавзеъ санъати яратилган.

Захминга сеп, эй кўнгул, навмидлиғ туфроғиким,
Топмади кўк ҳуққасида кимса вуслат марҳамин.

Эй кўнгил, жароҳатингга ноумидлик тупроғини сепки, осмоннинг думалоқ қутичасида висол малҳамини ҳеч ким топа олмади?!

Ҳаётнинг ўзи айрилиқлардан иборат, тақдирда ҳеч ким яқинлик малҳамини тополмайди. Шундай экан, ҳижрондан пайдо бўлган жароҳатингга ноумидлик тупроғини малҳам қилиб сеп, деган улуғ шоир нафақат ошиқ, балки умуман инсон умрига умумий хулоса қилмоқда.

Байтда эй кўнгул бирикмаси орқали илтифот, навмидлиг туфроғи, кўк ҳуққаси, вуслат марҳами бирикмалари орқали истиора, кўнгулни жонлантириш орқали ташхис санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Чарх анжум ашкини сочиб, недин киймиш қора,
Ҳажр шоми тутмаган бўлса Навоий мотамин?

Айрилиқ шомида Навоий мотамини тутмаган бўлса, осмон юлдузлар кўз ёшини тўкиб, нима учун қора кийди?!

Мақтаъда маълум бўлишича, ушбу изтироблар соҳиби, сояни ҳамдам қилиб, дардини айтган, тунда қўйнига илон кирган каби ухлай олмаган, кўрпа-ёстикларига тиканлар санчилган, дардининг кучидан нола ҳам қила олмайдиган ғазал қаҳрамони Навоий экан. Шунинг учун ҳижрон тунининг ўзи ҳам юлдузларини сочиб, Навоий ҳолига мотам тутиб, йиғламоқда.

Байтда анжум ашки, ҳажр шоми, Навоий мотами бирикмалари орқали истиора, чархни жонлантириш орқали ташхис, чарх ва анжум сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал инсон руҳиятининг нозик кўнгил изтиробларига бағишланган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин...”

Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин,
Не учунким, то май ичмиш бош кўтармас бодадин.

Боқмаса тасбиҳу мусҳаф хаттига йўқ айбким,
Фориғ эрмас дона нуклию ҳарифи содадин.

Рўзасин сирўза май қилса не тонгким, саъб эрур,
Нася уммидига кечмак ишрати омодадин.

Токим ул гулсиз булут янглиғ ҳавойий бўлмишам,
Базми айши ёдидин ашким қолинмас бодадин.

Майға жоним раҳн этай махмур эсамким, фарз эрур
Сарви озодега қуллуқ ошиқи озодадин.

Ким қизитти ишқ ўти бирла кўнгул, майдин димоғ,
Не ғами бор носихи беақлу шайхи лодадин.

Заъфдин махмурлуғ йиқти Навоий жисмини,
Ёр айши базмида ёд айланг ул уфтодадин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Порсо – тақводор, художўй
Сажжода – жойнамоз

Фориғ – тинчиган, бўшаган, қутилган, бўш, холи

Тасбеҳ – 1) Тасбеҳ (ашё); 2) тасбеҳ айтиш (субҳоналлоҳ - Аллоҳ покдир деб такрорлаш)

Мусхаф – 1) Қуръон; 2) йўл-йўриқ

Сир – сир; яширин, махфий

Саъб – қийин, оғир

Омода – жиҳозланган, тайёрланган

Раҳн – гаров

Носиҳ – насиҳат қилувчи, насиҳатгўй

Заъф – қувватсизлик, ҳолсизлик, заифлик, касаллик

Махмур – 1) Маст, кайфи ошган; 2) хумор, май бош оғриғи, ширакайф

Уфтода (афтода) – 1) Дармонсиз, мажолсиз, нотавон, заиф; эзилган, қийналган; 2) камтарлик юзасидан “мен” ўрнида ишлатиладиган сўз.

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан риндона бўлиб, май ва майхўр маъшуқ таърифига бағишланган, шаклан эса якпорадир. Маълумки, тасаввуф адабиётида ишқ ўта пок руҳоний туйғу бўлганлиги, покиза кўнгил ва кўзни талаб қилганлиги учун унга маъшукнинг жинсини фарқи йўқ, яъни гўзал қизларга муҳаббат изҳор этиш қанчалик табиий бўлса, кўркем йигитчалар мадҳини куйлаш ҳам шундай одатий ҳолдир.

Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин,
Не учунким, то май ичмиш бош кўтармас бодадин.

Тақводор ёрим нима учун масжиду жойнамозни эсламаяпти десам, тинмай май ичиб, ичкиликдан бош кўтармаяпти-ку!

Ушбу ғазалнинг лирик қахрамонининг маъшуқи ҳам кеча порсо – художўй ва тақводор бўлган, бугун эса уларни унутиб, нуқул май ичадиган гўзал ва аслзода йигит. Унинг художўй ва эътиборсизлиги ошиқни азобларга солган бўлса, майга ружу қўйиши ҳай-

ратини оширмоқда. Матлаъ мана шундай ҳайрат изҳори билан бошланади.

Байтда масжиду сажжода сўзлари ёрдамида таносиб ва таъдид, май ва бода сўзлари ёрдамида таносиб ва муболага санъатлари яратилмоқда.

Боқмаса тасбиҳу мусҳаф хаттига йўқ айбким,
Фориғ эрмас дона нуқлию ҳарифи содадин.

Тасбеҳнаю Куръон хатиға қарамаса, айби йўқ, газак донасию, софда суҳбандошлардан ортмаяпти.

Набатдаги байтда ҳам тақводан юз ўгирган майпараст маъшук хатти-ҳаракати ошиқ нуқтаи назаридан туриб таърифланмоқда. Кеча Куръон ўқиб, тасбеҳ ўгириб юрган маъшук энди майпарастлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, газак қилиш билан андармон. Маъшукнинг ҳар қандай ҳолати ҳам кўзига гўзал кўринган ошиқ бунга ҳам “йўқ айбким” деб баҳо бермоқда.

Байтда тасбеҳу мусҳаф сўзлари орқали таносиб ва таъдид санъатларига мурожаат этилмоқда.

Рўзасин сирўза май қилса не тонгким, саъб эрур,
Нася уммидиға кечмак ишрати омодадин.

Рўзасини майга алмаштира, ажабланарли эмас, чунки нася уммидида тайёр хурсандчиликдан воз кечиш қийин-да ахир!

Маъшукнинг куфрона эркаликлари байтдан-байтга очилиб, ривожланиб бормоқда. Энди у тутаетган рўзасини ҳам майга алмаштириб юборди. Тўғри-да, дейди ошиқ бу ҳолатга жавобан, рўзанинг савобидан ҳосил бўладиган жаннатдаги нася роҳатлар умидидан нақд бўлиб турган май ичиб, қилинадиган хурсандчилик афзал-да!

Байтда нася уммиди ва иштари омода бирикмалари орқасида шартли тазод ҳосил бўлмоқда.

Тоқим ул гулсиз булут янглиғ ҳавойий бўлмишам,
Базми айши ёдидин ашким қолинмас бодадин.

У гул(дек ёрим)сиз булутдай ҳавоий бўлиб қоламан, (менсиз) хурсандчилик қилаётганини эсласам, кўз ёшларим бодадан фарқсиз бўлиб қолаяпти.

Маъшук хурсандчиликлар қилса майлику-я, лекин у бундай базмларда ошиғини унутиб қўйяпти-да. Мана шуниси ошиққа алам устига алам қилиб, кўз ёши қизил рангли бодадан фарқ қилмай қолди – тинмай тўкиладиган бўлди.

Байтда гул сўзи ёрдамида истиора, булут ва ҳавоий сўзлари ёрдамида тансоуб, муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Майға жоним раҳн этай махмур эсамким, фарз эрур
Сарви озодеға қуллуқ ошиқи озодадин.

Ширакайф бўлиб, майға жонимни гаров қўяйки, сарв қадли (маъшуқа)га озод ошиқдан қуллуқ қилиш фарздир.

Маъшуқининг лаби теккан майға ошиқ ўз жонини алмашмоқчи. Бунинг сабаби эса ошиқ учун маъшукқа қуллуқ қилиш, бўйсунининг фарзлигидир.

Байтда май ва махмур сўзлари орқали таносиб, сарви озоде бирикмаси воситасида истиора, озод ва озода сўзлари орқали иштиқоқ ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ким қизитти ишқ ўти бирла кўнгул, майдин димоғ,
Не ғами бор носихи беақлу шайхи лодадин.

Ишқ ўти кўнгулни, май эса димоғни қизитди, (бундай ҳолатда) ақлсиз насиҳатгўй билан нодон шайхдан нима ғами бор, ахир?!

Маъвиза ёки лирик чекиниш байтида Навоий ишқ билан майни бирдай тилга олмоқда. Демак, ғазалда тасвирланган май – илоҳий ишқ майи, ундан сархуш маъшук эса – қалби илоҳий ишқ ва маърифатга тўла комил инсондир.

Бундан инсоннинг руҳий камолтига интиланган ва унга ошиқ бўлган кишини ақлсиз насиҳатгўю, нодон шайх тушунармиди?! Ва унинг булар билан нима ишию, қандай ғами бор?!

Байтда ишқ ўти бирикмаси орқали истиора, носиху беақлу, шайхи лода бирикмалари орқали таъдид санъатлари яратилмоқда.

Заъфдин махмурлуғ йиқти Навоий жисмини,
Ёр айши базмида ёд айланг ул уфтодадин.

*Хуморликдан келиб чиққан хасталик Навоий жисмини йиқитди,
ёр базмида бу бечорани ҳам эслаб қўйинг!*

Ғазал якунида Навоий илоҳий маърифат майига ташналик қийнаб юборганлигини айтиб, ғазалхонларидан маърифат соҳиби бўлган комил инсоннинг базмида қатнашсангиз, мени ҳам бир эслаб қўйинг, дея илтимос қилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал илоҳий маърифатга ташналик, унга эришган инсонга эса эҳтиромнинг анъанавий ошиқона йўналишда ифодаланишидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Чиқарғач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин...”

Чиқарғач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин,
Жарасдек нола айлармен кўнгулнинг изтиробидин.

Эмас кўксумда эски доғлар, бал суқбалардурким,
Сувабмен то хаёлинг чиқмағай кўнглум харобидин.

Ҳавойи ишқинг асрарға эрур ҳар ён кумуш гунбад
Ки, қилмишмен иморат баҳри ашқимнинг хубобидин.

Бағирда ниши ғам ўлтурдию кўнглумда юз ғамким,
Итинг қут этмағай ногаҳ қуюк бағрим кабобидин.

Тану жон заврақин ғарқ эткали гирдоби офатдур
Қуюнларким, югурур ишқ даштининг саробидин.

Қоши меҳробидин юз қиблага қўй дерсен, эй носих,
Муважжаҳ деб экинсен, ваҳки, ожизмен жавобидин

Хирад мулкини сабрим кишваридек буздунг, эй соқий,
Бу селиким равон қилдинг қадаҳполо саҳобидин.

Бу базм аҳлини бот йиқмоқдин ўзга соқийи даврон
Не қилди қасд бу нилин қадах даври шитобидин.

Навоий риштаи фикри чекар маъно суманбўйин,
Хуш ул тожирки, Юсуф чехра кўргузгай танобидин.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Луғат

Маҳмилнишин – маҳофада, кажавада ўтирган

Ораз – чехра, юз, жамол

Жарас – қўнғироқ

Суқба – тешик

Гунбад – 1) Гумбаз, иморат қуббаси; 2) осмон, фалак; 3) сайёра, планета; 4) иморат, бино; 5) дахма, мазор гумбази; 6) табақа

Хубоб – 1) Сув юзида пайдо бўладиган пуфакчалар; 2) осмон гумбази, етти ҳубоб – осмон

Қут этмак – 1) емак, озиқланмоқ, овқатланмоқ; 2) қутланмоқ, жонланмоқ

Носих – насиҳат қилувчи, насиҳатгўй

Муважжаҳ – маъқул; мақбул, ваҳҳли; ёқимли

Хирад – 1) Ақл, фикр, идрок, дониш; 2) тушунча

Кишвар – 1) Мамалакат, ўлка, вилоят; 2) иқлим

Қадаҳполо – май сузгич

Саҳоб – 1) Булут; 2) ёруғликни тўсувчи воситалар, сабаблар

Нилин – нил рангли, кўк

Таноб – 1) Арқон, ип; сиртмоқ; 2) ўрим, тола, ришта; 3) ер ўлчов бирлиги, миқдори, таноб; 4) томир, реша

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ошиқ изтироблари, ҳижрон ва висол онларидаги беҳудлиги акс эттирилган.

Чиқаргач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин,
Жарасдек нола айлармен кўнгулнинг изтиробидин.

*У кажавада ўтиргувчи ой(юзли севгилим) юзидан ниқобини ол-
гач, кўнгил изтиробидан кўнгиروقдай нола қиламан.*

Ойдай гўзал кажавадаги пардани суриб, ошиғига қарайди. Бундан ошиқ хурсанд бўлиши, висол учун шукроналар айтиши керак. Лекин у кажавага боғланган карвон кўнгиروعидай нола қилмоқда. Бунинг сабаби нимада? Сабаби, маъшуканинг гўзалли-
ги ошиққа ором бериш даражасидан ўтиб, озор бериш даражаси-
га етган. Ундаги ҳар бир гўзаллик, унинг ҳар бир жилваси ошиқ кўнглига азоб, изтироб беради. Бунинг сабаби нима? Сабаби, ошиқ маъшуқа гўзаллигига боқиб, роҳат олиш ўрнига, уни соғиниб чеккан азобларини эслайди. Яна келажак ҳижронни ўйлайди. Ҳо-
зирданоқ соғинчни ҳис этади. Шунинг учун висолдаги маъшуқа гўзаллиги ҳам ошиққа кўнгил изтиробини бахш этади.

Байтда маҳи маҳмилнишин бирикмаси орқали истиора, жа-
расдек сўзи орқали ташбеҳ ва муболага санъатлари яратилган.

Эмас кўксумда эски доғлар, бал сукбалардурким,
Сувабмен то хаёлинг чиқмағай кўнглум харобидин.

*Кўксимдаги эски доғлар эмас, тешиқлардир, уларни кўнглим ха-
робидан хаёлинг чиқмасин деб суваб ташладим.*

Иккинчи байтда ҳижрон кунлари тасвирланмоқда. Ҳижрон аламлари, соғинч азобларидан ошиқ кўксига доғлар эскириб кетган. Уларни тешиқларга ўхшатган ошиқ, мен бу жароҳатларга

малҳам қўймасдим, лекин у ердан ҳаёлинг чиқиб кетмасин деб сувадим, малҳам қўйдим, демоқда.

Байтда суқба ва сувабман сўзлари орқали таносиб, ружуъ, кўнглум хароби бирикмаси орқали эса истиора ҳамда муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Ҳавойи ишқинг асрарға эрур ҳар ён кумуш гунбад
Ки, қилмишмен иморат баҳри ашқимнинг ҳубобидин.

Ишқинг ҳавосини асраш учун ҳар томондаги кумуш гунбазларни кўз ёшларим денгизини қўпиклардан пайдо қилдим.

Навбатдаги байтда ошиқ кўз ёшларини образли тарзда тас-
вирламоқда. Булар кўз ёшларим эмас, демоқда аламдан ошиқ,
балки ишқингни ҳавосини асраш учун кўз ёшларим пуфакчала-
ридан иморат тикладим.

Байтда ҳавойи ишқинг, баҳри ашқим, ашқимнинг ҳубоби би-
рикмалари орқали уч ўринда истиора, кўз ёшларнинг ҳубобини
кумуш гунбадга ўхшатилиши орқали ташхис ва муболаға санъат-
ларига мурожаат этилмоқда.

Бағирда ниши ғам ўлтурдию кўнглумда юз ғамким,
Итинг қут этмагай ногаҳ қуюк бағрим кабобидин.

Бағримни ғам ниши ўлдирай деяптию, кўнгулда “бағрим қуюб кетди, энди (севгишимнинг) итлари уни еб баҳраманд бўлармикин?” деган юз ғам пайдо бўлаяпти.

Навбатдаги байтда ошиқ фидокорлиги, садоқати муболағали тасвирлар ёрдамида қаламга олинмоқда. Байтда яна ниши ғам, қуюк бағрим, бағрим кабоби бирикмалари орқали истиора, ғам сўзининг такроридан тақрир, кўнглум ва бағрим сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Тану жон заврақин ғарқ эткали гирдоби офатдур
Қуюнларким, югурур ишқ даштининг саробидин.

*Тану жон кемасини ғарқ этаётган офат гирдобидир, ишқ даш-
тида саробида эса қуюнлар югурардилар.*

Ишқ дашти шундай ҳавфли жойки, дейди Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида. Унда ошиқларнинг суяклари ўтиндек қалашиб ётадилар. Ушбу байтда ҳам шундай ҳолат: ишқ дашти тасвирланган. Унда саробдан келаётган қуюнлар ошиқ вужудини ўраб олиб, маҳв этишга тиришадилар. Бу ҳолат худди тану жонни бир кема билиб, ғарқ этишга тиришаётган офат гирдобига ўхшайди.

Байтда тану жон заврақи, гирдоби офат, ишқ дашти ва ишқ даштиниң сароби бирикмалари орқали истиора, қуюн, сароб ҳамда гардоб ва офат сўзлари орқали таносиб ва албатта муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Қоши меҳробидин юз қиблага қўй дерсен, эй носих,
Муважжаҳ деб экинсен, ваҳки, ожизмен жавобидин

Қошининг меҳробидан (воз кечиб), қиблага қара дейсан, эй насихатгўй, (бу ҳолатни) маъқул дер экансан, жавобидан ожизман.

Қибла – Каъбатуллоҳ қурилган тараф. Меҳроб – масжиднинг қибла тарафдаги ярим ой шаклдаги белгиси. Ҳар бир мўмин-мусилмон унга қараб, намоз ўқиши лозим. Бироқ у шунчаки кўриниш, шунчаки шакл. Инсон, яъни маъшуқа тамсолидаги комил инсон қоши эса камолот, буюклик ва Аллоҳ сифатлари рамзи. Шундай экан, ошиқ солиққа қиблага қараб намоз ўқигандан кўра, маъшуқа қошига сажда қилиш вожиброқдир. Дардсиз ва ишқсиз насихатгўй эса ошиқни бундан қайтариб, қиблага қараб ибодат қилишга, яъни асл моҳиятга эмас, шаклу-суратга қараб, кўр-кўрона сиғинтиришга уринади. Ошиқи содиқ эса бундай гумроҳликка нима деб жавоб беришга ожизман, деб қўя қолади.

Байтда қоши меҳроби бирикмаси орқали истиора, эй носих ундалмаси орқали илтифот, меҳроб ва қибла сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилган.

Хирад мулкини сабрим кишваридек буздунг, эй соқий,
Бу селиким равон қилдинг қадаҳполо саҳобидин.

Ақлу ҳушимни сабрим мамлакати каби вайрон қилдинг, эй соқий, бу селни май сузгич булутидан равон қилиб, оқиздинг.

Яъни ақлу ҳушимни сабрим билан қўшиб, вайрон қилдинг. Буни май сузгич доқа булутидан тушаётган сел орқали амалга оширдинг, демоқда ошиқ. Бу байт маъвиза ёки лирик чекиниш байти бўлиб, унинг асл – ботиний маъноси, бизнингча қуйидагичадир:

Эй комил инсон! Ақлимни ҳам, сабримни ҳам маърифий далиллар билан маҳв эттинг ва мени илоҳий ишққа восил қилдинг! Бу ишни сен илоҳий маърифат булоғи бўлган қалбинг орқали амалга оширдинг!

Байтда хирад мулки, сабрим кишвари, қадаҳполо саҳоби бирикмалари орқали истиора, сел ва саҳоб сўзлари орқали таносиб, эй соқий ундалмаси орқали илтифот санъатлари юзага келмоқда.

Бу базм аҳлини бот йиқмоқдин ўзга соқийи даврон
Не қилди қасд бу нилин қадаҳ даври шитобидин.

Бу базм аҳлини йиқитмоқдан бошқа қандай қасд қилиши мумкин даврон соқийси бу мовий ранг қадаҳ шитобидан?!

Навбатдаги маъвиза байти ижтимоий мазмунда бўлиб, соқийи даврон – вақт соқийсига бағишланган. У, яъни вақт соқийси, базм аҳли бўлган одамларни бу дунёга йиғди ва нилий қадаҳни айлантирди, яъни вақтни ҳаракатга келтирди. Бундан эса унинг мақсади базм аҳли бўлганларни йиқитиб, таназзулга учратишдан бошқа нарса эмас. Яъни, кўришидан сенга қадаҳда асалу бол тутса ҳам бу даврон соқийсига ишонма, барибир унинг мақсади сенинг ҳалокатингдир, дейди улуғ донишманд шоир.

Байтда соқийи даврон, нилин қадаҳ, даври шитоби бирикмалари орқали истиора, базм, соқий ва қадаҳ сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда. Байтнинг умумий маъноси ҳам истиора асосида қурилмоқда.

Навоий риштаи фикри чекар маъно суманбўйин,
Хуш ул тожирки, Юсуф чехра кўргузгай танобидин.

Навоий маъно суманбўйинидан фикр риштаси тортиб олмоқда. У қандай яхши савдогарки, бу ипдан маъно Юсуфи юз кўрсатмоқда.

Ушбу байт ҳам истиорага асосланиб қурилган. Унда тасвирла-
нишича, Навоий маъно хушбўйликларидан биргина фикр ипини
тортди. Лекин шунда ҳам маъно ва мазмун Юсуфи ўзининг бор
ҳусну жамоли билан намоён бўлди. Яъни, Навоий ғазалидаги бир
фикр ичида ҳам турли хил маъно жилва қилди. Шундай гўзал
тарзда жилва қилдики, Юсуфга тенглашди. Навоий эса уни бозор-
га солган тожир қиёфасида қолди.

Мақтаёда Навоий ўз фасоҳати ва истеъдодига ҳақли равишда
юксак баҳо бермоқда.

Байтда риштаи фикр, маъно суманбўйи бирикмалари ҳамда
тожир ва таноб сўзлари орқали истиора, тожир ва Юсуф сўзлари
орқали таносиб, Юсуф сўзи орқали эса талмеҳ санъатлари вужудга
келмоқда.

Умуман олганда, ошиқ шарҳи ҳоли билан ошиқона мазмунда
бошланган ғазал соф орифона фикру мушоҳидалар билан якун-
ланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин...”



Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин,
Ё кўнгул топти Масиҳ анфосидин жон муждасин.

Ё фалак берди йиғи кўр айлаган Ёқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун Моҳи Канъон муждасин.

Не гули хандон, не Исодур, не Юсуф муждаси,
Топти бир маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин.

Ғунча эрдим ғам елидин тўнға сиғман ғунчадек,
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.

Ҳажр аро, эй пайк, агар сен нома еткурсанг не тонг.
Тонг ели ҳар кун берур хуршиди тобон муждасин.

Накди жон бердим, мусулмонлар, уятлиғмен ҳануз
То эшиттим пайкдин ул номусулмон муждасин.

Эй Навоий, шоми ҳижрон йиғларим дафъ ўлдиким,
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Субҳ – 1) Тонг, тонг пайти; 2) юз ёруғлиги, чеҳра порлоқлиги, гўзаллик

Сабо – 1) Ёқимли сабо, тонг шабадаси; 2) эрта тонг, сахар

Масих – 1) Исо пайғамбарнинг лақаби (ривоятларга кўра, Исо пайғамбар ҳар қандай касални даволай олиш ва ҳатто ўликни тирилтириш кучига эга бўлган); 2) маъшуқа

Анфос – 1) Дамлар, нафаслар; 2) тил, овоз, сўз, сўзлаш оҳанги

Мужда – хушхабар, суюнчи хабар

Пайк – хабарчи, жарчи; элчи

Шарҳ ва изохлар

Етти байтли “муждасин” радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан якпорадир. Унда маъшуқанинг висол хабарини эшитган ошиқ ҳаяжон ва ҳайратлари тасвирланган.

Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин,
Ё кўнгул топти Масих анфосидин жон муждасин.

*Тонгда шабада кулиб турган гулбарг(имнинг) хабарини етазди.
Ё кўнгул тирилувчи Исо нафасидан жон хабарини топди(микин)!*

Матлаъдаги хаяжонли хабардан маълум бўлишича, хабарчи ошиққа маъшуқа дарагини етказган. Бундан ҳайратга тушган ошиқ севгилисини гулбарги хандон, яъни чехра очиб, яшнаган гулга, хабарчини эса тонгги шабадага, бунга ҳам кифоя қилмай, маъшуқа хабарини жонга, хабарчини эса Исо пайғамбарнинг жон бағишловчи нафасига ўхшатмоқда.

Байтда субҳ, сабо ва гулбарги хандон ҳамда Масиҳ анфос ва жон сўзлари орқали таносиб ва ружуъ санъатлари яратилмоқда.

Ё фалак берди йиғи кўр айлаган Ёқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун Моҳи Канъон муждасин.

Ё тақдир кўзлари кўр бўлган Яъқубнинг кўзларини очмоқ учун Канъон ойи (бўлган Юсуф)нинг хабарини йиғи сифатида бердими?!

Иккинчи байтда Навоий машҳур Шарқ қиссаларидан бўлган Юсуф қиссасига мурожаат қилмоқда. Унда тасвирланишича, Ёқуб пайғамбар гўзал ва ҳушодоб, севикли ўгли Юсуфни йўқотиб, тинмай кўз ёши тўкиши натижасида кўзлари кўр бўлиб қолади. Хабарчи узоқ йиллардан кейин Мисрдан Юсуфнинг хабарини етказгач, Яъқуб пайғамбарнинг кўзлари очилади. Навоий қиссадаги шу мотивга эътибор қаратиб, уни ўз аҳволига табдиқ қилмоқда. Яъни мен Ёқуб каби маъшуқам ҳижронида йиғлайвериб кўр бўлгандим. Даракчи менга унинг хабарини етказган йиғи бўлди ва гўёки менинг кўзларимни очди.

Байтда Ёқуб, Моҳи Канъон сўзлари орқали талмех, фалакни жонлантириш орқали ташхис, моҳи Канъон бирикмаси орқади эса истиора ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Не гули хандон, не Исодур, не Юсуф муждаси,
Топти бир маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин.

Гули хандон, Исо ёки Юсуф хабари демаки, бир мажруҳ ўлар пайтида жонон хабарини топди!

Учинчи байтда аввалги икки байтдаги фикр хулосаланиб, ҳақиқат айтилмоқда. Яъни, мен эшитган хабар олдида очилган гул, Юсуф ёки Исо хабари нима бўлибди. Мен эшитган хабар

махруҳ инсоннинг ўлар пайтда жонон муждасини эшитиши билан баробар!

Байтда Исо ва Юсуф сўзлари орқали талмех, мужда сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-аруз илал ажуз тури, ружу ва муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Ғунча эрдим ғам элидин тўнға сиғман ғунчадек,
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.

Ғам шамолидан ғунча бўлгандим, (энди эса) шабада хиромон бўлган сарв хабарини етказгандан кейин ғунча каби тўнимга сиғмай кетдим.

Ғам шамоли тегаверганидан ғунчадек ғужанак бўлиб олгандим, энди тонгги шабада сарв қоматли ғўзалимнинг хабарини етказгач, ғунчадай тўнимга сиғмай, яйраб кетаяпман. Байтда шодумонлик, Навоий ижодида кам учраган қувонч оҳанглари тараннум этилмоқда. Бундан ташқари байтда ғунча ўзининг тақроридан тақрир, ғунчадек сўзи орқали ташбех, сарви хиромон бирикмаси орқали истиора, сабони жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари юзага келмоқда.

Ҳажр аро, эй пайк, агар сен нома еткурсанг не тонг.
Тонг ели ҳар кун берур хуршиди тобон муждасин.

Эй хабарчи, сен (ҳам) ҳижронда нома етказсанг, ажаб эмас, ахир тонг шабадаси ҳар куни тўлин қуёш муждасини етказди-ку!

Навбатдаги байтда Навоий табиат ҳодисасини мисол қилиб, хабарчига мурожаат қилмоқда. Яъни, ҳар куни тонгги шабада эсади ва қуёш чиқади. Бу билан тонгги шабада қуёш хабарини етказган даракчига ўхшайди. Эй хабар берувчи, сен ҳам худди шундай ҳижронда дардимга даво берувчи ёримнинг мактубини етказсанг, ажаб эмас! Байтда ўзи олган хабарга ишониб-ишонмаган ошиқнинг ҳаяжони тасвири давом этмоқда.

Байтда эй пайк сўзи орқали илтифот, тонг сўзининг ҳар икки байтда икки хил маънода қўлланилишидан тажнис, тонг елининг жонлантириш орқали ташхис санъатлари яратилмоқда.

Нақди жон бердим, мусулмонлар, уятлиғмен ҳануз
То эшиттим пайкдин ул номусулмон муждасин.

Эй мусулмонлар элчидан у номусулмон хабарини эшитирганим-дан кейин жон нақдини бердиму, (лекин яхши тухфа беролмадим деб) ҳали ҳам уятликман.

Яъни, маъшуқамнинг хабарини келтирган кишига суюнчи ўрнида жон нақдини бердим. Лекин ҳали ҳам етарли тухфа бера олмадим, деган ўй ичида ҳижолатман. Лирик чекиниш байтида Навоий мавзудан чекинмай, ғазал бошидаги фикрни кульминацияга етказиб, хулосаламоқда. Байтдаги номусулмон сўзи ўз маъносида бўлмай, балки золим, жафокор, дилозор маъноларини ифодалаб келмоқда.

Байтда мусулмон ва номусулмон сўzlари орқали тазод, муболаганинг ғулув даражасига мурожаат қилинмоқда.

Эй Навоий, шoми ҳижрон йиғларим дафъ ўлдиким,
Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин.

Эй Навоий, ҳижрон шoми йиғиларим даф бўлди, (чунки) тонгда шабада кулиб турган гулбарг(имнинг) хабарини етазди.

Мақтаъ эса матлаъдаги фикрни қайта таъкидлаб, уни кучайтирмоқда. Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, шoми ҳижрон бирикмаси орқали истиора, шoм ва субҳ сўzlари восита-сида тазод ҳамда радд ул-матлаъ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ғазал висол муждасини эшитиб, ўзидан кетар даражага келган ошиқ таҳаюлининг занжирсимон реакциясини юрак кардиограммаси сингари аниқ чизиб берган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——

“Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен...”

——

Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен,
Кўрсам ёнида ғайрни ул дам ҳалокмен.

Жонимға юз ғам игнасини тикти ул
Масиҳо билдиким, қуёш кеби ишқида покмен.

Васлинг таҳайюлию мен, инсофдин эмас
Ким, руҳи поксен сену мен тийра хокмен.

Ваҳм айла, эй сипехр, букун оҳим ўқидин
Ки, ҳажр дардидин яна беваҳму бокмен.

Жуз васл шарбати манга суд этмас, эй табиб
Ким, мен фироқ меҳнатидин дарднокмен.

Зотимда чун майи азалий чошнийси бор,
Ҳар сори маст қўл солиб андоқки токмен.

Оҳим, Навоё, нечук асрай кўнгул аро,
Чун мен фироқ тийғи била сийначокмен.

— V — — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Нафасе – бир нафас, бир лаҳза, бир дам

Дарднок – 1) Дардли, дардга мубтало; ошиқ, севгига мубтало бўлган

Тахайюл – хаёл суриш, ўйлаш, тасаввур

Бок – 1) Кўрқинч, ҳавф, ваҳм; 2) зарар; 3) андеша, парво;
4) ажаб

Сипехр – осмон; даҳр, замон; тақдир

Чошнӣ – 1) Маза, таъм, баҳра, роҳатланиш, лаззатланиш;
2) яхшилик, маъқуллик

Сийначок – кўкси яра бўлмоқ, қайғурмоқ

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги радифсиз етти байтли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, ошиқ арзи ҳоли, ҳижронда чеккан изтироблари акс этган.

Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен,
Кўрсам ёнида ғайрни ул дам ҳалокмен.

(Севгилимнинг) ёнида бир нафас бўлмасам дардлиман, агар ёнида бошқа бировни кўрсам-ку, ўша пайтда ҳалок бўламан.

Дарҳақиқат, севиклининг ёнида бўлмаслик, кишини дардли, ғамга мубтало қилса ҳам, маъшуқани бошқа биров – ғаним билан бирга кўришдай уқубатли эмас. Иккинчиси ошиқни ўлдириши аниқ. Байтда ошиқнинг кўнгил ҳолати айнан ифодаланган.

Байтда нафасе ва дам ҳамда дарднокман ва ҳалокман сўзлари орқали таносиб, ёнида сўзининг тақроридан радд ус-садр илал ҳашв ва муболаға санъатлари яратилган.

Жонимға юз ғам игнасини тикти ул
Масихо билдиким, қуёш кеби ишқида покмен.

(Маъшуқам) жонимга юз марталаб ғам игнасини тикканидан кейин Исо Масих ишқида қуёш каби пок эакнлигимни билди.

Нега буни Масих билди? Сабаби, ривоятларга кўра, Аллоҳ чорлаган пайтда Исо пайғамбарнинг либосида дунё молидан бир игна бўлган экан. Масих ўша билан билан кўкка кўтарилган, шунинг учун тўртинчи фалақдан, яъни қуёш кўкидан нарига ўта ол-

маган эмуш. Шу ривоят сабаб, адабиётда Исо игнаси, Исо ва қуёш образлари ёнма-ён ишлатилади. Маъшуқа эса ошиқ жонига мана шундай Исо ингасидан юзларини санчди ва уни кўринишидан ҳам, руҳан ҳам қуёшга ўхшатиб қўйди. Бунини қуёш билан ёнма-ён сайр қилувчи Масиҳо билди ва ошиқнинг аҳволига тан берди.

Байтда ғам игнаси бирикмаси орқали истиора, қуёш кеби сўзи орқали ташбеҳ, Масиҳо сўзи воситасида талмеҳ ҳамда муболаға санъатлари яратилган.

Васлинг тахайюлию мен, инсофдин эмас
Ким, руҳи поксен сену мен тийра хокмен.

Васлинг хаёли билан мени (солиштирсам, ҳеч) инсонфдан бўлмади, (ахир) сен руҳдай поксану, мен қора тупроқман.

Шундай азобу изтиробларга тушса ҳам ошиқ ўзини маъшуқа висолини ҳатто ўйлашга ҳам тенг кўрмайди. Унинг наздида ўзи қора тупроқ, севгилиси эса покиза руҳдан иборат малак! Чин, илоҳий муҳаббат шундай бўлади. У маъшуқасини айблардан мутлақ пок кўради ва ўзини ундан чексиз тубанда кўриб, унга етиб бўлмас ишқ билан кўнгил қўяди.

Байтда руҳи рок ва тийра хок бирикмалари орқали тазод, муболаға санъатлари юзига келмоқда.

Ваҳм айла, эй сипеҳр, букун оҳим ўқидин
Ки, ҳажр дардидин яна беваҳму бокмен.

Эй тақдир, оҳим ўқидан ваҳм айла, қўрққи, ҳижрон дардидан ваҳмасизу зарарсизман.

Яъни, энди менга ҳижрон билан висол баробардир, шундай экан, энди тақдирнинг ҳукми менга ўтмайди, демоқда улуг шоир. Албатта, бу ҳолга етиш осон эмас. Унга етиш учун ишқ – илоҳий неъмат даражасига бориши, маъшуқага пок кўзу, пок кўнгил билан қараш ва покиза муҳаббат билан севиш керак. Шундагина ошиқ кўз ўнгидан замон ва макон сарҳадлари чекинади. У қаерда, қай ҳолатда бўлмасин, севиклиси билан руҳан бирга бўла олади.

Байтда эй сипеҳр ундалмаси орқали илтифот, ваҳм ва беваҳм сўзлари орқали тазод ва айни пайтда иштиқоқ, беваҳму бок би-

рикмаси орқали таъдид ва таносиб, оҳим ўқи, ҳажр дарди бирик-малари орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Жуз васл шарбати манга суд этмас, эй табиб
Ким, мен фироқ меҳнатидин дарднокмен.

Эй табиб, менга висол шароби фойдали эмас, чунки мен айрилиқ мусибатидан дардлиман.

Навбатдаги байтда энди васл билан ҳижроннинг бир эканлик ҳолати ошиқ кўнглидан ўтиб, яна висол роҳатию, ҳижрон азоби-ни англаш ҳоли бошланган. Шунинг учун у “ишқнинг дарди фақат висолдир” деб ташхис қўйган табибга ҳам “кўнглимда азалий фироқ қийинчилиги бор, шундай экан, менга висол шарбатидан фойда йўқ”, дейди тушқунлик билан. Бу ўринда азал фироқи бу Одам Ато мисолида инсониятнинг илоҳиётдан ажратилганлиги ва Ерга туширилганлигидир. Ўша Азалий ҳижрон дарди бор экан, вақтинчалик висол, яъни дунёвий ишқдан пайдо бўладиган висол чин ошиқ дардига дармон бўлолмайди.

Байтда васл шарбати, фироқ меҳнати бирикмалари орқали истиора, эй табиб ундалмаси орқали илтифот, васл ва фироқ сўзлари орқали тазод санъатлари юзага келмоқда.

Зотимда чун майи азалий чошнийси бор,
Ҳар сори маст қўл солиб андоқки токмен.

Зотимда азал майи мазаси бор, (шунинг учун) ток (новдаси) каби мастларча ҳар томонга қўл узатаман.

Навбатдаги байтида ҳам мавзудан чекинмаган Навоий юқоридаги байтдаги фикрига ўзи қарши чиқмоқда. Яъни, азалда инсон руҳида яқинлик, висол лаззатидан баҳрамандлик бор экан, абадгача ундан масту хумор бўлиб юради. Шу ҳолда у худди ток новдасига ўхшайди: мастларча қўлини ҳар томонга узатаверади. Хўш, у қандай висол эди. бу ҳақда куйидагича ривоят бор. Азалда, инсон болаларининг руҳлари яратилган Кунда Аллоҳ уларни йиғиб “Аласту бирабикум?” яъни “Мен Парвардигорингиз эмасманми?” деб сўрайди. Шунда руҳлар тасдиқлар “Қолу бало” яъни “Албатта, шундай” дейишади. Ана ўша кунги висол шарбати ҳақида сўз

бормокда ушбу байтда. Яъни, азалдаги яқинлик шароби ўшанда-ёқ рухларни маст қилган ва уларнинг ер юзига туширилганлиги ҳамда таналарга киритилганлиги ҳам, яъни на дунё ва на ўз вужудлари монелик қила олмайди бу азалий майнинг мазасидан узоқлашишга.

Байтда майи азалий, азалий чошнийси бирикмалари орқали истиора, андоқки токмен бирикмаси воситасида ташбех, ток (новдаси)ни жонлантириш орқали ташхис санъатларига мурожаат этилмокда.

Оҳим, Навоӣё, нечук асрай кўнгул аро,
Чун мен фироқ тийғи била сийначокмен.

Эй Навоӣй, кўнгил ичида оҳимни қандай асрайки, ахир мен фироқ тийғи билан кўкси чок бўлганларданман.

Мақтаъда шоир яна фироқдан сўзламокда. Яъни нега тинмай оҳ тортмайки, кўксим фироқдан чок бўлиб, ситилиб кетган. Яъни барибир оҳларимни у ерда асрай олмайман. Беихтиёр нола қилавераман.

Байтда Навоӣё ундалмаси орқали илтифот, кўнгул ва сийна сўзлари орқали таносиб, фироқ тийғи бирикмаси орқали истиора, оҳни жонлантириш орқали ташхис санъатлари яратилмокда.

Нега бир байтда висолдан сўз очган шоир навбатдагисида ўз-ўзини инкор қилиб фироқдан сўз юритмокда. Бунинг сабаби, инсон, айниқса, ошиқ инсон руҳиятидаги беқарорлик, мувозанатсизликдир. Ишкнинг занжир реакцияси ошиқни бир худ, бир беҳуд қилади. У ўзини гоҳ висол оғушида масту мустағрақ, гоҳида эса азалдан бери фироқ тийғи остида пора-пора бўлган ҳолда сезади. Шундай экан, ушбу ғазал ошиқ руҳиятининг акси, акс-садосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—❧—❧—❧—❧—❧—
“Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин...”
—❧—❧—❧—❧—❧—

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,
Уйлаки, маҳкам тугун иничкарак тордин.

Ҳажр аро дардимға раҳм қилмаса ул кўз не тонг,
Кимса маразға илож топмади бемордин.

Оразида тоблиғ зулфни кўргилки, бор
Мусхафи шерозаси риштаи зуннордин.

Гар ёрутур эл кўзин кўйи аро ул куёш,
Баски мени сўрмаса сояи девордин.

Савмааға бормасам айб йўк, эй шайхким,
Ҳеч гилам йўқтурур кулбайи хаммордин.

Олам аро ёрлиғ қолмади, гўёки бор
Ёрға юз навъ алам ҳар нафасе ёрдин.

Бас манга вайрон мақар, сен қувон, эй чархи дун,
Токи муқарнас била шамсайи заркордин.

Неча жафову ситам тортқай аҳли вафо,
Даҳри жафопешадин, чархи ситамкордин.

Тан ялангу бош очуқ, телба Навойиға боқ
Ким, не бўлубтур халос жуббаву дастордин.

—VV— —V— —VV— —V—

муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун
мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф

Луғат

Мараз – 1) Касаллик, беморлик; 2) мубталолик

Мусҳаф – 1) Қуръон; 2) йўл-йўриқ

Шероза – китобда муқовалаш учун унинг саҳифалари сочил-маслиги учун ипак билан тикиш

Ришта – 1) Ип, таноб; 2) жон, жоннинг чикмай туриши; 3) тор; 4) томир; 5) пилик; 6) кишан

Зуннор – 1) Ислом давлатларида ғайри динларнинг белига мажбурий равишда боғлаб юрадиган қора рангли чилвир, белбоғ; 2) бут, ўзига сиғинтирувчи, тортувчи

Савмаа – христианлар ибодатхонаси; дайр, монастирь

Ги́ла – гина, ўпкалаш

Мақар – қароргоҳ, макон, қарор топиладиган жой

Муқарнас – сернақш; ганж ўйилган (бино ҳақида); нақшли баланд бино

Шамса – иморатнинг девор ва пештоқларига куёшга ўхшатиб тўғарак шаклда ишланган нақш; зарланган, ялтироқ қубба

Заркор – зар суртувчи; зар билан ишланган

Жубба – бўйи, енги узун, кенг тўн

Дастор – салла

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги тўққиз байтли радифсиз ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ошиқ изтироблари, маъшуқа гўзаллиги васфи билан ҳамоҳанг тарзда тасвирланган.

Кўнғлум очилмас даме бу бадани зордин,
Уйлаки, маҳкам тугун иничкарак тордин.

Бу зор танимдаги кўнғлим ҳеч очилмайди, гўёки унинг туғуни тордан ҳам ингичкароқдир.

Ошиқни ишқ азоби шу қадар забтига олганки, ғунчадек кўнгли гул бўлиб очилай демайди. Бунинг сабаби уни чирмаган ишқ ипи

тордан ҳам ингичка эканлигидир. Бу кўнгул тугуни айни вақтда ошиқнинг вужудини қийнаб, азобламоқда.

Байтда “уйлаки” сўзи ёрдамида ташбеҳ, кўнгулни жонлантириш орқали ташхис ва маболаға санъатлари яратилмоқда.

Ҳажр аро дардимға раҳм қилмаса ул кўз не тонг,
Кимса маразға илож топмади бемордин.

Айрилиқда (у кўз) дардимға раҳм қилмаса, ажаб эмаски, жароҳатга бемордан илож топмади.

Байтда маъшуканинг хумор кўзларини бемор деган шоир бу кўздан дардимга чора бўлмаса, ажаб эмас, чунки жароҳатга бемор одамдан даво топилармиди, демоқда.

Айни пайтда байтни бошқача талқин қилиш ҳам мумкин. Яъни: ўз кўзим дардимга илож қилмади. Яъни, севгилимнинг жамолига қараб, дардимни янгилай дерди. Бунинг учун ундан хафа ҳам бўлмайман. Чунки бемор кўздан жароҳатланган юракка даво топишнинг иложи йўқлигини биламан-да, ахир!

Байтда ҳажр, дард, мараз, бемор сўzlари орқали таносиб, кўз-ни жонлантириш орқали ташхис санъатлари юзага келмоқда.

Оразида тоблиғ зулфни кўргилки, бор
Мусҳафи шерозаси риштайи зуннордин.

Юзида тобланиб турган сочини кўриб, мусҳафнинг шерозаси зуннор ипидами, деб ўйлайсан.

Байтда маъшуканинг нурафшон юзи мусҳаф, яъни Куръони Карим саҳифаларига, сочи эса зуннорга ўхшатилмоқда. Ўзи умуман, севикли юзини имонга, сочини эса кўфрга ва унга тааллуқли нарсаларга ўхшатиш мумтоз адабиётда анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланади. Шу каби ўхшатишлардан унумли фойдаланган Навоий “гўзалимнинг сочи юзига тушиб, тобланиб турибди, бу ҳолат худди Куръони Каримни саҳифаловчи ипи зуннордан олинганга ўхшайди”, демоқда.

Байтда ораз ва зулф ҳамда мусҳаф ва шероза сўzlари орқали таносиб ҳамда тамсил санъатларидан фойдаланилган.

Гар ёрутур эл кўзин кўйи аро ул қуёш,
Баски мени сўрмаса сояйи девордин.

*У қуёш(дек маҳбубам) кўчасида эл кўзини қуёшдек ёритади-қуя,
лекин мени девор соясидан ҳам сўрамайди-да!*

Байтда маъшуқанинг гўзаллиги ва саховати қуёшга тенглаштирилмоқда. Лекин у шунчалар сахийлик билан ҳам у ҳаммага меҳр кўрсатса ҳам, ошиғини бирор марта бўлсин девор соясидан ҳам сўраб кўрмайди. Нега энди девор соясидан? Бунинг сабаби, ғариб одамлар бошқа бошпана тополмай, девор соясидан нажот излаганлар. Демак, ошиқ ўзининг ғариб бечора эканлигини айтиб, ҳаммага меҳр берган маъшуқа унга эътибор қаратмаётганидан нолимоқда.

Байтда қуёш ва соя сўзлари орқали таносиб ва айни пайтда таъод, қуёш сўзи орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Савмаага бормасам айб йўқ, эй шайхким,
Ҳеч гилам йўқтурур кулбайи хаммордин.

*Христианлар ибодатхонасига бормасам, айби йўқ, эй шайх,
майпарастининг кулбасида ҳеч гинам йўқ.*

Навбатдаги байтда шайхга мурожаат қилган шоир масжидга ҳам, монастырга ҳам бормасам, айбга буюрма, мен бу икки масканни фақат шаклу сурат сифатида кўрдим ва асл мақсадни май тайёрловчи кулбасидан топдим, ишқ йўлида иймонни ҳам, куфрни ҳам инкор этмоқда.

Байтда эй шайхким сўзи орқали илтифот санъатига мурожаат қилинмоқда.

Олам аро ёрлиғ қолмади, гўёки бор
Ёрға юз навъ алам ҳар нафасе ёрдин.

*Олам орасида дўстлик қолмади, гўё дўстга бир лаҳзада дўстдан
юз хил алам бордай.*

Навбатдаги байтда дўстлик ҳақида сўз бормоқда. Дунёда дўстлик қолмагандай, деб нолимоқда Навоий. Дўстман деб бировга

ишонсанг, ундан бир лахзада юз ҳил алам, изтироблар пайдо бўлмоқда.

Байтда ёр сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ибтидо ва радд ул-ҳашв илал ажуз тури, ёр ва ёрлиғ сўзлари орқали иштиқоқ ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Бас манга вайрон мақар, сен қувон, эй чархи дун,
Тоқи муқарнас била шамсайи заркордин.

Менга вайрона макон бўлса, нақшинкор гумбаз ва зарнигор қуб-ба билан эй тақдир, сен қувонавер.

Навбатдаги байтда алам билан тақдирга мурожаат қилган улғу шоир мен камтаринликни одат қилдим, шундай экан, бойлигу зару зевар билан сен қувонавер, демоқда.

Байтда эй чархи дун бирикмаси орқали илтифот, вайрон мақар ва тоқи муқарнас, шамсаи заркор бирикмалари орқали тазод санъатлари пайдо бўлмоқда.

Неча жафову ситам тортқай аҳли вафо,
Даҳри жафопешадин, чархи ситамкордин.

Вафо аҳли доим жафо қилувчи дунё ва ситамкор чархдан қанча жафо ва ситам тортади.

Навбатдаги байтда ҳам Навоий чарх деб номланган тақдирдан нолимоқда. Яъни, вафодорлар ҳамиша дунёдан ҳам, тақдирдан ҳам жафо, ситам кўрадилар, демоқда у алам билан.

Байтда жафо ва жафопеша, ситам ва ситамкор сўзлари орқали иштиқоқ, вафо ва жафо сўзлари воситасида тазод, даҳри жафопеша, чархи ситамкор бирикмалари орқали истиора, жафову ситам сўзлари орқали эса таъдид санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Тан ялангу бош очуқ, телба Навоийга бок
Ким, не бўлубтур халос жуббаву дастордин.

Телба Навоийга қара, тани ялангу, боши очик, жубба ва дастордан халос бўлган.

Мен ошиқлик билан яланг-юпун ҳолга келдим, дея нолиш васи-
тасида фахрланмоқда улугъ шоир ва минг шукурки дастору жубба ҳа-
васидан, демакки уларга лойиқ бўлиб, жамиятда ўзимни тутишдан,
шунга яраша вазифа бажариш масъулиятидан ҳам озод бўлдим.

Байтда тан яланг бирикмаси ва жубба сўзи, бош очиқ бирик-
маси ва дастор сўзи орқали шартли тазод ва айни пайтда таносиб
санъатлари яратилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ошиқона мазмунли ушбу ғазалнинг
соф ошиқона байтлари дастлабки тўрт байт бўлиб, қолгани ижти-
мой ва орифона мазмунни ифодалаб келмоқда. Ғазал сўнггида
эса шоир яна асл мақсадга қайтиб, уни ошиқона мақтаъ билан
яқунланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен...”



Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен,
Доғи ҳажру гуссايи бесабрлиг ҳам топқасен.

Кам эмас ошиқ санга, солсанг мени кўздин, вале
Ошиқеким, содиқ ўлғай мен кеби кам топқасен.

Нўши васл, эйким тиларсен, ниши ҳижрон кўрмайин,
Чун эмас бағринг жароҳатлиг не марҳам топқасен.

Не ғаминг юз зарра саргардонлиғидин, эй қуёш,
Сенки рифъатдин Масихо кеби ҳамдам топқасен.

Кулма ҳам қаддимғаким, юкланса ишқинг Қоф аро,
Ишқ остида ёзилган «қоф»дек ҳам топқасен.

Мунча фурқат ашки бирла бўлса дўзах масканим,
Кўзласанг юз қари ўтуб, хирқам тенгин нам топқасен.

Эй насиҳатгў, Навоий яхшидур деб истадинг,
Билмадингким, буйла бир расвойи олам топқасен.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Рифъат – баландлик, юксаклик; баланд мартаба

Фурқат – айрилик, жудолик

Ашк – 1) Кўз ёши; 2) нур қатралари; 3) кўз

Хам – эгилган, букилган, қайрилган; эгри, эгилиш

Қари – 1) Кекса, чол, заиф; 2) кўл учидан тирсаккача бўлган ўлчов бирлиги, газ

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий егти байтли “топқасен” радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан парокандадир. Унда ошиқ изтироблари, маъшуқа меҳрсизлиги, дунёнинг бевафолиги каби ҳолатлар бир-бири билан уйғунлиқда тасвирланган.

Матлаъ ошиқ изтироблари тасвири билан бошланади.

Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен,
Доғи ҳажру ғуссائي бесабрлиғ ҳам топқасен.

Кўнглим уйида қанча ғам изласанг, топасан, ҳижрон доғи, сабр-сизлик ғуссасини ҳам топасан.

Кўнглим бир уй кабидир, дейди ғазалнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ шоир. Унда ғамни қанча қидирсанг ҳам, топишинг осон, яна унда айрилиқнинг доғини, бесабрлик ғуссасини ҳам топишинг мумкин.

Байтда кўнглум уйи, доғи ҳажр ва ғуссаи бесабрлиғ бирикмалари орқали истиора, ғам, ҳажр, ғусса сўзлари орқали таносиб, кўнглини шахслантириш орқали эса ташхис санъатлари юзага келмоқда.

Кам эмас ошиқ санга, солсанг мени кўздин, вале
Ошиқеким, содиқ ўлғай мен кеби кам топқасен.

Сенга ошиқлар кам эмас, лекин яхшилаб қарасанг, мен каби садоқатли ошиқни кам топасан.

Навбатдаги байт маъшуқага мурожаат тарзида ёзилган. Яъни, ҳамма сенга ошиқлик даъво қилади. Ростдан ҳам ошиқларинг кам эмас, лекин мен каби садоқатлиси камроқ, дейди у нозу фироқли маъшуқасига қарата.

Байтда ошиқ сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ибтидо, мен сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, кам сўзининг такроридан эса радд ус-садр илал ҳашв турлари яратилган.

Нўши васл, эйким тиларсен, ниши ҳижрон кўрмайин,
Чун эмас бағринг жароҳатлиғ не марҳам топқасен.

Ҳижрон тиканини кўрмай, висол шарбатини ичишни истайсан, бағринг жароҳатли, яра бўлмаса, малҳамни қандай топасан (яъни нима қиласан)?

Навбатдаги байтда Навоий ишққа даъво қилган, лекин унинг ҳижронига юз бурмай, фақат висол тилаган ошиқларга мурожаат қилиб, ҳижронсиз висол, жароҳатсиз малҳамдир, жароҳат бўлма-са, малҳам нимага керак, демоқда. Шундай экан, ишқда ҳижрону айрилиқнинг ҳам, маъшуқа жафосининг ҳам, висол лаззатинию, ошиқ вафосининг ҳам ўз ўрни бор.

Байтда нўши васл, ниши ҳижрон бирикмалари орқали истиора ва тазод, жароҳат ва марҳам сўзлари орқали эса тазод санъатлари юзага келмоқда.

Не ғаминг юз зарра саргардонлиғидин, эй қуёш,
Сенки рифъатдин Масиҳо кеби ҳамдам топқасен.

Бундай саргардонликдан ғаминг зарра ҳам бўлмасин, эй куёш, ахир сен бундай баландликда Масиҳ каби ҳамдам топдинг-ку!

Ривоятларга кўра, яхудийлардан қочган Исо пайғамбар Яратганнинг инояти билан тўртинчи кўкка кўтарилган ва куёш билан бир фалакка жойлашган экан. Мана шу ривоятга мурожаат қилган Навоий куёшнинг саргардонлигидан қандай ғами бўлсин, ахир у бундан сарсонлик оқибатида Исо билан яқин бўлди-ку, демоқда. Демак, ҳар қандай қийинчиликнинг ортида бир, балки кўп ҳайру шафоат бор. Ушбу байтнинг ботиний мазмуни шундайдир бизнингча.

Кулма ҳам қаддимғаким, юкланса ишқинг Қоф аро,
Ишқ остида ёзилган «қоф»дек ҳам топқасен.

Эгилган қаддимга кулма, ишқинг Қоф тоғидай юксалса “ишқ” сўзидаги “қоф”дек топиб юрма яна?!

Навбатдаги байтда Навоий ошиқнинг ҳам қаддига кулган дардсизларга мурожаат қилиб, менинг ишқ дардида эгилиб, букилган қаддимга кулма, ўзинг ҳам ошиқ бўлсанг, қадди эгилишни биласан, демоқда. Байтда яна эътибор бериладиган бир ўрин бор. Яъни, ишқинг Қоф тоғидай юксак бўлса, қаддинг “ишқ” “عشق” сўзидаги “қоф” “ق” ҳарфи сингари эгилади, демоқда шоир. Яъни, ишқ қанча юксалса, ошиқ изтироблари шунча кучаяди, шундай экан ғазал қаҳрамони ўз ишқининг улуғворлигини ишора орқали таъкидламоқда.

Байтда қоф сўзи воситасида тажнис, ишқ сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳаш илал ибтидо, ҳам сўзи такроридан эса радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, муболаға ва китобат санъатлари яратилмоқда.

Мунча фурқат ашки бирла бўлса дўзах масканим,
Кўзласанг юз қари ўтуб, хирқам тенгин нам топқасен.

Маконим дўзах бўлса ҳам, бунчалар кўз ёши билан юз газ кўзласанг ҳам, хирқам тагини нам кўрасан.

Навбатдаги байтда ҳам мавзудан чекинмаган шоир кўз ёшларим шунчалик кўпки, ҳатто дўзахда ҳам либосим тагигача кўз

ёшларим ўтиб, нам бўлиб кетади, дея ўз изтиробларини мубо-
лаганинг ғулув даражаси орқали ифодаламалокда.

Байтда бундан ташқари фурқат ашки бирикмаси орқали исто-
ра санъати яратилмокда.

Эй насиҳатгў, Навоий яхшидур деб истадинг,
Билмадингким, буйла бир расвойи олам топқасен.

*Эй насиҳатгўй, Навоийни яхшидир, деб излагандинг, бунчалар
олам аро расво бўлганни тополмаслигингни билолмадинг.*

Мақтаъда насиҳатгўйга мурожаат қилган Навоий “сен мени
ишқ нималигини билмаган, тартибли, тақводор, умуман олганда
яхши инсон деб ўйловдинг, изловдинг, лекин мен ишқ оқибатида
олам аро расво бўлган одамман-ку”, демоқда.

Байтда эй насиҳатгу ундалмаси орқали илтифот, яхши ва рас-
во сўзлари орқали тазод, истадинг ва топқасен сўзлари орқали эса
таносиб санъатлари юзага келмокда.

Умуман олганда, ушбу ғазални ишқдан безор бўлса-да, яна унга
интиланган озурда кўнгил изтиробларига чизгиси десак бўлади.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Юз бало ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун...”

Юз бало ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун,
Тенгри гўёким яратмиштур мени ҳижрон учун.

Ҳажр уйида манъи ашкимга маломат тошлари
Фарш эрур, гўё йиқилгур кулбайи вайрон учун.

Қоматинг ҳажринда кўнглум сўрғучи носих тили.
Ништаредурким, ёрар ўқ захмини пайкон учун.

Ҳажр аро ҳолимни ёздим ёд тут, эй навҳагар
Ким, базе лойиқдурурсен соз этар дастон учун.

Ишқ ғам базмида эгри қаддима жон риштасин
Тор этиб, соз айлади кўнглум чекар афгон учун.

Аждаҳо оғзи бил ўтлуғким, очиптур қасдинга
Мунчаким волиҳсен, эй булбул, гули хандон учун.

Чун Навоий номаи шавқин етурсанг, эй расул,
Тенгри ҳаққи руқъае бу зори саргардон учун.

– V – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Маҳзун – 1) Ғамгин, қайғули; ҳазин, хафа 2) ошиқ

Фарш – тўшак, гилам, палос; ерга тўшаладиган нарса

Носиҳ – насиҳатгўй, насиҳат қилувчи

Заҳм – 1) Яра, жароҳат; 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ран-
жиш, кўнгил яраси; 4) зарба, уриш кучи, қуввати; 5) хафалик, ма-
ломат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Пайкон – 1) Камон ўқининг учидаги темир; тиконнинг ўтқир
учи; 2) бошоқ; 3) киприк;

Навҳагар – нола қилувчи, оху фиғон тортиб йиғловчи

Волиҳ – шайдо, асир, гирифтор, мубтало

Руқъа – 1) Хат, мактуб; 2) ямоқ

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли анъанавий “учун” радифли ушбу ғазал мазмунан
ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ҳижрон изтироблари ях-
лит бир тизим шаклида тасвирланган. Матлаъдаёқ бу тизим бош-
ланишини кўрамир:

Юз бало ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун,
Тенгри гўёким яратмиштур мени ҳижрон учун.

Айрилиқ бу маънос жон учун юз бало ўйлаб топади, (бу аҳволни кўриб) Тангри мени ҳижрон учун яратганми, деб ўйлаб қоламан.

Ҳижрон жонланиб, ошиқнинг бечора жони учун юз балони ўйлаб топмоқда. Бу ҳолатни кўриб, жони юз бало ичида ўртанган ошиқ “Тангри мени фақат ҳижрон учун яратган эканда-а” деб ўйламоқда. Ҳазал шундай тушкунлик аксланган ҒоҒеавий пафос билан бошланмоқда.

Байтда ҳижрон сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Ҳажр уйида манъи ашқимга маломат тошлари
Фарш эрур, гўё йиқилғур кулбайи вайрон учун.

Ҳижрон уйида кўз ёшларим маънига маломат тошлари йиқилаётган кулба учун тўшак каби бўлаяпти гўё.

Ўзи қийналгани етмагандай ҳижрондаги бечора ошиқни атрофдаги одамлар тинмай маломат қилишмоқда. Буни кўрган айрилиқдаги ҳижронзада киноя билан кўз ёшларимни маън этиб, ёғилаётган маломат тошлари йиқилаётган уй учун тўшак, яъни енгиллик вазифасини ўтайди, демоқда.

Байтда ҳажр уйи, маъни ашқим, маломат тошлари бирикмалари орқали уч ўринда истиора, муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Қоматинг ҳажринда кўнглум сўргучи носих тили.
Ништаредурким, ёрар ўқ захмини пайкон учун.

Қоматинг ҳижронида ҳолимни сўровчи насихатгўйнинг тили ўқ захмини пайкон учун ёрувчи жарроҳ тифига ўхшайди.

Ўзи ҳижрондан эзилган ошиқни “бу ишқдан воз кеч, ундан сенга фойда йўқ”, деб насихат қилувчи ва гўёки кўнглини сўрагучи унинг тили, аслида пайконни олиб ташловчи жарроҳ тифига ўхшатишган. Фойда берай дейди, лекин барибир ништар санчади.

Байтда коматинг хажрида, кўнглим сўргучи бирикмалари орқали истиора, носих тилини жонлантириш орқали ташхис, ништар, ўқ ва пайкон сўзлари орқали эса таносиб санъатлари пайдо бўлмоқда.

Ҳажр аро ҳолимни ёздим ёд тут, эй навҳагар
Ким, баса лойикдурурсен соз этар дастон учун.

Ҳижрондаги аҳволимни ёздим, эй айтиб йиғловчи гўянда, достон учун соз керак бўлса, шуни эсингда тут.

Навбатдаги байтда ошиқ азада айтиб йиғловчи гўянда – навҳагарга мурожаат қилиб, ҳижрондаги аҳволимни ёзиб қўйдим, жалаб қол. Достон учун соз бўлади ва сен уни айтиб йиғлашга лойиксан, демоқда.

Байтда эй навҳагар ундалмаси орқали илтифот, соз ва достон сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ишқ ғам базмида эгри қаддима жон риштасин
Тор этиб, соз айлади кўнглум чекар афғон учун.

Ишқ ғам базмида эгилган қаддимга жон ипини боғлаб, кўнглим қуйлайдиган нола учун тор тайёрлади.

Ошиқнинг қадди ишқ алам ва изтиробларидан эгилиб қолган. Ишқ эса ошиқ ичидан жон ипини суғуриб олиб, эгма қадга боғлаб, чанг созини яратган ва ғам базмида чалиш учун тайёрлаб қўйган. Аламли ва гўзал чизги!

Байтда ғам базми, жон риштаси бирикмалари орқали истиора, ишқни жонлантириш орқали ташхис, тор, соз ва базм сўзлари орқали таносиб санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Аждаҳо оғзи бил ўтлуғким, очиптур қасдинга
Мунчаким волиҳсен, эй булбул, гули хандон учун.

Эй булбул, очилган гул учун бунча ҳам мубталосан, ахир қасдингга аждаҳо ўтлик оғзини очиб турибди-ку!

Навбатдаги байтда шоир ўз ҳамдарди – булбулга мурожаат қилиб, очилиб, яшнаб турган гулга шу қадар мубталосанки, қасдинг-

га аждаҳо оғзини очиб тургани ҳам ёдингда йўқ, демоқда. Аждаҳо ниманинг рамзи экан бу ўринда? Балки инсонни роҳат-фароғат дамларида билдирмасдан оладиган вақт рамзимикин? Ахир роҳат-фароғат ичида умримиз бу қадар тез ўтаётганини англамай қоламиз-ку!

Байтда эй булбул ундалмаси орқали илтифот, булбул ва гул сўзлари орқали таносиб, аждаҳони шахслантириш орқали ташхис санъатлари яратилмоқда.

Чун Навоий номаи шавқин етурсанг, эй расул,
Тенгри ҳаққи руқъае бу зори саргардон учун.

Эй хабарчи Навоийнинг нолаи зорини Тангри учун бир мактуб тарзида (севганига) етказ!

Мақтаъда Навоий ушбу архи ҳолини бир мактуб деб ҳисоблаб, уни маъшуқасига етказиш учун расул – хабарчига мурожаат қилмоқда.

Байтда номаи шавқ бирикмаси орқали истиора, эй расул ундалмаси орқали илтифот, расул ва руқъа сўзлари орқали таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ҳижрон онларининг табиий бир тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун...”
——

Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун,
Гўйиё мен бир ёнар ўтмен, қоронғулук тутун.

Ашк этиб ғаммозлиғ кўнглум бузулса не ажаб
Ким, топар озор ёшлардин мудом аҳли жунун.

Мен тилармен васлу анинг кўнгли ҳар ағёр ила,
Манга икки тош аросинда керак албатта ун.

Қаддингу эрнинг ҳавоси жондадур, айб этмагил,
Бўлса афғоним бийик, сайли сиришким лаългун.

Ким кафанни ёд этар, андин ўлуг огоҳроқ,
Гар либосин билсаким, эрур катон ёхуд катун.

Сайли ашкимдин фалак ғамхонаси вайрон эди,
Қилмаса эрди жафоси дуди оҳимдин сутун.

Кўрмасам қошинг бўлурмен турганим бирла фиғон,
Войи эрур, бас чу бўлмаса «Навоий» бирла «нун».

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ғаммозлик – ғамли, қайгули, хафа

Эрн – лаб

Афғон – 1) Фиғонлар, фарёдлар, нолалар 2) овоз, садо, жаранг, бонг

Бийик – буюк, улуғ; баланд, юксак, олий

Сиришк – қатра, кўз ёши

Катон – тоза пахтадан тикилган мато, кийимлик

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ҳижрон манзаралари, маъшуқа жафоси ва булар орасидаги ошиқ ҳолати тасвирланган.

Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун,
Гўйиё мен бир ёнар ўтмен, қоронғулук тутун.

Айрилиғиңда кечалар забун бахтим мени шу қадар ўртайди – ёндирадики, мен ёнар ўтга, қоронғулик эса тутунга ўхшайди.

Кечалар айрилиқдан қийналаётган ошиқ ўзини ёнаётган оловга, тунни эса тутунга ўхшатмоқда. Эски ҳолатнинг янги, оригинал тасвири. Матлаъ шундай ўзига хос таъриф ва тасвир билан бошланади.

Байтда бахти забун бирикмаси орқали истиора, гўйиё сўзи орқали ташбеҳ, ўт ва ўртар сўзлари орқали иштиқоқ, ўт, ўртар, ёнар ва тутун сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Ашк этиб ғаммозлиғ кўнглум бузулса не ажаб
Ким, топар озор ёшлардин мудом аҳли жунун.

Кўз ёшим ғамли бўлиб, кўнглим бузилса, нима қилайки, жунун аҳли бўлган ошиқлар ҳамиша ёшлардан озор топишган.

Кўз ёшларим ғамимга сабаб бўлса, ажаб эмас, демоқда шоир ва “ёш” сўзининг луғавий маъносига эътибор қатариб, ўзини эса ишқдан жинни санаб “жиннилар доим ёшлардан озор кўради-ку”, демоқда! Байтда ёш болаларнинг кўчада жинниларни кўрса, тош отишига ишора қилинмоқда.

Байтда ашк (кўз ёши)ни жонлантириш орқали ташхис, тамсил санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Мен тилармен васлу анинг кўнгли ҳар ағёр ила,
Манга икки тош аросинда керак албатта ун.

Мен унинг васлини тилайману, унинг кўнгли рақибимда, бу икки тош орасида менга албатта ун керак бўлади.

Бу ўринда шоир икки тош деб рақиб ва унга эътибор қаратган маъшуқасининг юрагини, ун деб эса ўз қалбини назарда тутмоқда. Яъни, мен маъшуқамни ўйлайман, унинг кўнгли эса рақибимда. Бу иккиласи тош бўлса, албатта, икки тошнинг орасида қолган бечора кўнгил ундай янчилган ҳолга келади.

Байтда мен сўзи тақроридан тақрирнинг радд ул-садр илал ибтидо тури, тамсил санъатлари юзага келмоқда.

Қаддингу эрннинг ҳавоси жондадур, айб этмагил,
Бўлса афғоним бийик, сайли сиришким лаългун.

*Фиғоним баланду, кўз ёшим лоларанг бўлса, айб этмаки, қаддинг
ва лабларинг ҳаваси жонимдадир.*

Ошиқ фиғонининг баландлигини маъшуқасининг қадди баландлиги, кўз ёшларининг қонга айланганлиги эса севгилисининг лаблари қизиллиги таъсиридан деб изоҳлайди.

Байтда муболаға ва тамсил санъатлари яратилмоқда.

Ким кафанни ёд этар, андин ўлуг огоҳроқ,
Гар либосин билсаким, эрур катон ёхуд катун.

*Либоси пахта ёки ипакдан бўлса ҳам, кимки кафанни ёд этса,
ундан ўлик огоҳроқдир.*

Кимки кафанни ёд этган ҳолда катон ёки катун, яъни ип ёки ипак либослар кийса, ундай огоҳликдан ўликнинг ҳушёрлиги афзалроқдир, демоқда улуг шоир маъвиза байтда ғазалхонига насихат ўринада.

Байтда катон ва катун сўзлари орқали таносиб санъати яратилмоқда.

Сайли ашкимдин фалак ғамхонаси вайрон эди,
Қилмаса эрди жафоси дуди оҳимдин сутун.

Оҳим устун бўлиб ушлаб туролмаса, кўз ёшларим сайлидан фалак ғамхонаси вайрон бўларди.

Ошиқ шу қадар изтиробга тушганлигидан, тинмай “оҳ” тортиб, кўз ёши тўкмоқда. Бу қадарлик тинимсиз оҳу нола устун бўлиб, осмонни тутиб турмаганда эди, кўз ёшларим сели уни аллақачон йиқитиб юборар эди, демоқда у муболағанинг ғулув даражасига муурожаат қилиб.

Байтда сайли ашким, фалак ғамхонаси ва дуди оҳим бирикмалари орқали уч ўринда истиора санъатлари пайдо бўлмоқда.

Кўрмасам қошинг бўлурмен турганим бирла фиғон,
Войи эрур, бас чу бўлмаса «Навоий» бирла «нун».

Қошингни кўрмасам, турган-бирганим билан фиғонга айланиб қоламан, бу худди “нун” бўлмаса “Навоий” “вой”га айланиб қолишига ўхшайди.

Нима учун? Бу байтнинг маъносини англаш учун китобат санъатини билиш керак бўлади. Яъни, “нун” – “ن” ҳарфига ўхшаган эгма қошларингни кўролмасам, қилар ишим фиғон тортишдан иборат бўлади, демоқда улуг шоир. Ва бунга мисол қилиб, “нун” “ن” сиз “навоий” – “نوايى” сўзининг “вой” “وای” га айланиб қолишини келтирмоқда.

Умуман олганда, ғазал фироқда қолган кўнгил изтиробларининг санъаткорона талқинидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун...”



Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун,
Сен бўлу бас, тубию фирдавсу ризвон бўлмасун.

Деб эмишсен: куйдурай бир доғ ила кўнглин анинг
Ҳар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон бўлмасун.

Қошига қилғач сужуд, ўлтурди ул кофир мени,
Ҳеч мусулмон ёри, ё раб, номусулмон бўлмасун.

Ишқида жоним уқубатлар била ол, эй ажал,
То анинг ошиқлиғи ҳеч кимга осон бўлмасун.

Ул парий кўнглумда меҳмон ўлмиш, эй жон воқиф ўл,
Оҳ ўти дуд этмасун, захм ичра пайкон бўлмасун.

Эй кўнгул, масте чиқиб шахр ичра солмиш рустаҳез,
Ваҳ, хабар тутким, бизинг бебоки нодон бўлмасун.

Дедиким: жон бер доғи ўпгил аёғим туфроғин,
Эй Навоий, тезрак бўлким, пушаймон бўлмасун.

-V- - / -V- - / -V- - / -V-

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун
Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Фирдавс – жаннат, боғ, равза, саккизинчи жаннатнинг номи

Тўби – жаннат дарахти

Ризвон – саккиз беҳиштнинг бири, ризолик ва мамнуният жаннати

Доғи – 1) Белги, нишона, из, асар 2) ҳасрат, алам, нишон;
3) афсус 4) доғ, қаттиқ қайнаган, қизиган; 5) куюкли, куйган жой
(баданда)

Сужуд – саждалар, сиғинишлар, ибодатлар

Воқиф – 1) Хабардор, билувчи 2) воқиф қилувчи

Заҳм – 1) Яра, жароҳат 2) ошиқлик, севишлик; 3) озор, ран-
жиш, кўнгил яраси 4) зарба, уриш кучи, қуввати 5) хафалик, мало-
мат; 6) бахтсизлик, омадсизлик; 7) заҳматлар

Пайкон – 1) Камон ўқининг учидаги темир; тиконнинг ўткир
учи; 2) бошоқ; 3) киприк

Рустаҳез – ғавғо, тўпалон

Бебок – 1) Ботир, қўрқмас, ҳайиқмас; 2) золим, тошбағир,
шафқатсиз; маҳбуба, гўзал, ёр; 3) ҳаёсиз, мулоҳазасиз, андешасиз

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда ушбу ғазал етти
байтли бўлиб “бўлмасун” радифи билан якунланади. Ғазалда
ошиқнинг ишққа содиқлиги ва маъшуқа жафосига розилиги гўзал
санъатлар воситасида тараннум этилади.

Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун,
Сен бўлу бас, тубию фирдавсу ризвон бўлмасун.

*Эй умр(имнинг мазмуни) сенсиз менга бир соат ҳам жон керакмас,
сен бўлсанг бас, фирдавс боғию, ундаги тўби дарахти ҳам керакмас.*

Матлаъда ошиқ маъшуқасига “эй умр” деб мурожаат қилмоқда. Усиз бир соат ҳам яшолмаслигини таъкидлаган ошиқ, кейинги мисрада энг аъло жаннат бўлмиш – фирдавсни ҳам, розилик ва мамнуният жаннати бўлмиш ризвонни ҳам, илдири ризвон жаннатида бўлиб, барглари барча жаннатларга соя қилувчи, барча турдаги мевалар бергувчи афсонавий хушбўй дарахт – тўбини ҳам инкор этмоқда. Хуллас, фақат сен бўл, сендан бошқа ҳеч ким бўлмасин, демоқда ошиқ маъшуқасига ўз садоқатини изҳор этиб.

Байтда сен сўзининг такроридан тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо тури, эй умр ундалмаси ёрдамида илтифот, тўби, фирдавс ва ризвон сўзлари ёрдамида таносиб ва таъдид ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Деб эмишсен: куйдурай бир доғ ила кўнглин анинг
Ҳар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон бўлмасун.

Бир доғ билан унинг кўнглини куйдирай, дебсан. Ҳар қандай доғ бўлса ҳам майли, (куйдиравер, фақат) ҳижрон доғи бўлмаса, бас!

Иккинчи байтда ошиқ маъшуқанинг ҳар қандай жафосига, озорига рози эканлигини билдиради! Ҳар қандайига рози, фақат ҳижрон бўлмаса бас! Шунда ошиқ ёрнинг ҳар қандай зулмига чидайди ва уни севишда давом этаверади!

Байтда савол-жавоб, доғ сўзининг такроридан икки ўринда тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, доғи ҳижрон бирикмаси ёрдамида эса истиора санъатлари юзага келмоқда.

Қошига қилғач сужуд, ўлтурди ул кофир мени,
Ҳеч мусулмон ёри, ё раб, номусулмон бўлмасун.

Қошига сажда қилганимдан кейин у кофир мени ўлдирди, эй (дўстлар), ҳеч мусулмоннинг ёри (бундайин) номусулмон бўлмасин-да!

Ўрта асрлар мусулмон Шарқда мусулмон киши мулойим, ҳеч кимга озор бермайдиган бўлиши керак, кофир эса аксинча дилорзор ва золим бўлади, деган қараш шаклланган. Шу қарашга мурожаат қилган шоир “менинг ёрим Худосиз – кофир, шунинг учун у меҳробга эмас, ўзининг меҳроб шаклидаги қошларига сажда қилдирди. Буям камлик қилгандай, кейин менинг жонимни олиб қўя қолди”, демоқда. Ва илтижо қилиб, мусулмонга зулм қиладиган кофир бошқага насиб қилмаслигини сўрамоқда.

Байтда мусулмон ва номусулмон сўзлари ёрдамида тазод ва таносиб, мусулмон ва кофир сўзлари воситасида тазод, ё раб ундалмаси орқали илтифот санъатлари яратилмоқда.

Ишқда жоним уқубатлар била ол, эй ажал,
То анинг ошиқлиғи ҳеч кимга осон бўлмасун.

Эй ажал, оладиган бўлсанг, жонимни уқубатлар билан олгинки, унинг ошиқлиғи ҳеч кимга осон бўлмасин (яъни ҳар ким ҳам унинг ишқини даъво қилавермасин)!

Навбатдаги байтда содиқ ошиқ ажалга мурожаат қилиб, менинг ўлимимни қийинлигини кўрганлар унинг ишқини ўйлаб даъво қилсину, натижада ёлғон ошиқлар кўпаймасин, демоқда. Бунинг учун у азобли ўлимга ҳам рози!

Байтда ишқ ва ошиқ сўзлари орқали иштиқоқ, эй ажал ундалмаси орқали илтифот, муболаға санъатлари қўлланилмоқда.

Ул парий кўнглимда меҳмон ўлмиш, эй жон, вокиф ўл,
Оҳ ўти дуд этмасун, захм ичра пайкон бўлмасун.

У пари кўнглимга меҳмонликка келди, эй жон, ҳушёр турки, оҳим ўти уни тутун қилиб юбормасин, жароҳат ичидаги қолган пайкон озор бериб қўймасин!

Навбатдаги байтда маъшуқа ошиқ кулбасига ташриф буюрган. Ошиқ эса уни кулбасида эмас, кўнглига олиб кириб, меҳмон қилмоқчи. Шунинг учун у жонни огоҳлантириб, ишқдан озор топган бўлсанг ҳам жим тур, оҳ тортма, тутуни маъшукамга озор бермасин, жароҳат ичидаги пайконлар ҳам зарар келтирмасин, демоқда.

Байтда эй жон ундалмаси ёрдамида илтифот, парий сўзи ва оҳ ўти бирикмаси ёрдамида истиора, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй кўнгул, масте чиқиб шаҳр ичра солмиш рустаҳез,
Ваҳ, хабар тутким, бизинг бебоки нодон бўлмасун.

Бир маст чиқиб, шаҳар ичида ғавғо-тўпалон солди, эй кўнглим, чиқиб қара, яна бизнинг андешасиз, нодон бўлмасин у!

Навбатдаги байтда маъшуқанинг характери аён бўлмоқда. У ошиқ – лирик қаҳрамоннинг назарида ўз ҳурмати билмайдиган андешасиз ва нодон. Шунинг учун ҳам бечора ошиқни ўзи билиб-билмай, азоб-уқубатга дучор қилган. Яна у маст бўлиб олиб, шаҳар ичида кезиши, жамолини кўрганларга ғавғо солиб, ишқ дардига гирифторларни кўпайтириши мумкин. Бундан хавотирланган ошиқ кўнглини огоҳликка чорлаб, хабардор бўлишга ундамоқда. Нега айнан кўнгилни? Чунки ошиқ кўнгли ҳамиша маъшуқа билан бирга. Шунинг учун ҳам унинг қаердалигини аниқ билади. Шу сабабли ошиқ ўз кўнглига бу борада ишонади.

Байтда эй кўнгул ундалмаси орқали илтифот, бебоки нодон сўзлари ёрдамида таъдид, муболағанинг таблиғ даражасидан фойдаланилмоқда.

Дедиким: жон бер доғи ўпгил аёғим туфроғин,
Эй Навой, тезрак бўлким, пушаймон бўлмасун.

(Маҳбубам) жон бериб, оёғим тупроғини ўпишинг мумкин, деди, эй Навой тезроқ ҳаракатингни қил, яна (фикридан) пушаймон бўлиб юрмасин!

Маъқтаъда таъкидланишича, ошиқ ниҳоят маъшуқани, балки кўчада маст бўлиб юрган пайтидами, хуллас, бир амаллаб кўришга, унга юқоридагича садоқат изҳор этишга мушарраф бўлган. Ошиқ эса унга кибру ҳаво билан оёғим тупроғини ўпиб, эвазига жон берасанми? - деган. Ишқда беҳудлик аро ғуруру оридан ҳам айрилган ошиқ Навойга, яъни ўз-ўзига тезроқ ҳаракатингни қил, яна бу фикридан ҳам қайтмасин, демоқда.

Байтда муболаға ва эй Навоий ундалмаси орқали илтифот санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ишқдаги садоқатнинг, илоҳий муҳаббатга гирифтор бўлган пок кўнгилли ошиқ зору ниёзмандлигининг гўзал шаклдаги тасвирдир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Васлингга етибон соғинурмен хаёл экин...”

Васлингга етибон соғинурмен хаёл экин,
Ҳолимни англаман, манга, ё раб, не ҳол экин.

Ушшоқ ашқидин су ичиб бар жафо берур,
Ё рабки, қоматинг не ажойиб ниҳол экин.

Зулфунгда хол «жим» аросиндағи нуқтадек,
Юзунгда зулф вард ёниндағи «дол» экин.

Ҳар нечаким куярмен, анинг зарра меҳри йўқ,
Оёки, толиим куни кони завол экин.

Дерсенки: сени қайси парий телба айламиш?
Эй бағри тош, билиб яна бу не савол экин.

Занбурнинг эви кеби кўнглум тешук-тешук,
Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экин.

Мискин Навоий жониға кўюнгда қилма қасд,
Сайд айламак ҳарам қушин охир вубол экин.

--V -V-V V--V -V-

мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Зулф – 1) Соч, соч ўрими, маҳбуба, севгили сочи; 2) кокил, гаж-
жак

Вард – атиргул, қизил гул

Завол – 1) Йўқолиш, йўқ бўлиш, тугалланиш; 2) ҳалокат, инқи-
роз 3) ғуруб, қуёш ботиши 4) йўқ бўлиш, сўниш

Занбур – ари

Эв – уй, хона

Мискин – бечора, нотавон; фақир

Вубол – увол, исроф

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли “экин” радифли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда висол лаззати, ҳижрон изтироблари аро чеккан ошиқ азоблари ва маъшуқа гўзаллиги мадҳи уйғун тарзда тасвирланган.

Васлингга етибон соғинурмен хаёл экин,
Ҳолимни англаман, манга, ё раб, не ҳол экин.

Висолингга етиб “бу қандай хаёл экан?” деб ўйлайман. Ҳолимни ҳам билолмай “мендаги қандай ҳол экан” деб ўз-ўзимдан ҳайратланиман.

Матлаъда фавқуллодда висол манзараси тасвирланади. Бу шундай ҳолатки, ошиқ ўз кўзларига ишонмай, “бу ростми ёки хаёлми?” деб ажабланмоқда. Висолдаги ўз ҳолига ҳам ҳайрон: ўзи бу ҳолатдаги менми ё бошқа? Висолдан хурсандманми ё хафа? Севгилимга нима дейишим керак? Ишқ изҳор қилайми, ё сукут сақлайми? Ҳаддан ташқари қаттиқ муҳаббатга гирифтор бўлган, ҳижрон азобларини кўп кўрган ва севиклини ўзидан баланд қў-

йиб, ўзини эса висолга нолойиқ деб билган, бир сўз билан айтганда, илоҳий муҳаббат соҳибларида шундай бўлади.

Байтда ҳол сўзи такроридан тақрир, ё раб ундалмаси орқали тақрир ва муболага санъатлари яратилмоқда.

Ушшоқ ашкидин су ичиб бар жафо берур,
Ё рабки, қоматинг не ажойиб ниҳол экин.

Ошиқлар кўз ёшидан сув ичиб, жафони мева қилиб беради, қоматинг қандай ажойиб ниҳол экан-а!

Иккинчи байтда маъшуқа қомати таърифланмоқда. Унинг қадди нав ниҳолдай тик ва ихчам. Лекин унинг соҳибаси жафокор гўзал бўлгани учун ошиқ уни ошиқларининг кўз ёшидан сув ичувчи ва жафодан мева берадиган дея ёзгирмоқда.

Байтда ушшоқ ашки бирикмаси ёрдамида истиора, бар ва ниҳол сўзлари орқали таносиб, ё рабки ундалмаси орқали илтифот санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Зулфунгда хол «жим» аросиндаги нуқтадек,
Юзунгда зулф вард ёнингдаги «дол» экин.

Юзингдаги холинг “жим” ҳарди орасидаги нуқтага ўхшайди, юзиндаги гажанинг эса “вард” – яъни қизил атиргул ёнидаги ёнидаги “дол”симон гулбаргга ўхшайди.

Навбатдаги байтда маъшуқа жамоли ва юзидаги гажани таърифланмоқда. Юзидаги соч атиргул яъни “вард” – “ورد” сўзидаги “дол” – “د” ҳарфига, чаккасидаги гажжак орасидаги хол эса жим “ج” ҳарфи орасидаги нуқтадай жойлашиб, севиклининг бир гўзаллигини мингга етказиб, севгувчи юрагига олов ёқмоқда.

Байтда нуқтадек сўзи орқали ташбеҳ, икки ўринда китобат санъатлари яратилмоқда.

Ҳар нечаким куярмен, анинг зарра меҳри йўқ,
Оёки, толиим куни кони завол экин.

Ҳар қанча куйсам ҳам, (менга) унинг зарра меҳри йўқ, (бу аҳволда) бахтим куни завол кони экан-да!

Навбатдаги байтда ошиқ арзи ҳоли тасвирланмоқда. Унда тасвирланишича, ошиқнинг муҳаббати қанча кучаймасин, ёри унга зарра меҳр қўймас экан. Бундан аламзада бўлган ошиқ энди келажаким нима бўлади? Эрта кони заво – таназзулми, деб қайғурмоқда. Аслида ҳам шундаймикин? Балки унчалик эмасдир. Бунинг сабаби, қаттиқ муҳаббат қўйган инсон бошқанинг, жумладан севиклининг ўзига нисбатан бўлган муҳаббати ҳам кўзига кўринмайди. Кўринса ҳам, арзимас, жуда оз кўринаверади. Ва бу ҳолат шундоқ ҳам ҳижрон ва ишқ изтироблари ичида қийналган ошиқ “мен”лигига яна баттар азоб беради. Ошиқ руҳиятидаги бу ҳолат мумтоз адабиётда мутлоқлаштирилиб, маъшуқанинг раҳмсиз ва эътиборсиз золим тарзида тасвирланиши анъана тусига кирган.

Байтда муболаға санъатига мурожаат этилмоқда.

Дерсенки: сени қайси парий телба айламиш?
Эй бағри тош, билиб яна бу не савол экин.

Сени қайси пари (бу қадар) телба қилибди, дейсан, эй бағри тош (ғўзалим) билиб туриб бу қандай савол бўлди, яна?!

Ушбу байтдан маъшуқа ошиққа унча ҳам эътиборсиз эмаслиги кўринади. Балки у ростдан ҳам ошиғи кимга мубтало эканлигини билмас. Балки, иккиланаётгандир. Лекин ошиқ наздида, у билиб, атайлаб, ошиқни қийнаш учун бундай савол бермоқда.

Байтда пари ва девона сўзлари орқали таносиб, эй бағри тош бирикмаси ёрдамида илтифот, савол-жавоб санъатлари юзага келмоқда.

Занбурнинг эви кеби кўнғлум тешук-тешук,
Лаълинг хаёли ҳар тешук ичинда бол экин.

Арининг уясидай кўнғлим тешик-тешик (бўлиб кетган), лаълдек лабининг хаёли шу тешикчлар ичидаги асалга ўхшайди.

Навбатдаги байтда маъшуқанинг лаълек қизил ва асалдек ширин лаблари васф этилмоқда. Ёрининг лабларини кўрмай, уларни тинмай ўйлаган ошиқнинг кўнғли асал арининг уйидек тешик-тешик бўлиб кетган. Ажабланарлиси шундаки, тешиклар ичида маъшуқа лаблари хаёлидан асал пайдо бўлган. Байт бутун

борлиғи билан севиклини ўйлаган, охири қалбан унинг борлиғига айланиб бораётган ошиқ ҳолати тасвирдир.

Байтда ташбех, муболаға, занбур ва бол сўзлари орқали тано-сиб, лаълинг сўзи орқали истиора, тешук-тешук сўзлари восита-сида эса мукаррар санъатларига мурожаат этилмоқда.

Мискин Навоий жониға кўюнда қилма қасд,
Сайд айламак ҳарам қушин охир вубол экин.

Кўчанда бечора, фақир Навоийнинг жонига қасд қилмаки, ҳарам қушини овлаш увол бўлади, ахир!

Мақтада Навоий маъшуқасига илтижо қилиб, ошиқ кўнглим Аллоҳ даргоҳининг қуши кабидир. Унга қасд қилмаки, увол бўлиб, гуноҳга ботасан, демоқда. Мақтаъ висолига эришиб, ўз кўзларига ишонмаётган, қадди-қотаю, сочлари, юзию лабларини алоҳида таърифлаган, эътиборсизлигидан нолиган маъшуқа мадҳига му-носив хотимадир.

Байтда муболаға ва тамсил санъатлари яратилмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен...”

Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимға ўзумни унутубмен.

Кўнглумга келур ҳар сари ўқ отса нединким,
Жон ширасидин оғзини анинг чучутубмен.

Ёринг, дедилар, ғайр била бода ичибдур,
Таҳқиқини билгунча не қонларки ютубмен.

Гарм ўлмангиз, аҳбоб тилаб васл чароғин,
Менким, юрагим куйди, не чоғлиғ ёрутубмен.

Ҳажринг туни оллимға не меҳнатки етибдур,
Васлинг куни ёдидин ўзумни овутубмен.

Хилват асари уҷб эканин англадим, эй шайх,
Айб этма, фано дайрида гар кулба тутубмен.

Ашк ила Навоий су берур, сабр ниҳолин
Билмаски, ани оҳим ўтидин қурутубмен.

— — V V—V V—V V—

мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Ғайр – бошқа, ўзга; ёт, бегона

Таҳқиқ – ҳақиқат; бирор нарсани аниқлаш учун яхшилаб текшириб кўриш

Гарм – 1) Иссиқ, қайноқ; 2) жозибали, жўшқин; 3) тез, қизгин; 4) қаттиқ, қатъийлик билан

Аҳбоб – севимлилар, дўстлар, ёронлар, сирдошлар

Меҳнат – 1) Мусибат, бало 2) ғам, дард; 3) машаққат, қийинчилик

Уҷб – манманлик, ўзига зеб қўйиш, қилган ишидан мағрурланиш

Дайр – 1) Роҳиблар яшайдиган жой, бутхона, монастыр; 2) майхона; 3) дунё, жаҳон, майхона

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли ушба ғазал радифсиз бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа гўзаллиги ва ошиқ муҳаббати уйғун ҳолда тараннум этилади.

**Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимға ўзумни унутубмен.**

Ишқинг этагини жон қўли билан тутибман, ёдимға келишинг билан ўзумни унутиш даражасига етибман.

Ошиқ маъшуқа ва унинг ишққа шу қадар ташна, шу қадар зор-ки, ўзлигини унутиб, унга интиломқда. Бунинг жон қўли билан ишқинг этагига ёпишибман, дейди. Маъшуканинг ўзи эмас, ҳатто ҳаёли келса ҳам, унга ташна бўлган ошиқ ўзини унутиш даражасига етади.

Байтда ишқинг этагин, жон илиги бирикмалари орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

**Кўнғлумга келур ҳар сари ўқ отса нединким,
Жон ширасидин оғзини анинг чучутубмен.**

Кўнғлимга ҳар томондан отиладиган ўқларга жон ширасини бериб, оғзини ширин қилибман.

Маъшуқа қаерга қараб ёйдек қошларига киприкларини қадаб, ўқ отса уларнинг барчаси ошиқ юрагига келиб қадалади. Яъни, маъшуқа қаерга бориб, нима қилса, нима деса, ошиқ уларни билиб, қалби билан ҳис этиб туради ва бу ҳолатлар бошқалардан кўра унга кўпроқ таъсир кўрсатади. Шунда ҳам ошиқ унга фақат яхшиликлар тилайди, эзгуликлар соғинади.

Байтда истиора, муболаға санъатларига мурожаат этилган.

**Ёринг, дедилар, ғайр била бода ичибдур,
Таҳқиқини билгунча не қонларки ютубмен.**

Ёринг дегона билан май ичиб, ўтирибди деганларида, аслида нима бўлганини аниқлагунча қанча қонларни ютибман-а!

Навбатдаги байт ҳам маъшуқа ҳатти-ҳаракати ва унинг ошиққа кўрсатган таъсири борасида. Яъни маъшуқа ҳақидаги ҳар қандай гап-сўз ошиқ руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатади. Унинг бошқа билан май ичиши ҳақидаги гап, то ростини аниқламагунча ошиққа қонлар ютишидек таъсир кўрсатиши аниқ.

Байтда ёр ва ғайр сўзлари орқали тазод, муболағанинг таблиғ даражаси ҳосил бўлмоқда.

Гарм ўлмангиз, аҳбоб тилаб васл чароғин,
Менким, юрагим куйди, не чоғлиғ ёрутубмен.

*Дўстлар висол чироғини хоҳлаб, ўзингиз ҳам қизиб кетмангки,
мен бечора қанча ёритсам, шунча юрагим куйди.*

Ёрнинг ҳижрони ошиққа қанчалик азоб келтирса, висоли ҳам ундан кам бўлмайди. Бунинг сабаби, маъшуқанинг ошиқ нуқтаи назаридаги салобати ва ҳаёсидир. Мана шу салобат ва ҳаёдан ошиқ қизиб, юраги куйиб кетгандай бўлади. Ва бошқа ошиқларга, ишққа даъвогарларга, висол хоҳлаб, яна қизиб кетманглар, мен бу чироғни қанчалар баланд қилиб ёқсам, яъни севгилимни қанчалар кўп кўрсам, шунчалар ёниб кетдим, деб огоҳлантирмоқда.

Байтда васл чироғи бирикмаси ва ёрутубмен сўзлари орқали таносиб, васл чироғи бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Ҳажринг туни оллимға не меҳнатки етибдур,
Васлинг куни ёдидин ўзумни овутубмен.

*Ҳижронинг кунида олдимга қанча қийинчилик юзланса, висолинг
умиди билангина ўзимни овутибман.*

Ошиқ учун ўлимдан ҳам қаттиқ азоб бу ҳижрондир. Ёр ҳижронига у бир нарсa билан – фақатгина келажакдаги висол умиди билангина тоқат қилиши, дош бериши мумкин.

Байтда ҳажринг ва васлинг, тун ва кун сўзлари сўзлари ёрдамида тазод санъатлари яратилмоқда.

Хилват асари ужб эканин англадим, эй шайх,
Айб этма, фано дайрида гар кулба тутубмен.

*Хилватнинг самараси ўзига зеб қўйиш эканлигини англагимдан
кейин, эй шайх, фано майхонасида кулба тутганимни айб қилма.*

Навбатдаги лирик чекиниш ёки маъвиза байтида Навоий хилватнинг зарари ҳақида сўз юритиб, буни билганимдан кейин,

фано, яъни йўқлик майхонасини макон қилибман, демоқда. Яъни хилватдан воз кечдим, узлатга чекиниб юрмадим, бирйўла йўқликка чекиндим, йўқ бўлдим, демоқда донишманд мутафаккир хилватни улуғлаган шайхга қарата.

Байтда хилват асари ва фано дайри бирикмалари ёрдамида истиора, эй шайх ундалмаси ёрдамида илтифот санъатлари юзага келмоқда.

Ашк ила Навоий су берур, сабр ниҳолин
Билмаски, ани оҳим ўтидин қурутубмен

Навоий кўз ёши билан сув берган сабр ниҳолини оҳим ўтидан қурутганимни билмади.

Мақтаъда Навоий ўз сабрсизлигини ва бунинг оқибати яхши эмаслигини таъкидлаб, ушбу ғазални ўз “оҳ”ининг ифодаси демоқда.

Байтда су ва ўт сўзлари ёрдамида тазод, сабр ноҳоли, оҳим ўти бирикмалари ёрдамида истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал севгига садоқат ва маъшуқа мадҳи тимсолидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин...”
——

Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин,
Кел қутқар, эй ажал, мени ушбу фиروقдин.

Тонг йўқ қизарса лола кеби кўз, чу мардуми
Ҳар дам гамингда қон ютадур ул аёқдин.

Сен май ичарсен эл била, ул ғамза қон килур,
Мен қон ютуб назора қилурмен йироқдин.

Атфол санг арбадаси ваҳмидин даме,
Девоналар кеби чиқа олман висоқдин.

Ичтим итинг сафолида май, ваҳ, қачон юғай,
Ҳайвон зулоли завқини анинг мазоқдин.

Майдин ҳаёт тутки, беганмас Масихни
Ҳар шаппареки, учса бу эски равоқдин.

Мутриб била не кўнгли очилсун Навоийнинг
Ким, мен фироқдин десам, ул дер Ироқдин.

--V -V-V V--V -V-
мафъувлу фоилоту мафоййлу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Фурқат – айрилик, жудолик

Фироқ – айрилик, узоқлашиш, жудолик

Аёқ – 1) Қадах, жом; май 2) коса

Атфол – гўдаклар, ёш болалар

Санг – тош

Арбада – шовкин-сурон, тўпалон, мастона бақириш

Висоқ – 1) Уй, хона, макон, ҳовли-ҳарам, манзил; 2) кишан
3) боғ, робита 4) аҳдлашилган жой

Мазоқ – маза, таъм, татиш аъзолари

Ҳайвон зулоли – оби ҳаёт, тириклик суви, абадият зилоли

Беганма – бевақт, ўринсиз, бемаҳал эмас

Шаппар – кўршапалак

Мутриб – мутриб, чолғучи

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли радафсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Ғазал ошиқнинг фироқдаги ҳолати тасвири билан бошланади:

Ўлгумдурур чу фуркат ила иштиёқдин,
Кел қутқар, эй ажал, мени ушбу фироқдин.

Айрилиқ ва кучли интилишдан ўладиган ҳолга келдим, эй ажал (тезроқ кел-да) мени бу жудоликдан қутқар!

Ошиқ ишқдаги кучли интилиш – иштиёқ ва ҳижронда шу аҳволга келганки, унга фақат ажал ёрдам бериши мумкин. Фақатгина ўлим уни бу ҳижрону ишқдан ҳалос қилиши мумкин.

Байтда фуркат ва фироқ сўзлари ёрдамида таносиб, муболаға ва ажалга мурожаат қилиш воситасида илтифот санъатлари яратилган.

Тонг йўқ қизарса лола кеби кўз, чу мардуми
Ҳар дам ғамингда қон ютадур ул аёқдин.

Кўзим лоладек қизарса, ажаб эмаски, унинг қорачиғи ҳар лаҳза ҳижронингда ўша қадаҳдан қон ютмоқда.

Навбатдаги байтда ҳам ошиқнинг ҳижрондаги ҳолати муболағали тасвирланмоқда. Унда шоир кўз лолага, унинг қорачиғи эса қон тутувчи қадаҳга ўхшатишмоқда.

Байтда яна кўз ва мардум сўзлари орқали таносиб, аёқ сўзи воситасида истиора санъатларига мурожаат тилмоқда.

Сен май ичарсен эл била, ул ғамза қон қилур,
Мен қон ютуб назора қилурмен йироқдин.

Сен эл билан май ичаётганингда узоқдан туриб, қон ютганча томоша қиламан. Сени бу нозу фироғинг мени қон қилмоқда.

Навбатдаги байтда ошиқ қайғу-аламининг сабаби акс эттирилмоқда. Маълум бўлишича, маъшуқа ошиққа жабр қилибми ё эътиборсизликданми, бошқалар билан базм қилиб, май ичиб ўти-

рибди. Бу ҳол ошиққа шу қадар ёмон таъсир қилмоқдаки, узоқдан термулиб, қон ютгандек бўлмоқда гўё.

Байтда муболаға, қон сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, қон ютуб бирикмаси орқали эса истиора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Атфол санг арбадаси ваҳмидин даме,
Девоналар кеби чиқа олман висоқдин.

Болаларнинг тоши отиши шовқинидан телбалар каби маконимдан чиқа олмаяпман.

Навбатдаги байтда ҳам муболағали тасвир амалга оширилмоқда. Яъни, ошиқ ишқда шу даражадаги ночорликка етганки, болалар уни телба деб ўйлаб, шовқин-сурон тош отишади. Шунинг учун бечора ошиқ болаларнинг ваҳимали шовқини тингунча уйдан ҳам чиқа олмай қолган.

Байтда муболаға, девоналар кеби бирикмаси орқали ташбех санъатлари яратилмоқда.

Ичтим итинг сафолида май, ваҳ, қачон юғай,
Ҳайвон зулоли завқини анинг мазоқдин.

Итингнинг сопол (ялоғи)дан май ичдим, бу мазани тириклик суви ҳам қачондир юва олармикин?!

Навбатдаги байтда ошиқ садоқати муболағали равишда тасвирланмоқда. Яъни, маъшуқанинг ўзини эмас, у назар қилган итининг ҳам ялоғидан май ичиш ошиқ учун тириклик сувидан баҳраманд бўлишдан ҳам афзал. Ҳатто бу мазанинг, роҳатни тириклик суви ҳам юва олмайди.

Байтда муболаға ва истиора санъатлари яратилмоқда.

Майдин ҳаёт тутки, беганмас Масиҳни
Ҳар шаппареки, учса бу эски равоқдин.

Бу эски равоқдан учган ҳар кўршаналак Масиҳни ажаблантирган бир пайтда, (менга) майдан ҳаёт тут!

Яъни, ўлим, ҳалокат рамзи бўлган кўршапалак ҳаёт, тириклик, ривожланиш рамзи бўлган Масиҳни ажаблантирган ёки мот қилган жойдир бу эски равоқ, яъни дунё. Унинг бу қадар шафқатсизлик ва риёкорлигини кўрмаслик, ундан таъсирланмаслик учун мисли ҳаёт каби бўлган илоҳий маърифат бодасини тут. Йўкса, у ўлим рамзи бўлган кўршапалак мени ҳам маҳв этади, демоқда улуг шоири соқий номи билан рамзлашган пири комилга мурожаат қилиб.

“Бадоеъ ул-васат” девонидаги машҳур “Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур” деб бошланувчи 156-ғазалда маърифий байтда ҳам шундай фикр акс этган:

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Бул-ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Ушбу байтда ҳам, кўрганимиздек, Масиҳ ҳаёт ва тирикликни, кўршапалак эса ўлим ва аназзулни ифодалаб келган.

Байтда Масиҳга мурожаат қилиш орқали талмеҳ ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

***Мутриб била не кўнгли очилсун Навоийнинг
Ким, мен фироқдин десам, ул дер Ироқдин.***

Навоийнинг мутриб билан кўнгли қандай мос тушсинки, мен фироқдан десам у (“чўли) Ироқ”дан дейди-я!

Мақтаъда Навоий мутрибга мурожаат қилиш билан фикрини мантикий тарзда якунламоқда. Яъни, менинг дардимни ҳатто касби ошиқ аҳли дардини ифодалаб соз чалишдан иборат бўлган созанда-чолғучи ҳам тушуна олмайди. Мен фироқдан сўзла, десам, у менга тамоман йироқ – узоқ бўлган мавзу – чўли Ироқдан қуйлайди.

Байтда ички қофия – мусажжаъ санъатига мурожаат қилинмоқда.

Умуман олганда, ғазал фироқдан жонидан тўйиш даражасига етса ҳам, ишққа содиқ бўлган ошиқ муҳаббати тараннумидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—•••••—

“Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул...”

—•••••—

Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби
Кўрмасун деб ғайр ани, гўё шиқоб айлар кўнгул.

Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, бодаким,
Жонға бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул.

—V —V—V V—V —V—
мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф

Луғат

Тоза – эндигина, янги

Бутмоқ – тузалмоқ

Рахна – дарз, ёрик; жароҳат

Захм – яра, жароҳат
Фатила – пилик, пилта
Марҳам – малҳам, даво
Воло – қимматбаҳо мато, жилд
Маншур – фармон, ёрлиқ
Ғайр – бегона, бошқа биров
Печу тоб – бурама, ўрама, жингалак
Мубҳам – ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган, яширин
Руқъа – мактуб
Асру – жуда

Насрий баён

1. Ёрнинг мактуби қўйнимда, буни билгач, кўнглим жуда изтиробга тушапти, гўёки бу мактубни ўпмокка чиқиш учун шошилмоқда.

2. Кўксим яраси эндигина тузалган эди, лекин э воҳким, кўнгил ҳар лаҳза талпиниб, бу жароҳатни янада хароб этмоқда.

3. Ўқининг жароҳатидан пайдо бўлган йўл орқали унинг мактубини ичимга солайин десам, кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйлаяпти.

4. Жон пардасини ёрлиқ устидаги қимматбаҳо мато каби чирмаб қўйибди, бу билан кўнгил гўёки бу ёрлиқни бошқа биров кўрмасин деб ниқоб қилганга ўхшайди.

5. Сафардаги ёрим шавқидан гунчадек қават-қават қон бўлиб, кўнгил мактуб сингари ҳар дам тўлғанади.

6. Замонанинг мактуби жуда тушунарсиз экан, унда беҳуда сўзлар кўп, бу фикрдан жонга ҳар лаҳзада азоб етмоқда.

7. Эй Навоий, ёримнинг мактуби қўйнимда, кўнгил ҳар дам изтироб этаверганидан кўксимнинг тикилган чокини яна очиб юборди.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мазмунан ошиқона, услубан шарҳи ҳол йўналишида бўлиб, ошиқнинг ёрдан мактуб олиши билан боғлиқ ҳиссиётлари тасвиридан иборат. Умуман, Алишер

Навоий ижодида лирик қаҳрамоннинг севикли ёрдан мактуб олиши тасвирланган ғазаллар талайгина. Лекин биз таҳлил қилаётган ушбу ғазал *ёрдан мактуб келиши* мотивининг бадиий тимсол даражасига кўтарилган *кўнгил* билан уйғунликдаги тасвирини ўз ичига олганлиги билан шу йўналишдаги бошқа ғазаллардан алоҳида ажралиб туради.

Ғазал лирик қаҳрамоннинг ёридан келган номани қўйнига яшириши, буни сезган кўнгилнинг мактубни ўпиш учун шошилаётганлиги тасвири билан бошланади:

Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Узоқ вақтдан бери ошиқ ёрдан айрилиқда: бундан унинг кўкси чок бўлган. Орадаги масофа ва вақт гўё бу ярани даволаган, ҳижрон яраси эндигина битгандек эди. Лекин кутилмаганда ёрдан мактуб келиб, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Айниқса, бу ҳол кўнгилга бошқача таъсир қилди: у бу мактубни кўришни истаб, ҳар дам талпинаверганидан қаҳрамоннинг кўксидаги жароҳатга яна озор етди (Бошқача айтганда, айрилиққа эндигина кўнган кўнгил ёр мактуби таъсирида яна висолга орзуманд бўлиб қолди). Бу худди тутқунликдаги қушнинг қафасни ёриб чиқишга интилишига ўхшайди:

Тоза бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.

Кейинги байтларда бу тасвир баландроқ пардаларда давом этади. Жароҳат ошиқ кўксида йўл пайдо қилди: энди у шу йўл орқали ёрининг мактубини ичига солмоқчи, лекин кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйлаяпти. Ушбу кичик лавҳа ва кейинги байтлардан шоир бадиий маҳоратининг яна бир қирраси очилиб боради: ёр мактубининг нафис қоғозга қизил сиёҳ билан битилганлиги маълум бўлади.

Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.

Кўнгил бу мактубни узоқ кутган, шунинг учунми уни авайлагиси, бегона кўзлардан асрагиси келади. Шу сабабдан жонининг пардасини мактуб устидан ўраб, унга жилд кийгизиб, ниқоб қилиб қўяди:

Чирмабон жон пардасин маншур уза воло киби
Кўрмасун деб ғайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.

Навбатдаги байтдан ёрнинг сафарда эканлиги маълум бўлади. Унинг шавқида ошиқнинг қонга тўлган кўнгли ғунчадаги қип-қизил қават-қават тугунларни эслатади. Айни пайтда кўнгилнинг ҳолати очилиб ёпилганда ўралиб, бурама ҳолга келадиган мактуб қоғозига ҳам ўхшаш (Қадимда номалар ўрама қоғозга битилиши-ни эсга оламиз).

Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиғ дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.

Мақтаъдан аввалги байт анъанавий мавъиза характерига эга: Замонанинг ёзиқлари тушунарсиз, уни англаб етиш қийин, унда кераксиз, беҳуда сўзлар кўп, шундай экан, унга кўнгил боғла-масдан, қалбни ҳақиқий йўл (Ҳақ ҳузури)га ҳозирламоқ лозим.

Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, ёваким,
Жонга бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.

Ғазал мақтаъси *радд ул-матлаъ* (матлаъдаги мисрани яна так-рорлаш) санъати билан зийнатланган. Унга кўра, ғазални бошлаган мисра яна унга якун ясайди. Мақтаъда ниҳоят кўнгил ўз муд-даосига етади: ошиқнинг жароҳатдан чок бўлган кўксини очади, бундай кўнгил эса ҳақиқий манзилга ҳозир:

Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул.

Дилнавоз ЮСУПОВА

“Ғамингда ҳар кеча, эй гулӯзор, йиғлармен...”

Ғамингда ҳар кеча, эй гулӯзор, йиғлармен,
Саҳарға тегру чекиб интизор йиғлармен.

Мену қора кеча, йўқ нисбатим санга, эй субҳ
Ки, сен куларсену мен шамъвор йиғлармен.

Бурунги меҳру вафо, сўнғи жавру зулмингни
Бирин-бирин соғиниб зор-зор йиғлармен.

Куларлар эл манга беихтиёрким, ҳар дам
Эшитсам отини беихтиёр йиғлармен.

Мунгайди кўнглум анингдекки, ҳазл нағмасидин
Ки, элга кулгу этар ошкор, йиғлармен.

Кулар сипеҳри даний изтиробига кўнглум,
Вале ўзумда кўруб изтироб йиғлармен.

Навоий, ашким оқизғай ғамим тунин мундоқ
Ки, чархдек кеча тутмай қарор, йиғлармен.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Лугат

Гулуъзор – гул юзли, гулчеҳрали, гўзал
Тегру – ... гача, ... га қадар

Мунграйди – мунгли ҳолга тушди, кайғу ва ҳасратга ботди
Синехр – осмон; даҳр, замон; тақдир
Даний – пасткаш, тубан, разил, ярамас

Шарҳ ва изоҳлар

“Йиғларман” радифли етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан якпора бўлиб, ошиқнинг ҳижрон дамларидаги маҳзун оху ноласига бағишланган.

Ғамингда ҳар кеча, эй гулӯзор, йиғлармен,
Саҳарга тегру чекиб интизор йиғлармен.

Эй гул юзли (гўзал)им, ғамингда ҳар кеча йиғлайман, тонггача интизорлик тортиб, кўз ёш тўкаман.

Матлаъ маълум ҳолат ва унинг тасвирига бағишланган. Ошиқ гул юзли севгилисини соғиниб, тонггача кўз ёши тўқмоқда. Қизиғи шундаки, бу ҳолат ҳар куни тундан тонггача давом этади, чунки маъшуқа ошиқ кўзидан яширинган.

Байтда эй гулуъзор ундалмаси ёрдамида илтифот, кеча ва саҳар сўзлари воситасида тазод ҳамда муболага санъатларига мурожаат этилмоқда.

Мену қора кеча, йўқ нисбатим санга, эй субҳ
Ки, сен куларсену мен шамъвор йиғлармен.

Мен ва қора кечанинг сенга ҳеч таққослаб бўлмайди, эй тонг(га ўхшаш нурафшон гўзалим), сен куласану, мен шамга ўхшаб йиғлайман.

Иккинчи байтда ошиқ бахтининг қоралиғи ва маҳзунлиғи сабаб ўзини қора тунга қиёслаб, гўзал, бироқ раҳмсиз маъшуқасини нурафшон тонгга ўхшатмоқда. Маъшуқа ғамсиз ва ишқсиз. У тонг каби шўх-хандон кулади. Бечора ошиқ эса худди тунни ёритишга интилиб, тинмай “йиғлаган” шам каби ўзининг қора бахтини ёритмоқ истагида йиғлайди! Шундай экан, ошиқ ўзини қандай қилиб у севиклига тенг кўрсин!

Байтда кеча ва субҳ ҳамда куларсен ва йиғлармен сўзлари орқали икки ўринда тазод ҳамда муболага санъатлари яратилмоқда.

Бурунги меҳру вафо, сўнгги жавру зулмингни
Бирин-бирин соғиниб зор-зор йиғлармен.

Аввалги кўрсатган меҳру вафодорликларинг ва кейинги жабру зулмингни ҳам соғиниб, зор-зор йиғларман.

Учинчи байтдан маълум бўлишича, ошиқ билан маъшуқа аввалдан таниш. Маъшуқа аввал ошиққа меҳр ва вафо кўрсатган, унинг ишқини қадрлаган, ўзини ҳурмат қилган. Бироқ негадир кейин жабр ва зулм намоиш этган. Энди эса, бу ҳам камдек ундан яшириниб олиб, ҳижронига гирифтор этмоқда. Шунинг учун ошиқ нима қилишни билмай, фақат кўз ёш тўкиш билан овора.

Байтда меҳру вафо ва жабру зулм сўзлари орқали икки ўринда таносиб ва таъдид, шу билан бирга тазод, бурунги ва сўнгги сўзлари орқали ҳам тазод бирин-бирин ва зор-зор сўзлари ёрдамида муқаррар санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Куларлар эл манга беихтиёрким, ҳар дам
Эшитсам отини беихтиёр йиғлармен.

(Севгилимнинг) исмини қачон эшитсам, беихтиёр йиғлашимни кўриб, (кишилар) беихтиёр кулишади.

Ошиқ аввалги бахтиёрликларини эслаб, ҳозирги бахтсизлигига шу қадар ҳўрланганки, маъшуқа исмини эшитиши билан беихтиёр кўзига ёш, бўғзига нола келади. Унинг бундай ихтиёрсизлиги бошқалар – ишқсиз ва дардсиз оламон наздида кулгу кўзғайди.

Байтда куларлар ва йиғлармен сўзлари орқали тазод, беихтиёр сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳамда муболаганинг таблиғ тури яратилмоқда.

Мунграйди кўнглум анингдекки, ҳазл нағмасидин
Ки, элга кулгу этар ошкор, йиғлармен.

Одамлар бир-бирларига қилган ҳазил-мазахларидан эл кулиб, хурсанд бўлди, менинг кўнглим қайғу-ҳасратга ботиб, йиғладим.

Одамларнинг бир-бирларига қилган ҳазил-мазахлари ҳам ошиққа акс таъсир қилмоқда. Бошқалар қанча севинса, у шунчалар хафа, кишилар қанча кулса, у шунча йиғлайди. Сабаби, маъшуқа эътиборсиз ва бемехр. Айни мана шу ҳолат кишиларни кулдирадиган нарсалар унинг йиғлатишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат маҳзунликнинг ҳам, ғазалдаги ошиқ ҳолати чизгисининг ҳам кульминацияси сифатида акс этмоқда.

Байтда мунграйди ва йиғлармен ҳамда ҳазил ва кулгу сўзлари орқали икки ўринда таносиб, мунграйди ва ҳазил ҳамда кулгу ва йиғлармен сўзлари орқали тазод ҳамда муболағанинг ифрок даражаси ҳосил бўлмоқда.

Кулар сипехри даний изтиробига кўнглум,
Вале ўзумда кўруб изтироб йиғлармен.

Пасткаш ва ярамас тақдирнинг изтиробларига кўнглим куладию, ўзимдаги изтиробни кўриб, йиғлайман.

Навбатдаги маъвиза байтда ҳам Навоий мавзудан узоқлашмаган ҳолда, анча кенгроқ – ижтимоий планда фикрламоқда. Яъни ўша ошиқ – ғазалнинг лирик қаҳрамони дунёнинг чалкашликлари, тақдир ўйинларига бепарво кулиб қўядиган даражада чуқур тафаккурга эга. Бироқ ишқ уни шу ҳолга келтирганки, ўз ҳолини эслаб йиғлашга мажбур. Ахир, ҳазрати Румий “ишқ олдида ақл мактаб боласи кабидир” деганлари бежиз эмас.

Байтда сипехри даний бирикмаси орқали истиора, изтироб сўзининг такроридан тақдирнинг рад ул-ҳашв илал ҳашв тури, сипхер – тақдирни жонлантириш орқали ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Навоий, ашким оқизғай ғамим туин мундоқ
Ки, чархдек кеча тутмай қарор, йиғлармен.

Навоий, ғам тунида кўз ёшларимни оқизиб, чархдек бир жойда тура олмай йиғлаялман.

Мақтаъ ғазалнинг ва айни пайтда маъвиза байтнинг уйғунлаштирилган якуни бўлмоқда. Яъни ғам туни – айрилиқ кечасида ошиқ тинмай кўз ёши тўкмоқда. Лекин бунга у билан тақдирнинг келишмовчилиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам у чарх, яъни айланиб турувчи фалакдай бир жойда тоқат қила олмай, тун бўйи гирён бўлиб, айланиб йиғламоқда. Мақтаъдаги айни ҳолат ошиқнинг ақлдан озаётгани билан баҳоланади.

Байтда ғамим туни бирикмаси орқали истиора, чархдек сўзи орқали ташбеҳ ва муболаганинг таблиғ даражаси яратилмоқда.

Умуман олганда, ғазал айрилиқ бағрини ўртаган, ишқда ҳижрондан бошқа ҳеч нарса кўрмаган ошиқ кўнгил изтиробларининг тадрижий ривож, тафаккурининг эса таназзули тасвирдир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон...”



Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон,
Ваҳки, эл ғофилу куйдурди мени доғи ниҳон.

Заҳри ҳажр ичкали дерменки, қилай ишқин тарк,
Айтқандек киши муҳлик мараз ичра ҳазаён.

Рўзгоримки қора бўлди, эрур ишқ асари,
Қайда ўт тушса, қоралиғи қолур ерда нишон.

Ишқинг ўтинки, ёшурдум, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён.

Хатинг ичинда лабингнинг ики холи не ажаб
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Ҳажр учун қоним ичар ҳар сари қонлиғ туганим,
Хон эрур оллида, то кўнглума бўлмиш меҳмон.

Чархдин меҳр иси топқанға такаббур не ажаб,
Эл димоғига чу кўкурд ўти айлар нуқсон.

Халқ таън этса, Навоий эгилиб нола қилур
Игри янглиғки, қилур ел асари бирла фиғон.

—V— VV— VV— VV—

фоилотун, фаилотун, фаилотун, файлон
рамали мусаммани маҳбуни мақсур

Лугат

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилдирувчи, ҳалокатли
Мараз – 1) Касаллик, беморлик; 2) мубталолик
Ҳазаён – беҳуда сўз айтиш, маъноси йўқ гаплар гапириш
Марғ – ўлим, фано, ажал
Туган – доғ, из; яра ва жароҳатнинг доғи
Игри – сувнинг айланиб чиқадиган жойи, гирдоб

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлган етти байтли
радифсиз ушбу ғазал ҳижрондаги ошиқ изтироби, тортган азоб-
лари тасвиридир.

*Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон,
Ваҳки, эл ғофилу куйдурди мени доғи ниҳон.*

*Лоланинг ғунчасидек кўнглим қонга тўлибди, мени пинҳоний (бу)
доғ куйдирмоқдаю, эл бундан ғафлатда қолган.*

Матлаъда тасвирланишича, ошиқ ишқ дардига мубтало бўл-
ган. Лекин у буни ору номус сабабидан одамлардан пинҳон тут-

ган. Бу пинҳон дард унинг лола ғунчасига ўхшаш кўнглини қон билан тўлдириб, ўзини қуйдириб, азобламоқда.

Байтда лоланинг ғунчасидек бирикмаси орқали ташбеҳ, доғи ниҳон бирикмаси орқали эса истиора, доғ ва қуйдирди сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Заҳри ҳажр ичкали дерменки, қилай ишқин тарк,
Айтқандек киши муҳлик мараз ичра ҳазаён.

Одамлар “ўлдирувчи касалликда киши беҳуда сўзлайди”, дейишганидек, ҳижрон заҳарини ичаётганимда, ишқдан воз кечаймикин, деб ўйлаб қоламан.

Навбатдаги байт ошиқнинг ҳижрондаги ҳолати ҳақида. У айрилиқ азобларидан зада бўлганида яъни ҳижронда гўёки ўзини заҳар ичаётган киши каби тасаввур қилиб, “бу ишқдан воз кечсаммикан?!” деб ўйлаб қолайди. Лекин кейин, бу азоблар ўтиб кетгач, айтганларидан тавба қилади ва “киши қаттиқ касалликда бўлар-бўлмас гапларни айтаверади-да”, дейди.

Байтда заҳри ҳажр бирикмаси орқали истиора, ҳижрондаги ошиқ ҳолатининг ўлдирувчи ҳасталикка ўхшатилиши воситасида эса тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Рўзгоримки қора бўлди, эрур ишқ асари,
Қайда ўт тушса, қоралиғи қолур ерда нишон.

Қаерга ўт тушса, қораси қоладигандай, (бу) ишқ асаридан ҳаётим, турмушим қора бўлди.

Навбатдаги байт ошиқ қалбидаги ишқ “ўти”нинг унинг ҳаёти, турмушига таъсири ҳақида. Бу олов-аланга ошиқнинг бутун бир ҳаётини қора қилди, яъни унга салбий таъсир кўрсатди. Ва у бу ҳолатни шоир тамсил санъатдан фойдаланган ҳолда қаерда олов ёнса, ўрни қорайиб қолар экан-да, деб тасвирланди.

Байтда яна қора сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Ишқинг ўтинки, ёшурдум, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён.

Иситмани яширса, ўлим уни ошкор қилгани каби, ишқинг ўтини ҳар қанча яширсам ҳам, рақибим уни эл орасига ёйди.

Қадимда ишқни ошкор қилиш уят, номус ҳисобланиб, соғлик ва ҳаёт ҳавф остида қолса ҳам, ошкор қилинмаган. Мана шундай турмуш тарзига одатланган Навоий, ишқингни ҳар қанча яширсам ҳам, рақибим уни элга ёйди, демоқда ва байтда ишқ ўтини иситмага, рақибни эса ўлимга қиёслаб, яна тамсил санъатига мурожаат қилган ҳолда ажойиб сўз ўйини яратмоқда.

Байтда яна ишқинг ўти бирикмаси ёрдамида истиора, ёшурдим, ёйди ва аён сўзларда “ё” товуши ёрдамида тавзий санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Хатинг ичинда лабингнинг ики холи не ажаб
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.

Хатинг ичидаги лабингнинг икки холи “жон” сўзининг икки нуқтаси кабидир.

Навбатдаги байт ғазалдаги ягона васф байт бўлиб, маъшуқа гўзаллиги, хусусан, лабидаги ҳолу хати таърифига бағишланган. Яъни маъшуқа лаблари устидаги майин туклари орасида кўриниб турган икки холи жон – “جان” ўзидаги икки нуқтага ўхшатишмоқда. Яъни, маъшуқа гўзаллиги ошиқ жони орасига кирадиган даражада таъсир кўрсатиши таърифланган.

Байтда хат сўзини икки маъноди ишлатилиши орқали тажнис ва китобат санъатига мурожаат этилган.

Ҳажр учун қоним ичар ҳар сари қонлиғ туганим,
Хон эрур олида, то кўнглума бўлмиш меҳмон.

Қонли жароҳатимнинг изи айрилиқда қонимни ичиб тугата-япти, гўё олдида дастурхону, кўнглимга кирган меҳмонга ўхшайди (шу ҳолатида).

Навбатдаги байтда яна ошиқ арзи холи тасвирланган. У ўз бағридаги қонли жароҳатлар қонини ичиб, ривожланганини айтмоқда. Ва бу жароҳатларни кўнгилга кирган меҳмонга, унинг қон билан озиқланишини эса олида турган дастурхонга қиёсламоқда.

Байтда юқоридаги қиёс орқали тамсил, қон сўзи такроридан тақрир ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Чархдин меҳр иси топқанға такаббур не ажаб,
Эл димоғига чу кўкурд ўти айлар нуқсон.

Тақдирдан меҳр топсанг, кибрланмаки, эл димоғига (кирган) кўкурд ҳиди (фақат) нуқсон бўлади.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий тақдирдан яхшилик, меҳр-мурувват кўрган, яъни ҳаётда доим иши юришиб, “ошиғи олчи бўладиган”ларга қарата бу ҳолатингиз кибрга сабаб бўлмасин, демоқда. Ва тақдир инъомини кўкурд ўтига, тақдирдан меҳру вафо кўрганларни эса эл димоғига қиёслаб, тамсил санъатига мурожаат этмоқда.

Байтда яна меҳр иси бирикмаси орқали истиора ҳамда тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Халқ таън этса, Навоий эгилиб нола қилур
Игри янглиғки, қилур ел асари бирла фиғон.

Халқ таъна қилса, Навоийнинг (унга жавобан) эгилиб нола қилиши худди гирдобнинг шамол таъсирида фиғон қилишига, яъни овоз чиқаришига ўхшайди.

Мақтаъда Навоий яна ғазалдаги фикрга қайтиб, уни мантиқий яқунламоқда. Халқ Навоийни ошиқ деб, рақибини гапига ишониб, маломат қилишса, таъналарга қолдиришса ҳам, қаддини эгганча нола қилишдан бошқа чораси йўқ. Бу ҳолат эса сувнинг гирдоби шабадада нола қилишига ўхшайди.

Байтда тамсил санъати яратилмоқда.

Умуман олганда, ғазал ошиқ инсоннинг қалб изтироблари тасвирига бағишланган чизгилардир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Сафҳайи ҳуснунгда жонбахш ирининг...”

Сафҳайи ҳуснунгда жонбахш ирининг, эй сийминбадан,
Ўхшашурким, айлагай Исо кӯёш ичра ватан.

Йўқ ажаб, эй гул, кўнгул захми аро новакларинг,
Расм эрур: чун раҳна бўлган ерга қўймоғлиғ тикан.

Ҳасратингдин, билки, ўлмишмен, агар кўюнг аро
Бир гадо ногаҳ ғариб учун тилар бўлса кафан.

Кўзунгу зулфу қошингдин инжудек бўлди ёшим,
Халқ ушбу важҳдин дерлар, ани дурри Адан.

Воқиф ўл, эй боғбонким, ҳар тараф гул шаклидин,
Сендек элнинг қабридулким зоҳир этмиш бу чаман.

Кўнглакининг атри жонсиз жисмима берди ҳаёт,
Гўйиё эл жонидин махлуқ ўлуптур ул бадан.

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким эрур ҳар байти бир байтул-ҳазан.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ири – лаб

Сийминбадан – оқ баданли; хушрӯй, зебо

Новак – 1) Ўқ, камон ўқи; 2) киприк

Рахна – 1) Дарз, ёрик; тешик, дарча; 2) зарар, жароҳат

Байт ул-ҳазан – ғам, қайғу уйи, ғамхона, кулфат маскани

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли радифсиз ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа гўзаллиги васфи ва ошиқ арзи ҳоли тасвирланган.

Сафҳайи ҳуснунгда жонбахш ирининг, эй сийминбадан,
Ўхшаширким, айлагай Исо қуёш ичра ватан.

Эй кумуштанли (нигорим) юзинг саҳифасида жон бахш этувчи лабларинг Исо қуёш ичида ватан тутишига ўхшайди.

Матлаъда маъшуқанинг нурафшон юзи ва сўзлаб, ошиққа жон бахш этувчи лаблари мадҳ этилмоқда. Лаблари нурли юз ичидаги жойлашувчи худди ўликка жон бағишловчи пайғамбар Исо Масиҳнинг қуёш ичида жойлашувига ўхшайди, деб муболағали қиёсланмоқда. Нима учун айнан Исо қуёш ичида макон тутишига қиёсланмоқда? Сабабини билиш учун, Исо пайғамбар ҳақидаги ривоятларга мурожаат этиш керак бўлади. Уларда тасвирланишича, Аллоҳ чорлаган пайтда Исо пайғамбар тўртинчи фалакка, яъни қуёш кўкига кўтарилиб, қиёматга қадар унинг ёнидан жой олган экан. Шу ривоят сабаб, мумтоз адабиётда Исо ва қуёш образлари ёнма-ён ишлатилади. Ушбу матлаъда Навоий шу ривоятга мурожаат қилмоқда.

Байтда эй сийминбадан ундалмаси орқали илтифот, ташбех, тамсил ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Йўқ ажаб, эй гул, кўнгул захми аро новакларинг,
Расм эрур: чун рахна бўлган ерга қўймоғлиг тикан.

Эй гул (юзли гўзал)им, кўнгил жароҳати орасидаги тикан(-дек киприк)ларинг (бўлиши бежиз эмас), чунки жароҳатга тикан (ништар) қўйилиши расм-ку, ахир!

Навбатдаги байтда севиклининг тикандек киприклари васф этилмоқда. Улар ошиқ кўнглидаги жароҳатга санчилмоқда. Буни кўрган ошиқ бу ғазалда оху нола қилмаяпти, балки жароҳатга тикан – наштар санчилмоғи расм-ку, дея жарроҳлик амалиётига ишора қилмоқда.

Байтда эй гул ундалмаси орқали илтифот, кўнгул захми бирикмаси орқали истиора ва тамсил санъатлари яратилмоқда.

Хасратингдин, билки, ўлмишмен, агар кўюнг аро
Бир гадо ногаҳ ғариб учун тилар бўлса кафан.

Хасратингда ўлиб бўлдим, агар кўчангдаги гадо бир ғариб учун кафан тилар бўлса, (билки) мен учун сўрайдиган бўлади.

Навбатдаги байт арзи ҳол тасвирида бўлиб, ошиқ ўз ҳолатини муболағали тарзда тасвирламоқда. Яъни, ошиқ маъшуқа ишқи ҳасратидан, уни бошқа бировга айта олмаганидан ўлар ҳолга келган. Бундан беҳабар ва эътиборсиз маъшуқага у “ишқинг ҳасратида ўлиб бўлдим, сенинг эса хабаринг ҳам йўқ, агар бир гадо ватансиз ва беҳонумон ғариб учун кафан тиласа, билгинки мен учун сўраётган бўлади”, дейди.

Байтда муболаға санъати ҳосил бўлмоқда.

Кўзунгу зулфу қошингдин инжудек бўлди ёшим,
Халқ ушбу важҳдин дерлар, ани дурри Адан.

Кўзинг, сочларинг ва қошларинг(ни соғиниб), кўз ёшларим инжудек бўлди. Шу сабабдан халқ уни (яъни кўз ёшларимни) Адан дури дейишади.

Навбатдаги байт ҳам шарҳи ҳол мазмунидаги ҳисобланади. Унда ошиқ кўнгли маъшуқанинг кўзи, сочлари ва қошини бирма-бир ўйлаб, кўз ёши тўкади. Бу кўз ёшларни одамлар ишқ туфайли тўкилаётгани учун қимматбаҳо ҳисоблаб, Адан диёрида тайёрланган ноёб дур – инжу деб аташади.

Байтга яхшироқ эътибор берсак, китобат санъатига ҳам ишора қилинаётганини кўрамиз. Чунки маъшуқа сочларини “дол” – “دول”, қоши ва кўзи эса жойлашуви жиҳатидан “нун” – “نون” ҳарфларига ўхшайди. Буларни бирлаштирсак ва бошига “алиф” ҳарфини

кўйсақ, Адан “*ادن*” сўзи ҳосил бўлади. Байтда яна кўзунгу зулфу қошинг ва таносиб, инжу ва дур сўзлари воситасида икки ўринда таносиб ва таъдид, инжудек сўзи орқали ташбеҳ, тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Воқиф ўл, эй боғбонким, ҳар тараф гул шаклидин,
Сендек элнинг қабридурким зоҳир этмиш бу чаман.

Эй боғбон, огоҳ бўлки, бу чамандаги ҳар бир гул шаклида сендек элнинг (яъни инсоннинг) қабри намоён бўлган.

Навбатдаги байт маъвиза байт бўлиб, унда шоир ижтимоий мавзудан сўз очмоқда. Яъни у боғбонга мурожаат қилиб, “сен-ку тинмай гул экиб, оламни яшнатмоқчи бўласан, лекин бу гуллар сени ва сенга ўхшаш одамларни қабрлари шаклидан пайдо бўлади”, демоқда. Байтда дунёнинг бевафолиги, инсон бунёдкорлигининг бебақо ва имконсизлиги алам билан тасвирланмоқда.

Кўнглакининг атри жонсиз жисмига берди ҳаёт,
Гўйиё эл жонидин махлуқ ўлуптур ул бадан.

(Маъшуқам) эл жонидан пайдо бўлганми дейман, кўйлагининг ҳиди жонсиз жисмимга ҳаёт бағишлади-я!

Навбатдаги байтда яна маъшуқа мадҳи муболағали тарзда юксак пардаларда тараннум этилмоқда. Яъни, маъшуқа кўйлагининг шамоли ошиқнинг ўлаётган ёки тамом ҳалокатга юз тутган вужудига жон берди. Шундай экан, унинг ўзи нимадан яралди экан, деб ҳайратланмоқда ошиқ. Фақат одамлар жонидан вужудга келган жисмгина бундай таъсир кўрсата олади. Демак, у эл жонидан яралган экан-да!

Байтда муболағанинг ғулув даражасидан ташқари жон сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв даражаси, жон ва жисм, жон ва бадан, жон ва ҳаёт, жисм ва бадан сўзлари орқали тўрт ўринда таносиб санъатлари ҳам ҳосил бўлмоқда.

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким эрур ҳар байти бир байт ул-ҳазан.

Навоий шеърятининг ҳар бир ҳарфи ғаминг шарҳидир, шунинг учун унинг ҳар бир байтини ғам уйи десам арзийди.

Мақтаёда Навоий яна маъшуқасига мурожаат қилиб, ғазални якунамоқда. Эй бепарво ва эътиборсиз севгилим, сенинг дарду ғаминг Навоий шеърятига шунчалик сингиб кетганки, унинг ҳар бир ҳарфида бу ғам намоён бўлади. Шунинг учун унинг ҳар бир байтини эса “байт ул-ҳазан”, яъни ғам уйи дейиш тўғри бўлади. Байтдаги “байт ул-ҳазан” ғазал байтига ишора қилиниб, тажнис санъати яратилаётигандан ташқари бу иборанинг ўзига хос тарихи бор. Яъни, ривоятларга кўра, Яъқуб пайғамбарнинг гўзал ва севикли ўғли Юсуф акалари фитнаси билан йўқолгач, Яъқуб қачонлардан Юсуфдан хабар келтирган даракчи қийналмасин деб, йўл бошига бир хужра қуради. У ўша хужрага кириб, тинмай йиғлаб, оху нола чекиб, фарзандини йўқларди. Мана шу хужра кейинчалик адабиётга “байт ул-ҳазан” – ғам уйи номи билан кириб келди ва турғун бўлиб қолди. Навоий ҳам мана шу ривоятга эътибор қара-тиб, шеърятдаги ҳар бир байтини “байт ул-ҳазан”га қиёслайди.

Байтда муболаға санъатидан ҳам фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, ғазал гўзаллик ва ишқнинг бир-бирига боғлиқ ва бир-биридан қолишмайдиган можарою саргузаштларининг мусаввир Беходники каби нозик муйқаламда чизилган тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Фалак ситезасидин бўлма, соқие, маҳзун...”

Фалак ситезасидин бўлма, соқие, маҳзун,
Қадаҳ кетурки, эрур бесабот олами дун.

Манга тамаъ карам аҳлидин ўлди май важҳи,
Йўқ эрса ер қуйи ул ганжим, йиғар Қорун.

Мураққаъ узра дирам кеби вуслалар не осиг
Ки, бир дирамга чоғир учун ўлмагай марҳун.

Бу шукр учун гаҳе, эй шўҳ, бер назрки, худой
Сени азизу шариф этти, бизни хору забун.

Ема бу лужжайи мийно румузи ҳаллиға ғам,
Май ички, топмади ҳеч ким бу сафҳага мазмун.

Хумор жонима қасд этти, соқийё, май бер
Ки, жонга солса бир ўтким, бошимга чиқса тутун.

Навоий назмидурур яхши, гар қулоқ солсанг,
Тараннумеки қилур ўзи бирла аҳли жунун.

V - V- V V -- V- V- --
Мафоилун файлотун мафоилун фаълун
Мустажи мусаммаси маҳбуни мактуъ

Луғат

Ситеза – 1) Аччиқ-тиззик; 2) хусумат; адоват, душманлик
Дун – 1) Пасткаш, разил, хор; 2) лаёқатсиз, ножинс, бузук феъл
Тамаъ – ҳирс, очкўзлик, тиланчилик; умид

Карам – 1) Яхшилик, эҳсон; 2) меҳрибонлик, сахийлик 3) марҳамат

Важҳ – 1) Сабаб, боис, восита 2) маблағ, пул, мол, нарса; 3) обрў, иззат, ҳурмат; бойлик 4) нарх, қиммат

Мураққаъ – 1) Дарвешлар киядиган қуроқ тўн, жанда; 2) ямалган

Вусла – етишиш, эришиш, қовушиш; алоқа; боғич, ямоқ

Осиг – фойда, наф, суд

Марҳун – гаровга қўйилган, гаровга берилган

Лужжа – 1) Денгиз, дарёларнинг энг чуқур жойи, қаъри; гирдоб; 2) энг юқори чўққи, поя

Мийно – 1) Кўк, кўкимтир, ҳаво ранг; 2) осмон

Румуз – рамзлар

Тараннум – 1) Ёқимли сайраш, куйлаш; 2) гўзал сўзлаш

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли радифсиз ғазал мазмунан риндона ва шаклан мусалсалдир. Унда оламнинг бевафолиги ва бу ғурбатни унутиш учун умрни хурсандчилик билан ўтказиш ғояси ўртага ташланган.

Фалак ситезасидин бўлма, соқие, маҳзун,
Қадаҳ кетурки, эрур бесабот олами дун.

*Эй соқий, тақдирнинг хусуматидан маҳзун бўлма, қадаҳ келтир,
бу дунё саботсиз ва пасткашдир.*

Матлаъда соқийга мурожаат қилган лирик қаҳрамон дунёни хурсандчилик билан ўтказиш, тақдирнинг разил ва пасткашлигини унутишга ёрдам беради, демоқда. Маълумки, Навоий шеъриятида тақдир лирик қаҳрамонга қарши, унинг муҳаббатига зомин бўлади, умрини қисқартиришга, шодлигига раҳна солишга ҳаракат қилади. Хуллас, унга рақиб – душман мақомида туради. Шу сабабли лирик қаҳрамон ўз дардини соқийга айтиб, бу рақибни чалғитишнинг ягона чораси май ичишдир, демоқда.

Байтда фалак ситезаси, олами дун бирикмалари ёрдамида истиора, соқие ундалмаси ёрдамида илтифот санъатлари яратилмоқда.

Манга тамаъ карам аҳлидин ўлди май важҳи,
Йўқ эрса ер қуйи ул ганжим, йиғар Қорун.

*Менга сахийлардан умид фақат май бўлди, ахир Қорун йиққан
хазинанинг ҳаммаси ерга кириб кетди-ку!*

Байтда шоир матлаъдаги фикрини давом эттириб, умрини бойлик орттириш билан ўтказган ҳасис Қорун ҳам ниятига етолмади – бойликларидан фойдалана олмади, дея Мусо пайғамбар тарихига оид ривоятга ишора қилмоқда. Шундай экан, бу дунёда

сахийлик қилган маъқул. Сахийлардан эса шоирнинг тилаган ягона нарсаси майдир. Фақат уни ичиб, дунё аламларидан қутилса ва ўзини бахтиёр ҳис этса, бўлгани.

Байтда май вазҳи бирикмаси орқали истиора, ганж ва Қорун сўзлари воситасида таносиб, Қорунга мурожаат этиш орқали эса талмеҳ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Мураққаъ узра дирам кеби вуслалар не осиг
Ки, бир дирамға чоғир учун ўлмағай мархун.

Бир коса май учун дирам каби гаровга қўйилмаса ямоқ тўн устидаги тангалар каби ямоғлардан нима фойда?!

Навбатдаги байтда ғазал лирик қаҳрамони – бебок ринд экан. У майдан бошқа нарсани ўйламай, дунёдан воз кечган ҳолда, хурсандчилик қилиб, майхоналарда кун ўтказиб юради. Сотиб ичишга ҳеч нарсани қолмаган, устидаги либоси ҳам йиртиқ-ямоқ бўлиб кетган. Либос устидаги ямоқлар эса шаклан дирҳам – майда чақага ўхшагани билан уни майга алмашиб ёки гаров қўйиб бўлмайди. Шундай экан, бундай ямоқлардан нима наф?!

Байтда дирам кеби бирикмаси ёрдамида ташбеҳ, дирам сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Бу шукр учун гаҳе, эй шўх, бер назрки, худой
Сени азизу шариф этти, бизни хору забун.

Эй шўх (ва эрка гўзалим), Худо сени азиз ва шариф, бизларни эса хор ва забун қилди. Бунинг шукронасига бир назр берсанг, нима бўлади?!

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон шўх ва эрка соқийга мурожаат қилиб, ўзини хор ва уни азиз бўлганлиги ҳақида назр сифатида бир қадаҳда май сўрамоқда. Зеро, юкоридаги байтдан маълумки, энди уни май сотиб олишга ҳеч нарсани қолмаган.

Байтда эй шўх ундалмаси орқали илтифот, азизу шариф ва хору забун сўзлари воситасида тазод ва икки ўринда таъдид санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ема бу лужжайи мийно румузи ҳаллиға ғам,
Май ички, топмади ҳеч ким бу сафҳаға мазмун.

Бу кўкимтил чўққининг рамзларидан ҳам, жумбоқларини ҳал этиш учун ҳам ғам ема, май ич, ҳеч ким бу саҳифадан мазмун топа олмаган!

Навбатдаги байтда ринд атрофдаги дунё ишига ечим топишга киришиб кетган, бу йўлда ғам-аламга берилган ёки ўзлигини йўқотган кишиларга мурожаат қилиб, шундай демоқда: бу мовий рангли чўққи ёки гўмбазнинг, яъни фалак номи билан рамзлашган дунёнинг, тақдирнинг рамзу ишораларига тушуна олиш ҳам, жумбоғу мушкулларини ҳал этиш ҳам қийин. Уларга берилиб кетиб, умрни ўтказиб юбориш ёки ўзликни унутиб қўйиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун яхшиси, май ичиш ва умрни шодмонлик билан ўтказиш лозим.

Байтда лужжаи мийно ва ғам емоқ бирикмалари ва саҳфа сўзи орқали истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Хумор жонима қасд этти, соқие, май бер
Ки, жонға солса бир ўтким, бошимга чикса тутун.

Эй соқий, хуморлик жонимгача етди, шундай бир май берки, жонимга бир ўт солиб, бошимгача тутун чиксин!

Бу қандай май бўлдики, унча-бунча майга маст бўлмайдиган бебок ринднинг жонига ўт солиб, бу билан ҳам кифояланмай, бошидан тутунини чиқариб юборадиган?! Албатта бу ишқ ўти! Ғазалнинг лирик қаҳрамони соқийдан ишқ майини талаб қилиб, ошиқ бўлмоқчи. Шундагина у дунё ишларидан озод бўлиб, унинг икир-чикирларига қизиқмай, ғаддор тақдир ҳийлаларига чан беришга, муҳими камолотга эришишга қодир бўлади. Демак, ғазалда тараннум этилаётган, улуғланаётган май – илоҳий ишқ ва маърифат шароби ноби экан.

Байтда хумор, май ва соқий ҳамда ўт ва тутун сўзлари воситасида икки ўринда таносиб, соқие ундалмаси орқали илтифот, муболага санъатлари яратилмоқда.

Навоий назмидурур яхши, гар қулоқ солсанг,
Тараннумеки қилур ўзи бирла аҳли жунун.

Навоийнинг шеърлари шунинг учун ҳам яхшики, қулоқ солиб турсанг, уларни ўзи билан бирга ошиқ-телбалар ҳам куйлашади.

Мақтаъда Навоий ўз истеъдоди ва шеъриятини камтарона тарзда улуғлаб, ғазални якунламоқда. Умуман олганда, ушбу ғазал умрни бевафо деб билган, олам жумбоқларига жавоб излаб, ҳайратдан бошқа нарса тополмаган мутафаккир даҳонинг анъанавий тарзда маю шароб мадҳига бағишланган ижод маҳсулидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун...”



Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун,
Балки онсиз даҳр боғида баҳоре бўлмасун.

Қаддининг сарвиғаким, боғи латофат нахлидур,
Чашмаи ҳайвондин ўзга жўйборе бўлмасун.

Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гул-гул, валеқ
Кўнглига ғам гулбунидин хор-хоре бўлмасун.

Жилвасоз ўлганда майдон ичра чобук шўхлар
Шоҳу сархайл андин ўзга шаҳсуворе бўлмасун.

Гар буюрсанг садқа бошига эвурмақ, эй рафиқ,
Будур уммидимки, мендин ўзга боре бўлмасун.

Даҳр боғининг насими совурур гул хирманин,
Анга ул гул гулшани сари гузоре бўлмасун.

Эй Навоий, қил дуо жониғаву жаҳд айлаким,
Майлинг анинг қуллуғидин ўзга сори бўлмасун.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Даҳр – 1) Замон, давр, дунё, олам; 2) замона; 3) ер юзи; 4) ҳаёт

Нахл – кўчат, ниҳол, ёш дарахт

Жўйбор – 1) Арик, серсув жой, сой; 2) ҳақиқат оқими; 3) баҳра-мандлик

Гулбун – гул, гул тупи

Чобук – 1) Тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал

Сархайл – бошлик, раҳбар, йўлбошчи

Шаҳсувор – 1) От минигашга маоратли, чавандоз; 2) маҳбуба, севикли

Эвурмак – айлантериш, буриш

Гузор – ўтиш, йўл

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал “бўлмасун” радифли анъанавий етти байтдан иборат ушбу ғазал маъшуқа мадҳи ва унинг ҳақиқа ошиқ томонидан ожизлигу ниёзмандлик билан қилинган эзгу дуога бағишланган.

Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун,
Балки онсиз даҳр боғида баҳоре бўлмасун.

Ё Раб, ул гулга ғам шамолидан бир ғубор тегмасин, усиз дунё боғида баҳор ҳам бўлмасин!

Матлаъда маъшуқасини ул гул деб атаб, эъзозлаган ошиқ унга шамолни ҳам раво кўрмаётганини биламиз. Айниқса, у ғам шамолни бўлса, севиқлига яқинлашмасин, ундан севиқлига бирор ғубор ҳам тегмасин. Усиз ошиқ учун бирор кун бўлмасин, дунё боғида баҳор ҳам келмасин усиз. Садоқатли, ўзини бир кун ҳам маъшуқа-сиз тасаввур этолмайдиган ошиқнинг ниятлари бу!

Байтда ё раб ундалмаси орқали илтифот, гул, боғ ва баҳор ҳамда ел ва ғубор сўзлари орқали икки ўринда таносиб, ғам ели ва даҳр боғи бирикмалари орқали истора санъатлари яратилган.

Қаддининг сарвиғаким, боғи латофат нахлидур,
Чашмаи ҳайвондин ўзга жўйборе бўлмасун.

Латофат боғининг нав ниҳоли бўлган сарвдек қадди тириклик сувидан ўзга нарсадан баҳраманд бўлмасин!

Гул юзли маъшуқанинг сарвдек тик ва гўзал қомати латофат боғининг тоза нав ниҳолидир ошиқнинг наздида. Шунинг учун у фақат тириклик сувидан баҳраманд бўлиши керак. Бошқа чашма уни баҳраманд қилиш учун лойиқ эмас. Садоқатли ошиқ арзи дуо-си давом этмоқда.

Байтда қаддининг сарви, боғи латофат, латофат нахли ва чашмаи ҳайвон бирикмалари орқали тўрт ўринда истиора, сарв, боғ, нахл сўзлари орқали таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Айшу ишрат жомидин бўлсун юзи гул-гул, валеқ
Кўнглига ғам гулбунидин хор-хоре бўлмасун.

Хурсандчилик ва кўнгилхушлик жомидан юзлари гул-гул (яшна-син) лекин кўнглида ғам тупидан тикан санчилмасин!

Яъни, маъшуқам фақат хурсандчилик кўрсин, шодликни май каби сипқориб, бодадан қизарган каби юзи гул-гул яшнасин, асло ғам кўрмасин, ғам тикандек унга яқинлашмасин, демоқда ошиқ ушбу байтда.

Байтда ишрат жоми ва ғам гулбуни бирикмалари орқали истиора ва шартли тазод, гул-гул ва хор-хор сўзлари воситасида мукаррар санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Жилвасоз ўлғанда майдон ичра чобук шўхлар
Шоҳу сархайл андин ўзга шахсуворе бўлмасун.

Шўх чавандозлар майдон ичида жилва қилган пайтида шоҳ ва раҳбарлардан бошқалар ҳамроҳ бўлмасин!

Маъшуқа шу қадар шўхки, худди йигитлар каби майдонга тушиб, от минади. Ва шу қадар маҳорат билан чавандозлик қиладики, унга фақат шахсуворлар – суворийлар шоҳи ҳамроҳлик қилишини хоҳлайди мунгли кўзлари билан уни кузатиб турган ошиқ.

Байтда жилвасоз, чобук ва шахсувор сўзлари ёрдамида таношиб, шоҳ ва шоҳсувор сўзлари воситасида иштиқоқ ва муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Гар буюрсанг садқа бошиға эвурмак, эй рафик,
Будур уммидимки, мендин ўзга боре бўлмасун.

Эй дўст, агар унинг бошидан садқа бўлиб, айланишга буюрсанг, мендан ўзгага бу (илтифот) насиб қилмасин, деган умидим бор!

Навбатдаги байтда маъшуқа гўзаллигини англаб, унинг қадрига етган кишига ошиқ эй рафик, яъни дўстим деб мурожаат қилмоқда. Ва унга севгилимнинг бошидан ўргилиб, қурбон бўлишни буюрганинг учун раҳмат, бироқ бу бахт мендан бошқага насиб қилмасин, дея ўтинмоқда. Байтда маъшуқа учун хатто қурбон бўлишни ҳам ўзгага раво кўрмаслик даражасидаги садоқат ва шу билан бирга рашк ҳам тасвирланмоқда.

Байтда, шунингдек, эй рафик ундалмаси орқали илтифот ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Даҳр боғининг насими совурур гул хирманин,
Анга ул гул гулшани сари гузоре бўлмасун.

Дунё боғининг шамоли гул хирмонини совурадиган пайтда (ўша шамол) бу гулнинг гулшанига келмасин.

Навбатдаги маъвиза байтда улуғ шоир мавзу билан боғлиқ ҳолда инсон, олам ва фонийлик ҳақида фикрламоқда. Дунё ўткинчи, бадан фоний, демоқда гул, гулшан ва насийм сўзлари орқали сўз ўйини қилиб муаллиф, лекин менинг махбубамга бу фонийликлар таъсир қилмасин. Унинг умри боқий бўлиб, завод билмасин.

Байтда даҳр боғи, гул хирмани бирикмалари ва гул ҳамда гулшан сўзлари мисолида истиора, гул сўзи таркоридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, боғ, гул ва гулшан сўзлари орқали

таносиб, гул ва гулшан сўзлари воситасида эса инштиқоқ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, қил дуо жониғаву жаҳд айлаким,
Майлинг анинг қуллуғидин ўзга сори бўлмасун.

Эй Навоий, жонига дуо қилу, унинг қуллигидан бошқа қиладиган ишинг бўлмаслиги учун ҳаракат қилавер!

Мақтаъда Навоий ғазалдаги ўртага ташланган фикрни мантиқан якунламоқда: энди фақат ўю фикринг эмас, бутун фаолиятинг ҳам маъшуқа билан боғлиқ бўлсин. Унинг дуои жонини қилиб, умринг қуллиғи билан ўтсин! Зеро, улуғ мутафаккир наздидаги ишқ, муҳаббат шарти шундай бўлган!

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот санъати яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маҳбуба фикру ёди билан яшаган ва муҳаббатни умр мазмуни деб билган инсон қалби тасвирдир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Эйким нафасе ғойиб эмассен назаримдин...”
——

Эйким нафасе ғойиб эмассен назаримдин,
Ваҳким, ғами ҳажринг оқизур қон жигаримдин.

Расволиғ ўти бирла туташиб келадурмен
Эй аҳли саломат, қўпунгуз раҳгузаримдин.

Сен ғофилу мен ваҳм қилурмен кеча-кундуз,
Бу нолайи шабгир ила оҳи саҳаримдин.

Ғам елидин ул навъ ўтум урди аламким,
Юз барқ ясар абри бало ҳар шараримдин.

Белинг ғамидин мўя била йиғладим онча
Ким, ашк дуру гавҳари ўтти камаримдин.

Эй зухд, йўлум урмаки, бу марҳала ичра
Мақсадғача сенсен бири юз минг хатаримдин.

Эй ишқ, фано йўли сари бошлаки, тинман
Гар топса Навоий хабар ушбу сафаримдин.

-- V V--V V--V V--

мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Луғат

Кўпунгиз – турунгиз

Раҳгузар – қатновчи йўл, одамлар ўтиб турадиган йўл

Шабгир – кечаси босувчи, кечаси ҳамла қилувчи; кечани
уйқусиз ўтказувчи

Барқ – 1) Чақмоқ, яшин, чақин; 2) ўт, олов, аланга; 3) шуъла,
нур

Абр – булут

Шарар – учқун, аланга

Мўя – йиғи, ҳўнграб йиғлаш, эзилиб йиғлаш

Ашк – 1) Кўз ёши; 2) нур қатралари; 3) кўз

Марҳала – 1) Манзил, масофа, босқич; 2) манзилгоҳ, қарвон-
сарой; 3) бир кунлик йўл, масофа; мўлжал, мақсад, ният

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли мазмунан ошиқона ва шаклан мусал-
сал радифсиз ушбу ғазал маъшуқа ҳижронидаги ошиқ шарҳи
ҳолига бағишланган.

Эйким нафасе ғойиб эмассен назаримдин,
Ваҳким, ғами ҳажринг оқизур қон жигаримдин.

*Эй (севгилим), бир нафас ҳам назаримдан ғойиб бўлмаганинг
холда, айрилигинг ғами жигаримдан қон оқизмоқда.*

Бу қандай бўлиши мумкин? Маъшуқа ошиқнинг назаридан
нари бўлмасаю, лекин ҳижрондан жигаридан қон келса?! Ошиқ
маъшукани ҳар лаҳза ўйлаб, эслаб, соғинганидан хаёлида унинг
дийдори кўз олдидан кетмайди. Лекин ҳақиқатда севикли ёри
олисда. Шунинг учун ошиқ бағридан қон оқмоқда.

Байтти бошқа маънода таҳлил қилишга ҳам бир ҳаракат
қилсак-чи?! Яъни, маъшуқа ошиқ билан бирга. Лекин унинг
хаёли бошқа томонда. Шунинг учун ошиқ қалбан маҳбубам мен
билан эмас, деб изтироб чекади ва ўзини ҳижрон ғамидан қон
ютаётгандай ҳис қилади.

Байтда муболаға санъатига мурожаат этилмоқда.

Кейинги байтларда матлаъдаги фикр ривожлантирилиб, ку-
чайтирилганлигини кўриб ўтамыз.

Расволиғ ўти бирла туташиб келадурумен
Эй аҳли саломат, қўпунгуз раҳгузаримдин.

*Расволик ўтига туташиб келаётганим учун, эй соғлар, кўчамдан
(узоқроқда) турингиз!*

Иккинчи байтда ошиқ бедард инсонларга қарата, мени ошиқ-
лик орқасидан келган расволик ўт янглиғ қуршаб гўё ёндир-
моқда. Эй, ишқдан беҳабар ва ўзини бу билан саломат деб
ўйлаб, қувонувчилар, менга яқинлашманг, кўчамдан ҳам узоқда
турингки, яна ишқ деган касалим сизга ҳам юкиб қолмасин,
демоқда.

Байтда расволиғ ўти бирикмаси ёрдамида истиора, эй аҳли
саломат бирикмаси воситасида илтифот, муболаға санъатлари
яратилмоқда.

Сен ғофилу мен ваҳм қилурмен кеча-кундуз,
Бу нолайи шабгир ила оҳи саҳаримдин.

Сен ғофилсан, лекин мен тунги нолам билан тонгги оҳимдан кеча-кундуз ваҳм қиламан.

Ошиқ маъшуқа дардида, соғинчида, фироқида кечаю кундуз безовта. Шунинг учун у тонгда оҳ тортиб, кечалари нола қилади. Бу ўтли нолаю фарёдлардан маъшуқага ва умуман оламга зиён етади деб, ўзи хавотир ҳам олади. Лекин маъшуқа бепарво ва ошиққа ҳам, унинг чеккан оҳу зорларига ҳам эътиборсиз.

Байтда кеча-кундуз, шабгир ва сахар сўзлари ёрдамида икки ўринда тазод ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ғам елидин ул навъ ўтум урди аламким,
Юз барқ ясар абри бало ҳар шараримдин.

Ғам шамоли ўтимга шу қадар урдики, ҳар бир учқунимдан бало булути юзлаб чақмоқ ясади.

Навбатдаги байтда ошиқнинг ҳижрондаги ҳолати кучли муболаға ёрдамида тасвирланмоқда. Яъни, ғам шамоли шундоқ ҳам ошиқ бағрида ёниб, унинг оҳу нолаларига сабаб бўлган ишқ ўтини кучайтирган ва ундан атрофга учқунлар сачраш даражасига етган. Фақатгина бу эмас. Бало булут бу учқунларнинг ҳар биридан юзлаб чақмоқларни барпо қилган. Табиат ҳодисаси бўлмиш шамол эсиши, булут тўпланиши ва чақмоқ чақишидан гўзал ва ўзига хос топилма яратилмоқда!

Байтда ғам ели, абри бало бирикмалари ва ўтим ва шарарим сўзлари ёрдамида истиора, ел, барқ ва абр, ҳамда ўт ва шарар сўзлари воситасида икки ўринда таносиб, муболаға санъатлари вужудга келмоқда.

Белинг ғамидин мўя била йиғладим онча
Ким, ашк дуру гавҳари ўтти камаримдин.

Белининг ғами билан шу қадар эзилиб йиғладимки, кўз ёши дуру гавҳари камаримдан ҳам ўтиб кетди.

Ошиқнинг покиза ишқ дардида тўккан кўз ёшлари дур ва гавҳарлар каби қимматбаҳо. Дур ва гавҳарлар, одатда, чарм камарга тақилади. Бироқ ошиқни кўз ёшлари шу қадар сероблигидан камаридан ҳам ўтиб, бутун вужудини селоб қилди.

Байтда белинг ғами, ашк дуру гавҳари бирикмаси ёрдамида икки ўринда истиора, дуру гавҳар сўзлари воситасида таъдид ва таносиб ҳамда муболаганинг гулув даражаси яратилмоқда.

Эй зухд, йўлум урмаки, бу марҳала ичра
Мақсадғача сенсен бири юз минг хатаримдин.

Эй зухду тақво, мени йўлдан урмаки, мақсадғача (бўлган) бу манзилда юз минг хатаримдан бири сенсан!

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий мавзудан чекиниб, орифона фикрламоқда. Яъни, илоҳий ишқ йўлида зухд, яъни ибодатга маҳкам бўлиш юз минг хатардан биридир. Нима учун? Чунки илоҳий ишқ йўлига кирган солиқ зухду тақводорликда эришган муваффақиятлари сабаб кибрга берилиши, шу билан аро йўлда қолиши, ёки ундан ҳам ёмони тубан кетиши мумкин. Шу сабабли ҳам ошиқлар зоҳидларни ўз тақвосига кибр қўйган иккиюзламачи сифатида қараб, мазаммат қиладилар. Ғазалнинг лирик қаҳрамони ҳам мана шунинг учун зухдни қораламоқда.

Байтда эй зухд ундалмаси ёрдамида илтифот, зухдни жонлантириш орқали эса ташҳис санъатлари яратилмоқда.

Эй ишқ, фано йўли сари бошлаки, тинман
Гар топса Навоий хабар ушбу сафаримдин.

Эй ишқ, фано сари йўл бошла, агар Навоий бу сафаримдан хабар топса, (асло) тинмайман.

Мақтаъда Навоий ишққа мурожаат қилиб, ўзини фано, яъни йўқлик сари бошлаб боришини айтмоқда. Нима учун? Чунки луғавий маъноси йўқлик бўлган фано бу ўринда илоҳиётга сингиб, унинг бирлигида йўқ бўлиб кетиш маъносида қўлланилмоқда ва бунга фақат ишқ орқали бориш мумкинлиги айтилмоқда. Нега Навоий ўз-ўзига учинчи шахсда мурожаат этмоқда унда? Бунинг сабаби, Навоий ҳам ғазал қаҳрамонига фикрдош. Агар у ушбу сафардан хабар топса, ҳамдам ва маслакдош бўлади.

Байтда “эй ишқ” ундалмаси орқали илтифот, “фано йўли” бирикмаси воситасида истиора санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал мажозий ишққа чалинган ошиқ арзи ҳоли билан бошланиб, унинг ишқи камолоти, яъни илоҳий ишққа айланганини кўрсатиш билан ниҳояланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Не тиригмен, не улуг, не соғ, не бемормен...”

Не тиригмен, не ўлуг, не соғ, не бемормен,
Айта олманким, фироқингдин не янглиғ зормен.

Нуктайи оғзинг ғамидин тортибон жадвалдек ох,
Ашк сайлин оқизиб саргашта чун паргормен.

Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз тенгри учун
Ким, мен ул девонайи саргаштадин безормен.

Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.

Бир қуёш ҳажринда тундек рўзгорим тийрадур,
Тонг эмас гар тун кеби мотам тутуб йиғлармен.

Майда афюн эзгил, эй муғким, бу эски дайр аро,
Телбарармен ғуссадин гар бир нафас хушёрмен.

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Паргор – циркуль

Саргашта – сарсон, овора; саргардон; паришон

Тийра – 1) Қора, қоронғу; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира; нурсиз

Афюн – таркибида гиёхванд модда мавжуд бўлган кучли тинчлантирувчи дори

Муғ – 1) муғ, мажусий, оташпараст, ўтга топинувчи; 2) майфуруш

Ошуфтаҳол – паришонҳол, кайфияти бузуқ, ғам босган

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлган етти байт-ли ушбу ғазал кучли трагик пафосга йўғрилган бўлиб, ошиқнинг хижрон кунларидаги аҳволи руҳияти тасвиридир.

Не тиригмен, не улуг, не соғ, не бемормен,
Айта олманким, фироқингдин не янглиғ зормен.

Тириклигиму ўликлигимдан ҳам, соғлигиму касаллигимдан ҳам хабарсизман, айрилиғингда қандай аҳволдалигимни ҳам айта олмайман.

Ошиқ айрилиқда ўзидан тамоман беҳабар аҳволга келган. Шунинг учун у соғу беморлигини ҳам, ҳатто тиригу ўликлигини ҳам билмайди. Фақат билгани маъшуқаю унинг ҳижронида зорлиги. Ғазал шундай фожеавий ҳолат тасвири билан бошланмоқда.

Байтда тириг, ўлуг ва соғ, бемор сўзлари орқали ўзаро таъдид ва икки ўринда тазод ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Нуктайи оғзинг ғамидин тортибон жадвалдек оҳ,
Ашк сайлин оқизиб саргашта чун паргормен.

Нуктадек оғзингнинг ғамида жадвалдек “оҳ” тортмоқдаман, кўз ёши сайлини оқизиб, паргордек айланиб, сарсонман.

Иккинчи байтда махбубанинг бир узви – нуқтадек оғзи ошиқни қай ҳолатга солгани тасвирланмоқда. Маъшуканинг билинар билинмас оғзини соғинган ошиқ юмалоқ жадвал каби чуқур “оҳ” тортмоқда. Кўз ёшларини сайл каби оқизиб, паргор каби айланмоқда.

Байтда нуқтаи оғзинг бирикмаси орқали истиора, жадвалдек ва чун паргормен сўзлари воситасида ташбеҳ, нуқта, жадвал ва паргор сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз тенгри учун
Ким, мен ул девонайи саргаштадин безормен.

Дўстлар, кўнглим (қаерда ва нима қилаётганлиги ҳамқида) гапирманг, Тангри ҳаққи, мен у дарбадар девонадан безорман.

Навбатдаги байтда ошиқнинг ўзидан кечиб, маъшуқа кўчасида адашиб-улокиб кетган кўнгли тўғрисида сўз бормоқда. У соҳибига бўйин эгмай, ёрининг орқасидан қолмагани учун ғазал қаҳрамони у ҳақда эшитишни ҳам хоҳламайди. Мен у кўчада дайдиб юрган жинни кўнглимдан безорман, дейди.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис, девонаи саргашта сўзлари воситасида таъдид санъатларига мурожаат этилмоқда.

***Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.***

Кўйлагидан баъзида жон Юсуф исини топиб қолади, эй азизим, у кўйлақда мен ҳар бир инман, (аслида.)

Ушбу ғазалда ҳам шоир соҳибжамол Юсуф қиссасига мурожаат этмоқда. Унда тасвирланишича, пайғамбар Яъқуб узоқ йиллар гўзал ва севикли ўғли Юсуфдан айрилиб, тинмай кўз ёш тўкиши натижасида кўзлари кўр бўлиб қолади. Вақти соати етиб, Юсуфдан хабар етказган даракчи унинг кўйлагини ҳам олиб келади. Яъқуб пайғамбар кўйлакни кўзларига суртиб, фарзандини хидини туйганча, узоқ йиғлайди. Бироқ бу йиғи билан унинг кўзлари очилади. Қиссадаги мана шу мотивга мурожаат қилган Навоий либосингдан жон тириклик ифорини туймоқда, дейди ва бу билан

хам кифояланмай, ўзим ҳам бу либосингга бир ип бўлдим, яъни сингиб кетдим, демоқда. Байтдаги азизим ундалмаси ҳам бекор келтирилгани йўқ. Қиссада айтилишича, Мисрга қул бўлиб борган Юсуф ўн икки йиллик зиндон азобидан сўнг унда азиз, яъни подшоҳдан кейинги шахс мартабасига эришади. Байтда эй азизим ундалмаси билан Навоий ҳам Юсуфнинг лавозимини эсга олмоқда ва ҳам маъшуқага ҳурмат кўрсатмоқда.

Байтда, шунингдек, кўнглак сўзи такроридан радд ул-садр илал ҳашв, Юсуфга мурожаат этиш орқали талмеҳ, Юсуф ва азизим ҳамда кўнглак ва тор сўзлари воситасида икки ўринда таношиб, дам-бадам сўзлари орқали мукаррар, жонни шахслантириш орқали эса ташхис ва албатта, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Бир қуёш ҳажринда тундек рўзгорим тийрадур,
Тонг эмас гар тун кеби мотам тутуб йиғлармен.

Бир қуёш ҳижронида ҳаётим тундек қоронғу бўлиб турибди, ҳаётимда тонг отмайди, тун каби мотам тутиб йиғларман.

Ошиқ маъшуқасини қуёш деб атаб, ундан айрилиқда бўлганим учун ҳаётим қорайди демоқда ва шунинг учун ҳам ўзини тунга қиёслаб, қора кунда мотам тутиб йиғлашини таъкидламоқда.

Байтда муболаға, қуёш сўзи орқали истиора, тун кеби сўзи орқали ташбеҳ, қуёш, тун, тонг сўзлари воситасида таносиб, тун сўзининг такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Майда афюн эзгил, эй муғким, бу эски дайр аро,
Телбарармен ғуссадин гар бир нафас хушёрмен.

Майга афюн эзиб менга тутки, эй май сотувчи, бу эски майхонада бир лаҳза хушёр бўлсам, ғуссадан телба бўламан.

Май маст қилувчи ичимлик, афюн эса кучли тинчлантириш хусусиятига эга гиёҳванд модда бўлиб, майда эзилган афюннинг кучи икки баравар олган. Бу эски дайр – майхона дейилган ушбу дунёнинг ғуссасидан телба бўлиб қолмаслик учун ўша майдан ичай дея Навоий муғ – майхоначига мурожаат қилмоқда. Агар

бу қадар ўздан беҳабарлик бўлмаса, бу дунёнинг ташвишларидан ақлдан озиш ҳеч гап эмас.

Байтда май, муғ, афюн ва дайр сўзлари орқали таносиб, эй муғким ундалмаси воситасида илтифот, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен.

Нега эл дашному таънасидадан паришон ҳол бўлайки, эй Навоий (мен ҳақимда) нима десалар (яъни қанча ёмон гапирсалар ҳам), айтганлардан юз марта баттарман!

Ошиқ ишқ аро бошига ёғилган маолматларга чидайди, парво қилмайди. Бу ишқнинг, ошиқликнинг шартларидан биридир. Шунинг учун Навоий ғазални мана шундай маломатларга жавоб тарзида битилган мақтаъ билан якунламоқда. Яъни нима десангиз ҳам майли, мен айтганларингча борман, балки ундан юз марта ёмонроқман. Мақтаъ ҳазрати Румийнинг маломатчиларга жавобан “мен етмиш икки фирқа билан биргаман, Сизнинг ҳақоратларингиз билан ҳам биргаман” деган юксак даражадаги иқрорига оҳангдош жарангламоқда.

Байтда дашному таъни сўзлари орқали таъдид, эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Умуман олганда, ғазал фожеавий пафос билан ўта тушқунлик руҳида бошланиб, бевафо ва раҳмсиз маъшуқа ҳажрида ўлар ҳолатга етса ҳам, дунё ишларидан безор бўлган ва яна шу ишқдан нажот истаган, шу ишқ орқали ҳар қанча таънаю маломатларга ҳам рози бўлган кўнгил розларининг тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—~~~~~—

“Сарвеки нолишим бийик ўлди ҳавосидин...”

—~~~~~—

Сарвеки нолишим бийик ўлди ҳавосидин,
Юз минг фиғонки, оғаҳ эмас мубталосидин.

Кўнглумни кўзларидин айирмангки, чиқмағай
Мажнун насихат ила кийиклар аросидин.

Мен тийра уйда беҳуду юз навъ гўфтуғ
Ҳар кў бошинда телбалигим можаросидин.

Кўнглумда тоза доғларинг шаклин истасанг,
Фаҳм айла ўтлуғ икки кўзунгнинг ҳаросидин.

Кувват тутар лабинг ғамини еб ҳазин кўнгул,
Гўёки қон таваллуд этар бу ғизосидин.

Давлат либоси шаҳғаки, йўқтур шикоятим,
Муғ дайри теграсида гадолиғ палосидин.

Ғам шомидин Навоийни неткай халос этиб,
Ёрутсанг уйини шамъи жамолинг зиёсидин.

--V -V-V V--V -V-
мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун
музориъи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф

Луғат

Ҳаво – 1) Ҳаво, иқлим; 2) баландлик, осмон; 3) орзу, майл, гурур; 4) парвоз қилиш, учиш

Тийра – 1) Қора, қоронғу; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира; нурсиз

Бехуд – 1) Хушсиз, ўзидан кетган, ақлу ҳушидан айрилган;
2) маст; 3) ихтиёрсиз

Навъ – 1) Тур, нав, хил; 2) кўриниш, йўл-йўриқ, йўсин

Ўфтуғў – суҳбат, гаплашиш, нутқ

Ҳарос – қўрқув

Ҳазин – ғамхин, хафа, қайғули

Ғизо – озиқ-овқат, егулик, таом

Мут дайри – 1) Мажусийлар ибодатхонаси; 2) майхона

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал анъанавий етти байтли, радифсиз бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ошиқ арзи ҳоли ва маъшуқа мадҳи уйғун равишда тасвирланган.

Сарвек ишлишим бийик ўлди ҳавосидин,
Юз минг фиғонки, оғаҳ эмас мубталосидин.

У шундай сарв қоматлики, унинг (қадди) ҳавасидан ишлишим кучли бўлди. Юз минг маротаба фиғон тортаманки, у (мендек) мубталосидан оғаҳ эмас!

Маъшуканинг сарв қоматли баланд қаддига ошиқ шу қадар мубталоки, унинг қадди ҳавасидан бунинг ишлиши юксак бўлган. Лекин маҳбубанинг мубталосидан оғаҳ эмаслиги ошиқнинг юз минг фиғонга сабаб бўлмоқда.

Байтда истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Кўнғлумни кўзларидин айирмангки, чиқмағай
Мажнун насиҳат ила кийиклар орасидин.

Кўнғлимни насиҳат билан кўзларидан айирманг, Мажнун насиҳат билан кийиклар орасидан чиқмайди.

Ошиқнинг Мажнун каби девона кўнғли маъшуканинг кийикдек чиройли ва хуркак кўзларига мафтун. Улардан айиришга ҳаракат қилманг, демоқда насиҳатгўйларга қарата шоир. Мажнун насиҳат билан кийиклар орасидан чиқмас – саҳродан қайтмас

экан, менинг кўнглим ҳам унинг оҳуники каби кўзларидан айрилмайди.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис ва тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Мен тийра уйда беҳуду юз навъ гўфтуғ
Хар кў бошинда телбалигим можаросидин.

Мен қоронғу уйда беҳудману, ҳар кўча бошида телбалигим можароси хусусида юз хил гап-сўз бўлиб юрибди.

Инсон ошиқ бўлса, атрофдаги бедард кишилар уни маломат қилишни, эрмак талаблар гап-сўз қилиб қулишни бошлайдилар. Ҳазалимизнинг лирик қаҳрамони эса ошиқликдан ўтиб, телбаликка етишган киши. Шунинг учун унинг ўзи қоронғу уйда ғамга ботиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтирибдию, қолганлар унга ёрдам бериш ўрнига кўчани бошларига кўтариб, унинг ақлдан озиб, телба бўлганлиги ҳақидаги турли-туман можарони бошлаб юришибди.

Байтда муболаға санъати ҳосил бўлмоқда.

Кўнглумда тоза доғларинг шаклин истасанг,
Фаҳм айла ўтлуғ икки кўзунгнинг харосидин.

Кўзимдаги (сенинг ҳижронингдан пайдо бўлган) янги доғлар шаклини (кўрмоқчи бўлсанг), икки ўтлик кўзларингнинг қўрқуvidан деб фаҳм қилгин.

Яъни сенинг қора кўзларингдан чиқаётган ўтлардан кўнглимда янги ва тоза доғлар пайдо бўлмоқда, демоқда ошиқ маъшуқа гўзаллигини ўзининг аҳволига кўрсатган акс таъсирини тасвирлаш учун. Умуман олганда, жонга роҳат берадиган, киши дилини қувнатадиган гўзаллик ошиқ учун аксинча, жонга офат, умрга бало бўлиши мумкинлиги мухаббатнинг парадоксал ҳолатларидан бири ҳисобланади. Ушбу байтда ҳам шундай парадокс ҳақида сўз кетмоқда.

Байтда истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Қувват тутар лабинг ғамини еб ҳазин кўнгул,
Гўёки қон таваллуд этар бу ғизосидин.

Ҳазин кўнглим лабинг ғамини еб, қувват топади, бу таомдан эса унинг ичида қон пайдо бўлади.

Бу байтдаги ҳам юқоридаги тасвир, яъни маъшуқа гўзаллигининг ошиқ кўнглига кўрсатган акс таъсири тўғрисида сўз кетмоқда. Яъни, маъшуқанинг ғунчадек қип-қизил лаблари таъсирдан ошиқ кўнгли қувват олмақда. Қарангки, бу қувватдан қон туғилади. Яъни, ошиқ маъшуқа лабларини ўйласа, қон ютгандек бўларкан.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис, муболаға, ҳазин кўнгул бирикмаси орқали истиора санъатлари вужудга келмоқда.

Давлат либоси шахғаки, йўқтур шикоятим,
Муғ дайри теграсида гадолиғ палосидин.

Давлат либоси шоҳга аталган, майхона атрофида гадолик палосидан (эса менинг) ҳеч бир шикоятим йўқдир.

Навбатдаги лирик чекиниш байтида Навоий орифона фикрлаётганлигини кўрамыз. Яъни, давлат либоси, салтанат, тожу-тахт шоҳу шахзодаларга аталган. Бу борада гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Навоий ҳеч қачон амал-мартабага интилмаганлигини, аксинча ундан қочиб, иложи борица фақирона ҳаёт кечиришга уринганлигини тарихий далилар асосида биламиз. Шундай экан, ушбу байтда шоир ва инсон Навоий интилган масканлар рамзу ишоралар ёрдамида келтирилган. Улар: муғ дайри, яъни майхона, яъни орифлар суҳбатлашиб, илоҳий маърифатни излайдиган маскан ва унинг атрофидаги гадолиғ палоси, яъни уларга шайдолик. Сидқидилдан мухлислик. Навоий учун давлат либосидан ҳам устун бўлган аъмолу эътиқод шу бўлган асли.

Байтда муғ дайри ва давлат либоси бирикмалари орқали истиора, шах ва гадо сўзлари ҳамда давлат либоси ва гадолиғ палоси бирикмалари орқали икки ўринда тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ғам шомидин Навоийни неткай халос этиб,
Ёрутсанг уйини шамъи жамолинг зиёсидин.

Навоийни ғам шомидан халос қилиб, уйини жамолинг шамининг зиёси билан ёритсанг нима қилади-я?!

Мақтаъда Навоий яна ғазал мавзусига қайтиб, уни мантиқан яқунламоқда. Ушбу байтда ҳам анъанадан чекинмаган ҳолда маъшуқа гўзаллиги, яъни жамоли шамининг зиёси ва ошиқ ҳолати, яъни унинг уйини, балки кўнглини ёритиш мувозий тарзда тасвирланмоқда. Умуман олганда ушбу ғазал шундай мувозий уйғунликка бағишланган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун...”

Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун
Ким, ўлармен ул парипайкар малаксиймо учун.

Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бордурур ул тифлдекким, йиғлағай ҳалво учун.

Ашк ичинда ғарқамен, зулфунгни тутқайменму деб,
Уйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Турки мастедур кўзунг уйкуда, кўз кунжида хол
Ўғриким, қилмиш камин ёнида қўйған ё учун.

Гулханийдекдулки истар гулхану олотини,
Сифлаким меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Буйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Лаългун – лаъл рангли, қизил
Наъл – тақа, тақа шаклидаги тамға, муҳр
Тифл – ёш бола, гўдак
Ашк – кўз ёш
Тожир – тижоратчи, савдогар
Кунж – бурчак, чет
Турк – бу ўринда: сипоҳий, жангчи
Камин – пистирма, пана жой
Ё – ёй, камон; қайрилма (қош)
Гулханий – ўт ёқувчи, гўлохий
Сифла – паст, пасткаш, хасис
Меҳнат – машаққат
Олот – асбоблар, қурол-яроғлар
Дунёву мофиҳо – дунё ва ундаги нарсалар

Насрий баён

1. Дўстлар, мен девонаи шайдо учун (ишқ йўлида) бир чора бор:
бу – парипайкар малаксиймо ёр учун жонни фидо қилиш.

2. Оташин гул(косаси)нинг атрофида лаъл (қизил) рангли юзта
барглар йиғиндиси эмас, балки булбули шайдо учун оловга солин-
ган юзта тамғанинг шакллариidir.

3. Хом кўнглим дудоғингни тилаб фиғон қилади, бу ҳолат худди
ҳолва учун йиғлаётган болани эслатади.

4. Зулфингни тута олармиканман деб кўз ёшларим ичида ғарқ
бўлдим, худди савдогар ўз бозорининг барори учун денгиз ма-
шаққатига ҳам рози бўлгани каби.

5. Уйқудаги кўзинг мастона туркка ўхшайди, кўзинг атрофидаги холинг ёнидаги ёйни пистирма қилган ўғридек гўё.

6. Гулханда ўт ёқувчи гулхан ва асбоблари учун, пасткаш кимса эса бу дунё ва ундаги моддий нарсалар учун машаққат чеккани каби.

7. Эй сарви озодим, Навоий каби асирингни асрагил, зеро, сендек гули раъно учун унинг каби бир булбул керак.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мазмунда бўлиб, унда ишқ завқи ва машаққатлари, ёр жамоли васфи ва лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари: туйғу ва изтироблари умумлашган ҳолатда акс эттирилган. Ғазал матлаъсининг “Дўстлар” ундови билан бошланиши унинг шарҳи ҳол йўналишида эканлигига далолат қилади:

Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун
Ким, ўлармен ул парипайкар малаксиймо учун.

Илк байтдаёқ ошиқ ишқ дардига фақат ягона чора борлигини таъкидлайди: бу – ёр йўлида жон фидо қилиш.

Оташин гул теграсида лаългун юз барг эмас,
Балки юз наъл ўтқа солмиш булбули шайдо учун.

Гулшанда оловранг садбарг косаси теграсидаги қизилликни гулнинг баргларидан пайдо бўлган деб ўйламанг, дейди шоир, бу гулнинг ишқидаги булбули шайдонинг жисмига босиладиган юзта ўтли тамғанинг шакллари дир. Хусни таълил (бирор воқеликни унда дахли бўлмаган ҳодиса билан изоҳлаш)нинг бетакрор намунаси воситасида ишқ ва ошиқликнинг гўзал манзараси вужудга келган.

Кейинги байтлардан шарҳи ҳол ёки ўз ҳолидан ёзғириш кайфияти тадрижийлик асосида ташбеҳ ва тамсил (биринчи мисрада айтилган фикрга табиат ёки кундалик ҳаётдан мисол келтириш) санъатлари воситасида кучайиб боради:

Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бор дурур ул тифлдекким, йиғлағай ҳалво учун.

Ошиқнинг кўнгли ҳали ишқ оловида пишиб етилмаган, яъни ишқ мартабасида комилликка эришмаган (унинг тифл, яъни болага ўхшатилиши шундан дарак беради) ёрнинг дудоғини тилаб фиғон қилади, бу ҳолат худди ҳолва учун йиғлаётган болани эслатади. Кўнгилнинг болага, дудоқнинг ҳолвага ўхшатилиши орқали юзага келган манзара ғазалхон қалбида беғубор туйғуларни уйғотади.

Ашқ ичинда ғарқамен, зулфунгни тутқайменму деб,
Уйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Ошиқ ёр зулфига йетишиш хаёлида ёш тўкавериб, кўз ёшлари ичида ғарқ бўлди, бу ҳол худди тижоратчи савдогарнинг ўз бозори учун ҳўлу қуруқни писанд қилмай, денгиз машаққатини чеккан ҳолатига ўхшайди. Савдо сўзининг ҳам тижорат, ҳам орзу-истак маъноларини англатиб келаётгани шоир бадиий маҳоратининг яна бир қиррасини очиб беради. Шунингдек, байтда тамсил ва ташбеҳ санъатларининг муболағавий тасвир билан уйғунлашганига гувоҳ бўламыз.

Турки мастедур кўзунг уйқуда, кўз кунжида хол
Ўғриким, қилмиш камин ёнида қўйган ё учун.

Ушбу байтда Навоий бадиий тахайюлининг яна бир бетакрор намунасига гувоҳ бўламыз: ёрнинг уйқудаги кўзи мастона сипоҳийга ўхшайди, кўзи атрофидаги холи эса худди ёйни пистирма қилган ўғри кабидир. Агар кўз тепасида қош (ёй)нинг, уларнинг ўртасида эса қора холнинг жойлашганлигини назарда тутсак, маст уйқудаги сипоҳийдан ёйни тортиб олган ўғрининг пистирма ҳолатда беркиниб тургани ва ўқ отишни мақсад қилаётганлиги билан боғлиқ ажойиб манзара кўз олдимишга келади.

Гулханийдекдурки истар гулхану олотини,
Сифлаким меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

Гулханда ўт ёқувчи гўлохий бу олам ва борлиқнинг маъноси-ни ўзи ёқадиган олов ва асбобларда кўради, пасткаш кимса ҳам бу дунё ва ундаги моддий нарсалар учун машаққат чекиб, умрини ўтказади. Ушбу байт маърифий мазмунга эга бўлиб, шоир инсонни бу ўткинчи умрни беҳуда ўтказмасликка, моддий дунё бойликлари-га кўнгил боғламасликка чақиради. Байтда Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг “Дунё ва ундаги нарсалардан икки ракаат суннат намози (ёки Аллоҳ таолонинг зикри) яхшироқдир” мазмунидаги ҳадисларига ишора ҳам бор.

Мақтаъда мурожаат объекти ўзгаради: лирик қаҳрамон ёрга мурожаат қилиб, ўзини булбулга, маҳбубасини гули раънога ўхшатар экан, юқоридаги тамсилу ташбеҳлардан мурод ўзи эканлигини юксак мамнуният ва фахр ила баён этади:

Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Буйла бир булбул керак сендек гули раъно учун.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали юксак бадиияти ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан туркий ғазалиётнинг нодир намуналари сирасига киради.

Дилнавоз ЮСУПОВА

“Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен...”

Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
Не дилрабоки, балойи худо эмиштуксен.

Кўнгул берурда санга билмас эрдим, эй бадмехр
Ки, хаста кўнглума мундоқ боло эмиштуксен.

Табиб ожиз ўлуб оқибат, деди: “Билдим
Ки, ишқ дарди била мубтало эмиштуксен!”

Гадолиғ эттим эса бўсае, ачиғланибон
Дедик: асру уятсиз гадо эмиштуксен.

Кўнгулни куйдурубон жон олурсен, эй янги доғ,
Фиғонки, бир йўли кўнгли қаро эмиштуксен.

Чериг вухушу сенга тахт қулла, эй Мажнун,
Фано мамоликида подшо эмиштуксен.

Дедим: камина итингмен, кулуб манга айтур:
Навоий, не бало худнамо эмиштуксен?

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Дилрабо – 1) Дилни ўзига тортувчи, дилкаш, жозибали, кўн-
гилни тортувчи; 2) маҳбуба, гўзал, жонон

Эмуштуксен – шунга ўхшайсан, шундай экансан маъносида

Бадмеҳр – меҳрсиз, меҳри қаттиқ, раҳмсиз, шафқатсиз; ёр,
гўзал

Черег – 1) Қўшин, лашкар, аскар; 2) куч-қудрат

Вухуш – ваҳший ҳайвонлар

Қулла – чўққи, тоғ чўққиси

Мамолик – юрт, давлат, мамлакатлар, ўлкалар

Худнамо – шухратпараст, ўзини кўрсатишга интилувчи

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан
парокандадир. Унда ошиқ изтироблари, қайғу-аламлари ҳамда
маъшуқа васфи ва жабру-ситаamlари тасвирланган.

Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
Не дилрабоки, балойи худо эмиштуксен.

Кўнгил олишда ажойиб бир гўзал, дилни ошуфта қилувчи экансан, ундай ҳам эмас, нақ Худонинг балоси экансан.

Матлаъ маъшуқа мадҳи билан бошланади. Ошиқ уни кўнгил олувчи гўзал дебгина қолмай, Худонинг балоси экансан, демоқда. Одатда, халқ тилида бу ибора салбий аттенка беради. Лекин ғазалдаги бу ўринда Навоий иборани ижобий маънода ишлатмоқда. Яъни, ошиқ дилларга бало бўлувчи ўткир гўзаллик сохиби деб маъшуқасини улуғламақда.

Байтда муболаға ва ружуъ санъатлари яратилмоқда.

Кўнгул берурда санга, билмас эрдим, эй бадмехр
Ки, хаста кўнглума мундоқ бало эмиштуксен.

Кўнгил бераётганимда, эй меҳрсиз ёрим, хаста кўнглимга бунчалик бало эканлигини билмовдим.

Навбатдаги байтда маъшуқасига мурожаат қилаётган шоир уни меҳрсиз, бевафо деб атайди. Бунинг сабаби, унга ошиқ бўлаётган пайт бундай жабру зулми эмас, балки меҳру вафони кутганлигидадир.

Байтда эй бадмехр ундалмаси орқали илтифот, кўнгул ва кўнглум сўзлари воситасида тақрир, радд-ул қофия ва муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Табиб ожиз ўлуб оқибат, деди: “Билдим
Ки, ишқ дарди била мубтало эмиштуксен!”

Табиб (дардимга кўп чора қилди), охири “энди билдим, ишқ дардига чалинибсан”, деб ташхис қўйди.

Ошиқ дардига табибдан чора излайди. Табиб ҳам унинг дардига турли чоралар қўллайди. Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси фойда бермагач, “дардинг ишқ экан” деб ташхис қўяди. Чунки, Шарқда “ишқ дарида даво – висол, ундан бошқа даво йўқ”, - деган ақида мавжуд. Шу ақидага эътибор қаратган Навоий “дардим олдида та-

биб Һам ожиз”, “табиб Һам Һолимни кўриб Һам кўлини ювиб, кўл-тиғига урди”, - демокда.

Байтда табиб ва дард сўзлари орқали таносиб, ишқ дарди бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилмокда.

Гадолиғ эттим эса бўсае, ачиғланибон
Дедики: “Асру уятсиз гадо эмиштуксен”.

Бир бўса – ўпич тилаб гадолик қилувдим, (ёримнинг) аччиғи келиб, “жуда уятсиз гадо эканмисан?!” деди.

Навбатдаги байтда ошиқнинг маъшуқа олидаги ожиз ва ниёзмандлиги таърифланмокда. Ошиқ ёрига биргина бўсани гадодек тилаб олмокда. Маъшуқа эса бунга Һам қахру ғазаб билан “уятсиз гадо экансан!” деб жаҳл қилмокда.

Байтда гадо сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-садр илал ҳашв тури ва муболаға санъати яратилмокда.

Кўнгулни куйдурубон жон олурсен, эй янги доғ,
Фиғонки, бир йўли кўнгли қаро эмиштуксен.

Кўнгилни куйдириб, жон олишни Һам эплайсан, эй кўнглимдаги янги доғ, бу йўлда кўнгли қароларданмисан, деб фиғон чекаман.

Навбатдаги байтда маъшуқага мурожаат қилаётган шоир уни “янги доғ” деб атамокда. Бунинг сабаби, унинг ошиқ дилига қилган озорларидир. Бу озорлар билан маъшуқа бечора ошиқ кўнглини куйдириб, жонини олишгача етмокда. Бу ўринда кўнгли қаро бирикмаси эркалаш ва гина оҳанглари билан ифодааланмокда.

Байтда эй янги доғ бирикмаси орқали илтифот, кўнгул ва жон сўзлари орқали таносиб, кўнгил сўзи орқали тақрирнинг радд ул-садр илал ҳашв тури Һамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмокда.

Чериг вухушу сенга тахт қулла, эй Мажнун,
Фано мамоликида подшо эмиштуксен.

Ваҳшийлар аскарларингу, ўзинг тахтда тоғ чўққиси каби ўтирибсан, эй Мажнун, (бу ҳолатда) йўқлик салтанатида подшога ўхшайсан.

Навбатдаги байтда Мажнунга мурожаат этаётган шоир уни фано – йўқлик мамалкатаида подшо деб улуғламоқда. Бунинг исботи тариқасида эса унинг ваҳшийларни аскар, чўққини тахт қилиб олганлигини келтирмоқда. Бу ўринда фано – йўқлик тасаввуфий маънода бўлиб, ишқ ва камолотдаги энг юксак мартаба сифатида келмоқда. Дарҳақиқат ишқ йўлида ўзлигини бутунлай унутган Мажнун йўқлик мамалакатида подшо бўлишга муносибдир.

Байтда ташхис, илтифот, черег, тахт ва подшо сўzlари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Дедим: камина итингмен, кулуб манга айтур:

Навоий, не бало худнамо эмиштуксен?

(Маъшуқамга) мени итинг каби ҳисобла десам, у кулиб, “Эй Навоий намунча хубдину, шаҳратпарастсан?!” деди.

Навбатдаги байтда ҳам шоир ошиқ номидан маъшуқасига ожизлигу ниёзмандлик изҳор этмоқда. Юқоридаги байтда у ўзини гадога тенг кўриб, ёридан гап эшитиб олганидан сўнг, янада ожизлик билан ўзини итга тенгламоқда. Бироқ мағрур ва такаббур маъшуқа бундай камтарликни худбинлик, шуҳратпарастликка тенгламоқда.

Байтда, умуман ғазалда ошиқлик – ҳокисорлик, ҳечликдир деган ақида илгари сурилмоқда. Шундагина ошиқ ўзи ҳавас қилган Мажнун мартабасига – йўқлик мамалакатида подшоликка эришди.

Байтда муболағанинг ғулув даражаси, савол-жавоб санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал гўзаллик ва муҳаббатни улуғлаш, маъшуқа мадҳи таърифига бағишланган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен...”

Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,
Бир нафас борсен Масихо, бир замон жаллодсен.

Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотагон Фарҳодсен.

Аҳли диллар чеҳраси олтун, сиришки сийм эрур,
Токи сийми ноб аро қилдинг ниҳон пўлод сен.

Наргисингдин бир назар қилғилки асру бир йўли
Қулларинг ҳолидин, эй сарви равон, озодсен.

Найшакардек қаддинга, ваҳ, барғни тўн демаким,
Ишқпечон баргида бўлган ниҳон шамшодсен.

Хуррам ўлмассен сумурмай бир қадах, эйким, мудом
Чархдин кўнглунг бўлуб юз лахт қон ношодсен.

Эй Навоий, жисминга пайконларидин лангар эт,
Йўқса бу оҳинг елидин ногаҳон барбодсен.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ғамза – ноз билан қараш; ишва, истиғно

Нуктадон – гапдон, сўз нозикликларини тушунувчи нозик-
фаҳм; доно, билимдон

Шавқ – зўр истак, ўткир хоҳиш, иштиёқ

Сиришк – қатра, кўз ёши

Сийм – 1) Кумуш, танга, пул; 2) оқлик, оқ бадан; 3) нур, чақмоқ нури, ялтираш

Ноб – тоза, тиниқ, соф

Найшакар – шакарқамиш

Ишқпечон – зарпечак

Лангар – 1) Лангарчўп; 2) кемани тўхтатиб туриш учун сувга ташланадиган оғир темир илмоқ (якорь)

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, маъшуқа гўзаллигига ошуфта бўлган, лекин унинг феълига чидай олмаётган ошиқ азри ҳоли тасвирига бағишланади.

Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,
Бир нафас борсен Масиҳо, бир замон жаллодсен.

(Лаълдек) лабинг ва нозли қарашинг билан нозикфаҳм устозсан, бир лаҳзада Масиҳ каби жон ато этсанг, бир дамда жаллод бўлиб, жон оласан.

Ғамзанг, яъни нозу ишваларинг ва чиройли лабларинг билан бошқаларга устоз бўла оладиган даражада маҳоратлисан. Бу маҳоратинг билан бир лаҳзада ўлдиришга ҳам, тирилтиришга ҳам қодирсан, демоқда улуг шоир. Бу ўринда маъшуканинг лаблари жон берувчи, нозу ишваси эса ўлдирувчи кучга эга қудрат сифатида тасвирланмоқда.

Байтда лаълу ғамзанг бирикмаси орқали таъдид, муболаға, Масиҳо сўзи орқали талмеҳ ва Масиҳо ва жаллод сўзлари орқали шартли тазод санъатлари яратилмоқда.

Лаъли шавқидинки ғам тоғин қозарсен, эй кўнгул,
Не бало Ширин ҳаваслик нотавон Фарҳодсен.

Лаълдек лабига кучли интилишнинг натижасида ғам тоғини қазирсанг, эй кўнглим, нима бало, Ширинга ҳавас қилиб, интилган нотавон Фарҳодмисан?!

Навбатдаги байтда шоир кўнгилга мурожаат қилиб, маъшуқанинг лаълдек лабларига интилиб, бу интилиш йўлида ғам тоғини ҳам қазирганга тайёрсан, демоқда. Маъшуқанинг лабларига эътибор қаратаётган шоир бу ҳолда Ширинга интилган Фарҳодмисан, демоқда ўз кўнглига мурожаат қилишда давом этиб.

Байтда лаъли шавқиндин бирикмаси орқали истиора, эй кўнгул ундалмаси орқали илтифот, ширин сўзи орқали ийҳом, Ширин ва Фарҳод сўзлари орқали эса талмеҳ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Аҳли диллар чехраси олтун, сиришки сийм эрур,
Токи сийми ноб аро қилдинг ниҳон пўлод сен.

Дил аҳли бўлган ошиқларнинг чехраси олтинга, кўз ёшлари кумушга ўхшаган бўлади, сен эса тиниқ кумуш ичида пўлатни яширддингми?!

Навбатдаги байтда шоир маъшуқага мурожаат қилиб, сенга ошиқ бўлган ва бу билан бутун борлиғи кўнгилга айланиб, аҳли диллар қаторига кирган ошиқларнинг юзи сарғайиб, олтинга, кўз ёшлари эса кумушга айланмоқда. Сен ҳам буларга таассуб қилиб, кумушдек баданинг ичига пўлатдек қаттиқ кўнгилни жойладингми?! – демоқда.

Байтда аҳли диллар, чехраси олтин, сиришки сийм бирикмалари орқали уч ўринда истиора ва муболаға, олтин, сийм сўзлари воситасида таносиб, сийм ва пўлод сўзлари орқали шартли тазод, сийм сўзи такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв санъатлари юзага келмоқда.

Наргисингдин бир назар қилғилки асру бир йўли
Қулларинг ҳолидин, эй сарви равон, озодсен.

Эй озод сарвдек ёрим, нағиздек кўзларингдан қулларингга ҳам бир назар ташлаб қўй.

Навбатдаги байтда ҳам маъшуқага мурожаат қилган шоир, сенга қул бўлган ошиқларингга назар ташлаб – қараб қўй, демоқ-

да. Кул ва озод сўзларига эътибор қаратиб, тазод санъатига мурожаат қилаётган улуғ шоир, айна пайтда маъшуқага юриб турувчи сарвдек озод дея улуғламоқда.

Байтда эй сарви равон ундалмаси орқали илтифот, наргисингдан сўзи орқали истиора, бир сўзи орқали тақрир санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Найшакардек қаддинга, ваҳ, барғни тўн демаким,
Ишқпечон баргида бўлган ниҳон шамшодсен.

Шакарқамишдек (хипча) қаддинга кийган либосингни барғ демайман, балки сен зарпечакка ўралган шамшод кабисан.

Саврдек қаддига сарв барғлари каби яшил либос кийган маъшуқага мурожаат қилган шоир, сен бу қомату либос билан зарпечак орасида пинҳон бўлган шамшодга ўхшайсан, демоқда. Демак, маъшуқа тўни тагидаги кўйлаги сариқ – олтинранг бўлса керак.

Байтда найшакардек сўзи орқали ташбеҳ, барғ сўзи орқали тақрирнинг радд ул-ҳашв тури, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Хуррам ўлмассен сумурмай бир қадах, эйким, мудом
Чархдин кўнглинг бўлуб юз лахт қон ношодсен.

Тақдирдан кўнглинг юз лахта қон бўлгани ҳолда ношод бўлсанг, бир қадах симирмай, хуррам бўлолмайсан.

Навбатдаги байтда улуғ шоир тақдирдан кўнглинг юз лахта қон бўлишини истамасанг, маърифат шаробидан симиргин, демоқда. Маъвиза байтда улуғ шоир рамзу ишора орқали ўз ғазалхонига дунё ишларидан ғамга тушмаслик учун қалбни маърифатга ошно қилишни маслаҳат бермоқда.

Байтда эйким сўзи орқали илтифот, бир ва юз сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, жисминга пайконларидин лангар эт,
Йўқса бу оҳинг елидин ногаҳон барбодсен.

Эй Навоий, оҳинг шамолидан қутилмаганда барбод бўлишни хоҳламасанг (ёрингнинг) пайконларини лангар чўп қилиб ол!

Мақтаъда Навоий тахаллусини қўллаб, ўз-ўзига мурожаат қилган шоир оҳинг шабадасидан барбод бўлишни хоҳламасанг, маъшуканинг пайкондек киприкларини лангар қилиб ол, демоқда.

Мақтаъда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, пайкон сўзи, оҳинг эли бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари вужудга келмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллигига мафтун ва айни патда, унинг жафосидан озурда бўлган ошиқ қалбининг породоксал нолалари тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ёридин ҳеч ким менингдек зор-у маҳжур ўлмасун...”

Ёридин ҳеч ким менингдек зор-у маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машхур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмни, ё Раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоққа маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар ермиш қадах, эй тонг ели,
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасун.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Зор – бечора, интизор
Маҳжур – ҳижронда, айрилиқда
Гуфтугўй – сўзлаш, гапириб юриш
Мазкур – тилга олиш, зикр этиш
Мақдур – қудратга эга, имконият, қудрат доирасида
Покбоз – содиқ ва ғаразсиз ошиқ, ҳалол
Маъзур – обод этувчи, тузатувчи
Иморат – тузатиш, обод этиш, уй-жой
Рафиқ – ўртоқ
Маъмур – обод, тузатилган
Қадах чекмоқ – қадахда май ичиш
Махмур – ҳуморли, маст
Қовди – қувди
Уўй – кўча, гузар
Ўлмасун – бўлмасун

Насрий баён

Ҳеч ким мен каби ёридан айрилиб, зор-у нола қилмасин, бутун оламда маломатга қолган, беобрў бўлмасин.

Майли, мен унинг ишқини ҳикоя қилиб, оғизларга тушиб, овора бўлайин, минг-минг розиман. Аммо унинг оти ҳар кимнинг тилида айтиладиган бўлмасин.

Ё Раб, унинг зулму ситамини жонимга шунчалик кўп етказгинки, унга ошиқ бўлишни бошқаларнинг қурби етмасин, яъни бу ошиқлик бахти бошқаларга насиб этмасин.

Мен-ку унинг ишқида ўлдим, лекин содиқ ошиқлар менинг мотамимга ох-у нола чекиб, аза тутиши ўзини мажбур қилмасин.

Эй дўст, насиҳатларинг билан кўнглимни кўтаришга уринма (кўнглим уйини тузатаман деб ўйлама), кўнглимиз уйини ул бевафо бузди, илоҳо, бу бузилган иморат ҳеч обод бўлмасин.

Эй тонг эли, гул юзли санамим, кечалари қадахда май сузиб ичармиш, сен хушёр бўл, менинг ҳолимни унга айтаётганингда, у маст бўлмасин (чунки маст чоғда қулоғига гап кирмайди, эътибор қилмайди).

Ёрнинг васлига етиб, қувондим, аммо у (аччиғланиб) мени қувиб юборди. Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасин.

Шарҳ ва изохлар

Бу ғазалда мураккаб иборалар, сўз ўйини ёхуд қочириқлар йўқ. Навоий бунда ҳам содда ва равон бир усулда ошиқнинг ёр айрилиғида кўнглидан кечган ҳиссиётларини ҳасратли оҳангда баён этган. Ошиқ зор-у саргардон, атрофдагилар уни маломат қиладилар, устидан куладилар. Аммо у бундан хафа емас, аксинча, унинг ёрига ишқи шунча зўрки, не бало келса чидашга тайёр, майли мен расво бўлайин, девона, телба деб устимдан кулсинлар, лекин унинг номини тилимдан қўймагайман, қанча азоб бўлса ҳам чидайман, фақат унинг номи бошқалар оғзига тушмасин, бошқалар унинг ишқи дардини чекиш бахтига муяссар бўлмасин, деб Аллоҳга илтижо қилади ошиқ. Бу муҳаббатнинг кучи, севги ва садоқатининг изҳори. Ошиқ ёрини қизғанади, у фақат меники, менинг бахтим, менга ҳеч ким шерик бўлмасин дейди.

Бешинчи байт анъанавий равишда “бозгашт” (қайтиш) бўлиб, ошиқ ёрига бўлган беғубор ҳисларини шиддатли оҳангда, қиёсли ташбеҳлар орқали тасвирлаб, бировларнинг унга насиҳат қилиб бу йўлдан қайтаришларини хоҳламайди. Аксинча, ошиқнинг бахтиёрлиги айни ана шу беҳуду расволик, висол йўлидаги аламлар чекишидадир. Шу боис ишқ билан бузилган кўнгли уйини ишқдан халос бўлишга чорловчи панд емас, балки ишқнинг ўзи тузатади.

Мана шундай тасвирлар билан ғазал мақтаёида яна бир ҳолат чизилади: ошиқ ёр васлига етиб, хурсанд бўлганда, ёри

уни ҳузуридан қувиб юборади. Яъни маҳбублар ҳузури доимий ором ва шодлик жойи эмас, улар нозик табъ подшолардай озгина “беадаблик”ка ҳам чидамайдилар. Яъни айрилиқ ҳам, васл ҳам ошиқ учун синов, дарддир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Ноумиде мен киби борму экин жононидин...”

Ноумиде мен киби борму экин жононидин,
Жонға етган кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин?

Фард хушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шаҳру мулкидин, овора хонумонидин?

Танга меҳнат равзанин очқон яқонинг чокидин,
Жонға рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин?

Ҳам салоҳ уйни қаро айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил килғон алифлар қонидин?

Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо,
Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.

Жомима ҳар давр куй, сокий, ҳалоҳил захриким,
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.

Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқдадур,
Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.

Ростлиғда сарви озода йигитлик боғидин,
Покликда лаъли раҳшоне эранлик конидин.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки айрилғай бегидин, бек неким, султонидин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзүф

Лутат

Фард – якка, ёлғиз, ажралган
Маҳжур – айрилиқда, ҳижронда қолган одам
Меҳнат – азоб-уқубат, машаққат, қийноқ
Равзаи – ешиқ, дарча, мўри
Риҳлат – кўчиш, нариги дунёга сафар
Навҳа – нола, фиғон, куй
Салоҳ – тузатилган, парҳезкорлик, тўғрилиқ
Бало – офат, бадбахтлик, зарар, бузилиш
Порсо – парҳезкор, тақводор одам
Давр – бу ерда май косасининг ўтирганлар даврасида навбат
билан айланиб келиши назарда тутилган
Таҳ-батаҳ – ич-ичигача, буткул
Тоси нигун – осмон (тўнтарилган идиш)
Муганний – чолғувчи, кўшиқчи
Сарви озод – тикка ўсадиган дарахт тури
Еран – мард, тариқатга ўзини бағишлаган киши
Ҳалоҳил – ўлдирувчи, қотил
Туган – доғ, яра, жароҳат изи

Насрий баён

Мен каби ёр васлидан умидини узган, шу боис кўнгил азобидан
жони қийналган, жони эса кўнглидан зада бормикан?!

Ҳуши ва сабридан жудо бўлган тақво ва илмидан, шахру мам-
лакатидан айрилган, уй-жойиндан адашган овора;

ёқасининг йиртилганидан танаси илма-тешиқ бўлган, дили-
нинг фиғони зўридан ўлим ноласини чеккан;

Яра (доғ)лар азобидан осойишталик, соғлиқ уйини хароб етган ҳамда бало зарбаси туфайли оққан қонлардан балонинг ўзининг ҳам юзини қизил қилган одам борми?

Эй парҳезкор зоҳид, мен ҳам бир вақтлар кўнгли бутун, ақл-у ҳуши жойида бўлганлар жумласидан эдим, аммо бир маҳбуб фироқида бу ғаму андуҳлар ичида қолдим.

Эй соқий, қадахимга ҳар гал навбатим келганда май ўрнига қатл этувчи заҳар қуй, негаки фалак зулмидан ичим қонга тўлгандир.

Эй чолғувчи (қўшиқчи), навҳа – айрилиқ ноласини чалким, хаста жоним бу ҳазин, ғамхона жисм отлиғ бу кулбадан чиқмоқдадир.

Ул санамнинг қадди шундай гўзалки, ёшлик боғининг чиройли дарахти – тик ўсувчи сарвни эслатса, покликда мардликнинг конидан топилган нур таратувчи лаъл сингаридир.

Навоий, ҳар дамда жон беришга тайёр, қул бегидан, бек нима, султонидан ажралганда жон берса ажаб эмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Ошиқнинг айрилиқдаги изтироби дастлабки тўрт байтда кетма-кет изтиробли, ҳазин оҳангда тасвирланган. Бу ҳол кейин тўртинчи ва бешинчи байтларда изоҳланади, яъни ноумидлик сабаблари талқини берилади. Умуман олганда, мумтоз адабиётимизда ошиқ ҳолатлари ҳазин ва ғам-алам ичида кўрсатиш бир ўзига хос анъана эди. Бунинг икки сабаби бор: бири шуки, мумтоз шоирларимиз, жумладан, Алишер Навоий идеаллар – орзу-армонларга ошуфталик, маъшуқага етишиш дард-у изтиробида қалам тебратганлар. Идеаллар билан реал ҳаёт эса кўпинча мувофиқ келмайди, Навоийнинг ўзи қайд этганидай, “аҳли замондан яхшилик” кутиш, вафо исташ хато. Аммо кўнгил ўзгармас, содиқ ва вафодор ёр истайди, дардқаш, дилга малҳам, танга роҳат берувчи, нафақат ҳиссий кечинмалар, балки муборак ва улуғвор ғояларга шерик, ҳаммаслак кишини қўмсайди.

Иккинчи томондан, юқорида қайд қилинганидай ҳар бир “реал тасвирлар”, яъни мажозий образлар талқини тагида, илоҳийликка

– Ҳақиқатга интилувчи ошиқ қалби кечинмалар ётади. Ҳақиқатга ошиқлик эса реаллик орқали борар экан, реалликнинг синовлари – қийноқларини бошидан ўтказиши муқаррар. Келтирилган ғазалда ҳам бунга ишоралар анча. Масалан, жонон – бу Мутлақ рух, унга етишгунча ошиқда умидсизлик ҳам, ноумидлик ҳам бўлаверади, то тажаллийёт нурини идрок этмаса, талпинишлари давом этаверади. Шу йўлда у девоналардай беҳуду бесабрدير.

Навоий қаҳрамони ҳам аввалида хотиржам, ақл-у ҳуши жойида, расм-русумлар, ахлоқу одоб доирасида ўзини тутадиган одам бўлган. Аммо илоҳий ишққа гирифтор бўлгач, хонумони, бору йўғини унутади. Кўнгил уйи бузилади, салоҳиятдан парижонликка юз тутади. Тўртинчи байтда “бало” сўзи орқали сўз ўйини ясалган: “бало” ошиқни синаш учун юбориладиган синов ва ҳамда маъшукнинг ўзи маъносида келади.

Бундаги алиф эса, баланд қомат, гўзал маҳбуба қаддига ишорадир. Шоир “алифлар” деб ўқ (пайкон)га ҳам ишора қилган. Яъни маҳбуб отган ўқлар юракка тегиб, сачраган қонидан унинг ўзининг юзи ҳам қизил бўлади, демоқчи. “Қон” сўзи кейинги байтларда борлиги шу тасвирнинг ёрқинроқ қилиб берилганидир. Маъшуканинг гўзаллиги, аммо бевафолиги, бундан ошиқнинг қийналиши бир-биридан чиройли, шу билан бирга, бир-бирини қувватлантирадиган ва муболағали ҳолатда тасвирланиб, ўқувчини мафтун этадиган лирик тасвир юзага келтирилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

—
“Ноумиде мен кеби борму экин жононидин...”
—

Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Жонға еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин.

Фард хушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шаҳру мулкидин, овора хонумонидин.

Танға меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин,
Жонға рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин.

Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил қилган алифлар қонидин.

Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо,
Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.

Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил захриким,
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.

Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқтадур
Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Кулки, айрилғай бегидин, бег неким, султонидин.

Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин,
Покликда лаъли раҳшоне эранлик конидин.

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Фард – 1) Ёлғиз, якка, танҳо; 2) ажраган, ҳоли; 3) маъно жиҳатидан мустақил, якка бир байт

Маҳжур – айрилиб қолган, узоқлашган; маҳкум; узоқ

Равзан – туйнук, дарча, тешик

Рихлат – кўчиш, ўлиш

Салоҳ – 1) Парҳезкорлик, зуҳду тақво; 2) тўғрилик, ахлоқлилик, одоблилик; ёмон ишлардан ўзни сақлаш; 3) осойиш

Порсо – такводор, художўй

Ҳалоҳил – ўткир, таъсирчан, ҳалок этувчи, ўлдирувчи

Таҳ-батаҳ – қатма-қат, тагма-таг, қаватма-қават

Нигун – 1) Эгилган, букилган; 2) ағдарилган, тўнкарилган; тескари

Кулбаи аҳзон – ғам уйи, ғам кулбаси

Ростлиғ – ҳалоллик, тўғрилиқ

Рахшон – ялтироқ, порлоқ, жилваланувчи

Эранлиқ – мардлик, ботирлик

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги тўққиз байтли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, тушкунликдаги ошиқ кўнглидан ўтган аламу изтироблар акси сифатида қоғозга туширилган.

Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Жонга еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин.

Мен каби жононидан, нафақат жононидан, балки, жонга етган кўнглидан, кўнгли тутулган жонидан ноумид бир одам бормикин?!

Матлаъ тушкунлик руҳидаги фожеавий тафос билан бошланмоқда. Ғазалнинг лирик қаҳрамони севгилисидан умидсизлиги сабабли маъшуқасининг ёди ўрин олган кўнглидан, кўнгил жой олган жонидан ҳам умид узмоқда.

Байтда фожеавий пафос билан бирга гўзал сўз санъатлари – жон ва жонон сўzlари орқали иштиқоқ, жон ва кўнгил сўzlари орқали тарду акс ва айни пайтда таносиб, шу билан бирга муболаға ва тадриж санъатлари ҳам яратилмоқда.

Фард ҳушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин.

Ҳушу сабридан айрилган, ибодату илмидан маҳрум бўлган, шаҳар ва юртидан узоқашган, хонумонидан овора (бўлган мендек бечора бормикин?!)

Ушбу байт матлаъ билан бир гапни ҳосил қилмоқда. Яъни, байтнинг ниҳояси “мен кеби борму экин...” бирикмаси юқоридаги байтда. Давоми эса иккинчи байтда ўрин олган. Юқоридаги тасвирлар орқали ишқ дардидан тобора хароб бўлаётган ошиқ қиёфаси янада яққолроқ очиб берилмоқда.

Байтда ҳушу сабр, зуҳду илм, шаҳру мулк, хонумон сўзлари орқали таъдид, шаҳру мулк ва хонумон ҳамда мажҳур ва айру сўзлари воситасида эса икки ўринда таносиб, муболаға ва тадриж санъатлари қўланилган.

Танға меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин,
Жонға рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин.

Танасига кулфат ва азоб туйнугини ёқа чокидан очиб, жонга кўчмоқ ноласини кўнгул фиғонидан тузган бечора-чи?!

Навбатдаги байт ҳам матлаъ билан ҳамон бир бутунлик касб этмоқда.

Яъни: ёқа чокидан меҳнат туйнугини очган ва уни бутун вужудга тарқатган, кўнгул фиғони билан эса (нариги дунёга) кўчиш, яъни ҳалокат ноласини бошлаган (яна бир бечора) борми мен каби демоқда улуг шоир ошиқ кўнгул изтиробларини тасвирлаб.

Байтда меҳнат равзаси, ёқанинг чоки, рихлат навҳаси, кўнгул афғони бирикмалари орқали тўрт ўринда исиора, мувозана ва муболаға санъатлари ҳосил қилинган.

Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил қилган алифлар қонидин.

Тақводорлик уйини (сочи) тугунлар дудидан қора қилиб, бало юзини (қадди) “алиф”лар қонидан қизил қилган ночор-чи?!

Навбатдаги байтда ҳам ошиқ кўнгул изтиробларини тасвирлар экан, ғазалдаги фожеавий пафос навбатдаги поғонага кўтарилади. Ошиқлик кўчасига кирган ва бу йўлда шунча балоларга йўлиққан яна бир бечора бормикан?! – дейди шоир алам билан.

Ушбу байтда ҳам гўзал бадиий санъатлар – мувозана, ҳам сўзи такроридан тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо, қора ва қизил сўзлари орқали таносиб, туганлар ва алифлар сўзлари ёрдами-

да истиора, “салоҳ” - صالح сўзининг бош ҳарфи “сод” – “ص”нинг тугунга ўхшателиши ва “бало” – ʼʼ сўзидаги “алиф” – ʼ ҳарфига мурожаат қилиш орқали орқали китобат санъати ва муболаға санъатлари яратилган.

***Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо,
Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.***

Эй порсо, мен ҳам бир кун тақводорлар аҳлидан эдим, бировнинг айрилиғи сабаб бу уқубатлар орасида қолдим.

Ниҳоят, бешинчи байтга келиб, ошиқ ўз уқубатлари баёнидан тўхтаб, тақводор ва дардсиз инсон – порсога мурожаат қилиб, ишқининг тарихиди сўз очмоқда. Бир пайтлар ошиқ ҳам парҳезкор дардсизлар аҳлидан эди. Лекин бир инсоннинг айрилигидан бундай кунларга тушган.

Байтда бир ва биров сўzlари ёрдамида иштиқоқ, эй порсо ундалмаси орқали илтифот, бир, бу, уқубат, биров сўzlаридаги “б” товуши орқали тавзеъ – товушдошлик санъатлари ҳосил бўлмоқда.

**Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил захриким,
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.**

Эй соқий, жонимга ҳар лаҳза ўлдирувчи заҳардан қуйки, ичим бу давроннинг тескари тоғорасидан қаватма-қават қон бўлган.

Навбатдаги маъвиза байтда лирик қаҳрамон замон ва замондошлардан нолимоқда. Яъни, тескари турувчи тоғорага ўхшаган тақдир уни маъшуқасидан айрибгина қолмай, кўнглини қават-қават қонга тўлдирган. Бу дарддан ҳалос бўлишнинг йўли эса соқийга мурожаат қилиб, ҳалокатли заҳардан бир эмас, ҳар лаҳзада бир ииёладан ичишдир.

Байтда давр ва даврон сўzlари орқали иштиқоқ, ҳар, ҳалоҳил, захр, таҳ-батаҳ сўzlари орқали “ҳ” товуши такроридан тавзеъ санъатлари яратилмоқда.

**Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқтадур
Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.**

*Эй муғанний, мотам нағмасини тузки, бу хаста жон жисм отли
ғам уйидан чиқмоқдадир.*

Навбатдаги байтда тинмай изтироб чеккан ва соқийдан ўткир заҳар сўраган ошиқнинг ҳалокати қаламга олинади. Шунинг учун у муғаннийга навҳа – мотам куйини чалишни илтимос қилади.

Байтда эй муғанний ундаймаси орқали илтифот, мақоми навҳа, хаста жон, жисм уйи, кулбаи аҳзон бирикмалари орқали тўрт ўринда истиора, жон ва жисм сўзлари воситасида эса таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки, айрилғай бегидин, бег неким, султонидин.

*Навоий жон бермоқда, ахир бегидан, нафақат беги, султонидан
айрилган қулнинг жон бериши ажабланарли эмас-да!*

Навбатдаги байтда шоир лирик қаҳрамон – Навоийнинг ҳалокати бежиз эмаслигини таъкидлиб, ўзини қулга, маъшуқасини эса бегга, бу билан ҳам кифояланмай, султонга қиёслаган ҳолда, шундай ёридан айрилган инсоннинг ҳалокати муқаррар эканлигини айтмоқда.

Байтда тарду акс, қул, бег, султон сўзлари орқали таносиб ва тадриж, ружуъ ва муболага санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ғазал байтлари аро тадриж санъати юзага келмоқда.

Ростлиғда сарви озде йигитлик боғидин,
Покликда лаъли рахшоне эранлик конидин.

*Тўғрилиқда йигитлик боғининг озод сарви, покликда мардлик
конидаги жилвалантирувчи лаълидир!*

Қизиқ ҳолат! Мақтаъдан кейин байт яна бунинг устига матлаъ каби қофияланувчи байт! Навоий ижоди учун кутилмаган ҳолат бу! Бу маъшуқ тасвирига ўхшаяпти. Зеро, ошиқ ўзини қул каби атаб, уни бег дея, бу сўздан ҳам кифояланмай, султон дея улугловчи маъшуқи таърифига мақтаъдан кейин ҳам бир байт бағишлаганмикин?!

Ҳар қалай ғазал ўзининг ожиз ва бенаволигини байтма-байт чуқурлаштириб тасвирлаётган ошиқнинг эҳтиёжсиз ва комил

маъшуқи таърифи билан якунлангани ҳам унга ҳам ўзига хослик бағишлаб, ҳам ажойиб уйғунлик касб этмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин...”

Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин,
Жон қачон бергай Масиҳ алфози эл таҳриридин.

Руқъаси гар барча қатлим ҳукмидур хушдурки, бор
Қатл ҳукми ҳирзи жон Исодамим таҳриридин.

Кимки, кўрса, ваҳки, махфий ишқим ўтин фаҳм этар,
Руқъасин очиб ўқурда ҳолатим тағйиридин.

Номасин очқанда юз девоналиғ қилдинг дема
Ким, хабар йўқтур манга, биллаҳ, аларнинг биридин.

Не фусун қилмиш эди билманки, йўқтур ақлу ҳуш,
Нотавон кўнглум аро алфозининг таъсиридин.

Руқъаедур чарх чирмашлиқки, мазмун суратин
Ҳеч ким фаҳм этмади унвонининг тасвиридин.

Ҳар не ёзмиш оллингга қилки қазо кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас тенгрининг тақдиридин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Пайғом – 1) Хабар, дарак; 2) башорат

Осиғ – фойда, наф, суд

Тахрир – ёзиш, асар ёзиш

Алфоз – 1) Сўзлар, иборалар, жумлалар; 2) гапириш услуби, талаффуз; 3) тил

Тақрир – муқаррар қилиш, тасдиқлаш, баён қилиш, сўзлаш

Руқъа – 1) Хат, мактуб; 2) ямоқ

Тағйир – ўзгартиш, ўзгариш

Фусун – сеҳр, авраш, хийла, найранг, фириб

Унвон – сарлавҳа, унвон

Тасвир – 1) Хаёл, тасаввур; 2) хаёл қилиш, тасвирлаш

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ёридан мактуб олган ошиқ таассуротлари, арзи ҳоли қаламга олинади.

Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин,
Жон қачон бергай Масиҳ алфози эл тақриридин.

Ёр хабари ўзгалар таҳрири билан (келса) нима фойда, ахир Масиҳ нафаси ўзгалар баёни билан жон бергувчи бўлмайди-ку!

Матлаъда ёридан мактуб олган, лекин уни ўзгалар кўздан кечирган деб тахмин қилаётган ошиқ ҳолати тасвири баён этилган. Унда ёр мактуби Масиҳ каломига, муҳаррирнинг таҳрири эса ўзгаларнинг тасдиқлашига қиёсланмоқда.

Байтда тамсил ва талмеҳ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Руқъаси гар барча қатлим ҳукмидур хушдурки, бор
Қатл ҳукми ҳирзи жон Исодаим таҳриридин.

Мактуби қатлимга ҳукм қилса ҳам, яхши, қатли ҳукми ҳам Исо нафаслигим таҳрирдан жон Ҳизрига айланади.

Мактубидаги аччиқ-тизиқ гаплар, ўпка-гиналар ошиқ учун қатл ҳукми каби бўлиб кўринади. Бироқ у маъшуқа сўзлари бўлганлиги учун ошиққа Исо нафаси каби ижобий таъсир қилади. Кўнглини кўтариб, танасига жон киргизгандай бўлади.

Байтда ҳукми сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, муболаға ва радд ул-қофия санъатлари яратилмоқда.

Кимки, кўрса, ваҳки, махфий ишқим ўтин фаҳм этар,
Руқъасин очиб ўқурда ҳолатим тағйиридин.

Ким хатини очиб, ўқиётган пайтимдаги ҳолатимни кўрса, аҳволимнинг ўзгаришидан ишқимнинг махфий ўтини фаҳм этади – пайқайди.

Ошиқ ишқини ҳар қанча пинҳон сақлашга ҳаракат қилмасин, айни пайтда кўрқаяпти. Хатни ўқиётгандаги ҳолатимни биров кўриб қолса, кучли ҳаяжонимдан ошиқлигимни билиб қолади деб ўйлаяпти.

Байтда ишқим ўти бирикмаси ёрдамида истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Номасин очқанда юз девоналиғ қилдинг дема
Ким, хабар йўқтур манга, биллах, аларнинг биридин.

Номасини очиб ўқиганингда юз турли телбаликлар қилдинг, демаки, менда уларнинг биридан ҳам (Худо ҳаққи) хабарим йўқ.

Навбатдаги байт юқоридаги байтнинг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Унда ёр мактубини ўқиб, ҳаяжонга тушган ошиқ маломат қилганларга жавоб бермоқда. Яъни, мактубни очиб, ўқиш жараёнида юз хил ҳолатга тушдинг, турли жинниликлар қилдинг, деманг, бунинг фойдаси йўқ. Чунки мен бу пайтда қандайлигимдан бутундай беҳабар эдим.

Байтда юз ва бир сўзи орқали таносиб, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Не фусун қилмиш эди билманки, йўқтур ақлу ҳуш,
Нотавон кўнглум аро алфозининг таъсиридин.

Қандай ҳийла эканки, билолмадим. Нотавон кўнглим ичида сўзларининг таъсиридан ақлу ҳушим йўқолди.

Навбатдаги байтда ёр мактубидаги сўзларнинг таъсири афсунга тенглаштирилмоқда. Севгилим мактуби орқали менга қандай афсун ўқиди экан, билмадим, сўзларининг таъсиридан ақлу ҳушим ҳам йўқолди, демоқда бечора ошиқ.

Байтда мувозана ва муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Рукъаедур чарх чирмашлиқки, мазмун суратин
Ҳеч ким фаҳм этмади унвонининг тасвиринин.

Бу шундай мактубки, гўё тақдирга чирмашиб кетган, сарлавҳаю манзилига қараб, ҳеч ким маъною мазмунини англолмайди!

Навбатдаги мавъиза байтда улуғ шоир мавзудан четлашмаган ҳолда лирик чекиниш қилмоқда. Яъни, ёрнинг мактубини тақдир ёзуғига қиёслаган Навоий сарлавҳаю, манзилига, умуман ташқи кўринишига қараб, ҳеч ким мазмунидан бохабар бўлмолмади, демоқда. Дарҳақиқат, тақдирнинг битигини мазмунини тушунишдан бандаси ожиз! Ёрнинг ошиғига рамзу ишоралар билан битган мактуби ҳам рақибдан яшириш учун ёзилганлигиданми, уни ошиқдан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди. Фақат ошиққина уни англаб, ҳар бир ҳарфидан юз турли ҳаяжонга тушади.

Байтда муболаға санъати ҳосил бўлмоқда.

*Ҳар не ёзмиш оллингга қилки қазо кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас тенгрининг тақдиринин.*

Эй Навоий Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмайди, шундай экан, тақдир қалами ниманики ёзса, (ризалик ва таслимият билан) кўравериш керак!

Мақтаъда Навоий тақдир мактуби тўғрисида сўз юритмоқда. Яъни, тақдирга қарши чиқиб бўлмайди. Шунинг учун унинг ёзуғларини мажбурият билан эмас, ризалик ва чиройли сабр билан қабул қилиш керак! Ана ўшандагина бандаси тақдирдан устун кела олади!

Байтда қилки қазо бирикмаси орқали истиора, эй Навоий ундалмаси воситасида илтифот, қазо ва тақдир сўзлари орқали

таносиб, тақдирни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари юзага келмоқда. Бундан ташқари ҳазалда таҳриридин тақриридин тағйиридин таъсиридин тасвиридин, тақдиринин кафи қофиядош сўзлар орқали байтлар аро тавзеъ – товушдошлик санъати ҳам ҳосил бўлмоқда.

Мақтаъ айни пайтда маъвиза байтдаги фикрларни кучайтирган ҳолда давом эттириб, юқоридаги ошиқона байларбилан гўзал бир уйғунлик касб этмоқда.

Ушбу ғазал кўз олдимизга “Лайли ва Мажнун” ёки “Фарҳод ва Ширин” дostonларидаги ёр мактубини олган ошиқларни кўз олдимизга келтиради. Ҳар иккала ошиқ ҳам худди ғазал лирик қаҳрамонининг аҳволига тушган. Ҳаяжонланган, ҳайратда қолган, ўзлигини унутган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин...”



Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин,
Сен жигар парғоласин бағримга пайванд айлайин.

Чок этиб кўкsumни маҳв айлай сени бағрим аро,
Неча бу уммид ила кўнгулмни хурсанд айлайин.

Кўзда мардум бўл, кўнгулда жон ерин тут, ваҳ неча,
Кўзни муштоқу кўнгулни орзуманд айлайин.

Оз бало солди кўнгул бошимга оне, эй рафик,
Қўйки, тишлаб-тишлабон, парканд-парканд айлайин.

Не ачиғланмоқдур андин, не чучук сўз, эй кўнгул
Хоҳ аччиғ йиғлайин, хоҳий шакарханд айлайин.

Гулшани васлин тилар жон, ер куйи, жисми заиф,
Неча кудсий кушқа мундоқ торни банд айлайин.

Дер Навоий, Вомиқу Мажнундек ўлғил, ваҳ, не навъ
Куч била хуш аҳлиға ўзумни монанд айлайин.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ҳазин – ғамгин, хафа, қайғули

Паргола – 1) Парча-парча, бўлак; 2) изтироб, алам, қайғу

Кудсий – поклик, покизалик, муқаддаслик; покликка мансуб

Монанд – ўхшаш, тенг; баробар

Шарҳ ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал ушбу ғазал ёрга яқин бўлишни, бунга ҳам кифоя қилмай, уни дилу жонига, қалбига жойлаб олишни ният қилган жонфидо ошиқ қалб изҳоридир.

Матлаъдаёқ бу эзгу ният намоён бўлади:

Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин,
Сен жигар парголасин бағримга пайванд айлайин.

*Келақол, висолингдан ғамгин жонимни хурсанд қилай, сен(дек)
жигар порасини бағримга улаб, пайванд қилай.*

Матлаънинг биринчи мисраси оддийгина ният шаклида ёзилган бўлиб, иккинчи мисрада шу ният поэтик ривожлантирилмоқда. Ошиқ маъшуқасини жигар порасига ўхшатиб, уни асл манбаси – бағрига улаб, пайванд қилиб олиш ниятида.

Байтда ҳазин жоним, жигар парголаси бирикмалари орқали истиора ҳамда муболага санъатлари яратилмоқда.

Чок этиб кўксумни маҳв айлай сени бағрим аро,
Неча бу уммид ила кўнглумни хурсанд айлайин.

Кўксумни ёриб, сени бағрим ичида йўқ қилай, (ҳеч бўлмаса) шу умид билан кўнглимни хурсанд қилай.

Иккинчи байтда малаъдаги фикр янада кенгайтирилиб, тас-
вирланмоқда. Яъни, ошиқ маъшуқасини кўксини ёриб, ичига
жойлаб – яшириб олмоқчи. Бу ўринда ёрга яқинлик орзуси билан
бирга уни бошқалардан қизғаниш – рашк туйғуси ҳам мавжуд
бўлиб, мана шу умид билан яшаётган ошиқ ўз кўнглини хурсанд
қилмоқчи.

Байтда кўксум, бағрим, кўнглим сўзлари орқали таносиб, му-
болаға ва радд ул-қофия санъатлари вужудга келмоқда.

Кўзда мардум бўл, кўнгулда жон ерин тут, ваҳ неча,
Кўзни муштоқу кўнгулни орзуманд айлайин.

Кўзда қорачиқ каби бўл, кўнгулда жон жойлашадиган ерда ўрин ол, шу орзулар билан кўзни муштоқ ва кўнглини орзуманд қилай!

Ушбу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 371-рақам билан ўрин ол-
ган машҳур “Қаро кўзум” ғазалининг матлаъсидаги:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил.

байтини ёдимизга солади. Фақат унда маъшуқани кўзга жой-
лаштириб, у билан оламга боқмоқчи бўлган шоир ушбу байтда кўз
ва кўнглини параллел равишда маъшуқага маскан қилмоқчи. Бу
йўлда кўз муштоқ, кўнгул эса орзуманд. Нақадар гўзал муҳаббат
изҳори, шундай эмасми?!

Байтда кўз сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-садр
илал ибтидо, кўнгул сўзи такроридан эса радд ул-ҳашв илал ҳашв
турлари, кўз ва кўнгулни жонлантириш орқали икки ўринда таш-
хис, муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Оз бало солди кўнгул бошимга оне, эй рафик,
Қўйки, тишлаб-тишлабон, парканд-парканд айлайин.

Эй, дўстим, (бу) кўнгил (деганлари) бошимга оз(гина) бало солди, (энди мени ўз ҳолимга) қўйки, (уни узиб, кўпайтириб,) бўлак-бўлак қилай!

Навбатдаги байтда қалбидаги ишқдан ҳам, бу ишқ туфайли бошига келган балолардан ҳам қоникмайдиган ёки киноя орқали бу балолардан безор бўлган ошиқ нолалари жамланган. Мана шундай ташналик туфайли у кўнглини тишлаб, аламини олмоқчи. Ёки шу йўл билан балолар сонини кўпайтирмоқчи.

Байтда эй рафиқ ундалмаси орқали илтифот, кўнгулни жонлантириш воситасида ташхис, тишлаб-тишлабон, парканд-парканд сўзлари орқали эса мукаррар санъатлари яратилмоқда.

Не ачиғланмоқдур андин, не чучук сўз, эй кўнгул
Хоҳ аччиғ йиғлайин, хоҳий шакарханд айлайин.

Маъшуқамдан аччиқ сўз ҳам, ширин калом ҳам йўқ, шундай экан, аччиқ йиғлашни ҳам, ширин табассум қилишни ҳам билмайман.

Ошиқнинг ўз кўнглига мурожаат қилинадиган навбатдаги байтда маъшуқанинг ҳатто озорларини соғинган ва бу соғинчга чора тополмаган ҳолати тасвирланмоқда. Бундай пайтда ошиқ йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай, аросатда қолади.

Байтда не сўзи такроридан тақрир, аччиқланмоқ ва аччиқ сўзлари орқали таносиб, чучук ва шакарханд сўзлари воситасида таносиб, хоҳ ва хоҳий сўзлари воситасида ҳам тақрир ҳамда эй кўнгул ундалмаси орқали илтифот санъатлари яратилмоқда.

Гулшани васлин тилар жон, ер қуйи, жисми заиф,
Неча қудсий қушқа мундоқ торни банд айлайин.

Жон висоли гулшанини тилайди, лекин ер паст, жисм заиф, покиза ва муқаддас қушга қачонгача бу тор (қафасни) банд қилай, ахир?!

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий илоҳий ишқ, илоҳий висол тўғрисида сўз юритади. Шунинг учун заиф жисм ва паст ердан юқориламаётгани билан барибир ўз руҳини муқаддас қушга тенглайди. Бу қушни тор жойда банд қилиб, нима ҳам қилдим, демоқда у чорасизлик билан.

Байтда жон ва жисм сўзлари орқали таносиб, қудсий қуш, гулшани васли бирикмалари орқали эса истиора, муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Дер Навоий, Вомиқу Мажнундек ўлгил, ваҳ, не навъ
Куч била ҳуш аҳлиға ўзумни монанд айлайин.

Навоий (менга) Вомиқ ва Мажнунлар каби бўлгин дейди, лекин қандай қилиб, зўрлик билан ҳушёрлар аҳлиға ўзимни тенг қилай?!

Мақтада лирик қахрамон Навоийга мурожаат қилиб, “у мени ишқда камолга етган Вомиқ ва Мажнун каби ошиқлардай бўл”, – дейди. Лекин улар мен учун ҳушёрлар – мен эса ишқ йўлида мастман. Шунинг учун улар қаёқдаю, мен қаердаман, демоқда. Байтда камтаринлик либосига ўранган гурур, ўз ишқини баланд қўйиш ҳисси мужассам.

Байтда Вомиқ ва Мажнунга мурожаат қилиш орқали ташҳис ва муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Умуман олганда, маъшуқага яқинлик, бирлик орзуси билан бошланган ушбу ғазал ўз қалбидаги муҳаббат ифтихори билан якунланмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Масиҳодин лабинг афсах, қуёштин оразинг аҳсан...”

Масиҳодин лабинг афсах, қуёштин оразинг аҳсан,
Қуёшингга фалак ҳайрон, Масиҳингга қуёш маскан.

Кўзумда гарди майдонинг, танимда нақди пайконинг,
Анга кўз мардуми хозин, мунга жон қулбаси махзан.

Ясармен юз мақолат, ваҳ, бўлур кўргач ани ногаҳ,
Кўзум ҳайрон, таним ларзон, эсим волиҳ, тилим алкан.

Шикебу сабр уйин буздики, рухсоринда кўргузди
Хатидин нур уза зулмат, юзидин ўт аро гулшан.

Тўкарсен қон кўзунг бирла, берурсен жон сўзунг бирла,
Ажойиб зуфунунисенки, ҳар фан ичра сен якфан.

Маломат тоши доғидин ёруди ишратим шамъи,
Ажаб кўкурд ўтидин айладим бу шамъни равшан.

Ясарда сунъ меъмори фалак ғамхонасин гўё
Ки, қилди дарду ғам кирмакка ҳар кавкабни бир равзан.

Сен истаб Хизр умри, турфа буқим, гунбади хазро
Юзига тун қорасин суртубон айлар санга шеван.

Навоий, асрабон тамкин, кишидин истама таҳсин,
Чу шаҳ кўргузди истиҳсон, кўруб назмингни мустаҳсан.

V — — — V — — — V — — — V — — —
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Луғат

Афсаҳ – фасихроқ, энг фасих, баёни равшан; очиқ, мароқли
баён

Аҳсан – 1) Энг яхши, яхшироқ, гўзал, аъло; 2) мақтов, офарин

Мардум – кўз қорачиғи, кўз қораси

Хозин – 1) Ҳазиначи, кўрикчи; 2) девонбеги

Маҳзан – 1) Ҳазина, қимматли мол-ашё сақланадиган жой;

2) ганж

Ларзон – қалтираган, титраган

Волиҳ – шайдо, асир, гирифтор, мубтало

Алкан – лол, соқов, дудук

Шикеб – 1) сабр, тоқат, чидам; 2) ором, тинчлик

Зуфунун – 1) илм-хунарлар эгаси; 2) билимли, донишманд;

3) фаҳм-фаросатли

Якфан – бир ҳунарни, ўз ҳунарида ягона; моҳир

Сунъ – ясаш, яратиш: иш, ҳунар, маҳорат; Худо

Кавкаб – юлдуз, сайёра

Равзан – туйнук, дарча, тешик

Гунбади хазро – мовий гунбаз, осмон гунбази

Шеван – нола, зори

Тамкин – оғирлик, чидам, сабот; вазминлик

Таҳсин – олқишлаш, офарин айтиш

Истеҳсон – маъқуллаш, макташ

Мустаҳсан – маъқулланган, маъқул кўрилган; таҳсинга сазовор

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги тўққиз байтли ғазал мазмуна ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, маъшуқа гўзаллиги мадҳи, унинг ошиқ нигоҳидаги улуғвор камолоти васфига бағишланган.

Матлаъдаёқ бу гўзаллик улуғворлик билан уйғунлашган ҳолда ғазалхон кўз олдида намоён бўлади.

Масиҳодин лабинг афсаҳ, қуёштин оразинг аҳсан,
Қуёшингга фалак ҳайрон, Масиҳингга қуёш маскан.

Лабинг Исо (нафасидан) ҳам фасиҳроқ, чеҳранг эса қуёшдан ҳам гўзал, қуёш(дек юзинг)га фалак ҳайрон, Масиҳ (нафасидек лабинг)га қуёш(дек юзинг маскандир.

Мумтоз адабиётда маъшуқа лабларини Исонинг жон бахш этувчи нафасига тенглаштириш анъана ҳисобланади. Навоий эса бу ўринда муболага санъатидан фойдаланган ҳолда, ёрининг лабларини Исо дамидан ҳам фасиҳроқ деб таърифласа, нурафшон юзларини қуёшдан ҳам нурлироқ деб улуғламоқда. Бу билан ҳам кифояланмай, қуёшдек юзингга фалак ҳам ўзининг миллиард йиллик умрида бу қадар гўзалликни кўрмаганидан ҳайратда

демоқда. Исо Масиҳнинг тириклайин кўкка кўтарилиши ва тўртинчи фалак – қуёш кўкидан ўрин олишига ишора қилиб “Масиҳ каби лабларинг қуёшдек юзингга макон бўлди, бу худди Исо Масиҳнинг қуёш билан бир фалақдан жой олиши кабидир”, дея маъшуқа гўзаллигига ўз ҳайратини изҳор этмоқда.

Байтда Масиҳо ва Масиҳ сўзлари такроридан тақрирнинг радд ул-садр илал ҳашв тури, қуёш сўзи такроридан эса радд-ул ҳашв илал ибтидо тури, қуёшингга ва Масиҳингга сўзлари орқали истиора, Масиҳга мурожаат қилиш орқали эса талмеҳ, афсаҳ, аҳсан, хайрон ва маскан сўзлари воситасида мусажжаъ (ички) қофия, мувозана, тўрт ўринда муболага ва тадриж санъатлари яратилмоқда.

Навбатдаги байтларда ҳам матлаъдаги каби гўзал санъаткорлик, маъшуқа гўзаллигига ҳайрат ва улғуворлигига таҳсин оҳанглари давом этади:

Кўзумда гарди майдонинг, танимда нақди пайконинг,
Анга кўз мардуми хозин, мунга жон кулбаси махзан.

Кўзимда майдонингнинг гарди, танамда эса пайкон(дек киприкларинг) жойлашган, унга кўз қорачиғи ҳазинабон бўлса, бунга жон кулбаси ғазнахонадир.

Маъшуқа шу қадар улғуворки, унга тик қарашга журъат қилмаган ошиқ у оти билан ўтиб кетган майдон чангини кўзларига суртиб, тавоф қилади ва ўзини бу билан беҳад бахтли ҳисоблайди. Бу орада унга назар ташлаган маъшуқанинг пайкондек назари ошиқ танига жо бўлиб улғуради. Ғазалнинг лирик қаҳрамони ҳар икки ҳазина – ёрининг қадамлари теккан майдон гарди ва унинг нигоҳлари тушганидан хурсанд. Нафақат хурсанд, балки, уларни бирига кўзим ҳазинабон бўлса, иккинчисига жоним кулбаси ҳазинахона дея ғурурланади.

Байтда нақди пайконинг, кўз мардуми ва жон кулбаси бирик-малари орқали уч ўринда истиора, кўз сўзи такроридан тарқирнинг радд ул-садр билан ҳашв, тан ва жон сўзлари воситасида таношиб, майдонинг ва пайконинг ҳамда хозин ва махзан сўзлари орқали мусажжаъ (ички) қофия, хозин ва махзан сўзлари воситасида иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Ясармен юз мақолат, ваҳ, бўлур кўргач ани ногаҳ,
Кўзум ҳайрон, таним ларзон, эсим волиҳ, тилим алкан.

Юз мақолларни ясаб, (сўзлашга тайёрланаман, лекин) уни кўргач, ногоҳ кўзим ҳайрон, таним ларзада, эсим оғган ва тилим тутилган ҳолда бўламан.

Навбатдаги байтда маъшуқа гўзаллигидан ҳайратда, салобатидан лол қолган ошиқ изтироблари тадрижий ривожланиш даражасида кўрсатиб берилган. Яъни: ошиқ маъшуқамни кўрсам кўнглимни очаман, дея бир қанча сўзларни садафдек териб, кўнглига жойлаб қўяди. Бироқ уни кўргач, тили калимаган келмай, ўйлаган сўзларининг ҳаммаси хотирасидан фаромуш бўлади. Кўзи ва қалби ҳайратда, танига ларза тушиб, эси оғиш даражасига етади.

Байтда кучли муболага – гулувнинг тўрт ўринда қўлланиши натижасида тадриж санъати ҳосил бўлмоқда. Ҳайрон, ларзон сўзлари орқали мусажжаъ қофия ҳамда тўрт ўринда ташбеҳ санъатларига ҳам муружаат этилмоқда.

Шикебу сабр уйин буздики, рухсоринда кўргузди
Хатидин нур уза зулмат, юзидин ўт аро гулшан.

Рухсоридаги хат нур устидаги зулмат, юзидаги (гўзаллик) ўт орасидаги гулшан бўлиб, кўнглимдаги ором ва сабр уйини бузди.

Навбатдаги байтда яна маъшуқа гўзаллиги мадҳи давом этмоқда. Ёрнинг юзи ошиқ наздида Иброҳим пайғамбар подшоҳ Намруд томонидан отилган олов каби айни пайтда ўт, айни пайтда гулшандир. Лаблари устидаги майин туклар эса нур орасидаги зулматдек кўринмоқда. Маъшуқа жамолидаги бу пародорксал гўзаллик ошиқни ором ва сабрини йўқотиб, ақлини ҳам зое қилмоқда.

Байтда шикебу сабр сўзлари орқали таносиб ва таъдид, сабр уйи бирикмаси орқали истиора, нур ва зулмат сўзлари орқали тазод, ўт ва гулшан сўзлари орқали эса шартли тазод, бузди ва кўргузди сўзлари орқали мусажжаъ (ички) қофия санъатлари яратилмоқда.

Тўқарсен қон кўзунг бирла, берурсен жон сўзунг бирла,
Ажойиб зуфунунисенки, ҳар фан ичра сен якфан.

Кўзинг билан қон тўқасан, (айни пайтда) сўзинг билан жон бахш этасан, (бу ҳунаринг билан) илму ҳунар эгаси бўлган донишманд ва ўз илмингда яғонасан.

Навбатдаги байтда ошиқ шоир маъшуқасига бевосита мурожаат қилмоқда. Бир нигоҳ ташлаб, кўзинг билан қон тўкишга қодирсан, айна пайтда биргина каломинг жон бахш этишга ҳам қодирдир, дея яна ҳайрат изҳор этмоқда. Бу маҳоратинг билан ҳар қандай фан ичида ҳам яғона бўладиган даражада донишмандсан.

Ошиқ гўзаллигидаги, нафақат гўзаллиги, балки, ички нафосатидаги пародоксал ҳолатдан ҳайрат ва унга бўлган ошиқ реакцияси тасвири давом этмоқда.

Байтда тўқарсен қон кўзунг бирла, берурсен жон сўзунг бирла жумлалари орқали тазод, мусажжаъ қофия, зуфунун, фан ва якфан сўзлари воситасида эса иштиқоқ, уч ўринда муболага санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Маломат тоши доғидин ёруди ишратим шамъи,
Ажаб кўкурд ўтидин айладим бу шамъни равшан.

Маломат тошининг доғидан хурсандчилигим шами ёришди, ажабо, кўкурд ўтидан бу шамни равшан қилдим.

Навбатдаги байтда ошиқ ўзининг хароб ҳолини киноя тарзида ижобий ҳолатдагидай баҳолаб, тасвирламоқда. Яъни, ошиқ ўзига отилган маломат тошларидан чакмоқ ясаб, хурсандчилик шами-ни ёқади. Бу ҳолат эса кўкат оловидан шамни равшан қилган каби ишончсиздир. Маъшуқанинг пародаксал гўзаллиги таъсирида ошиқ ҳолати ҳам пародоксал, яъни ишқ орқали келаётган қайғудан қувонч излайдиган бўлиб бормоқда.

Байтда маломат тоши, ишратим шами, кўкурд ўти бирикмалари орқали уч ўринда истиора, шамъ сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-аруз илал ҳашв, ёрумоқ ва равшан сўзлари орқали эса таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Ясарда сунъ меъмори фалак ғамхонасин гўё
Ки, қилди дарду ғам кирмакка ҳар кавкабни бир равзан.

Илоҳий меъмор фалак ғамхонасини ясаётган пайтда ҳар бир юлдузни ғам кириши учун бир туйнук қилди.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий мавзудан лирик чекиниш қилган ҳолда, тақдирнинг инсонга шафқат қилмаслигидан нолимоқда. Бунга поэтик далил тарзида у бу худди Яратганнинг оламини бунёд қилаётган бир пайтда ҳар бир юлдузни дарду ғам кириши учун бир тешик-туйнук каби яратгани сабабли демоқда.

Байтда сунъ меъмори, фалак ғамхонаси бирикмалари орқали истиора, фалак ва кавкаб сўзлари орқали таносиб, дарду ғам сўзлари орқали тансоуб ва таъдид, ғам ва ғамхона сўзлари воситасида иштиқоқ санъатлари юзага келмоқда.

Сен истаб Хизр умри, турфа буким, гунбади хазро
Юзига тун қорасин суртубон айлар санга шеван.

Сен боқий умр тилайсан, лекин қизиғи шундаки, мовий гунбазли (бу фалак) юзига тун қорасини суртиб, сенга нола қилади.

Ўз умрини боқийдай билиб, кайфу сафо қиладиган нодонларга қарата Навоий “сен ўзингга боқий бўлган Хизр умрини тилайсан, лекин умри боқий бўлган ва ҳеч кимга дўстлик қилмаган фалак фақат мовий эмас, қора юзи борлигини ҳам кўрсатиб, сенга тунини намойиш қилмоқда”, - дейди. Яъники бу шодликнинг қайғуси, бу бойликнинг қашшоқлиги, бу ҳаётнинг акси ҳам бор. Ишоралар билан тасвирланган бу пародоксал ҳолат инсон умрининг ўзи пародокс эканлиги ҳақидаги Навоийнинг донишмандона хулосаси бўлса не ажаб?!

Байтда Хизрга мурожаат орқали талмех, хазро ва қора сўзлари воситасида таносиб, сен ва санга сўзлари орқали тақдирнинг радд ус-садр илал ҳашв турига мурожаат этилмоқда.

Навоий, асрабон тамкин, кишидин истама таҳсин,
Чу шаҳ кўргузди истиҳсон, кўруб назмингни мустаҳсан.

Навоий сабр қил, бошқалардан таҳсин истама, (ахир) шоҳ шеърятингни маъқул кўриб, сени олқишламоқда.

Мақтаъда Навоий соф шахсий ҳолат ҳақида сўз юритиб, дўсти ва султониға лутф қилмоқда. Байтда тамкин ва таҳсин, истиҳсон

ва мустаҳсан сўзлари орқали икки ўринда мусажжаъ (ички) қофия, таҳсин, истиҳсон ҳамда мустаҳсан сўзлари воситасида эса иштиқоқ санъатлари вужудга келмоқда.

Негадир бу ғазал менга Мажуннинг Лайли ишқдигаги пародоксал ҳолатини ёдимга келтирди. Ошиқона байтлар, маъшуқа гўзаллиги мадҳи, улуғворлиги ҳайрати тасвирлари билан бошланган ва ошиқ арзи холи ҳам тасвирланган ушбу ғазал олам ва инсон умри ҳақидаги орифона мушоҳидалар билан уйғунлашган ҳолда шахсий ифтихор туйғуси ифодаланган байт билан якунланмоқда. Бироқ ундаги бош ғоя ягона – инсон умри ва ишқининг пародоксал диограмма орқали ривожланишидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин...”

Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин,
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин.

Қазо машшотаси парвоналар жисми кули бирла
Ҳамоноким, ёрутди шамънинг мирёоти рухсорин.

Дегин, Мажнун қора жонининг узган риштасидиндур
Ки, сунъ илги мутарро қилди Лайло зулфи зуннорин.

Магар Фарҳод жонидин сизиб қонидин этти ранг
Қадар сувратгари Ширин лаби лаъли шакарборин.

Тарозу барги гул, ип риштайи жон, тош лаъл этти
Чекарда хозини ҳикмат лабинг ёкути миқдорин.

Қароғларим эмастур, балки топқач кўзга қоқмишмен,
Итардин ваҳм этиб, рахшинг ситомин, балки мисморин.

Аёғинг кирпигимдин оғриған бўлса, ёриб кўксум
Исиқ қонимға қўйким, ул ҳино-ўқ, чексун озорин.

Харобот аҳли уру доғ, дерким, куйдурунг, соқий,
Даво йўқ сирмабон қочмоқдин ўзга шайх дасторин.

Магар бўлди қуюн туфроғ ила ел, май, су бирла ўт,
Ясарда масти саргардон Навоий хилқати зорин.

V --- V --- V --- V ---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Лугат

Азал наққоши – Аллоҳ

Тарҳ – 1) Режа, план, лойиҳа; 2) бино, қурилган иморат

Намудор – 1) Кўринишли, намоён, зоҳир; намуна, мисол;
2) ўхшаш; 3) зийнат, безак; 4) фикр, мулоҳаза

Паргор – церкуль, паргор

Минқор – тумшук, парранда тумшуғи

Қазо машшотаси – тақдир пардозчиси, мажозан тақдир,
қисмат

Миръот – 1) Ойна, кўзгу; 2) софлик, тозалик; 3) кўнғил

Мутарро – тозаланган (ҳаво), мусаффо

Зуннор – 1) Мусулмон мамлакатларида яшовчи ғайридинлар-
нинг белига боғлаб юрадиган чилвир, белбоғ; 2) бут, ўзига сиғин-
тирувчи, торувчи

Шакарбор – шакар ёғдирувчи, ширинсўз

Миқдор – 1) Ўлчов, андоза, даража; 2) вазн; 3) қисм, бўлак

Рахш – юғурик от, тулпор

Ситом – отнинг эгар-жабдуқлари

Мисмор – мих, қозик

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли навбатдаги ғазал мазмунан ошиқона ва орифона туйғулар инъикоси бўлиб, шаклан парокандадир.

***Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин,
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин.***

Азал наққоши бу гул борлиғини барпо этаётганда саргашта булбул тумшуғини паргор қилди.

Нима учун?! Чунки, азалдан ошиқ ва маъшуканинг мавжудияти бир-бирига яқин, ҳатто бир бутун деб қаралади. Момо Ҳаво Одам Атонинг қовурғасидан яралган. Ошиқларнинг руҳи битта бўлиб, икки баданга жойланган ва ҳоказо... шу анъанага мурожаат қилган Навоий гулни яратаётган Азал Наққоши унинг мавжудияти марказини булбулнинг тумшуғи ёрдамида яратди, демоқда. Шунинг учун ошиқлар ўзлари хоҳлаб-хоҳламай, беихтиёр маъшукка қараб талпинадилар. Ва айни пайтда гўзаллик рамзи бўлган маъшуклар ишқ рамзи бўлган ошиққа мантиқан муҳтождирлар.

Байтда Азал наққоши бирикмаси, гул ва булбул сўзлари орқали истиора санъатлари юзага келмоқда.

Қазо машшотаси парвоналар жисми кули бирла
Ҳамоноким, ёрутди шамънинг миръоти рухсорин.

Тақдир пардозчиси парвоналар жисмининг кули билан шамнинг юзи кўзгусини ёритди.

Иккинчи байтда ҳам матлабдаги фикр давом эттирилмоқда. Яъни, ошиқларнинг ҳалокати, аниқроғи ишқ йўлидаги жон фидалиги маъшук жамолининг ортишига, гўзаллиги ва камолотига сабаб бўлади, дейилмоқда. Зеро, ошиқликнинг тараққиёт йўли шундай пародоксларга қурилган.

Байтда қазо машшотаси, шамънинг миръоти рухсори биикмалари орқали икки ўринда истиора, шамъ ва парвона сўзлари воситасида тазод санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Дегин, Мажнун қора жонининг узган риштасидиндур
Ки, сунъ илги мутарро қилди Лайло зулфи зуннорин.

*Мажнун қора жонининг узилган риштасидан Лайлонинг зун-
нор(сифат) зулфи муаттар қилинди.*

Учинчи байтда ҳам юқоридаги байтларда акс этган фикр ривожлантирилмоқда. Фақат бу ўринда Навоий анъанавий образлар – гул ва булбул, шам ва парвона тимсолларига эмас, Шарқ адабиётидаги машҳур ошиқлар – Лайли ва Мажнунга мурожаат қилмоқда.

Байтда талмех, қора жони ва зулфи зуннори бирикмалари орқали икки ўринда истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Магар Фарҳод жонидин сизиб қонидин этти ранг
Қадар сувратгари Ширин лаби лаъли шакарборин.

*Фарҳод жонидан сизиб чиққан қизил ранг билан тақдир мусавви-
ри Шириннинг шакар лабининг суратини чизди.*

Ушбу байтда ҳам юқоридаги фикр энди Фарҳод ва Ширин образлари мисолида ривожлантирилмоқда.

Байтда қадар сувратгари, лаъли шакарбори бирикмалари орқали икки ўринда истиора, Фарҳод ва Ширинга мурожаат қилиш орқали талмех ва муболаға санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Тарозу барги гул, ип риштайи жон, тош лаъл этти
Чекарда хозини ҳикмат лабинг ёқути миқдорин.

*Ҳикмат хазинабони лабинг ёқутининг миқдорини ўлчашда гул
баргидан тарози, жон риштасидан ип, лаълдан эса тарозу тошларини ясади.*

Навбатдаги байтда шоир ўз маъшуқасига мурожаат қилиб, унинг гўзаллиги, қадри бебаҳо эканлигини таъкидлаб, бу фикрнинг поэтик далиллаш учун ўзига хос ташбеҳлардан фойдаланмоқда.

Байтда уч ўринда истифода этилган ташбеҳ санъатидан ташқари, хозини ҳикмат ва лабинг ёқути миқдори бирикмалари орқали истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Қароғларим эмастур, балки топқач кўзга қоқмишмен,
Итардин ваҳм этиб, рахшинг ситомин, балки мисморин.

Кўзимдаги қароқлар эмас, балки тулпорингни кетиб қолишидан қўрқиб, эгар-жабдуқлари, балки мих-қозикларини кўзимга қоқиб қўйганман.

Навбатдаги байтда ошиқ шоир ўзининг жонфидалигини тас-
вирламоқда. У нафақат маъшуканинг ўзини, ҳаттоки отини ҳам
ёнидан узоқлаштиришни хоҳламайди. Шунинг учун маъшуқа
тулпорининг эгар-жабдуқларини кўзига яширган, ҳатто мих-қо-
зикларини ҳам қоқиб қўйибди. Байтда кўзнинг қора ва югурикли-
ги отнинг ранги ва ҳаракатига, кўз ўртасидаги қорачиқ – мардум
эса михга ишора орқали қиёс қилинмоқда.

Бундан ташқари байтда муболағанинг ғулув даражаси ва та-
жоҳили орифона санъатига ҳам мурожаат қилинмоқда.

Аёғинг кирпигимдин оғриган бўлса, ёриб кўксум
Исиқ қонимга қўйким, ул ҳино-ўқ, чексун озорин.

*Оёғинг киприкларимдан оғриган бўлса, кўксимни ёриб, иссиқ қо-
нимни ҳино қилиб қўйки, оғриғи енгиллашсин.*

Маъшуканинг қадри ошиқ олдида шу қадар юқорики, уни кип-
рикларининг устига қўйиб, юришга тайёр. Ўшанда ҳам киприк-
ларим товонига тикандек санчилмадимикин, дея ҳавотирда.
Шунинг учун ҳам у агар шундай бўлса, кўксимни ёриб, иссиқина
қонимни худди ҳина каби боғлаб олсанг, оёқларингнинг оғриғи
қолади, демоқда қадри осмон қадар юқори маъшукасига.

Байтда муболағанинг ғулув даражаси қўлланилмоқда.

Харобот аҳли уру доғ, дерким, куйдурунг, соқий,
Даво йўқ сирмабон қочмоқдин ўзга шайх дасторин.

*Эй соқий, харобот аҳлини куйдирдинг, энди бунга шайх дастори-
ни чирмаб, қочишдан бошиқа даво йўқ.*

Навбатдаги байтда орифона мушоҳидаларга мурожаат қилган
Навоий, соқий, яъни комил устознинг шогирдлари бўлмиш харо-
бот аҳлини ўзининг ўтли, ошиқона сўзлари билан куйдиришига
даво йўқ, демоқда. Фақатгина бир чора бўлиши мумкин. У ҳам
бўлса, ишқсиз, дардсиз шайхнинг ўзидан баттар туйғусизлик рам-

зи бўлган дастор – салласини бошга чирмаб, ошиқлар даргоҳидан кочиб қолишдир.

Байтда муболаға санъати яратимоқда.

Магар бўлди қуюн туфроғ ила ел, май, су бирла ўт,
Ясарда масти саргардон Навоий хилқати зорин.

Маст ва (ишқ йўлида) саргардон Навоий вужудини ясашида тупроқ ва шабада, сув билан олов қуюн тусига кирди.

Одам вужуди тўрт унсур – ҳаво, тупроқ, сув ва оловнинг уйғунлашуvidан яратилган, деган қадим Шарқона ақидага мурожаат қилган Навоий, менинг яралишимда бир жойда тура олмайдиган саргашта саҳро шамоли – қуюн ҳаво ва тупроқ, май эса ўт ва сув вазифасини бажарди. Демакки, яралишимдан ишқ қалбимга кириши шундан, демоқда кучли муболаға билан. Шунинг учун ҳам мен ҳамиша саргашта ва мастман. Шунинг учун ҳам ишқ – умрим мазмуни, висол – ҳаётим тиргаги, ҳижрон эса камолотим сабабидир. Мақтаъдан шундай фикрлар англашилса, не ажаб?!

Байтда икки ўринда ташбеҳ, масти саргардон, хилқати зори бирикмалари орқали эса икки ўринда истиора санъатлари юзага келмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиқ ва маъшуқа бирлиги тасвири билан бошланиб, маъшуқа улуғворлиги, қадри-қиммати таърифи билан давом этган ҳолда, ошиқ жонфидалигини улуғлаб, яқунланган гўзал ишқий-орифона асардир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА


“Рашқдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин...”


Рашқдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин,
Бори итқай соя айвон ичра анинг ёнидин.

Кўксума урмоққа олған тошқа ўқи тегди, лек
Килди кул жисмимни ўтким, секриди пайконидин.

Оташин очилди ичкач боғнинг оқ гуллари
Ашк ила ҳар қатраеким, борди бағрим қонидин.

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски, дур сочилди ер узра кўзум уммонидин.

Дема нолангдин юмулмас кўзларимким, тонг эмас,
Келмаса беморларға уйқу ит афғонидин.

Меҳрнинг эрмас шафақ ичра шуой хатлари,
Ҳажр зулми қон тўкар ҳар шом анинг мужгонидин.

Жон олур лаълим ҳадиси, деб мени қўрқутмағил,
Ким, бу бир сўздурки, айтурсен Навоий жонидин.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Итсун – йўқолсин, кетсин

Сипеҳр – осмон; даҳр, замон, тақдир

Оташин – ўтли, алангали; ўтдай қизил, оловранг, жозибадор

Анжум – юдузлар

Шуой – ботир, юракли, жасур

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли навбатдаги ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, ошиқ изтироблари, рашк ва соғинчлари, маъшуқа жафолари таърифига бағишланади.

Рашкдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин,
Бори итқай соя айвон ичра анинг ёнидин.

Рашкдан “қуёш осмон айвонидан кетсин”, дейман. Бунинг сабаби, айвондаги барча соялар ҳам унинг ёнидан йўқолади.

Ошиқ маъшуқасини ҳатто соядан ҳам рашк қилади. Шунинг учун у осмон (айвон)дан қуёшнинг яширинишини истаиди. Ўшанда ёрнинг атрофидаги соялар ҳам йўқолиб, ошиқнинг кўнгли жойига тушади.

Байтда сипеҳр айвони бирикмаси ёрдамида истиора, айвон сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-аруз илал ҳашв, итсун ва итқай сўзлари орқали иштиқоқ ҳамда байтнинг умумий маъносидан муболаға санъатлари яратилмоқда.

Кўксума урмоққа олган тошқа ўқи тегди, лек
Килди кул жисмимни ўтким, секриди пайконидин.

Кўксимга урмоқчи бўлган тошимга (кипригининг) ўқи тегиб, сакраб кетди, лекин пайконида чикқан ўқи жисмимни кул қилди.

Маъшуқа ошиқ кўксига ўқ отган каби қаҳр билан назар ташлайди. Унинг бу нигоҳи тошга тегади, лекин унинг нигоҳидан чикқан яшин мисолидаги назар ошиқ жисмини ёндириб, кул қилади. Яъни, маъшуқанинг назари бошқага, ҳатто тошга тегишини ҳам ошиқ хоҳламайди, бундан кўра ўзи куйиб кул бўлишга рози.

Байтда муболаға, ўқ ва пайкон ҳамда ўт ва кул сўзлари орқали икки ўринда таносиб, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Оташин очилди ичкач боғнинг оқ гуллари
Ашк ила ҳар қатраеким, борди бағрим қонидин.

Боғнинг оқ гуллари бағрим қони билан суғорилган кўз ёшларимни ичкач, оловранг бўлиб очилди.

Ошиқ маъшуқа ишқининг дардида шу даражага етганки, боғнинг оқ гуллари унинг бағридан оққан каби қонли кўз ёшларининг таъсирида олов рангига кирган.

Байтда оқ ва оташин сўзлари орқали таносиб, муболаға санъатлари қўлланилмоқда.

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски, дур сочилди ер узра кўзум уммонидин.

(Самодаги) юлдузлар эмас, (балки,) ер устига кўзим уммонидан сочилган дурларнинг акси осмон кўзгусига тушиди.

Ошиқ ўз туйғуларини қуйлашнинг кульминациясига чиқди. Яъни, осмондаги юлдузларни ҳам ўз кўз ёшларининг акси дея тасвирламоқда.

Байтда муболағанинг ғулув даражаси, фалак маръоти, кўзум уммони бирикмалари орқали истиора, анжум ва фалак ҳамда ер ва уммон сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Дема нолангдин юмулмас кўзларимким, тонг эмас,
Келмаса беморларга уйқу ит афғонидин.

Нолангдан кўзларим юмилмайди, демаки, итларнинг нолишидан беморларга уйқу келмаслиги ажабланарли эмас.

Навбатдаги байтда шоир ўзининг ноласини ит фиғонига тенглаштириб, маъшуқа кўзларини беморга қиёсламоқда. Нима учун? Бунинг сабаби маъшуқа кўзларининг хуморлигидир. Ёр кўзлари мумтоз адабиётда нарғизга, маст ва хуморга қиёсланади. Шу анъанага мурожаат қилган Навоий ёрига бемор кўзларингга итнинг фиғонидан уйқу келмаслиги ажабланарли эмас, шундай экан, нолангдан ухлолмайман, дема деб маъшуқа сўзларига чиройли далил кўрсатмоқда.

Байтда ҳусни таълил санъатига мурожаат этилмоқда.

Меҳрнинг эрмас шафақ ичра шуой хатлари,
Ҳажр зулми қон тўкар ҳар шом анинг мужгонидин.

Шафақ ичида қуёш эмас, балки ҳар шом ҳижрон зулмидан унинг киприклари қон тўкмоқда.

Навбатдаги маъвиза байтда мавзудан чекинмаган Навоий, фалак қиёфасида рамзлашган тақдир шундай зулмкорки, ҳижрон шомиди қуёшнинг киприклари қон тўқмоқда, дейди.

Байтда меҳр ва шафақ сўзлари орқали таносиб, истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Жон олур лаълим ҳадиси, деб мени қўрқутмагил,
Ким, бу бир сўздурки, айтурсен Навоий жонидин.

Лаъл(дек лабларимдан чиққан) сўзлар жонимни олади, деб мени қўрқитма, бу сўзни (сен) Навоий жонидан олиб, айтмоқдасан.

Маъшуқанинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзи ошиққа қанчалар таъсир қилишининг муболағали тасвиридир ушбу байт. Яъни маъшуқа сўзлар экан, унинг ҳар бир каломи ошиқ жонидан олиб айтилгандай бўлади. Шундай экан, бир сўзим жон олади, дейиш билан мени қўрқитолмайсан, демоқда, шоир маъшуқасига киноя билан.

Байтда жон сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-садр илал ажуз, сўз ва ҳадис сўзлари орқали таносиб ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқага тушган соядан ҳам уни рашк қилувчи, ўз кўксини унинг тошга теккан нигоҳлари билан ёқувчи жонфидо ошиқ изритоблари, айна пайтда ўз ишқидан фахру ифтихори тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Кўрубмен кирпигинг бошитин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин...”
——

Кўрубмен кирпигинг бошитин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин,
Қушедурким, тириглай юлмиш ўлғайлар пару болин.

Экиб тухмини андоқким очилғай бўстонафрўз,
Очар хуноба кўз боғида эксам донайи холин.

Жамолин ваъд агар дебмен, кўп этма, эй араб, хайрат
Юзи айнин кўруб ҳар ён назар қил зулфдин долин.

Танимником, куруптур хомадек нол ўқларингдиндур,
Қалам қилсанг қил, аммо ташлама ҳар ён чекиб нолин.

Бу мажнун қатлин ул тифли парийваш истамас бўлса,
Недин тошлар била қасдимға солди шаҳр атфолин.

Ғамин кўрманг бало тоғида лаъли шавқидин жонни
Ки, ҳар бир тошидин сотмас абад умриға мисқолин.

Чу бўлмас шамъсиз парвонаву гул бирладур булбул,
Фироқ ўртар кўнгулни чун кўрар васл ичра амсолин.

Сабухий жом ила хушмен, нечук хуш бўлмағай улким,
Мунунгдек ахтари фархунда қилғай субҳ анинг фолин.

Жавод илгида пири дайрнинг май заврақин кўрсун,
Бировким, кўрмамиш дарё ичинда жунг тимсолин.

Шаҳ эғнида мурассаъ тугмалиг хилъатқа бермасмен,
Йигочлар бирла оллин теврабон кийган фано шолин.

Навоий, истасанг кўйин, итига ошно бўлғил,
Ялинған янглиғ ул ит ошноға, сен анга ёлин.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
ҳазажи мусаммани солим

Лугат

Ҳол – 1) Ҳол, аҳвол, кайфият; 2) хусусият, маъно; 3) он, вақт, фурсат; 4) ихтиёр, ирода; 5) хуш, ўзга келиш

Пару бол – қанот-қуйруғ, қаноти ва думи
Бўстонафрўз – гултожихўроз
Хуноба – қонли ёш; аччиқ йиғи
Айн – 1) Кўз, дийда; кўз қорачиғи; 2) булоқ, чашма; белги, кўз-гу; 3) манба, сабаб; 4) моҳият, жиҳат
Хома – 1) қалам; 2) ёзув, асар, ижод
Нол – қамиш қалам ичидаги ингичка томир
Тифл – 1) Бола, гўдақ, чақалоқ; 2) ёш; навжавон; бўй етган
Атфол – гўдақлар, ёш болалар
Мисқол – 1) Оғирлик ўлчови, тарози тоши; 2) энг енгил нарсa, арзимаган нарсa
Амсол – 1) ўхшашликлар, монандлар; 2) мисоллар, мақоллар, маталлар, масаллар; далиллар
Сабухий – тонг маҳалида ичиладиган май
Ахтар – 1) юлдуз; 2) тақдир, қисмат; бахт; 3) юз, жамол, чирой, хусн; 4) байроқ, туғ; 5) манзил, макон; шуъла
Фархунда – қутлуғ, бахтли, саодатли
Жавод – сахий, саховатли, қўли очиқ
Пир – 1) кекса киши; 2) устоз, бошлиқ; 3) тасаввуф тариқати-нинг бошлиғи
Заврақ – 1) қайиқ, кема; 2) сурат; 3) ой
Жунг – қайиқ, кема
Мурассаъ – қимматбағо тошлар билан безалган
Хилъат – 1) Уст кийим; ҳашаматли кийим; подшо ва амирлар томонидан мукофот тариқасида берилadиган уст кийим; 2) ёпин-чиқ, сарпо
Йиғоч – 1) дарахт, ёғоч; 2) масофа ўлчови
Оллин – олдини, ҳузурини
Теврабон – санчиб, қадаб
Шол – шол, жундан тўқилган мато, шундай матодан тикилган кийим

Шарҳ ва изоҳлар

Ўн бир байтдан иборат бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, радифсиздир. Унда ошиқнинг маъшуқа жамолдан хайрати, айрилиқдан зада бўлган кўнгил шарҳи акс этган.

Кўрубмен кирпигинг бошитин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин,
Кушедурким, тириглай юлмиш ўлғайлар пару болин.

Кипригинг кўнгилни бошдн-оёқ тешиб ташлабди ва бу ҳолат кушнинг тириклай қанот-қуйруғини юлишга ўхшайди.

Матлаъда ошиқ ўз қалбини маъшуқа киприги жароҳатлаганлигини айтмоқда. Ва бу ҳолатни кушнинг қанот-қуйруғини тириклайин юлишга ўхшатмоқда. Бу ўринда маъшуқа киприклари воситасида унинг ўткир нигоҳи, у ҳақдаги ўй-хаёллар ёки унинг айрилиғи назарда тутилмоқда. Кўнгилни кушга ўхшатиш эса адабиётдаги қадимги истиоралардан саналади. Демак, маъшуқа билан боғлиқ изтиробларнинг ҳаммаси ошиқ қалбини жароҳатламоқда ва бу ҳолат шоир наздида кушнинг пару болини – қанот-қуйруғини юлинишига киёсланмоқда.

Байтда тамсил санъатининг гўзал намунаси яратилганлигини кўрмоқдамиз. Бундан ташқари кўрубмен, кирпигинг, кўнгул сўзлари орқали “к” товуши воситасида тавзеъ – товушдошлик, бошдин-оёқ сўзлари орқали таносиб ва шартли тазод, пару болин сўзлари орқали таносиб ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Экиб тухмини андоқким очилғай бўстонафрўз,
Очар хуноба кўз боғида эксам донайи холин.

Қонли кўз ёши тўкаётган кўз боғида (маъшуқамнинг) дона холини эксам, қонли кўз ёшлари гултожихўроз уруғи экилгани каби очилади.

Оригинал ўхшатишга мурожаат қилаётган Навоий маъшуқанинг жамолини кўзлари орқали қалбига жойламоқчи бўлган ошиқ ҳолатини тасвирламоқда. Унинг дона холини ҳижрондан ёш тўкавериб, гўё қон йиғлаган ошиқ ўз кўзларига экмoқчи. Натижада эса, қизил рангли гултожихўроз униб чиқади ва менинг кўз ёшларимдан, қонли кўнглимдан дарак бериб туради, демоқда.

Байтда тамсил, экиб ва эксам сўзлари орқали таносиб, кўз боғи бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Жамолин ваъд агар дебмен, кўп этма, эй араб, ҳайрат
Юзи айнин кўруб ҳар ён назар қил зулфдин долин.

Жамолини ваъа берилган десам, эй араб, ҳайратланма, юзининг “айн”ини кўр ва сочларининг “дол”ига назар ташла!

Навбатдаги байтда ошиқ муштоқ кутилган ва эришилиши амри маҳол бўлган гўзалликни “ваъда!”демоқда. Бундан ҳайратланган арабга ўз тилида тушунтирмоқда: ахир унинг юзи “~~е~~-айн”дай аниқ ва асл, сочлари эса “~~д~~- дол”дек эгмалиги бу сўзимни тасдиқламаяптими?!

Байтда эй араб сўзи орқали илтифот, юзи “айн”и ва зулфи “дол”и сўзлари воситасида эса китобат санъатлари яратилмоқда.

Танимниким, қуруптурсан хомадек нол ўқларингдиндур,
Қалам қилсанг қил, аммо ташлама ҳар ён чекиб нолин.

Таним қамиш қамиш қалам каби киприкларинг дастидан қуриб қолибди. Уни қалам ҳолига келтирсанг ҳам майли, фақат ичидаги (кўнгил)ни ҳар ёққа ташлама!

Байтда яна маъшуқанингкиприкларига мурожаат қилинмоқда. Гўёки унинг қамишдан ясалган ўқдек, яъни узун ва қалин киприклари ошиқнинг энди фақат юрагини эмас, бутун бошли танасини қуришиб, қамиш ҳолига келтирди. Унинг кўнгил эса қамиш ичидаги ингичка томирдек бўлди. Вужудимни тарашлаб, қалам қилсанг ҳам майли, дейди Навоий, қамишдан қалам тайёрлашга эътибор қаратиб, фақат унинг ичидаги чиқариб ташламасанг бас. Бу ўринда унинг ичидаги дейилганда, кўнгил назарда тутилмоқда.

Гўзал ва оригинал тасвирдаги ушбу байтда нол ўқларинг бирикмаси орқали истиора, хом ва қалам сўзлари орқали таносиб, нол сўз такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз тури ва муболага санъатлари яратилмоқда.

Бу мажнун қатлин ул тифли парийваш истамас бўлса,
Недин тошлар била қасдимға солди шаҳр атфولين.

Мен ошиқнинг қатлини ёшгина севгилим истамаса, нима учун шаҳар болаларини қасдим учун тош отишга тарғиб қилади.

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқани золим, тош қалбли деб баҳоламоқда. У менга бефарққина эмас, ҳатто ўлимимни истай-

ди, демокда аламзада ошиқ. Ва ўз фикрига далил қилиб, маъшуқасининг кўчасида тентираб юрганда, болаларнинг унга тош отганларини мисол қилиб, бунга ҳам севгилим айбдор, у болаларни менга қарши гиж-гижлаяпти, деяпти. Байтда маъшуқа эътиборсизлигидан безор бўлган ошиқ арзи ҳоли муболағавий тарзда аксланмоқда.

Бандан ташқари байтда мажнун ва париваш сўзлари орқали тазод, ва таносиб, тифл ва атфол сўзлари орқали иштиқоқ санъатлари иштирок этмоқда.

Ғамин кўрманг бало тоғида лаъли шавқидин жонни
Ки, ҳар бир тошидин сотмас абад умрига мисқолин.

Лаълдек лабига бўлган интилиш билан бало тоғида ғам-андух чекиб юрган жон унинг тошларини бир мисқолини абадий умрга ҳам сотмайди.

Сабаби ишқдан қанчалар азоб тортса ҳам, озурда жон ўзининг бу ҳолини ғамгинлик эмас, балки айшу фароғат деб билади. Шунинг учун ҳам маъшуқаси дардида бошига ёғаётган бало тоғининг бир тошини ҳам адабий умрга алмашмайди.

Байтда жонни шахслантириш орқали ташхис, бало тоғи, абад умри, лаъли шавқи бирикмалари орқали уч ўринда истиора, тоғ ва тош сўзлари орқали таносиб ҳамда муболағанинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат этилмоқда.

Чу бўлмас шамъсиз парвонаву гул бирладур булбул,
Фироқ ўртар кўнгулни чун кўрар васл ичра амсолин.

Шамсиз парвона бўлмайди, булбул ҳам гул биландир. Васл тўғрисидаги бу мисолларни кўрар экан, кўнгилни фироқ ўти баттар ўртайди.

Парвона билан шам висол оғушида ёнмоқда, булбул ҳам гул ёнида шодлик ичида. Фақат ғазалимизнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ айрилиқда. Маъшуқанинг эътиборсизлиги ва ҳижрон азобига чидолмаган ошиқ ҳамма жойда висол ҳукмронлигида, фақат у ҳижронда эканлигидан қаттиқ изтиробда қоляпти.

Байтда шам ва парвона, гул ва булбул сўзлари орқали икки ўринда таносиб, кўнгилни шахслантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилмоқда.

Сабуҳий жом ила хушмен, нечук хуш бўлмағай улким,
Мунунгдек ахтари фархунда қилғай субҳ анинг фолин.

Тонгги май билан хурсандман. Нима учун хурсанд бўлмай, ахир, тонг менинг фолимни бахт юлдузи билан вобаста қилди-ку?!

Навбатдаги байтда кўтаринки кайфият ҳукмрон. Бунинг сабаби, ҳижрондан алам чеккан, маъшуқа эътиборсизлигидан қон ютган ошиқ тонгда майхонага борди. Тонгги шароб – сабуҳийни ичгани заҳоти кайфияти ҳам, унга монанд ғазалдаги руҳият ҳам ўзгарди. Яъни, ошиқ сабуҳий қадаҳ – тонг шаробини бахт юлдузига етиш хабари деб қабул қилди.

Байтда субҳ ва сабуҳий сўзлари орқали иштиқоқ, сабуҳий жом ва ахтари фархунда бирикмалари орқали икки ўринда истиора, хуш сўзи такроридан тақрир, тонгги жанлантириш орқали эса ташхис санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Жавод илгида пири дайрнинг май завракин кўрсун,
Бировким, кўрмамиш дарё ичинда жунг тимсолин.

Дарё ичидаги қайикни ким кўрмаса, навқирон кимсанинг қўлида майхона пирининг май солинган кемача шаклидаги қадаҳини бир кўрсин!

Навбатдаги байтни лирик чекиниш байти дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин. Бунинг сабаби, сўз майхона хусусида давом этмоқда. Лекин шоир ишқий мавзудан чекиниб, орифона-ижтимоий мавзуга қараб кетмоқда. Яъни, дарё ва ундаги кемани кўрамаган одам, дарёдек қўли очик кимсанинг қўлидаги қайикча шаклидаги қадаҳни кўрсин.

Байтнинг ботиний – орифона маъноси эса қуйидагича: дарёда қайикни кўрмаганлар олийҳиммат кишининг ориф инсон қўлидан олган маърифат қадаҳи билан бир кўрсин. Шунда унинг ҳиммати яна-да жўш уриб, ўзи дарёга, қўлидаги қайик шаклидаги қадаҳ эса дарё қайиғига ўхшайди.

Байтда май заврақи бирикмаси орқали истиора, заврақ ва жунг сўзлари воситасида таносиб, тамсил ва муболаға санъатларига мурожаат қилинган.

Шаҳ эғнида мурассаъ тугмалиг хилъатқа бермасмен,
Йиғочлар бирла оллин теврабон кийган фано шолин.

Чўплар билан олди амаллаб ёпилган йўқлик жандасини шоҳ эғнидаги қимматбаҳо тошлар тугмадек қадалган тўнга алмашмайман!

Чунки бу йўқлик шолида асли камолот белгиси бор. Сабаби, тасаввуфда йўқликка етган, ўзини йўқ деб ҳисоблаган киши асли камолотга етишган, Аллоҳнинг борлиғига сингиб кетган ҳисобланади. Ушбу маъвиза байтда Навоий бундай мартабани шоҳ эғнидаги қимматбаҳо тошлар билан зеб берилган чопонга, демакки мартабаю лавозимга алмашмаслигини таъкидламоқда.

Байтда мурассаъ хилъат ва фано шоли бирикмалари орқали шартли тазод, фано шоли бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Навоий, истасанг кўйин, итига ошно бўлғил,
Ялинған янглиғ ул ит ошноға, сен анга ёлин.

Эй Навоий унинг кўчасини истасанг, итларига яқин бўл. Итлар танишга ялинганидай. Сен ҳам уларга ялин!

Мақтаъда, одатдагидек, мавзуга қайтган Навоий, ўз лирик қаҳрамони бўлган ошиққа мурожаат қилиб, уни муҳаббат йўлидан қайтмасликка, бу йўлда ҳар қандай ҳокисорликка, хорликка чидашга даъват қилмоқда. Демак, ғазал ботиний маъносида сўз илоҳий муҳаббат тўғрисида кетмқда.

Байтда муболаға, ошно сўзи такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, ялин ва ёлин сўзлари орқали тансоуб, ялинған, янглиғ ва ёлин сўзлари орқали эса “й” товуши такроридан товушдошлик – тавзеъ санъатлари қўлланилмоқда.

Умуман олганда, ғазал мажозий муҳаббат воситасида илоҳий ишққа интилган кўнғилнинг гоҳ тушкун, гоҳ кўратинки ҳолатдаги шарҳи ҳоли тасвирига бағишланган ихчам асардир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин...”



Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин,
Ясанг қабрим уза миле, бўянг гулранг қонимдин.

Кўруб тумордек чирманмоғим ҳажрида раҳм этмас
Ки, гофилдур ичимда ҳар тараф доғи ниҳонимдин.

Қуруқ тандинки, қилдинг шарҳа-шарҳа, нола тортормен,
Не тонг важд ўлса элга дам-бадам найдек фиғонимдин.

Алифсиз жон кеби йўқ ул парийдин ўзга мавжуде,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин.

Кўрунуб зулфининг тори, кўрунмас заъфдин жисмим
Нединким ул тавонороқдурур бу нотавонимдин.

Кўнгул кўз ўту сайлидин келиб ҳолим кўра олмас,
Малойик равзанимдин, бал халойиқ остонимдин.

Эрур қотилдин этмак орзу жонбахшлиқ расми,
Умиди меҳрибонлиғ боғламоқ номеҳрибонимдин.

Мени уйқуға солмиш даҳр боғининг насими, ваҳ,
Не гул тергаймен ушбу тушта кўрган бўстонимдин.

Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Луғат

Мил – мил, масофа узунлиги

Нихон – ниҳон, махфий

Шарҳа-шарҳа – парча-парча, тилим-тилим

Важд – муҳаббат, севги, хурсандлик, ҳаяжон, завқу шавқ

Ҳазин – ғамгин, хафа, қайғули

Хаданг – 1) ўқ, камон ўқи; 2) найза;

Заъф – Қувватсизлик, ҳолсизлик, халсалик, заифлик

Тавоно – қувватли, иқтидорли, бардам, соғлом

Сайл – 1) сел, каттиқ ёғин; 2) кучли сув оқими, тўлқин

Малойик – фаришталар, малаклар

Даҳр – 1) Замон, давр; дунё, олам; 2) замона; 3) ер юзи; 4) ҳаёт

Мақсуд – 1) қасд қилинган нарса, ният қилинган нарса; мақсад, истак, мурод, орзу; 2) шахс исми

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий тўққиз байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг ҳижрон ва айрилиқдаги оҳу зорлари маъшуқа гўзаллиги таъсири орқали тасвирланган.

Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин,
Ясанг қабрим уза миле, бўянг гулранг қонимдин.

Лола ранг либос кийган сарви равондек ёрим(нинг дастидан) шаҳид бўлсам, қабрим устида мил(дек туғ) ясанг ва уни гулрангли қоним билан бўяб қўйинг.

Лола рангли либос кийган гўзални кўриб, ёки уни кўролмай ҳижронда юрган ошиқ ўлимига ҳам рози. Бироқ агар ўлса ҳам унинг ишқи унутилмаслиги учун қабр устида маъшуқа қаддини эслатадиган милдек туғ ясашни ва унга севикли либоси рангини эслатувчи ошиқ қонидан суртишни срамоқда. Байтда қабрлар устига мил яшаш ва уларга от ёлидан туғ боғлаб қўйишдек қадим

туркийлар анъанасига ҳам мурожаат этилмоқда. Умуман олганда ушбу тасвирлар ошиқ садоқатининг муболағали тасвиридир.

Байтда ундан ташқари мувозана, лолагун, гулранг сўзлари орқали таносиб, либоси, лолагун, қабрим ва бўянг сўзлари орқали “б” товуши тақроридан тавзеъ санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Кўруб тумордек чирманмоғим ҳажрида раҳм этмас
Ки, ғофилдур ичимда ҳар тараф доғи ниҳонимдин.

Ҳажрида тумордек чирманганимни кўриб, раҳм қилмайди, чунки ичимдаги пинҳон доғларимдан беҳабар.

Матлаъда айтилган охи ҳасрат сабаби кейинги байтларда аён бўлмоқда. Маъшуқа ошиқ дардидан хабарсиз. Шунинг учун унга раҳм қилиш ҳаёлига келмайди. Бундан озурда ошиқ ҳижронида тумордек ўраниб, чирманганимга раҳм қилмайди, демоқда алам билан.

Байтда тумордек сўзи орқали ташбеҳ ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Куруқ тандинки, қилдинг шарҳа-шарҳа, нола тортормен,
Не тонг ваяд ўлса элга дам-бадам найдек фиғонимдин.

Куруқ танимни парча-парча қилдинг, мен эса нола тортмоқданман. Шундай экан, найдек фиғонимдан эл қалбида ҳаяжон ва сурур пайдо бўлса, ажаб эмас!

Навбатдаги байтда ошиқнинг най каби нола тортиши ва унинг сабаби тасвирланмоқда. Яъни: ошиқ вужуди қуриган қамиш каби парчаланди, ҳар жойидан тешилди ва худди най ҳолига келди. Шунинг учун у най каби нола қилмоқда ва бу нолани эшитган эл кўнглида худди най навосини эшитгандек, ҳаяжон, ғавғо, тўпалон бошланмоқда. Бир сўз билан айтганда, байтда ошиқ ҳолининг маъшуқа жабри ва эътиборсизлигидан пайдо бўладиган изтироблари муболағавий тарзда баён қилинмоқда.

Байтда шарҳа-шарҳа ва даб-бадам сўзлари орқали мукаррар, нола ва фиғон сўзлари орқали таносиб, найдек сўзи воситасида ташбеҳ, муболағанинг кучли даражаси – гулув каби шеърӣ санъатларга мурожаат қилинмоқда.

Алифсиз жон кеби йўқ ул парийдин ўзга мавжуде,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин.

Ҳазин жонимда ҳижрон найзаси чиқиб кетганидан бери
“алиф”сиз жон каби у гўзалдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Айрилиқ ошиқ вужидига бир найза каби кириб, азобламоқда
эди. У чиқиб кетди, яъни маъшуқа висоли ҳосил бўлди. Бу ҳолатда
ошиқ қалбида маъшуқадан бошқа борлиқ, мавжудлик қолмади.
ёки маъшуқа киприги ошиқ жони орасида эса, у чиқиб кетгач, ву-
жуд “алиф” – “۱” сиз “жон” – “جان” сўзи каби маъносиз ва паришон
аҳволга келди.

Байтда алифсиз жон бирикмаси орқали ташбеҳ, жон сўзининг
такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв ҳамда радд ул-
ҳашв илал ажуз тури, ҳазин жоним, ҳижрон хаданги, жон, мав-
жуде, жоним сўзларидаги “ж” товуши иштирокида тавзеъ, жонни
шахслантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилмоқда.

Кўрунуб зулфининг тори, кўрунмас заъфдин жисмим
Нединким ул тавонороқдур бу нотавонимдин.

Сочининг тори кўринади, лекин ҳасталиқдан жисмим кўрин-
майди. Демак, менинг бу нотавон жисмимдан унинг сочининг то-
ласи қувватлироқдир.

Навбатдаги байтда ошиқ ўз ҳолатининг, жисмининг ҳижрон ва
ёр жафосидан озурда ва нотавон аҳволга ташганлигини ҳасрат-ла
тасвирлаш билан бирга маъшуқа сочларининг толасини ҳам мадҳ
этмоқда.

Байтда тавоно ва нотавон сўзлари орқали тазод ва иштиқоқ,
зулфининг тори ва жисмим сўзлари орқали шартли тазод ҳамда
муболағанинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат этилмоқда.

Кўнгул кўз ўту сайлидин келиб ҳолим кўра олмас,
Малойиқ равзанимдин, бал халойиқ остонимдин.

Кўнгим олови ва кўзим ёши селидан ҳеч ким – фаришталар
қалбимга ва одамлар ҳузуримга келиб, мендан хабар олишолмай-
ди.

Ошиқ ишқ изтиробларидан шу ҳолга тушдики, қалбида мут-
тасил олов ёниб, кўзларидан сел каби кўз ёшлари оқиб туради.
Буни кўрган одамлар селнинг кучига дош бера олмай, унинг хо-
надонига кира олишмайди; қалбидаги оловга бардош беролмаган
фаришталар ҳам унинг кўнглига кириб, уни кўриб, бечора ошиққа
ёрдам бера олмайдилар. Хуллас, байтда ошиқ ҳолининг ночорли-
ги муболағавий тарзда бўрттирилиб кўрсатилган.

Байтда кўнгил ўти, кўз сели бирикмалари орқали икки ўрин-
да муболаға, маойик ва халойиқ сўзлари орқали шартли тазод ва
юқорида таъкидланганидек, муболағанинг учинчи даражаси – ғу-
лувга мурожаат этилмоқда.

Эрур қотилдин этмак орзу жонбахшлиқ расми,
Умиди меҳрибонлиғ боғламоқ номехрибонимдин.

Менинг у номехрибон (ғўзал)имдан меҳрибонлик кутиш қо-
тилдан жон бахш этишини орзу қилиш билан баробардир.

Навбатдаги байтда ошиқ ўз маъшуқасини қаҳри қаттиқ экан-
лигидан шикоят қилмоқда. Бироқ шундай бўлса ҳам, ошиқ мана
шу маъшуқасига жон фидо қиладиган даражада содиқ.

Байтда қотил сўзи ва жон бахшлик бирикмалари орқали та-
зод, меҳрибон ва номехрибон сўзлари орқали иштиқоқ, орзу ва
умид сўзлари воситасида эса таносиб санъатларидан фойдала-
нилмоқда.

Мени уйқуға солмиш даҳр боғининг насими, ваҳ,
Не гул тергаймен ушбу тушта кўрган бўстонимдин.

Бу дунё боғининг шабадаси мени уйқуға солди, шундай экан
бу боғ гулларини қандай қилиб уйқуда тера оламан.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий дунёга эътиборсизлигини
поэтик далилламоқда. Яъни, мен бу дунёни тушимда кўрдим, деб
уйлайман. Шунинг учун ундан гул тера олмайман, яъни дунё лаз-
затларидан баҳраманд бўлмайман. Лекин мени ухатган ҳам дунё
боғидан эсган шабада, яъни мен дунёдан уни кўра-била воз кеч-
дим, демоқда. Ушбу байт шоир дунёқараши, эътиқоди акс эттир-
гани билан ҳам аҳамиятлидир.

Байтда даҳр боғи бирикмаси орқали истиора, боғ, гул ва бўстон ҳамда уйқу ва туш сўзлари воситасида икки ўринда таносиб санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.

Мендан, нафақат мендан, балки менинг бир белгимдан ҳам нишон излаб, топа олмаган кунинг мен аниқ мақсадимдан нишон топаман!

Мақтаъда Навоий маъвиза байтдаги фикрни ва айна пайтда, ғазалдаги умуммулоҳазани якунламоқда. Яъни мен йўқликка эришсам, мендан нишон қолмасагина, ҳақиқий мақсадимдан нишон топаман. Яъни шундагина ҳақиқий маҳбубам бўлмиш Аллоҳ васлига етишаман, нафсоний оламда йўқ бўлсамгина, Илоҳий борлиқда асл ўзилигимни топаман, демоқда улуғ шоир.

Байтда нишон сўзи орқали тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв ва радд ул-ҳашв илал ажуз турлари, топмишмен ва топмасанг сўзлари орқали иштиқоқ, муболаға санъатлари қўлланилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал мажозий муҳаббат орқали илоҳий маъшук дийдорини излаган ва уни йўқлик аро уни топмоқчи бўлган ориф ошиқнинг қалб изтироблари, қувонч ва аламлари тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Соғинманг соя ғам шоми малул эрмас фиғонимдин...”

Соғинманг соя ғам шоми малул эрмас фиғонимдин,
Босиб ўлтурмасам, юз қатла қочқай эрди ёнимдин.

Учуқ захми лабингда билгурур-билгурмасун кўрдег
Нишона кимки истар жон аро доғи ниҳонимдин.

Балийят шоҳиди гулгуна қилса бас муносибдур
Момуғларким, яра оғзида гулгун бўлди қонимдин.

Ичимда баски, тўлди новакинг ҳар ён алиф эрмас
Ки, раглардек ўқунг билгурди жисми нотавазимдин.

Кўз ичра уйқу хайли гар кира олмас, ажаб эрмас
Ки, холий турфат-ул-айне эмас ашки равонимдин.

Дема ровий эрур Фарҳоду Мажнун қиссаси муҳлик
Ани алқисса бир долу алиф бил достонимдин.

Юзумни, эй баҳори ҳусн, қон ёш ичра кўргулким,
Юзунг шавқида не гуллар зухур этти хазонимдин.

Улус таклифидин кўп хаста қилдим жонни, ваҳ эмди,
Яқиндур ўлгамен, баским, хижилмен хаста жонимдин.

Навоий, вақтни тоатқа ё ишратқа сарф этким,
Соғинсам ўртанурмен тийра ўтқарган замонимдин.

V — — — V — — — V — — — V — — —
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Луғат

Малул – ранжиган, ғамгин, хафа, жафо чеккан

Балият – бало, ранж, озор, машаққат, қийинчилик, азоб, қай-
ғу, мусибат, кулфат

Гулгуна – 1) упа-элик, зийнат; 2) қизил, қип-қизил

Новак – 1) ўқ, камон ўқи; 2) киприк

Раг – томир, пай, қон томирлари

Хайл – 1) Тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа, аҳли аёл

Таҳфат ул-айн – бир кўз очиб юмгунчалик вақт

Ашк – 1) кўз ёши; 2) нур қатралари; 3) кўз

Равон – 1) силлик, бир текисда; 2) кўз ёши оқиши; 3) қимматли, баҳоли; 4) дарҳол, тез, дарров; 5) боғлиқ, қатор

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

Зухур – кўриниш, пайдо бўлиш

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий тўққиз байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда ва радифсиз бўлиб, ишқ изтироблари ва айрилиқ заҳматларига бағишланган.

Соғинманг соя ғам шоми малул эрмас фиғонимдин,
Босиб ўлтурмасам, юз қатла қочқай эрди ёнимдин.

Ғам шомида соя фиғонимдан ғамгин эмас эди, деб ўйламанг, босиб ўтирмасам, у ҳам ёнимдан юз марталаб қочиб кетарди.

Маълумки, шом пайтида одам сояси бўлмайди. Мана шу ҳодисага поэтик изоҳ берган Навоий матлаъда “ғам шомида соя ҳам менинг фиғон чекишимдан малолланади, шунинг учун босиб ўтирмасам эди, юз марталабдан қочиб кетади” демоқда.

Байтда сояни жонлантириш орқали ташхис, ғам шоми бирикмаси орқали истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Учуқ захми лабингда билгурур-билгурмасун кўрдег
Нишона кимки истар жон аро доғи ниҳонимдин.

Лабинг устидаги учуқнинг билинар-билинмаслигини кўрган одам жон аро яширин бўлган доғимнинг қандайлиги билаверсин.

Ошиқ ўз жонидаги ҳолатни маъшуқа лабига қиёс қилмоқда. Бунинг сабаби бор. Маъшуқа лабидан чиққан бир оғиз сўз билан ошиғининг ўлган жасадига жон киритишга қодир. Ундаги били-

нар-билинмас учун эса ошиқ қалбига пинҳон доғ қўйиши ҳам мумкин.

Байтда билгурур-билгурмасун сўзлари орқали таносиб, доғи ниҳон бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатларига му-рожаат қилинмоқда.

Балийят шоҳиди гулгуна қилса бас муносибдур
Момуғларким, яра оғзида гулгун бўлди қонимдин.

Ярам устига босганимдан, гулгун рангга кирган пахталарни балолар шоҳида ўзига упа-элик қилиб олса, арзийди.

Навбатдаги байтда ошиқ қалбидаги изтироблар, аламлар кучайтирилган ҳолда поэтик тасвирланмоқда. Яъни, ишқ азобларидан аламзада бўлган ошиқнинг қалбидаги пинҳон доғлар яра ҳолига келган. Уларнинг устига босилган пахталарни барчага бало юборовчи балолар шоҳиди ўзига зеб қилса, арзийди. Яъни, менинг қалбимдаги изтироб изтиробларнинг аълосидир, дейди шоир лирик қаҳрамони номидан ўз ишқидан гурур ва ифтихор сезиб.

Байтда балият шоҳиди бирикмаси орқали истиора, гулгуна ва гулгун сўзлари орқали иштиқоқ, тамсил ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ичимда баски, тўлди новакинг ҳар ён алиф эрмас
Ки, рағлардек ўқунг билгурди жисми нотавонимдин.

Ичимга киприкларинг шу қадар тўлиб кетдики, худди нотавон жисмимдаги томирлар эмас, ўқларинг кабидир.

Маъшуқа киприклари мисолида унинг жон олувчи ўткир нигоҳларини назарда тутган шоир, бу киприклар (яъни нигоҳлар) “нотавон” сўзидаги “алиф” ҳарфидек нотавон жисмим орасида жойлашиб олган, демоқда.

Байтда новакинг, ўқинг сўзлари орқали икки ўринда истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Кўз ичра уйку хайли гар кира олмас, ажаб эрмас
Ки, холий турфат-ул-айне эмас ашки равонимдин.

Кўзим ичига уйқу кира олмаслиги ажабланарли эмас. Чунки у кўз очиб юмгунча муддатда ҳам кўз ёшларимдан холи эмас.

Ошиқ маъшукани ўйлаб, ухлай олмаслиги табиий ҳол. Шу ҳолатга Навоий кўзим бир лаҳза кўз ёшларидан холи эмаслиги, яъни тинмай йиғлаётганлигим туфайли унга уйқу аҳли кира олмаяпти, дея ўз фикрини поэтик далилламоқда.

Байтда кўз ва уйқу ҳамда кўз ва ашк сўzlари орқали икки ўринда таносиб, уйқу хайли ва ашки равон бирикмалари орқали истиора, муболаға санъатларига мурожаат қилинмоқда.

Дема ровий эрур Фарҳоду Мажнун қиссаси муҳлик
Ани алқисса бир долу алиф бил достонимдин.

Эй ровий, Фарҳоду Мажнун қиссасини ҳалокатли демаки, бу қиссалар менинг ишқим достонидан бир “дол” ва “алиф” ҳарфлари кабидир.

Эй орасида машҳур бўлган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” қиссаларининг аламли ишқ достонлари эканлиги ҳозирги ўқувчига ҳам маълум. Бироқ ўз ишқи достони олдида бу ошиқларнинг фожеаси бир ҳарф “дол” – “د” ва “алиф” – “ا” каби эканлигини айтган шоирнинг ишқ аламлари даҳшатини тсаввур қилаверинг!

Байтда Фарҳод ва Мажнунга мурожаат қилиш орқали талмех, китобат ва муболағанинг ғулув даражаларидан фойдаланилмоқда.

Юзумни, эй баҳори ҳусн, қон ёш ичра кўргулким,
Юзунг шавқида не гуллар зухур этти хазонимдин.

Эй ҳусни баҳор (бўлган ёрим) юзимни қонли ёш ичида кўр ва юзинг иштиёқида менинг хазонимдан қандай гуллар пайдо бўлганлигини билиб ол!

Навбатдаги байтда ошиқ ҳижронда сарғайиб кетган юзларини хазон ва кўзларидаги қонли ёшларни қизил гуллар деб атамоқда. Ҳамда маъшуқага мурожаат этиб, юзимдаги кўз ёшларимни, яъни хазон устидаги қизил гулларимни кўр, демоқда.

Байтда эй баҳори хусн бирикмаси орқали истиора, юзум, қон ёш ҳамда хазон ва гуллар сўзлари орқали лафф ва нашр, юзунг ва юзумни сўзлари орқали тақрирнинг радд ул-садр илал ибтидо ва албатта, муболаға санъатлари иштирок этмоқда.

Улус тақлифидин кўп хаста қилдим жонни, ваҳ эмди,
Яқиндур ўлгамен, баским, хижилмен хаста жонимдин.

Одамлар гап-сўзи билан жонни ҳам хаста қилдим, энди ҳалоким яқин, шу ҳолда ҳам хаста жонимдан ҳижолатдаман.

Навбатдаги байтда ошиқ одамларнинг панд-насиҳатлари билан жонини қийнагани учун ҳалокати яқинлигини англамоқда. Шу ҳолда ҳам бошқалардан эмас, хаста жонидан ҳижолатда.

Байтда хаста сўзи воситасида тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв, жон сўзи орқали эса радд ул-ҳашв илал ажуз турлари, муболаганинг игроқ даражаси, жонни шахслантириш орқали таъхис санъатлари яратилмоқда.

Навоий, вақтни тоатқа ё ишратқа сарф этким,
Соғинсам ўртанурмен тийра ўтқарган замонимдин.

Эй Навоий, вақтингни тоатга ва ёки ҳурсандчиликка бахш эт, хафагарчилик билан ўтган ҳар бир дақиқани эсласам, ёниб кетмоқдаман.

Мақтаъда Навоий бир лаҳза вақтни ҳам бекор ўтказмасликни айтиб, ғазалхонига насиҳат бермоқда. Мен қайғуда ўтган ҳар бир лаҳзани ўйласам, хижолатдан ёнаман. Шундай экан, вақтни ё тоат-ибодат ва ёки ҳурсандчилик билан ўтказ. Қолгани бари беҳуда.


Байтда вақт ва замон сўзлари орқали таносиб санъатига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазалда шоир замондошларига, маъшуқасига, дўстига, ниҳоят, мақтаъда ғазалхонига мурожаат қилса-да, уни ягона мавзу ишқ изтироблари бағридаги ошиқ нолалари бирлаштириб турибди.

Мундарижа

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ	3
“Шикеб уйин бузадур бенаво кўнгул, нетайин...”	8
“Не тонг, сариғ юзумда ачки рангин...”	12
“Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон...”	17
“Ишқ аро менмен даме бемеҳнату ғам бўлмаган...”	23
“Хуршид тулуъ етса, қуёшинг соғинурмен...”	28
“Ҳар хазон барги ерур зореки даҳр озоридин...”	32
“Ҳар хазон барги ерур зореки даҳр озоридин...”	39
“Шавқдин ашк ичра ғарқ ўлуб, дей олмасмен ғамин...” ..	45
“Мени бедил санга жон ўйнамоқ бирла ярайдурмен...” ..	50
“Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нишидин...” ..	54
“Англаман судек юзунгмудур кўрунган кўзгудин...”	58
“Яна не қад жилва қилдиким, демакдин лолмен...”	63
“Ваҳки, мендин айру юз жон, йўқса жононму экин...”	67
“Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин...”	72
“Юзунг ўтиға тутун зулфи муанбарму экин...”	76
“Улки ҳар тун уйғаниб, ёнида кўрмас ҳамдамин...”	80
“Порсо ёрим соғинмас масжиду сажжодадин...”	85
“Чиқарғач ул маҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин...”	89
“Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин...”	95
“Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен...”	100
“Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин...”	105
“Кўнглум уйин ҳар нечаким, истасанг ғам топқасен...”	110
“Юз бало ҳижрон топар ҳар дам бу маҳзун жон учун...” ..	114
“Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун...”	118

“Сенсизин, эй умр, бир соат манга жон бўлмасун...”	122
“Васлингга етибон соғинурмен хаёл экин...”	127
“Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен...”	131
“Ўлгумдурур чу фурқат ила иштиёқдин...”	135
“Номаси кўйнумда баским, изтироб айлар кўнгул...”	140
“Ғамингда ҳар кеча, эй гулўзор, йиғлармен...”	144
“Лоланинг ғунчасидек кўнглум ўлуптур тўла қон...”	148
“Сафҳайи ҳуснунгда жонбахш ирининг...”	153
“Фалак ситезасидин бўлма, соқие, маҳзун...”	157
“Ғам елидин, ё раб, ул гулга ғуборе бўлмасун...”	162
“Эйким нафасе ғойиб эмассен назаримдин...”	166
“Не тиригмен, не улуг, не соғ, не бемормен...”	171
“Сарвеки нолишим бийик ўлди ҳавосидин...”	176
“Дўстлар, бир чора мен девонайи шайдо учун...”	180
“Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен...”	184
“Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен...”	189
“Ёридин ҳеч ким менингдек зор-у маҳжур ўлмасун...” ...	193
“Ноумиде мен киби борму екин жононидин...”	196
“Ноумиде мен кеби борму экин жононидин...”	199
“Ёр пайғоми не осиг ўзгалар таҳриридин...”	205
“Келки, васлингдин ҳазин жонимни хурсанд айлайин...”	209
“Масиҳодин лабинг афсах, қуёштин оразинг аҳсан...”	213
“Азал наққоши тарҳ айларда гул барги намудорин...”	220
“Рашқдин дерменки меҳр итсун сипеҳр айвонидин...” ...	225
“Кўрубмен кирпичинг бошитин-аёғ тешкан кўнгул ҳолин...”	229
“Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин...”	237
“Соғинманг соя ғам шоми малул эрмас ғиғонимдин...”	242



Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

8 ЖИЛД

Монография

Муҳаррир С. Абдунабиева

Бадиий муҳаррир А.Набиев

Компютерда саҳифаловчи У.Рахматов

Нашр. лиц. АА №0038.

“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди.

“PT Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.

Адади 40 дона. 16-буюртма.

“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти.

100000, Тошкент, Қуйлуқ даҳаси, 5.

ISBN978-9943-6858-8-8



9 789943 685888